- кичик бизнес субъектлари таъсисчилари ва ишчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Хусусан, таъсисчиларга тўланадиган улушлар ҳажмини ошириб бориш, шунингдек, корхона ишчиларига бериладиган иш ҳақидан ташқари уларга моддий ёрдам бериш, саломатликларни тиклаш ва бошқа шу каби ижтимоий-иқтисодий фаолиятларни жорий этиш лозим.

Хулоса қиладиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида стратегик бошқаришни такомиллаштириш кўпқирралари жараён бўлиб, уларни такомиллаштириш орқали самарадорлигини ошириш имкониятларидан кенгроқ фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Архипова В.М. Проектирование производственного потенциала объединения (теоритеческие аспекты) –Лен.: ЛГУ, 1984.

2. Уотермен Р. Фактор обновления: сохраняют конкуретаспособность лучшие компании. –М.: Прогресс, 1988.

3. Финансы. Под ред. проф. В.М.Родионовой. Учебник. –М.: 1992. –С. 115.

4. Юсупов Ю.Б. Становление и развитие экономической науки. История экономической мысли древнейших времен до конца 80-х гг. XX века. –Т.: 1997, С. 47.

I ШЎЪБА. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ: ЖОРИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Хошимов Э.А. *– ОБМ Магистратура дастурларини амалга ошириш бўлими бошлиғи, и.ф.н., доц.,*
Муратаев М.М.*-ОБМтингловчиси*

КОРПОРАТИВ ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Корпоратив ижтимоий масъулият акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш йўналиши сифатида кенг кўламли амалий ишларни тадбиқ этишда омил хисобланади. Корпоратив ижтимоий масъулиятли акциядорлик жамияти сифатида шаклланиш учун ижтимоий, иқтисодий ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш мезонларига тўлиқ жавоб бериш даркор. Корпоратив ижтимоий масъулиятни амалга тадбиқ этиш орқали кўпгина амалий ютуқларга, инсонлар ва инвесторлар ишончига эришиш мумкин. Корпоратив ижтимоий масъулият тушунчаси XX-асрнинг 60-йиллари атрофида жаҳон ҳамжамиятида қўлланила бошланган, бу тушунча Канада ва АҚШда фаолият кўрсатаётган корхоналарда фаол қўлланила бошланган. Ўша пайтда, у фақат ходимлар учун иш берувчиларнинг ташвиши, шунингдек, маҳаллий ҳукуматга ёрдам сифатида қаралган. Атроф-муҳит шароитлари ҳақида халқ ва хукумат ташвишга туша бошлагач, ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган корхоналардан чиқаётган чиқинди ва зарарли моддалар, ахоли саломатлиги ва атроф муҳитни ифлосланишига олиб кела бошлади. Ғарб мамлакатларининг бошқарув мутахассислари корпоратив ижтимоий масъулиятни тадбиқ этиш орқали компаниянинг фойда олиш билан бир қаторда уларнинг ўз ходимлари, ҳамкорлар, мижозлар ва атроф-муҳитга бўлган ғамхўрликларини ошириши мақсадида қонун билан амалга киритилган. Корпоратив ижтимоий масъулиятнинг асосий вазифасидан бири атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Фармонида 2030 йилгача атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида** назарда тутилган **экология кодексини** ишлаб чиқиш ва қабул қилиш асосий ғоялардан бири хисобланади. 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сонли Фармонда дарахтларни кесишга маълум вақтга мараторий жорий қилингани хам атроф-мухитни асраб авайлашга қаратилган чора-тадбирлардан биридир.

Корпоратив бошқарув тушунчаси Ўзбекистонда кодекс орқали ўзининг қонуний хужжат сифатида қабул қилинган Корпоратив бошқарув тузилмаси корпорациянинг турли иштирокчилари орасида ҳуқуқ ва масъулиятларни тақсимлашни белгилайди, масалан, Кенгаш, менежерлар, акциядорлар ва бошқа манфаатдор томонлар корпоратив ишлар бўйича қарорлар қабул қилиш

қоидалари ва тартибларини кўриб чиқади. Корпоратив бошқарув компанияларга қаратилган ва назорат қилинадиган тизим хисобланади. Корпоратив бошқарув манфаатдор томонлар билан ишлашда ташкилот томонидан қабул қилинган сиёсат ва ахлоқий амалиётларнинг кенг доираси сифатида белгиланиши мумкин.

Корпоратив ижтимоий масъулиятни концепциялаш дастлаб хайрия нуқтаи назарида қаралар эди. Бироқ, либераллаштиришдан кейинги босқич хайрия асосида ушбу КИМ моделидан манфаатдор томонлар иштирокидаги моделга тубдан ўзгаришни кўрди. Бундан ташқари, хозирги кунда аста-секин компанияларнинг Корпоратив бошқарув амалиётига қўшилиб бориши хам КИМ нинг бизнесдаги ахлоқий амалиётга ва ташкилотнинг манфаатдор томонлари ва у фаолият кўрсатадиган муҳитга жавобгарлигига эътибор бермоқда. Корпоратив бошқарув ва корпоратив ижтимоий масъулият ташкилотнинг обрўсини яхшилайди ва ташкилот фаолиятига бевосита таъсир қилади.

Умумий қилиб айтганда акциядорлик жамиятларида ва фаолият юргазаётган хўжалик субъектлари корпоратив ижтимоий масъулиятли ташкилот сифатида намоён бўлиши ва корпоратив бошқарув принципларига тўлиқ мос келиши бевосита узвий боғлиқдир.

Хусаинов Ш.А. *– ОБМ Таълим тизимини методик таъминлаш бўлими бошлиғи, и.ф.н.*
Тиловов Т.Б. *– ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АЖда БОШҚАРУВ ТИЗИМИ, ФАОЛИЯТИ ВА РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Ўзбекистон темир йўллари 1994 йилнинг 7 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-982 сонли фармони асосида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган темир йўл транспорти тармоқ қисмларнинг, корхона, ташкилот ва муассасалари таркибида, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-аксиядорлик темир йўл компанияси ташкил этилган.[1]

2001 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланган ва Вазирлар Маҳкамасининг темир йўл транспортини ислоҳ қилиш бўйича Давлат дастурига мувофиқ, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат унитар корхонаси, 100% давлат улуши бўлган очиқ аксиядорлик жамиятга айлантирилди. Соҳанинг асосий вазифалари ягона темир йўл транспорти тармоғини модернизация қилиш ва инфратузилмани ривожлантириш, қатнаётган темир йўл техникаларни янгилаш ва ўзининг таъмирлаш базасини яратиш, дунё бозорига чиқиш учун имкон берадиган муқобил транспорт йўлакларини излаб топиш, транзит юк ва бошқа қўшимча ҳажмларини жалб қилиш ва ҳ.к. белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги №ПҚ-4720 сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда 2015 йил 3

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 7 ноябрдаги ПФ-982-сонли фармони - https://www.gov.uz.

апрелдаги компания Кенгаши ва ягона аксионер умумий йиғилишида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат аксионерлик темир йўл компанияси «Ўзбекистон темир йўллари» Аксиядорлик Жамиятига ўзгартирилди.

Айни пайтда, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ йиғма балансида инфратузилма ва ҳаракатланувчи таркиб (юк вагонлари ва локомотивлар) бўлганлиги сабабли вертикал интеграшлашган жамият ҳисобланади.

Жамият таркибига юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган 6 та Минтақавий темир йўл узеллари киради. Уларга стансиялар, йўл масофалари, сигнализасия ва алоқа, энерготаъминот, локомотив ва вагон деполари, вагонларни техник ва тижорат текшириш пунктлари киради.

2002 йилда ислоҳот жараёнида, бир қатор корхоналар Очиқ аксиядорлик жамиятларига ўзгартирилди: контейнерларда юк ташиш бўйича «Ўзтемирйўлконтейнер»ОАЖ, музлатгич бўлимларда тез бузилувчан маҳсулотларни ташиш бўйича «Йўлрефтранс» ОАЖ, халқаро, маҳаллий ва шаҳар атрофига йўловчиларни ташиш бўйича «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ, юк вагонларини таъмирлаш бўйича «Ўзтемирвагон» ОАЖ, йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш бўйича «Ташвқтз» ОАЖ.

Олиб борилаётган ислоҳотлар менежментни такомиллаштиришга, бошқарувнинг корпоратив усулларини жорий этишга, кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг ошишига, уларнинг сифатини оширишга, инвестицияларни жалб қилишга, соф даромадни оширишга ва асосий капиталга капитал қўйилмаларнинг муайян ўсишига сабаб бўлди.

Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда янги пўлат изларни (магистрал) шакллантириш бўйича улкан ишлар қилинди. Қизилқум чўлларида Навоий-Учқудуқ-Султонувайстоғ-Нукус темир йўллари қурилди, Амударё орқали темир йўл-автомобил қўшма кўприги барпо этилди, мураккаб тоғ шароитида Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилди.

Осиё таррақиёт банкининг жалб қилинган маблағлари эвазига 2 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди ва Тошкент-Самарқанд-Бухоро участкасида йўллар қайта тикланди, Келес-Бухоро участкасида 600 кмдан ортиқ бўлган узунликдаги оптик толали алоқа линияларини ётқизиш якунланди. Тўқимачи-Ангрен темир йўл линиясини электрлаштириш ишлари якунланди. Янги Янгиер-Жиззах ва Янгиер-Фарҳод темир йўл линияларини қуриш ишлари якунланди.

2016 йилнинг 22 июнда Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг йирик ва истиқболли лойиҳаси ижроси – Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросимининг энг муҳим аҳамиятга эга томонларидан бири, ушбу маросимда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Сзинпин иштирок этгани бўлди. Жаҳонга машҳур икки давлат раҳбарлари «Ўзбекистон» йўловчи поездининг Қамчиқ туннелидан ўтишига рухсат берувчи семафорни ёқиш учун махсус тугмани босганликларини бутун дунё кузатиб турди.

Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини барпо этишдан мақсад ҳам нафақат Фарғона водийси вилоятлари ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари ўртасида темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш имкониятини яратиш, шу билан бирга, Хитой – Марказий Осиё – Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиши назарда тутилган эди. Узунлиги 123,1 километр бўлган Ангрен – Поп темир йўлининг Қамчиқ довонидан ўтган қисмида 19,2 километрлик туннел барпо этилди.

Бугунги кунда ушбу темир йўл орқали Тошкент – Андижон – Тошкент йўналишида ҳар куни замонавий тезюрар йўловчи поездлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Андижон – Бухоро – Андижон Андижон – Урганч – Андижон, Андижон – Москва – Андижон йўналишларида йўловчи поездлари қатнови ташкил этилди. Бундан ташқари, бир суткада ўнлаб юк поезди Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли орқали ўтиб, юкларни ўз манзилига этказмоқда.

Хусусан, мазкур темир йўл орқали ,бир йил давомида 413 минг 162 нафардан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатилд, 7395,6 минг тонна юк ташилди. Шунингдек, 1718 та янги иш ўринлари яратилди.

2009 йилнинг июл ойида, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Талго» компанияси ўртасида темир йўл соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Бу Меморандум асосида томонлар Ўзбекистон Республикасида тезюрар темир йўл йўловчи ташиш ташкил этиш лойиҳалар ва қўшма тадқиқотларда, шунингдек, юқори тезликдаги «Талго» йўловчи поезди сотиб олиш ҳақида ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар. Янги тезюрар поезд номи Афросиёб бу – Самарқанд вилоятида жойлашган қадимий шаҳар шарафига қўйилди.

2011 йил 8 октябрдан «Афросиёб» (Испания компанияси Талго) тезюрар поезди Тошкент-Самарқанд-Тошкент 161/162 сонли хабар билан ишга туширилди.

Янги тезюрар поезд бу маршрут орқали хизмат кўрсатадиган бошқа электр поездлар билан бирга, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида ҳаракат қилади. Юқори тезликдаги «Афросиёб» поезди икки соат ва ўн беш дақиқа ичида 344 км темир йўл масофасини босиб ўтади. Максимал тезлиги соатига 250 километрни ташкил этади.

1994 йил 7 ноябр ташкил этилгандан буён «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ 20 йилдан ортиқ давр мобайнида Ўзбекистон Республикасининг тузилиши-шакллантириш ва иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Барқарор ривожланиш, барқарорлик, инновацион технологияларни жорий этиш ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ корхоналарининг иқтисодий ва саноат ривожланишининг ўсиш динамикасининг ошиши Ўзбекистон Республикасининг бутун иқтисодиёти ва транспорт соҳасининг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратмоқда.

Темир йўл транспорти ташкил этилгандан бери ва фаолияти давомида Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа тармоқлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Унинг асосий вазифаларидан бири иқтисодиёт эҳтиёжларини қондириш учун ўз вақтида юк ва йўловчи ташишни таъминлаш ҳисобланади. Бу борадаги

ишлар турли кўринишларда амалга оширилмоқда ва Ўзбекистон Республикаси темир йўл тармоғини ўтказиш ва ташиш имкониятларини максимал хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Юк ва йўловчи ташиш шакллантириш, темир йўлдан фойдаланиш харажатларни оптималлаштириш, поезд ҳаракатининг хавфсизлигини таъминлаш халқаро шартномалар доирасида хорижий шериклар билан яқин ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёдаги стратегик географик ўринни эгаллаши ва минтақадаги геосиёсий ривожлантириш маркази эканлигини ҳисобга олиб, асосий транзит йўлакларини қитъамизнинг Шимолий ва Жанубий Шарқ ва Ғарбни боғловчи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтган. Бу АЖ ни ривожлантиришни режалаштиришда ва қўшимча ўрганишга ва оптималлаштиришга муҳтож бўлган муаммоларни аниқлашда муҳим омил ҳисобланади .

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 7 ноябрдаги ПФ-982-сонли фармони - https://www.gov.uz.

2. https://www.railway.uz

Отто О.Э. *– доц., к.э.н., зав. кафедрой*
Филиала РГУ нефти и газа им.
И.М. Губкина в г. Ташкенте

ВНЕДРЕНИЕ СОВРЕМЕННЫХ МЕХАНИЗМОВ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ НА ПРЕДПРИЯТИЯ НЕФТЕГАЗОВОЙ ОТРАСЛИ

В настоящее время основной акцент в деятельности нефтегазовых компаний должен быть сделан на дальнейшем развитии систем корпоративного управления, поскольку новые возможности развития бизнеса получат те компании, для которых создание эффективной, действующей системы корпоративного управления находится в числе главных приоритетов и является стратегической целью. Этот акцент является основополагающим фактором для:

•создания конкурентных преимуществ и повышения конкурентоспособности на национальном и глобальном рынке;

•формирования доверия инвесторов, общественности в целом к компании;

•получения сбалансированной оценки компании со стороны инвесторов;

•роста капитализации п вовлечения всех уровней управления в создание стоимости для собственника;

•создания новых стратегических возможностей для бизнеса. Традиционно качество корпоративного управления рассматривается как фактор увеличения стоимости компании, её капитализации или её эффективности, измеренной через производительность труда, величину прибыли, величину оборота, расходов на капитал и др. Однако помимо этого качество корпоративного управления оказывает влияние и на другие параметры деятельности компании, в частности на

структуру источников финансирования. С теоретической точки зрения эффективная система корпоративных отношений снижает стоимость внешних финансовых ресурсов, которая является ключевым фактором выбора источника финансирования, позволяя тем самым привлекать более долгосрочные ресурсы или значительно увеличивать объемы привлечения: на самом низком уровне корпоративного управления предприятию доступны только собственные средства, но по мере роста качества корпоративного управления компании становятся доступны кредиты, затем векселя, облигационные займы и наконец эмиссия акций. Переход на иные источники финансирования в свою очередь неизбежно сказывается на структуре капитала компании в целом: соотношение собственного и заемного капитала вначале сокращается в результате наращивания последнего, а зачем начинает расти по мере привлечения акционерного капитала. Причина описываемых процессов заключается в том, что надлежащее корпоративное управление снижает риск инвестирования в компанию, а вознаграждение, требуемое инвестором, прямо пропорционально риску инвестирования.

В то же время, следует отметить, что наличие стандартов, нормативов и институтов корпоративного управления не всегда свидетельствуют об их эффективном функционировании, гак как отсутствуют реальные механизмы реализации этих инструментов, и рынок это чувствует. К таким реальным механизмам относятся:

1. Разрыв между стратегическим управлением и операционным менеджментом. Стратегические преобразования начинаются и заканчиваются на уровне топ-менеджмента и мало затрагивают следующий уровень менеджеров и конкретных специалистов, что часто девальвирует решения топ-менеджмента, а системы управления по KPI(ключевые показатели эффективности), призванные решить эту проблему, внедряются с серьезными ошибками.

2. Отсутствие ожидаемого эффекта от внедрения готовых полнофункциональных автоматизированных систем управления, содержащих уже готовые модули корпоративного уровня управления, а также генераторы разнообразных отчетов, формирующихся во всевозможных стандартах. Очевидно, что при отсутствии внятных корпоративных стратегий и процедур управления самая передовая ИТ-инфраструктура никогда не позволит сформировать адекватную, безрисковую информационную среду для менеджмента, Совета Директоров и далее по цепочке - для акционеров, инвесторов, общественности.

3. Используемые системы управления персоналом не позволяют в полной мере использовать кадровый потенциал. Так, политика мотивации пока ограничивается уровнем менеджеров высшего звена, да и то зачастую менеджмент мотивируется по результатам конкретных сделок или проектов, а не по результатам деятельности компании (стоимость, эффективность и т.д.). Это приводит к расслоению менеджмента компании по квалификации и профессионализму -топ менеджмент более мобилен и подготовлен к изменениям, а на уровне среднего и низшего менеджмента отсутствуют элементарные навыки принятия решений.

4. Недостаточная публичность и открытость не только в представлении финансовой отчетности, но и кадровой политики, взаимоотношений с общественными, государственными институтами и т.д.

Хотелось бы выделить следующие основные направления развития систем корпоративного управления, в которых, на наш взгляд, заложены основные резервы в увеличении конкурентоспособности отечественных нефтегазовых компаний:

1. Внедрение системы управления рисками. В целях защиты интересов акционеров перед нефтегазовыми компаниями стоит задача - выявление и квалифицированная, независимая оценка всего комплекса рисков - операционных, проектных, рыночных, финансовых, валютных, политических, социальных и т.д. На наш взгляд, уже недостаточно просто основать такие корпоративные институты, как служба внутреннего аудита или система внутреннего контроля. Комплексная и полнофункциональная система управления рисками становится необходимым инструментом в публичных компаниях, стремящихся к увеличению капитализации. Основой такой системы, на наш взгляд, должна стать комплексная стратегия управления рисками, взаимосвязанная со стратегией развития бизнеса компании. На ее базе должна быть создана соответствующая организационная структура по управлению рисками, в четких регламентах и процедурах - закреплены тщательно распределенные функции, права и ответственность. При таком подходе система управления рисками позволит обеспечить соответствующие ответные меры на максимально полный спектр рисков деятельности нефтегазовых компаний, будет содействовать подготовке качественной внутренней и внешней отчетности, обеспечит совершенствование контрольных процедур, а также мер по защите активов от неправомерного использования и прав акционеров.

2. Внедрение механизмов корпоративной социальной ответственности. Также нельзя недооценивать такой важный ресурс, как социальная ответственность компаний. Необходимо предусматривать в формируемых программах социальной ответственности такие направления как: обеспеченность рабочих мест и заработная плата, развитие научного и профессионального потенциала сотрудников, безопасность потребителей и товаров, экологическая стабильность и пр.

3. Переход компаний на международные стандарты финансовой отчетности будет способствовать усилению имиджа и репутации компаний, и одновременно позволит стать более привлекательными в глазах инвесторов.

Таким образом, хорошее корпоративное управление есть благо для компании, поскольку, во-первых, это инструмент, с помощью которого может быть достигнут баланс интересов различных сторон, во-вторых, это необходимый компонент поступательного долгосрочного развития компании, в-третьих, среде! во привлечения капитала.

Список использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4720 от 24 апреля 2015 года «О мерах по внедрению современных методов корпоративного управления в акционерных обществах»
2. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4388 от 9 июля 2019 года «О мерах по стабильному обеспечению экономики и населения энергоресурсами, финансового оздоровления и совершенствования системы управления нефтегазовой отрасли» https://lex.uz/docs/4410281
3. Беликов И.В. Корпоративное управление и экономический рост в России. М., 2004.
4. Влэк Б., Лав И., Рачинский А. Корпоративное управление и рыночная стоимость российских компаний М., 2005.

***Суюнов Д.Х.** – ОБМ Корпоратив бошқарув назарияси ва амалиёти кафедраси мудири, и.ф.д., проф.,*
***Пирматов Ш.М.** – ОБМ тингловчиси*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КАПИТАЛ БАҲОСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЪЗМУНИНИ АНИҚЛАШГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР

Акциядорлик жамиятларида капитал баҳосининг иқтисодий моҳияти тўғрисида турли иқтисодчи олимлар томонидан турли фиклар билдирмоқда. Капитал баҳоси тўғрисида қатор иқтисодчи олимлар томонидан қатор илмий қарашлар келтирилган. Рус иқтисодчи олими В.В.Бочаров ўз илмий ишларида “Капитал баҳоси маълум бир миқдордаги капитални жалб қилиш учун қанча тўлаш лозимлигини ўзида акс эттиради[1]”, дея таъриф бериб ўтган. Демак, “Капитал баҳоси – корпоратив тузилмаларда бир бирлик капиталдан маҳлум бир муддатда фойдаланганлик учун амалга оширилган харажатлар бирлигидир” – дея, хулоса чиқаришимиз мумкин. Капитал баҳосининг бирлиги бўлиб коэффициент ёки фоизлар бўлиб ҳисобланади. Шундай экан капитал баҳосини минималлаштириш акциядорлик жамиятлари иқтисодий барқарорлигининг ошишига ва бу эса бизнес қийматнинг ошишига таъсир кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳеч бир нарса йўққи, хўжалик субъектлари учун текинга тушса. Ҳар бир нарса ва буюмнинг ўз қиймати борки, агарда акциядорлик жамиятлари ундан фойдаланса унинг эгасига белгиланган муддатлар доирасида белгиланган миқдорда ҳақ тўлайди. Шундай экан капиталнинг ҳам баҳоси мавжудки, акциядорлик жамиятнинг молиявий директори ёки молиявий менежери капиталдан фойдаланганлик учун капитал эгаларига белгиланган маъёрда ва муддатларда ҳақ тўлаб туради. Демак, шу ўринда айтиш лозимки, капитал баҳоси фойдаланилаётган капитал акциядорлик жамияти учун қанча тушаётганлигини ўзида ифодалайди. Умуман олганда акциядорлик жамиятларида капитал баҳосини қуйидаги формула асосида аниқлашимиз мумкин:

[1]Бочаров В.В. Корпоративные финансы. – СПб.: - 272 с.: ил. – (Серия «Учебное пособие»)

$$\text{Капитал баҳоси} = \frac{\text{Капиталдан фойдаланганлик учун харажатлар миқдори}}{\text{Капитал миқдори}} \times \mathbf{100}\% \ (\mathbf{1})$$

Акциядорлик жамиятлари фаолиятида турли манбалар ҳисобидан капитал шаклланиши мумкин. Бунда ҳар бир манба ҳисобидан шаклланган капиталнинг баҳоси турлича бўлишини келтириб чиқаради. Бу эса ўз навбатида ҳар бир манба ҳисобидан шаклланадиган капиталнинг баҳосини аниқлашни тақозо этади. Шундай экан корпоратив тузилмаларда ҳар бир капиталнинг баҳоси хусусида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Акциядорлик жамиятларининг капитали хусусий капитал ва қарз капиталига ажратилади. Хусусий капиталининг ўзи ҳам капитал баҳосини ҳисоблаш нуқтаи назардан оддий акция ва имтиёзли акция эмиссияси ҳисобига шаклланадиган хусусий капиталга ажратилади. Қарз капитали ҳам капитал баҳоси нуқтаи назардан банк кредитлари, облигациялар, кредиторлик қарзлари каби капиталларга ажратилади. Ҳар бир капиталнинг ўз баҳоси бўлиб, акциядорлик жамиятларида ушбу капиталлар баҳосидан келиб чиққан ҳолда капитал баҳосининг ўртача тортилган қиймати – WACC (Weighted average cost of capital) ни аниклаш талаб этилади. WACC ни аниқлаш учун акциядорлик жамиятидаги ҳар бир капиталнинг баҳосини аниқлаш лозим бўлади.

Имтиёзли акция ҳисобига шаклланган хусусий капитал баҳоси деб бир бирлик имтиёзли акция бўйича жалб қилинган капиталдан фойдаланганлик учун тўланаётган дивиденд суммасига айтилади ва бунда капитал баҳосини аниқлашда учта моделдан фойдаланиш мумкин бўлади. Маълумки, имтиёзли акция учун қатъий фоизларда ҳар йиллик ўзгармас миқдорда дивидендлар тўланади. Шунинг учун ушбу акция ҳисобига шаклланган хусусий капитал баҳоси қуйидаги формула асосида аниқлаш мумкин бўлади:

$$\mathbf{R_{ps}} = \frac{\mathbf{D_{ps}}}{\mathbf{P_0 - F}} \ (\mathbf{2})$$

Бу ерда, R_{ps} – имтиёзли акция ҳисобига шаклланган хусусий капитал баҳоси, D_{ps} – имтиёзли акция бўйича дивиденд суммаси, F – акцияси эмиссия қилиш билан боғлиқ харажатлар, агарда имтиёзли акциялар эмиссияси бир йилдан ортиқ бўлган давр олдин қилинган бўлса, $F = 0$ бўлади.

Оддий акция ҳисобига шаклланган хусусий капитал баҳоси ҳам бир бирлик оддий акция бўйича жалб қилинган капиталдан фойдаланганлик учун тўланаётган дивиденд суммасига айтилади. Аммо оддий акция бўйича дивиденд суммаси миқдори имтиёзли акцияники каби қатъий миқдорда бўлмайди, яъни бунда дивиденд суммаси акциядорлик жамиятининг йиллик соф фойдаси миқдоридан келиб чиқиб белгиланади. Акциядорлик жамиятининг йил охирида қанча миқдорда соф фойдага эришишини олдиндан юз фоиз аниқ билиб бўлмаганидек, акция бўйича дивиденд миқдорини ҳам аниқ билиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда оддий акция бўйича хусусий капиталнинг баҳосини аниқлашнинг бир қанча моделлари мавжуд. Яъни, оддий акция бўйича ҳар йиллик дивиденд миқдори бир хил бўлади деб қабул қилиниши мумкин бўлади ва $D_0 = D_1 = D_2 = D_n = \text{const}\ (D - \text{дивиденд})$ бўлади. Бундай

ҳолатда оддий акция бўйича хусусий капитал баҳоси худди имтиёзли акция бўйича хусусий капитал баҳоси каби аниқланади.

$$\mathbf{R_e = \frac{D_0}{P_0 - F}} \quad (3)$$

Бу ерда, R_e – оддий акция ҳисобига шаклланган хусусий капитал баҳоси, D_0 – оддий акция бўйича дивиденд суммаси, P_0 – оддий акциянинг жорий даврдаги бозор баҳоси, F – акцияни эмиссия қилиш билан боғлиқ харажатлар, агарда оддий акциялар эмиссияси бир йилдан ортиқ бўлган давр олдин қилинган бўлса, $F = 0$ бўлади.

Иккинчи модел дивидендларнинг бир хил миқдорда ўсиш модели бўлиб ҳисобланади. Яъни, оддий акция бўйича ҳар йиллик дивиденд миқдори бир хил g миқдорда ўсиб боради деб қабул қилинади ва $D_1 = D_0 \times (1 + g)$, $D_2 = D_0 \times (1 + g)^2$, $D_n = D_0 \times (1 + g)^2$ ёки $D_{t+1} = D_t \times (1 + g)$ бўлади. Бундай ҳолда оддий акция бўйича хусусий капитал баҳоси қуйидагича аниқланади.

$$\mathbf{R_e = \frac{D_0 \times (1 + g)}{P_0 - F} + g} \quad (4)$$

Бу ерда, g – дивидендларнинг ҳар йилги ўсиш суръати.

Учинчи модел капитал активларни баҳолаш модели бўлиб ҳисобланади яъни CAPM (Capital Asset Pricing Model). Ушбу модел асосан инвесторлар активларини молия бозоридан акциялар сотиб олишга йўналтирганда унинг акицялар бўйича кутилаётган даромадлиликни баҳолашда фойдаланилади. Бунда ушбу модел бир томондан акция бўйича даромадлиликни ифодаласа, бошқа томондан капитал баҳосини ифодалайди ва қуйидаги формула асосида аниқланади.

$$\mathbf{R_e = R_f + \beta \times (R_m - R_f)} \quad (5)$$

Бу ерда, R_e – инвестор эгалик қилаётган оддий акциянинг даромадлилик даражаси ёки инвестор инвестиция киритиш корпоратив тузилманинг оддий акция ҳисобига шаклланган хусусий капитал баҳоси, R_f – рисксиз даромадлилик даражаси, β – тизимсиз риск даражаси, R_m – молия бозоридаги ўртача даромадлилик даражаси (ёки жорий даврда акциядорлик жамияти акциясининг даромадлилик даражаси). Агарда $\beta > 1$ бўлганда акциядорлик жамияти капитал баҳосининг келаётган даврда ошиши кутилади, агарда $\beta = 1$ бўлганда акциядорлик жамияти капитал баҳоси келаётган даврда жорий даврдаги каби ўзгаришсиз қолади, агарда $\beta < 1$ бўлса акциядорлик жамияти капитали баҳоси жорий даврдагига қараганда камайиши кутилади.

Капитал баҳосининг ўртача тортилган қийматини аниқлаш акциядорлик жамияти раҳбарлари, шунингдек, молиявий менежер учун корпоратив молияни самарали бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

— Акциядорлик жамиятларида келгуси даврларда режалаштираётган умумий рентабеллик даражасининг минимал миқдори WACC миқдоридан кам бўлмаслигига эътибор қаратиш лозим. Акс ҳолда акциядорлик жамиятларининг харажатлари даромадларидан ошиб кетиши мумкин;

— Акциядорлик жамиятларида капитал баҳосининг ошиб кетишига таъсир кўрсатувчи молиялаштириш манбаларидан молиявий ресурслар жалб қилишни камайтириш ва аксинча капитал баҳосини камайишига таъсир кўрсатувчи молиявий ресурслардан кўпроқ жалб қилишига катта эътибор қаратиш лозим;

— Акциядорлик жамиятларида ҳисоблаб чиқилган WACC миқдори инвестицион лойиҳалар рентабеллик (ёки фойдалилик) кўрсаткичи билан таққослаш мақсадга мувофиқдир. Агарда инвестицион лойиҳанинг рентабеллиги WACC миқдоридан юқори бўлса, акциядорлик жамияти ўз капиталини ушбу инвестицион лойиҳага йўналтириши мумкин ва бу орқали акциядорлик жамияти нисбатан кўпроқ фойдага эришади;

— Акциядорлик жамиятларида ҳисоблаб чиқилган WACC миқдор кўрсаткичидан айрим ҳолатларда молиявий менежер томонидан бошқа лойиҳаларнинг келгусидаги даромадлари ва харажатларини жорий даврга дисконтлаш ҳамда акциядорлик жамиятларининг бизнес қийматини аниқлаш мақсадида ҳам дисконт ставка сифатида фойдаланиши мумкин.

Умумий хулоса сифатида айтганда, давлат молиявий сиёсати акциядорлик жамиятлари фаолиятига таъсир кўрсатади, яъни юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси ҳамда Марказий банк томонидан тижорат банклари учун белгиланадиган қайта молиялаштириш ставкаси акциядорлик жамиятлари фаолиятида жалб этиладиган қарз капитали миқдорига таъсир кўрсатади. Қарз капитали баҳоси ошиши мумкин бўлган ҳолатларда, акциядорлик жамиятлари кўшимча акциялар эмиссия қилиш масаласини ўрганиб чиқади. Чунки, акциядорлик жамиятларида капитал баҳосини аниқлаш бизнес самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Акциядорлик жамиятларининг молиявий менежери капитал структурасини шундай шакллантириши керакки, унинг натижасида капитал баҳоси минималлашиши лозим. Қайси капиталнинг баҳоси пастроқ бўлса, ушбу капиталдан максимал фойдаланишга интилади. Бу эса ўз навбатида акциядорлик жамиятлари бизнес қийматини максималлаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бочаров В.В. Корпоративные финансы. – СПб.: 2017. - 272 с.: ил. – (Серия «Учебное пособие»).

2. Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: «Akademiya», 2007. – 320 б.

3. Ташходжаев М.М. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг назарий-услубий жиҳатлари//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил.

4. Fuxiu Jiang, Kenneth A. Kim, Corporate governance in China: A modern perspective, Journal of Corporate Finance, Volume 32, 2015, Pages 190-216.

5. Suyunov D.H.”The main problems of corporate governance and ways to solve them”, EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues (EGEI) ISSN:2321-6247 Impact Factor: 8.007 (SJIF 2020) 202101-13-006137, 9, 1, January, 2021

Elmurodov A. *– Chief specialist of GSBE*
Sharipov B. *– Leading specialist of GSBE*

LEGAL REFORMS IN THE SPHERE OF CORPORATE GOVERNANCE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

As a result of effective reforms carried out in Uzbekistan in a historically short period of time in various fields, the country occupies a worthy place in the world community. It should be noted that this result is inextricably linked, first of all, with the implementation of the initiatives put forward by the reforms at the authoritative forums of the world community to ensure security and stability in the Central Asian region, at the same time, with the recognition by the international community of positive transformations in the process of implementing democratic principles and market reforms in the country.

Today, it is undeniable that the great transformations carried out in the country under the leadership of President Shavkat Mirziyoyev on the way to achieving the goals and milestones aimed at building a democratic rule of law and civil society are the result of development strategy of the new government.

Of course, in Uzbekistan in the years of independence, special attention has been paid to ensuring the rights and freedoms of citizens, democratizing the state structure, deepening market reforms, creating the necessary guarantees in protecting private property, entrepreneurship, small and medium-sized businesses, and positive work in this direction is also consistently continuing.

In Uzbekistan, the scale of political, socio-economic, spiritual and legal reforms has been expanded, strategic programs have been adopted aimed at the development of various forms of entrepreneurship for sustainable growth of the national economy in the conditions of market relations and the effective use of existing opportunities, the creation of an organizational and legal framework for this area, their further improvement and liberalization of the economy. Currently, they are being effectively implemented and are yielding results.

In order to create favorable conditions for the wide attraction of foreign direct investment, radically increase the efficiency of joint-stock companies, ensure their openness and attractiveness for potential investors, introduce modern methods of corporate governance, strengthen the role of shareholders in the strategic management of enterprises, on April 24, 2015, a Decree of the President of the Republic of Uzbekistan was adopted № PD-4720 «On measures to introduce modern methods of corporate governance in joint stock companies», which identified the main directions for further development of the corporate governance system and approved the Program of measures to radically improve the corporate governance system.

First of all, the signing of the above document by the head of state of the country gave a great impetus to the phased implementation of the measures outlined in it, as well as the subsequent implementation of international corporate ethics of enterprise management, the introduction of modern standards of corporate management in our country.

This document provides for measures to certify the management staff of joint-stock companies with a state share for their knowledge of modern methods and principles of corporate governance, management and marketing, knowledge of information and communication technologies and their application in the production management system. It was established that, based on the results of attestations, it is necessary to carry out work to attract new, modern-minded, highly qualified managers who meet modern requirements, as well as foreign managers to the vacated positions.

In the process of introducing innovative methods of business process management, the experience of developed countries of the world, in particular, Germany, was studied. In 2015, together with the German company Indecon Consulting, a draft Corporate Governance Code was developed, which was approved in February 2016.

The adopted Code is intended to serve as a collection of recommendations for all joint-stock companies in the process of introducing international standards of transparent activity, increasing the responsibility of the directorship, strengthening the role of minority shareholders in the management of enterprises.

Along with the acts mentioned above, in order to develop and improve corporate governance, the following regulatory legal acts were also adopted:

- The Law of the Republic of Uzbekistan *«On Joint Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights»* (as amended);
- Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 30, 2015 № PD-2414 *«On measures to organize the activities of the scientific and educational center of corporate governance»*;
- Resolution of the Cabinet of Ministers dated June 11, 2013 №165 *«On measures to organize the activities of the Center for State Assets Management under the State Committee of the Republic of Uzbekistan on Privatization, Demonopolization and Development of Competition»*;
- Resolution of the Cabinet of Ministers dated October 27, 2015 № 305 *«On organizational measures to ensure the effective operation of the Scientific and Educational Center for Corporate Governance»*;
- Regulations on the procedure for issuing a corporate manager qualification certificate (reg. №2755 dated January 28, 2016).

Thus, the measures taken in Uzbekistan to introduce effective forms of management are consistent and thoughtful steps aimed at further liberalizing the market economy through reforms, structural transformations and diversification of the economy. Undoubtedly, they will contribute to increasing entrepreneurial activity, attracting foreign investment and further economic growth of the country.

In particular, it is noteworthy that in accordance with the decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated March 31, 2015, a Commission was created to improve the efficiency of joint stock companies and improve the corporate governance system.

As one of the aspects of the work carried out in this direction, it should be noted that in order to radically improve the system of training specialists in the field of corporate governance and management, improve their professional level, scientific and

methodological support for the introduction of modern methods of corporate governance, the Scientific and educational center for corporate governance was created in Uzbekistan.

It should be recognized that today there is an increasing need for the study and comprehensive analysis of the essence and significance of such concepts as "corporate governance", "corporate law", which are included in the legal and economic life of our society, their legal nature, history of origin, models of corporate governance in developed states and the activities of these models. This promising direction opens up new facts and promising opportunities for further development not only in the economic sphere.

The corresponding task of studying the activities of joint stock companies on the basis of international principles and practice was set by the presidential Decree «On the establishment of the Commission to improve the efficiency of joint stock companies and improve the corporate governance system» dated March 31, 2015. This document emphasizes on the importance of developing proposals for improving legislative and regulatory acts in the field of corporate law in the republic, taking into account of an in-depth analysis of foreign and national legislation in the field of effective corporate governance.

The legal ordering of corporate governance in Uzbekistan is mainly carried out by the Civil, Labor, and Economic Procedural Codes of the Republic of Uzbekistan, as well as the Law of the Republic of Uzbekistan «On joint stock companies and protection of shareholders' rights», as well as other legislative acts.

Through the introduction of Economic Procedural Code, a new chapter was introduced under the title «Office work on corporate disputes». Improvement of legislation was aimed at ensuring effective protection of the rights of participants in corporate governance. The new chapter took into account various aspects related to cases in corporate disputes, determining the procedure for considering cases in this category in court.

Nowadays, along with the terms "corporate governance" and "corporate law", which are more and more actively included in our legal and economic sphere, such a concept as "corporate disputes" is also becoming relevant. And this concept also has its own legal nature and history of origin. The introduction of such a norm into the procedural law naturally requires an additional clarification of this term also in the Civil Code of the Republic of Uzbekistan, a comprehensive disclosure of its legal nature, which will generally contribute to the further development of corporate governance, the legal culture of the participants in this process.

This direction can become the subject of an urgent and important discussion. The main thing is that the discussion, search, study and analysis of laws and legislative acts that are most effective for our economy, contribute to the further improvement of the national legal framework, which ensures the consistent development of entrepreneurship, the formation of a middle class in society, the creation of additional social conditions for the implementation of activities, taking into account modern methods of corporate governance. Active study, application and improvement of this direction opens up new opportunities in terms of further progressive development of our society and the whole country.

In recent years, on the basis of advanced foreign experience, our country has been systematically working to transform societies with a state share in the charter capital, introduce the principles of market relations, create a competitive environment and attract the private sector.

At the same time, the fact that members of the supervisory board of companies with a state share in the charter capital (authorized capital) are elected from among those who do not have sufficient knowledge and skills in corporate governance hinders the reform of modern corporate governance.

In accordance with the Resolution of the Cabinet of Ministers №236 «On approval of the Regulation on the procedure for issuing a certificate of corporate governance» dated April 26, 2021, the certificate of corporate governance is issued to confirm the availability of qualifications by the Graduate school of business and entrepreneurship under the Ministry of economic development and poverty reduction.

Students who have successfully completed a short-term (not less than a week) course, including online, special training, and those who have mastered the subject of corporate governance at the Master's degree in Business Administration of the Higher School with a score of 86 or higher can be a candidate.

The special curriculum is constantly being improved and the final curriculum is approved by the Academic council of the Graduate school before the start of the courses.

The special training program includes increasing the efficiency of supervisory boards and supervisory bodies in the activities of state-owned enterprises, the introduction of modern methods of corporate governance, taking into account the international principles of corporate governance.

References:

1. Law of the Republic of Uzbekistan «On joint stock companies and protection of shareholders' rights», №370, 06.05.2014
2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan «On measures to introduce modern methods of corporate governance in joint stock companies», №4720, 24.04.2015
3. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On measures to organize the activities of the scientific and educational center of corporate governance”, №2414, 30.09. 2015
4. Resolution of the Cabinet of Ministers «On measures to organize the activities of the Center for State Assets Management under the State Committee of the Republic of Uzbekistan on Privatization, Demonopolization and Development of Competition», №165, 11.06.2013
5. Resolution of the Cabinet of Ministers «On organizational measures to ensure the effective operation of the Scientific and Educational Center for Corporate Governance», № 305, 27.10.2015
6. Resolution of the Cabinet of Ministers «On approval of the Regulation on the procedure for issuing a certificate of corporate governance», №236, 26.04.2021
7. https://mineconomy.uz/
8. https://minjust.uz/ru/library/own_publications/71306/

Амонов Э.В. *– ОБМ тингловчиси*

КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА БУГУНГИ КУНДАГИ ЎРНИ

Комплаенс XX асрнинг бошларида АҚШда 1906 йилда ФДА - Озиқ-овқат ва фармацевтика маъмурияти (FDA – Food and Drug Administration) ташкил этилганида пайдо бўлган. Агентлик фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида регуляторга айланди ва бозор иштирокчилари риоя қилиши шарт бўлган қоидаларни яратди.

Бироқ, Қўшма комплаенс жадал ривожланишига туртки бўлган 20-асрнинг 60-70 йиллар жанжаллари хисобланади, хусусан, Уотергейт жанжали, бу кўплаб коррупция ҳолатларини, шу жумладан хусусий компаниялардагини ҳам ошкор қилди. Ушбу жанжалларнинг натижасида 1977 йилда Хорижий коррупцияга қарши қонун (FCPA – Foreign Corrupt Practices Act) қабул қилинди. FCPA қатъий назорат қоидаларини ўрнатди, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳужжатлар талабларини киритди ва давлат амалдорлари билан муносабатлар учун қоидаларни ўрнатди.

20-асрнинг 70-йиллари охирида FCPAнинг қабул қилиниши билан бир қаторда, Қўшма Штатларда бошқа соҳаларда бир қатор регуляторлар яратилмоқда.

АҚШда 80-йилларнинг бир қатор коррупцион жанжаллари, хусусан, Америка армияси учун қурол сотиб олиш билан боғлиқ жанжал нафақат ҳуқуқнинг чекланган ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиш соҳасида, балки бизнес юритишнинг ахлоқий қоидаларида ҳам мувофиқликни ривожлантириш йўналишини юборди.

90-йилларнинг бошларида, Федерал Жазо Қўллаш Қўлланмаси (Federal Sentencing Guidelines)(ташкилотларга жиноий жазоларни қўллаш тартибини тушунтириш) қабул қилинди, унда самарали мувофиқлик дастурини, шу жумладан ахлоқий тартибга солиш қоидаларини яратиш бўйича аниқ кўрсатмалар мавжуд ва 2004 йилда улар қоидалар билан тўлдирилган. мувофиқлик дастурларининг асосий шартларини билиш учун менежмент зарурияти тўғрисида.

Тўқсонинчи йилларни бир қатор йирик корпоратив можаролар эслаб қолди. Шундай қилиб, 2001 йилда компания ЭНРОН (АҚШдаги энг йирик энергия компанияси) банкротга учради. Банкротликнинг сабаби жиддий ички узилишлар, компаниянинг активлари олиб қўйилган кўплаб оффшор компаниялар, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг сохталаштирилиши ва, айниқса, зарарнинг ошириб юборилиши эди. Ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этган ЭНРОН аудитори Артур Андерсен ҳам тош орқасида учиб кетди.

ЭНРОН инқирозининг сабабларини таҳлил қилиб, аксарият таҳлилчиларнинг фикрига кўра, бу ташқи ва ички назоратнинг самарали тизими ёъқлиги, юқори менежерлар ва умуман корпорация манфаатлари ўртасидаги қарама-қаршилик.

2001 йилдаги жанжалдан кейин Америкaнинг тартибга солиш органларининг эътиборини кучайтирди ва бу кўплаб компанияларнинг ўз бизнес стратегияларини кўриб чиқишига ва ҳуқуқий ва ахлоқий қоидаларга риоя қилинишини ва ички молиявий ҳужжатларни назорат қилувчи махсус хизматларни яратишига олиб келди.

ЭНРОН жанжали Сарбанес-Окслей қонунининг (SOX) қабул қилинишига олиб келди, бу эса ташкилотларнинг молиявий ҳисоботига қўйиладиган талабларни жиддий равишда кучайтирди, шунингдек корпоратив кодни қабул қилиш мажбуриятини юклади.

Бугунда ҳар бир компания комплаенсни ҳар ҳил талқин қилишига қарамай, биз компанияларга комплаенс хавфларининг олдини олиш, бошқариш ва камайтиришга имкон берадиган умумий таркибий қисмларни ажратиб кўрсатамиз.

- **Биринчидан,** бу компаниянинг комплаенс соҳасидаги сиёсати, жавобгарларнинг ваколатлари ва ҳар бир ходимнинг мажбуриятлари ёритилган комплаенс дастури.

- **Иккинчидан**, идентификациялаш чоралари ва комплаенс хавфларига қарши чоралар.

- **Учинчидан**, комплаенс хавфларининг олдини олиш учун амалга оширилаётган процедураларнинг самарадорлигини мониторинг қилиш.

- **Тўртинчидан**, шериклар ва потенциал ишчиларни текшириш тартиблари.

- **Бешинчидан**, комплаенс нуқтаи назаридан энг хавфли операцияларни назорат қилиш.

- **Олтинчидан**, «ишонч рақами».

- **Еттинчидан**, комплаенс бўйича ўқув тизими.

Комплаенс - бу тизим эканлигини таъкидлаймиз, чунки ҳар қандай алоҳида элементсиз ишлаб чиқилган ҳаракатлар дастури, текшириш тартиб-таомиллари тизими ва компаниянинг барча ходимларини ўз ичига олган ҳолда - комплаенс хавфини олдини олиш ва зарарсизлантириш функцияларини амалга ошириш имконияти йўқ, шу билан бирга тизимнинг алоҳида элементи компаниянинг ишбилармон обрўсини ҳимоя қила олмайди.

Комплаенс - қонун талабларига мувофиқ яратилган ва ички стандартларга таянадиган, пудратчилар билан ишончли муносабатларни мустаҳкамлаш ва ишбилармонлик обрўсини йўқотиш хавфини олдини олиш, амалдаги қонунларга риоя қилмаган ҳолда режалаштирилмаган харажатларнинг олдини олиш мақсадида ташкил етилган компаниянинг барча бўлинмаларини қамраб оладиган мураккаб тизим.

Шуни таъкидлаш керакки, комплаенс нафақат халқаро корпорациялар, балки кичик компаниялар учун ҳам зарурдир. Бу уларга йирик бизнес учун ишончли шерик бўлишга имкон беради, харажатлар ва ҳуқуқий муаммоларни олдини олади. Бу ҳолатда энг муҳим нарса - бу компаниянинг барқарор ривожланиш концепциясига йўналтирилганлиги бўлиб, у нафақат ўз фаолиятининг ҳозирги натижасига, балки кейинги натижаларга ҳам масъулиятли

муносабатда бўлишни, шунингдек пудратчилар олдида уларнинг келажакдаги натижаларига нисбатан жавобгарликни ҳис қилишни англатади.

Артиков А.А. *– ОБМ тингловчиси*

МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИНГ КОРХОНА САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Маълумки, мамлакатимизда мустақиллилик йиллари мобайнида қабул қилинган қатор қонунлар ҳамда президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсат қолаверса, айнан 2017-йилда таклиф этилган ҳаракатлар стратегияси барча муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар олдига бир қатор катта вазифалар қўйди. Шу вазифалар қаторида таъкидламоқчи бўлганим, жаҳон андозаларига мос бўлган, рақобатбардош, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасини мукаммал ривожлантириш хам дунё ва ички бозорни айнан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган олий сифатли махсулотлар билан тўлдириш хам устувор масала бўлиб келмокда.

Албатта бундай вазифалар ечими бир неча талаблар ўз ичига олади, булардан айтиш мумкинки, ташкилотларда юксак манавиятли ва салохиятли кадрлар, замон талабига мос асбоб-ускуналар ва технологиялар ва маълум бир замонавий дастур режа билан таминлангани бўлиши лозим. Қолаверса ишлаб чиқариш бўлсин ёки бошқа тармоқ уша тизимда махсулот сифати назорати, унинг тизимли бошқаруви юксак даражада бўлиши лозим .

Махсулотлар сифатини бир меъёрда бўлиши ва уларнинг янада яхши сифатда бўлишини таъминлашда махсулот сифатини бошқариш тизими алохида ўрин эгаллайди. Хар кандай бошқаришнинг мохияти бошқариш тизимли ва фойдали карорларини ишлаб чикиш ва уни бошқарувчи объектда ўз таъсирини амалга ошириш кўзда тутилади.

Келинг авалло сифат атамаси ва махсулот сифатини бошқариш атамасига тухталсак, Сифат ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қийматини иқтисодий жихатдан белгиловчи категория сифатида қаралади. Кўмирнинг сифати ҳам унинг атроф-муҳитга таъсири нуқтаи назаридан баҳоланади.[1] «Сифат» умумий илмий категория сифатида эътироф етилади, ва фундаментал жиҳатлари орқали очиб берилади, булар геологик, фалсафий, иқтисодий ва минераллик хусисиятлигилардир. Халқаро стандартлар томонидан яратилган ИСО 9000 сериясида, «сифат» тушунчаси» кенг ёритилиб келтирилган. Маҳсулот сифатини бошқариш деганда эса, махсулотни яратишда ёки ишлаб чиқаришда унинг керакли сифатини таъминлаш ва маълум бир меъёрда бўлиб туриш максадида амалга ошириладиган харакатлар тушунилади.

[1] Фрейдина Е.В., Ботвинник А.А., Дворникова А.Н.СИСТЕМНЫЙ ПОДХОД К РАЗВИТИЮ УПРАВЛЕНИЯ КАЧЕСТВОМ УГОЛЬНОЙ ПРОДУКЦИИВестник Кузбасского государственного технического университета. 2017. № 6, с.13- 24

Махсулот сифати ишлаб чиқариш жараёнларнинг кандай ташкил этилганлигига, уларни кандай меъёрда ишлашига, назорат – ўлчов асбобларининг нақадар текис ишлашига ва шу жараёнларда ишлаётган ходимларнинг малакасига ва ходимлар ўзаро мехнат мунособатларига хам сўзсиз боғликдир. Ҳозирги кунда дақиқа сайин ривожланиб бораётган глабаллашув замонида Ўзбекистон фойдали қазилма-ресурслари ичида айнан кўмир махсулоти ва унинг сифат даражаси хам мухим рол ўйнаб келмокда. «Ўзбеккумир» АЖ томонидан республикамиз иссиқлик электро-станциялари ва ахолининг табиий газ билан таъминланмаган қатламилари хамда саноатда ёкилғи ресурсларидан айнан кўмир махсулотига талаб кун сайин ортиб бормоқда. Албатта бундан махсулот нархи ва сифатига хам этибор кучайиб, акциядорлик жамиятидан кўпроқ талаблар бўлиши тайин. Махсулот нечоғлик сифатли бўлишига қараб унинг нархи хам шунга белгиланган албатта. Демак келиб чиқадики акциядорлик жамияти хам сифатли махсулот сотишдан ва талабгорлар кўпайишидан манфатдордир. Қанчалик кўп махсулот сотиш ва харидорланга сифат билан хизмат қилиш иқтисодий жихатдан ўсишга олиб келади. Мехнат унумдорлиги баланд бўлганда хар қандай корхонанинг саморадорли ошади албатта.

Махсулот сифати - ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қийматини белгиловчи иқтисодий категория сифатида қаралади. Кўмирнинг сифати ҳам унинг атроф-муҳитга таъсири нуқтаи назаридан баҳоланади. Кўмир конида кўмир захираларидан ўзгармас махсулот сифатида бўлиши махсулот таркибидаги минерал ресурсларига хам боғликдир ва уни ҳам сифатини бошқаришни зарур қилиб қўяди.

Махсулот сифатини оширишда стандартлаштириш фаолиятнинг роли хам улкандир, чунки хар кандай технологик жараёнларни бир меъёрда ишлаши, уларни хар бир боскичларда меъёрий хужжатларнинг талабларига канчалик риоя килиниши назорат ва тартибга солувчи меъёрий хужжат мисолида хизмат қилади. Такидлаш жоизки, «Ўзбеккўмир» АЖ да махсулот сифатини назорат қилишда ва ишлаб чикарилишида, айникса янги махсулот билан боғлик бўлса, турли хил муаммолар пайдо бўлиб келган албатта, ва бу шунга ўхшаш муаммоларни тезкорлик билан хал килишда махсулот сифатини бошкариш тизими ас қотади. Энди шуни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бугунги куннинг устувор масаласи бўлиб келмоқда. Умуман олганда “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти махсулотлари сифати давлат томонидан, аниқрок айтадиган бўлсак “Ўзстандарт” агентлиги томонидан назоратга олиниб, хар бир махсулот хоҳ у кўмир махсулоти ёки каолин бўлсинки улар агентлик томонидан назоратга олинади. Уларга ахоли фойданалиши мумкинлиги ва хавфсизлиги жихатлари ўрганилиб, махсулотга рухсатнома кўринишида муовиқлик сертификати берилади. Сертикатлар маълум бир вақт давомида қайта ўрганилиб даврий назоратда бўлади. Албатта ўз навбатида ходимларнинг малакаси хақида хам унитилиб қўйилгани йўк. Улар маълум бир давр мобайнида ўз малакасини ошириб, билим ва кўникмаларини ошириб борилмоқда.

Долгих, Голубецкая, Бахарев, Евдокимов, Смешко (2010) ўз китобида таъкидланганидек, юқори ижтимоий-иқтисодий натижаларга эришиш учун замонавий ташкилотларда сифатни бошқаришнинг асосий муаммолари, сифат менежменти тизимларини жорий этиш ва уни қўллаш масалаларини ўргандилар. Муаллифларнинг фикрича, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлиги муаммоларини ҳал этиш жамиятнинг барча бўғинларини оммавий ўқитиш ва сифатни бошқариш соҳасидаги мутахассисларни касбий тайёрлашни талаб этади. Демак, инсоннинг бутун ҳаёти ва иш йўли умуман сифат ҳақида ҳам, ҳар бир касбда унга эришишнинг ўзига хос йўллари ҳақида ҳам зарур миқдордаги билимларни доимий эгаллаш билан бирга олиб борилиши лозим.[1]

Хулоса қилиб айтганда, махсулот сифатини бошқариш тизимининг корхона самарадорлигига таъсири хам юксак ахамиятга эгадир. Ўзбекистон кўмир саноатида асосий омиллардан бўлган махсулотнинг сифати корхона иқтисодига ўз таъсирига қай тарзда ўтказишини ўрганилиб чиқиш керак, бу доимий сифат назорати олиб бориш ва уни такомиллаштириб бориш кераклигини англатади. Доимий равишда изланиб, илғор хориж тажрибаларини амалда қуллаб кўриш тавсия этилади.

Искандаров М.Л. *– ТМИ мустақил изланувчиси*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ БОШҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Кредитлар тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида салмоғига кўра энг юқори салмоқни эгаллайди. 2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида кредитлар энг юқори салмоқни эгаллади ва 74,2 фоизни ташкил этди[2]. Шу сабабли, тижорат банкларининг кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш тижорат банки фаолиятини барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш бўйича бой ижобий тажриба тўпланган. Ушбу тажрибани ўрганиш ва ундан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятларига баҳо бериш республикамиз амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда давлат тижорат банкларининг кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар сифатида, фикримизча, қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

---

[1]Долгих А.П., Голубецкая Н.П., Бахарев В.О., Евдокимов К.В. Смешко О.Г.Издательство: СПбУТУиЭ (Санкт-Петербургский университет технологий управления и экономики). ISBN 978-5-94047-673-3; 2010 г. Кол-во страниц: 224

[2]Тижорат банклари жамланма баланси. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки).

1. Давлат тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасини паст эканлиги.

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан берилган кредитларнинг 31,9 фоизини саноат корхоналарига берилган кредитлар ташкил этди[1]. Бу эса, Миллий банк кредит портфелининг диверсификация даражасини паст эканлигини кўрсатади. Чунки, халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган мезонга кўра, тижорат банки кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисми битта тармоқ ёки соҳада тўпланиб қолмаслиги керак.

2. Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасининг юқори эканлиги.

Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан тавсия этилган ва дунё банк амалиётида умумқабул қилинган мезонга кўра, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларини банк активларига нисбатан даражаси 1,0 фоиздан ошмаслиги керак[2].

Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасининг юқори эканлиги тижорат банкининг кредит портфелини сифатини паст эканлигидан далолат беради.

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ТИФ Миллий банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларини банк активларига нисбатан даражаси 2,8 фоизни ташкил этди[3].

3. Давлат дастурлари доирасида берилган, лекин қайтмаган кредитларни тижорат банкларига қайтариб берилмаганлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига ҳар йилги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини шакллантиришда хорижий молия институтларига, чет эл ва маҳаллий тижорат банкларига берилган кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат кафолатларига хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар қисмида тегишли маблағларни шакллантириш мажбурияти юкланган эди[4]. Аммо, ҳозирга қадар мазкур талаб бажарилмади. Балки, ушбу талабнинг бажарилмаганлиги Давлат бюджетини дефицит билан бажарилаётганлигидир. Аммо, давлатда Давлат бюджетидан бошқа пул манбалари ҳам мавжуд.

Фикримизча, юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

---

[1] Loans Receivable. www.nbu.uz(Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки).

[2] Рузметов Ш.Б. Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд .эт. дисс. авторефер. – Тошкент, 2009. – 18 б.

[3] Asset Classification. www.nbu.uz(Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки).

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори// ҚҲММБ:07/17/3270/0004-сон.25.09.2017 й.

1. Давлат тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасини ошириш учун, биринчидан, иқтисодиётнинг алоҳида олинган битта тармоғига берилган кредитларнинг кредит портфелидаги салмоғининг чегаравий даражасини (20 %) банкларнинг Кредит сиёсатида йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даража сифатида белгилаб қўйиш керак; иккинчидан, чакана кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғининг 35 фоиздан кам бўлмаган даражасини таъминлаш керак.

2. Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражасини таъминлаш учун, биринчидан, кредит рискини баҳолашнинг стандартлашган ёндашувини банк амалиётига босқичма-босқич жорий қилиш лозим; иккинчидан, кредит рейтингига эга бўлмаган мижозларга берилган кредитларнинг риск даражасини баҳолашда асосий эътиборни уларнинг пул оқимининг жами қарз мажбуриятларига нисбатан даражасига қаратиш керак.

3. Ҳукумат кафолати асосида берилган, лекин қайтмаган кредитларни тижорат банкларига қайтариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгиланган талабнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.М.Мирзиёев. 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори// ҚҲММБ:07/17/3270/0004-сон.25.09.2017 й.

2. Рузметов Ш.Б. Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари. И.ф.н. дисс. авторефер. – Тошкент, 2009 й. – 18 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. “Тижорат банклари жамланма баланси”. www.cbu.uz.

Алиқориев О.Ф. *– ОБМ Илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш бўлими бошлиғи, и.ф.н., доц.,*
Бобоёров Л.С. *– “Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати корхонаси” ДУК мутахассиси*

ИСЛОМИЙ МОЛИЯНИНГ НАЗАРИЙ –ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Исломий молия деганда шариат (Исломий қоидалар) тамойилларига мос келадиган молиявий хизматларни амалда қўллайдиган молия муассасалари мажмуи тушунилади. “Ислом иқтисодиёти” атамаси илк бор ҳиндистонлик мусулмон олими Саййид Маназир Ғилонийнинг 1947-йилда урду тилида чоп этилган “Ислом иқтисодиёти” китобида фойдаланилган.

Саудиялик иқтисодчи олим Муҳаммад Умар Чапранинг фикрича, ислом иқтисодиёти ноёб ресурсларни ислом дини таълимотига мувофиқ равишда

тақсимлаш воситасида инсон фаровонлигига эришиш учун ёрдам берувчи билимлар тармоғини ўзида акс эттиради[1].

Исломий банк –“Ислом шариати асосида банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга пул маблағларини жалб этиш, жисмоний ва юридик шахсларни молиялаштириш ҳамда бошқа банк хизматларини амалга оширувчи тижорат ташкилотидир”. Шариат (Ислом дини қонунлари мажмуаси) ушбу операцияларнинг қонуний бўлишини талаб қилади. Яъни, шариат томонидан рухсат бериладиган жамият учун хавфсиз бўлган ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиялаштиради ва ҳар қандай операциялар бўйича фоизларни тўлаш ёки олишни тақиқлайди[2].

Бугунги кунда ислом молиясининг учдан икки қисми ислом банкларида жамланган[3].

Исломий банк хизматлари молиявий-иқтисодий муносабатлари ислом шариати асосида тартибга солиниб, қуйидаги кетма-кетликда келади Қуръон Карим, Ҳадиси Шариф, Ижмо ва Қиёс[4].

Исломий банк хизматлари иқтисодиётни ривожлантиришда бир қатор афзалликларга эга. Жумладан, ислом иқтисодиёти муайян шахсга бойлик орттириш ва иқтисодий фаровонликни ошириш ҳуқуқини бериш орқали иқтисодий фаолиятни амалга оширишда ҳалол (рухсат берилган) ва ҳаром (тақиқланган ёки ноқонуний) йўлларни чегарасини белгилаб беради. Ислом кенг маънода иқтисодий ёки ижтимоий жиҳатдан зарарли бўлган барча фаолият турларини тақиқлайди. Масалан, қиморбозлик ёки гиёҳванд моддалар етиштириш, уни олди-сотдиси билан шуғулланиш ва бошқа мисолларни келтириш мумкин.

Исломда шахснинг қонуний йўл билан олинган мол-мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқини тан олиш билан, шахсга ўз мол-мулкини оқилона сарфлашни ва уни тежашни, беҳуда сарфламаслик буюрилади ҳамда исроф қилиш тақиқланади.

Бирор кишига ортиқча мол-мулкни сақлашга рухсат берар экан, Ислом жамиятнинг фаровонлиги учун ортиқча даромаднинг маълум бир қисмини закот тизими орқали, камбағал, аҳолини ёрдамга муҳтож қисмига тақсимлайди.

Инсон табиатига хос бўлган бойлик тўплаш ва ундан фойдаланишни тартиблаштиради. Ушбу тизим бир неча одамнинг қўлида бутун жамият бойлигининг тўпланишига ва фақат улар томонидан тасарруф қилинишига рози бўлмайди. Шунингдек, мерос қолдириш ва уни тақсимлаш ҳам белгиланган мезонлар асосида тартибга солинади. Ислом томонидан назарда тутилган иқтисодий тизим ижтимоий адолатни мақсад қилиб қўйган, бу эса якка тартибдаги корхона ёки тадбиркорни нафақат жамоа, балки якка ўзига ўзи зарар етказишини олдини олади. Иқтисодиётни ривожлантиришда пулга бўлган

[1] Байдаулет Е.А. Исломий молия асослари. – Тошкент: Ўзбекистон 2019. – 529 б.
[2] Bashir, A., Hassan, M. (2004),”Determinants of Islamic Banking Profitability”, ERF Paper, 10th Conference.
[3] Islamic Finance Outlook 2020 Edition,– P. 3.
[4] Байдаулет Е.А. Ислом молияси асослари – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 7.

муносабат ислом иқтисодиётида тубдан фарқ қилади. Ислом иқтисодида пулга алмашинув воситасида сифатида қаралиши аниқланди[1].

Пул ва маҳсулотнинг ўртасидаги асосий фарқлар қуйидагилардир:

(а) Пулнинг ўзи бирор қийматга эга эмас. Ундан бевосита инсон эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиб бўлмайди. Уни айрим маҳсулот ёки хизмат турларини сотиб олиш учун қўллаш мумкин холос. Маҳсулотдан эса, бевосита фойдаланиш мумкин.

(б) маҳсулот турли сифатга эга бўлиши мумкин ва шундан келиб чиққан ҳолда маҳсулот олди-сотди шартномалари муайян маҳсулот устида амалга оширилади, пул эса қиймат ўлчови ва алмашув воситаси бўлиб, бундан бошқа сифатга эга эмас. Айнан шу фарқлар туфайли ислом ҳуқуқи пулга, маҳсулотдан фарқли ўлароқ ўзгача муносабатда бўлган, бу айниқса қуйидаги икки мисолда яққол кўзга ташланади:

Биринчидан, (бир хил қийматга эга бўлган) пул бошқа маҳсулотлар каби савдо моли саналмайди. Ундан фойдаланиш унинг асосий вазифаси билан чекланган, яъни у айирбошлаш (алмашув) воситаси ва қиймат ўлчови холос[2].

Рибо (судхўрлик) бечораларнинг ночорлигидан фойдаланиб, уларнинг меҳнати эвазига бойлик орттиришдир. Бир инсон ночор бўлиб, иш юритишга, оила тебратиб бола-чақа боқишга сармояси қолмай, пулдор кишининг олдига ҳожатини айтиб борса, унга садақа ёки фоизсиз қарз беришнинг ўрнига, судхўрлик юзасидан муомала қилади.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида қуйидагиларни айтади: «Рибони ейдиганлар (қабрларидан) фақат шайтон уриб, жинни бўлган кишидек довдираб турарлар. Бундай бўлиши, уларнинг, тижорат ҳам рибога ўхшаш-да, деганлари учундир. Ва ҳолбуки, Аллоҳ тижоратни ҳалол, рибони ҳаром қилган. Кимки Роббидан мавъиза келганда тўхтаса, аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳнинг Ўзига ҳавола. Кимки, яна (рибога) қайтса, ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар», (275-оят).

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасидаги бошқа бир оятда:

«Эй, иймон келтирганлар! Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга тақво қилинг ва рибонинг сарқитини ҳам тарк қилинг», деган (278-оят).

Ушбу оятдан кўриниб турибдики, Аллоҳ таоло рибодек нохуш, ҳаром нарсани йўқ қилишда, бошқа ҳолатларга ўхшаб, аввало мусулмонларнинг руҳий-маънавий тарбиясига алоҳида эътибор берган.

Ушбу ояти карималар тушаётган пайтда кўп молиявий муомалалар рибо асосида юритилар эди. Шунинг учун, ушбу ояти каримадан келиб чиққан

---

[1] Tursunov A.S. Establishment of islamic window in commercial banks of Uzbekistan иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш» мавзусидаги республика онлайн илмий-амалий конференция тезислар тўплами. –Тошкент:«Молия» нашриёти, 2020 26 июнъ. – Б.203-204.

[2] Tursunov A.S. The need for islamic banking services in commercial banks of uzbekistan and its positive impact on economic growth // SAARJ Journal on Banking and Insurance Research Vol 9, Issue 4, July 2020, ISSN: 2319-1422, Impact Factor SJIF 2020 = 7.126 (08.00.00, № 19)

ҳукмдан аввалги ишлар ўз ҳолича қолдирилди. Акс ҳолда, аввалги иқтисодий алоқаларнинг ҳаммасини қайта кўриб чиқишга тўғри келарди.

«Кимки Роббидан мавъиза келганда тўхтаса, аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳнинг Ўзига ҳавола».

Яъни, Аллоҳ рибонинг ҳукмини баён қилгандан кейин рибовий муомалалардан тўхтаса, эски ишлари ўзига, у муомалаларни қайта кўришга ҳожат йўқ. Ўтган даврдаги муомалалари Аллоҳга ҳавола: хоҳласа кечиб юборади, хоҳласа кечирмайди.

Келаси оятда судхўрликнинг касофати фақат охиратдагина бўлмасдан, балки бу дунёда ҳам уруши эслатилади: «Аллоҳ рибони доимо нуқсонга учратур ва садақаларни зиёда қилур. Ва Аллоҳ ҳар бир кофир, гуноҳкорни хуш кўрмас», (276-оят).

Бандалар пул-молларининг зиёда бўлиши учун рибохўрлик қилишади ва ўзларига келган фойдани санаб юришади. Аслини олганда ишлари бунинг тескариси.

«Аллоҳ рибони доимо нуқсонга учратур». Судхўрнинг пули ҳисоб жиҳатидан кўп бўлса ҳам Аллоҳ унинг баракасини кўтариб, егани ўзига юқмайдиган қилиб қўяди. Судхўрни турли касалликларга дучор қилади, тинчлигини, хотиржамлигини олади. Яна биз билмайдиган кўп бало-офатларга дучор қилади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад салоллоҳу алайҳи вассалом Маккаи Мукаррамани фатҳ қилган кунларидаги хутбаларида жоҳилиятдаги барча риболарни бекор қилганликларини, биринчи бўлиб амакилари Аббос ибн Абдулмутталиб розияллоҳу анҳунинг риболарини қарздорлар бўйнидан туширганликларини эълон қилдилар.

Ислом банклари Марказий банкнинг қайта молиялаш кредитларидан фойдалана олмайди. Чунки, Марказий банкнинг дисконт кредитлари ҳам, ломбард кредитлари ҳам, овердрафт ва муддатли кредитлари ҳам фоизга асосланган.

Марказий банклар томонидан ислом банкларига нисбатан мажбурий захира талабномалари қўлланилади.

Мажбурий захира ажратмалари ислом банкларининг ликвидлилигига таъсир этиш мақсадида қўлланилади.

Ислом банкларининг кредит эмиссияси ҳажми нисбатан кичик бўлганлиги сабабли мажбурий захира талабномаларини қўллашда ислом банкларининг кредитлаш имкониятларини жиловлаш мақсади кўзда тутилмайди.

Ислом банклари Марказий банк билан Репо операцияларини амалга ошира олмайди. Чунки, Марказий банкнинг Репо операциялари (тўғри ва тескари Репо) Ҳукуматнинг облигациялари, тижорат банкларининг депозит ва жамғарма сертфикатлари ва компанияларнинг облигацияларини сотиб олиш ва сотишга асосланган.

Айрим ислом мамлакатларида ислом банкларига давлат қимматли қоғозларини сотиб олиш йўли билан ликвидлиликни таъминлаш имкони берилган. Масалан, Эрон Марказий банки давлат сертификатларини муомалага

чиқаради ва уларни ислом банкларига сотади. Ушбу сертификатлар юқори ликвидли қимматли қоғоз ҳисобланади ва уларни сотишдан тушган пул маблағлари давлатнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Мазур сертификатларга фоиз тўланмайди, уларнинг даромадлилик меъёри акциялар бозоридаги даромадлилик асосида аниқланади.

Ислом молия бозорларининг зарурлигини белгиловчи омиллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ислом банкларини халқаро ссуда капиталлари бозоридан ресурслар жалб қила олмаслиги Халқаро ссуда капиталлари бозори тижорат банкларининг жорий ликвидлилигини таъминлашда ва ресурслар етишмаслиги муаммосини ҳал қилишда муҳим ўрин тутади. Аммо, ушбу бозордаги барча операциялар фоизга асосланган.

2. Қимматли қоғозлар чиқариш орқали ресурслар жалб қилишнинг зарурлиги. Қимматли қоғозларни чиқариш йўли билан ресурслар жалб қилиш анъанавий банклар учун ресурс базани мустаҳкамлашнинг асосий йўлларидан бири ҳисобланади. Аммо, анъанавий банклар томонидан чиқариладиган қиммат-ли қоғозларнинг асосий қисмини қатъий фоиз ставкасига эга бўлган қимматли қоғозлар ташкил этади (облигациялар, депозит ва жамғарма сертификатлари).

3. Юқори ликвидли қимматли қоғозлар ёрдамида ислом банкларининг ликвидлилигини таъминлашнинг зарурлиги

Тижорат банклари ресурсларининг бир қисмини юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестиция қилиниши уларнинг жорий ликвидлилигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Исломий банклар фаолиятида суғуртанинг зарурлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

1. Тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитларни давлат томонидан суғурталашни такомиллаштириш йўли билан банкларга бўлган ишончни мустаҳкамлашнинг зарурлиги

2. Тижорат банкларининг актив операциялари билан боғлиқ бўлган рискларнинг даражаларини пасайтиришнинг зарурлиги.

Ислом банклари томондан жалб қилинган депозитларни суғурталаш тизимида учта муҳим жиҳат мавжуд:

1. Ислом банкларидаги барча депозитлар суғурта қилинадими ёки фақат талаб қилиб олинадиган депозитлар суғурта қилинадими?

2. Ислом банклари депозитларни суғуртаси учун қанча бадал тўлаши керак?

3. Суғурта қоплаш суммаси қандай ишлатилади?

Покистон, Эрон, Малайзия, Судан, Саудия Арабистони мамлакатларида ислом банклари депозитларини суғурталаш тизими мавжуд.

Кўпчилик давлатларда, хусусан, Европа давлатларида ислом банкларининг депозитлари умумий суғурталаш тизими доирасида суғурта қилинади. Бу эса, шариат меъёрларига тўғри келмайди. Чунки, ислом банклари тўлаган бадаллар фоизли операцияларга йўналтирилиши мумкин.

Исломий суғурта такафул деб аталади.

Такафулда риск суғурта қилинувчи ва суғурта компанияси ўртасида тақсимланади.

Суғурта қилинувчиларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан жамғарма ташкил этилади.

Жамғарма маблағлари инвестицияларга йўналитирилади ва олинган фойданинг бир қисми мударриб сиф атида иштирок этганлиги учун суғурта компаниясига ажратилади.

Жамғарма маблағларининг қолдиғи қуйидаги йўналишларга сарфланади:

1. Кутилмаган ҳодисалар учун захиралар ташкил қилиш
2. Хайрия мақсадларига
3. Суғурталанувчилар ўртасида тақсимлаш

Ислом банклари мижозларидан депозитлар қабул қилади, қимматли қоғозларн муомалага чиқаради, бошқа ислом банкларидан ресурслар жалб қилади.

Бу эса, ислом банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш заруриятини юзага келтиради.

Ислом банкларининг етарли даражада ликвидkb бўлмаслиги улар орқали ўтадиган тўловларни кечикишига олиб келиши мумкин. Бунинг натижасида, биринчидан, мижозларнинг манфаатларига зиён теади; иккинчдан, ислом банкларига бўлган ишонч пасаяди.

Кўпчилик мамлакатларда ислом банкларининг реал активлар билан амалга ошириладиган операциялари олди-сотди операциялари ҳисобланади ва улар юқори ставкаларда солиққа тортилади. Ҳолбуки, кўпчилик мамлакатларда тижорат банкларининг депозитларидан олинадиган фоизли даромадлар солиққа тортилмайди.

Раимов Д.Б. *– ОБМ тингловчиси*

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗИМЛАРИ: ЖОРИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларга Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг ҳаракатлар стратегияси муҳимдир. Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантириш ва самарали бошқаришни ташкил қилиш жараёнларига “корпоратив бошқарувининг замонавий стандартлар принциплари ва усулларни жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш” муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Корпоратив бошқарув ҳозирги кунга келиб корхоналарни бошқаришнинг нафақат замонавий фалсафасига, балки самарадорликни таъминлайдиган муҳим технологиясига айланиб улгурди. Такомиллашган корпоратив бошқарув натижасида иқтисодий қўшилган қийматнинг (economic value added – EVA)

сезиларли даражада кўпайиши, самарадорликнинг ортиши ва рискнинг камайиши юз бериши турли эмпирик тадқиқотларда ўз аксини топган.

Замонавий корпоратив менежментнинг турли йўналишлари ва таркибий қисмларини ишлаб чиқиш бўйича хорижлик олимларнинг фикр-мулоҳазалари атрофлича ўрганилган.

Корпоратив бошқарув бўйича тадқиқотлар олиб борган иқтисодчи олим А.Берлининг тадқиқотларида корпорацияларни бошқаришда стратегияни танлаш ва корхона менежментини ривожлантириш, инвестицион фаолиятни бошқариш масалалари тадқиқ этилган.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан С.С.Гулямов, Д.Н.Раҳимова, Н.М.Расулов, М.С.Саидов, Д.Х,Суюновларнинг тадқиқот ишлари корпоратив бошқарув жараёнларини илмий-назарий асосларини яратишга қаратилган. Уларнинг илмий изланишларида, мулк шакллари трансформацияси, корпоратив бошқариш моделларини мукаммаллаштириш, акциядорлик корхоналарни ривожлантириш жараёнидаги масалаларда ўз ифодасини топган. Жумладан, А.А.Хашимовнинг тадқиқотларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида корпоратив тузилмаларни бошқаришни ривожлантиришнинг илмий- методологик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган. Р.И.Яушевнинг илмий изланишлари интеграцион корпоратив тузилмалар ва таъсисчилар капиталида давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш муаммоларига бағишланган. М.Б.Хамидулин фонд бозорини ривожланиши, акциядорлик жамиятларида Кузатув кенгашининг роли ва аҳамияти масалалари устида фикр юритган. Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларини хусусийлаштириш масалалари Б.Ю.Ходиев, Б.Б.Беркинов каби олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Корпоратив бошқарувнинг замонавий хусусиятлари моҳиятан анча кенг бўлиб, бир пайтнинг ўзида ташкилотлардаги турли функцияларни, жумладан, менежмент, молия, ҳисоб, бизнес ҳуқуқи, бизнес этикаси ва иқтисодиётини мужассамлаштиради. Шунингдек, корпоратив бошқарув ҳисобдорлик, шаффофлик, ошкоралик, ижтимоий масъулият, ҳалоллик (софлик) каби жиҳатларни ҳамда бошқарув органлари, акциядорлар ва манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатларни қамраб олади. Бундан ташқари, ушбу хусусиятлар ташкилотларни самарали бошқариш ва назорат қилиш учун тартиб-қоидалар, сиёсат, усуллар ва таркибий тузилмаларни белгилаб беради. Корпоратив бошқарув хусусиятининг бундай кенг қамровлилиги боис, бу борада ягона умумқабул қилинган атама мавжуд эмас.

Жаҳонда корпоратив бошқарувга бўлган муносабат XX асрнинг 90 йилларидан янада ортиб, корпоратив тузилмаларни шакллантиришга турли даражаларда тараққий этган давлатлар алоҳида эътибор қарата бошладилар. Бу даврга келиб, корпоратив бошқарув тамойиллари жорий этилиб, халқаро глобал трансмиллий корпорациялар ташкил топди, корпоратив бошқарув моделлари жорий этилди. Хусусан, жаҳон амалиётида корпоратив бошқарув тизимининг ўзига хос бир-биридан ажралиб турадиган 3 та тури: инглиз-америка, германия ва япон моделлари кенг қўлланиб келинмокда.

Бугунги кунда корпоратив бошқарув шароитида модернизациялаш жараёнларининг нисбатан самарали амалга оширилишига имкон яратувчи омиллар мавжуд:

1. Модернизациялаш жараёнларини амалга ошириш учун тақозо этилувчи катта ҳажмдаги молиявий маблағларни жамлаш ва сафарбар этиш имконияти.

2. Эскирган техника ва технологияни замонавий, янги ишлаб чиқариш воситалари билан босқичма-босқич алмаштириб боришда корпоратив тузилманинг ички ишлаб чиқариш ва технологик алоқаларидан фойдаланиш.

3. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўп босқичли технологик жараёнларига эга бўлган корпоратив тузилмаларда диверсификациялаш имкониятларининг кенглиги.

4. Ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш ва бошқарув услубларининг янги турларини яратувчи илмий лабораториялар ва тажриба конструкторлик ишларини молиялаштириш ва улар фаолиятини таъминлаш имкониятларининг кенглиги ва ҳоказолар.

Шунингдек, хўжалик фаолиятини корпоратив ташкил этиш ва бошқаришнинг кенг имкониятлари корпорацияларнинг устунликларидан фойдаланишга асосланиб, уларни тузишнинг кўплаб вариантларидан фойдаланган ҳолда фирмалараро муносабатларни моделлаштириш имконини беради. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Акцияларни чиқариш орқали пул маблағларини жалб этиш қобилияти инвесторларнинг чекланмаган сонининг маблағларини жамлаш имкониятини беради. Бунда инвесторларнинг маълум рағбатлантириш (пул мукофоти)га умид қилишлари ва жамиятни бошқаришда иштирок этишни маълум даражада танлаш имконияти яратилади.

2. Бошқарилиш муаммосини ҳал этиш енгиллашади. Ташкилий расмийлаштиришнинг ниҳоясига етганлиги, масъулият ва ваколатларни белгилашдаги регламентларнинг ўрнатилганлиги акциядорлик жамиятлари бошқарув органлари ўртасидаги назорат функциясини тақсимлаш имконини беради.

3. Акциядорлар таркибига кириш ва ундан чиқишнинг соддалаштирилган тартиби манфаатдор шахслар ротациясининг кенг имкониятларини ҳамда, тегишли равишда, инвестицион таклифнинг ўта ўзгарувчанлиги шароитида юқори мослашувчанликни таъминлайди.

4. Чекланган масъулият тамойили рискларни камайтиришга имкон яратади. Чекланган масъулият тамойилининг амал қилиши рискларни акциядорлар ва бошқарувчилар ўртасида тақсимлаш орқали йирик корпорацияларни ташкил этишни мумкин қилиб қўйди.

Умуман олганда, юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида қуйидаги таклиф ва хулосалар шакллантирилди:

1. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш серқирра ва мураккаб жараёндир. У энг аввало корхоналарда узоқ вақтлардан буён фойдаланиб келинаётган, бугунги кунда ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналарни фойдаланишдан чиқарилишини тақозо этади.

2. Корпоратив бошқарув корхоналарида модернизациялаш жараёнлари-

ни такомиллаштириш мақсадида: 1) модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш дастурларини ишлаб чиқишда уларга эскирган жиҳозларни босқичма-босқич муомаладан чиқариб бориш бўйича чора-тадбир ва талабларнинг киритилишини таъминлаш; 2) корхоналарда эскирган техника ва технологик линияларнинг мавжудлиги бўйича инвентаризация ўтказилиб, уларни босқичма-босқич чиқариб бориш юзасидан мониторинг ташкил этиш; 3) корхона ишлаб чиқариш фаолиятига янги асбоб-ускуналар ва техник жиҳозларни муайян даврда қиймати жиҳатидан бир текисда ҳамда асбоб-ускуналарнинг технологик жиҳатидан жараёнлар узвийлиги ва изчиллигини ҳисобга олган ҳолда киритилишини таъминлаш; 4) маҳсулот сифатини ошириш вазифасига алоҳида эътибор қаратиш; 5) корхона асосий воситалари таркибидаги оптимал пропорцияларнинг сақланишини таъминлаш зарур.

3. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнлари узоқ муддатли истиқболда корхонанинг иқтисодий ва молиявий жиҳатдан юксалишига олиб келсада, аҳамиятли даражадаги сарф-харажатларни тақозо этиши сабабли жорий натижаларга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Шунга кўра, иқтисодий манфаатлар уйғун ва муштараклигини турли даражада таъминловчи корхоналарда ушбу жараёнларга бўлган муносабат ҳам бир-биридан фарқланади ва мазкур фарқ корпоратив корхоналарда ҳам модернизациялаш жараёнларини амалга оширишнинг мавжудлигидан дарак беради.

4. Мамлакатимизда кейинги йилларда инновацион маҳсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқаришда кескин ўсиш таъминлаган бўлишига қарамасдан бир қатор муаммолар ҳам аниқланди. Хусусан, биринчи марта ўзлаштирилган корхоналарни инновацион маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар сонидаги улуши камайиш тенденциясига эга бўлмоқда.

5. Корпоратив асосда фаолият олиб бораётган корхоналарда инновацион фаолиятни барча босқичларини амалга ошириш учун тизимлаштирилган қонунчилик базасини яратиш, инновацион инфратузималарнинг элементлари: технопарклар, кичик инновацион корхоналар, техник платформалар, инновацион кластерлар фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-хуқуқий базани такомиллаштириш зарур.

6. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш кохоналарини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлашга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Корпоратив бошқарув корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш кўп жиҳатдан самарали инвестицион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь, № 247 (6682).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон фармонининг 1-иловаси «2017-2021 йилларда Ўзбекистон

Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси». www.lex.uz

3. Гулямов С.С. Задачи совершенствования системн корпоративного управления в Узбекистане. //Корпоративное управление в Узбекистане. Материалн научно-практической конференции. Т.: 2004. с.143-145;

4. Рахимова, Ш.Н. Зайнутдинов. Корпоратив бошқарув асослари. - Т.: Академия, 2006.- 47б.; Беркинов Б.Б. Корпоративное управление: цели и задачи /Народное слово 15.05. 2004 г.

5. Расулов Н. М. Корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш негизида корхоналар ривожланиш самарадорлигини ошириш (Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналари материаллари мисолида).08.00.13- “Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. - Т., 2010. - 161 б.

6. Саидов М.С. Табиий монополиялар соҳаларида менежментнинг замонавий усулларини жорий этиш масалалари (“Ўзбекэнерго” Давлат акциядорлик компанияси мисолида). Ихтисослик: 08.00.13 - “Менежмент ва маркетинг”. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. - Т., 2009. - 176 б

7. Хашимов А.А. Корпоратив бошкарув шаклидаги тузилмаларни ривожлантириш истиқболлари. - Т.: Фан, 2003. - 111 б.

Шасалимов С.Ж. *– ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОМПЛАЕНС ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Сўнгги йилларда комплаенс тизими, комплаенс назорати каби тушунчалар дунё ҳамжамиятининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Мазкур тушунчалар бутун дунё бўйлаб бизнес юритиш стандартларини белгилаб берди. Умуман олганда комплаенс глобал иқтисодиётнинг барқарорлигига ва аниқ бир компаниянинг бизнесига бевосита таъсир қила бошлади. Сўнгги бир неча йил ичида, комплаенс бузилиши ҳолатларини текшириш кўплигини, унинг фаолияти турли хил комплаенс стандартларига мувофиқ деб тан олинмаган корхоналар учун санкциялар миқдори сезиларли даражада ошиб, йирик хавфга айланди. Натижада ҳар бир ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, тижорат ҳамда саноат корхоналарининг раҳбарлари томонидан уни амалга оширишда эътиборга олишга мажбур киладиган омилга айланди.

Бугунги кунда нафақат бутун дунёда, хусусан Ўзбекистонда ҳам комплаенс тизими, комплаенс назорати тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Мулк эгалари ҳам, топ-менежерлар ҳам комплаенс функциясини ишлаб чиқиш ва жорий қилишдан манфаатдордирлар. Чунки мажбурий талабларнинг бузилиши одатда молиявий йуқотишларга, баъзан эса ташкилотнинг тугатилишига, шунингдек юридик шахс раҳбарларининг жиноий жавобгарликкача тортилишига олиб келади.

Комплаенсни стратегик режалаштиришда акциядорлар ва юридик шахслар таъсисчилари бир қатор ишларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Хавф-хатарларни таҳлил қилиш асосида комплаенс тизимли ёндошишда саноат корхонаси эга бўлган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиши учун корхоналарнинг узоқ муддатли комплаенс дастурлари директорлар кенгаши томонидан тасдиқланган ҳамда қисқа муддатли комплаенс даражасида кенгаш томонидан қабул қилинган стратегик комплаенс ҳужжатларини қабул қилишни кўриб чиқишлари керак.

Умумжаҳон тажрибада барча учун мос келувчи комплаенс дастурлари мавжуд бўлмай, ҳар бир комплаенс дастурни ишлаб чиқиш учун муайян ташкилотнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, шунингдек, унинг бизнес моделини, ташкилий тузилишини, ривожланиш стратегиясини, шу билан бирга ушбу лойиҳанинг материали ҳамда инсон ресурсларини тўғри ва аниқ ҳисобга олиш учун зарур бўлган вақтни талаб қилади.

Республикамизда ҳам комплаенс кундан кунга ривожланиб бормоқда. Бу эса мамлакатимиз жаҳон иқтисодиётига қўшилиб кетаётганлигини англатади. Бунга бир нечта омиллар сабаб бўляпти, жумладан:

- ҳалқаро компаниялар ва замонавий корпорациялар Ўзбекистон бозорига нафақат чет эл капитали, балки бизнес юритишнинг ички ахлоқий меъёрларини ҳам олиб келди;
- корпоратив бошқарув тамойиллари, чет эл биржаларида рўйхатдан ўтган компаниялар учун айниқса долзарб бўлиб қолди;
- тегишли қонунларнинг қабул қилиниши билан Ўзбекистоннинг ички назоратга нисбатан талаблари кучаймоқда.

Амалдаги тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ўз фаолиятини амалга ошираётган ҳар бир ташкилот, муассаса, ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи юридик шахс ўз олдига қўйган мақсадига амалдаги нормативларга мувофиқ эришишда комплаенс тизими самаралидир.

Турсунов Б.Р. *– ОБМ тингловчиси*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Замонавий шароитда рақобатнинг кучайиши кузатилмоқда, натижада корхоналар раҳбарияти доимий равишда рақобат шароитларига мос келадиган янги тармоқларни, корхоналарни бошқариш воситалари ва рақобатбардошликни ошириш йўлларини қидирмоқдалар. Бундай воситалар орасида корпоратив бошқарув алоҳида аҳамиятга эга.

Акциядорлик жамиятларида (АЖ) корпоратив бошқарув тизими фаолият шаффофлигини оширишга, акциядорлар ва инвесторлар билан ишончли ва самарали муносабатларни яратиш ва сақлашга қаратилган. Ахборотни ошкор қилишнинг юқори даражадаги шаффофлиги ва тўлиқлигини таъминлаш жамият учун энг муҳим устувор йўналишлардан биридир. Кўпгина ҳолларда

акциядорларни назорат қилиш турли хил мотивлар ва устуворликларга эга, менежмент билан муносабатларни ўз услубида ўрнатади, баъзи ҳолларда бошқарувда фаол иштирок этади, бошқаларда - фақат асосий қарорлар устидан назоратни кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши орқали амалга оширади.

Корпоратив бошқарув тамойиллари ва усулларини жорий этишнинг аҳамияти ҳақида гапирганда, қуйидаги ижобий натижаларни келтириш мумкин [1]:

- АЖ жозибадорлигини ва акциядорларнинг қизиқишини ошириш;
- акциялар қийматининг ошиши ва жалб қилинган капитал нархининг пасайиши;
- акцияларнинг номинал қиймати бирлигига жалб қилинган капитал ҳажмининг ўсиши; дивидендлардан тежаш имконияти (акциядорлар бозор қийматининг ўсиши ҳисобига фойда кўришади);
- АЖ ва унинг акциядорларининг фойдали ва барқарор ривожланиши манфаатлари учун оператив самарадорлик ва капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; компания ва мамлакат обрўсини ошириш.

Барча корпоратив бошқарув тизимлари тўрта асосий тамойил атрофида қурилади: ҳалоллик, ҳисобдорлик, жавобгарлик, ошкоралик.

АЖ корпоратив бошқарув тузилмасига қуйидагилар киради:

• АЖнинг юқори бошқарув органи бўлган акциядорларнинг умумий йиғилиши;

• АЖ фаолиятига умумий раҳбарлик ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини белгилашни амалга оширадиган кузатув кенгаши;

• жорий фаолиятни кундалик бошқаришни амалга оширадиган ижро этувчи орган.

Корпоратив бошқарувни ҳар хил табиатдаги бир-бирига боғланган механизмларнинг мураккаб мажмуаси сифатида қараш мумкин: ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий, мотивацион, ижтимоий-психологик, уларнинг ҳар бири ўзига хос жамият фаолиятига таъсир шакллари ҳисобланади. Корпоратив бошқарув доирасида инвесторлар менежерлар фаолияти устидан қандай қилиб назоратни амалга ошириши, шунингдек менежерлар корхона фаолияти натижалари учун инвесторлар олдида қандай жавобгар бўлишлари аниқланади. Тегишли корпоратив бошқарув тизими инвесторларга менежмент ўз сармояларини молия-хўжалик фаолияти учун оқилона фойдаланаётганига ва шу билан инвесторнинг капиталдаги улуши қийматини ошираётганига ишонч ҳосил қилишга имкон беради[2].

Корпоратив бошқарув тизимининг самарали қурилиши корпоратив муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги низоларни минималлаштириш ва уларнинг манфаатларини қондириш даражасини максимал даражага кўтариш ва индивидуал корпоратив мақсадларга эришиш шароитида корпорация ривожланишининг барқарорлигини таъминлаши мумкин[3].

Корпоратив бошқарувни ривожлантириш ҳар бир компаниянинг стратегик мақсадидир. Ушбу мақсадга эришиш компанияга нафақат ўз имиджини яхшилашга ва манфаатдор томонларнинг тахминларини ва тартибга солиш талабларини қондиришга, балки ўз жараёнларида иқтисодий самарадорликни оширишга ва компаниянинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин

Тадқиқотларимиз натижалари мамлакатимиз корхоналарида корпоратив бошқарувни янада ривожлантиришнинг айрим йўналишларини ишлаб чиқишга имкон берди:

• акциядорлик жамиятлари фаолиятида давлат идоралари, акциядорлар ва менежмент ўртасидаги вазифалар ва ваколатларни аниқ чегаралаш;

• халқаро тажрибани чуқур ўрганиш асосида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини амалга ошириш;

• акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, акциядорлик жамиятларининг очиқлиги ва ошкоралигини ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг халқаро стандартларини жорий этиш учун қулай шароитлар яратиш;

• акциядорлик жамиятлари фаолиятини стратегик бошқариш ва назорат қилишда акциядорларнинг, шу жумладан миноритар акциядорларнинг ролини ошириш;

• қимматли қоғозлар бозорини, айниқса иккиламчи бозорни янада ривожлантириш, унинг ахборот-техник базасини мустаҳкамлаш.

Юқорида келтирилган таклифларни амалга ошириш натижасида акциядорлик жамиятлари ўзларининг устав фондларига чет эл капиталини кенг жалб қилишлари мумкин, натижада корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини фаол жорий этиш, акциядорлар учун қулай шароитлар яратиш корхонани стратегик бошқариш ролини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Турсунов Г. Важность корпоративного управления АО в современном развитии экономики страны // Бизнес-эксперт, 2017. № 3.

2. Исаев Д. Корпоративное управление и стратегический менеджмент: информационный аспект. Litres, 2019

3. Basyuk A.S., Prokhorova V.V., Kolomyts O.N., Shutilov F.V., Anisimov A.Y. Administration management in the innovation cluster // International Review of Management and Marketing. 2016. Vol. 6. № 6. P. 180-184.

Исроилов А.З. *– ОБМ тингловчиси*

ҚУРИЛИШДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МОДУЛИ

Режалаштирилган иқтисодиётга мос келадиган қурилиш комплексини самарали бошқариш тизимининг йўқлиги, давлатнинг миллий иқтисодиётнинг ушбу энг муҳим тармоғини ривожлантиришга таъсирини сусайишига олиб келди. Ўзбекистон Республикасида қурилиш корхоналари танқидий даражада бўлиб, улар қурилиш маҳсулотларига бўлган талабни минимал даражада таъминламоқдалар. Бундан ташқари, яқин ўтмишда қурилиш хизматларини экспорт қилишда мамлакат чет эл қурилиш фирмаларига тўлиқ қарам бўлиб

қолди. Бу ҳолат ўтган йилларда ривожланган қурилиш мажмуасида марказлаштирилган бошқарув тизимининг бузилиши билан боғлиқ. Сўнгги 10 йил ичида вазият ўзгарди - қурилиш хизматларига, айниқса капитал таъмир талаб қиладиган хизматларга талабнинг тез ўсиши қурилиш ташкилотлари салоҳиятининг тегишли ўзгариши билан таъминланмоқда. Кечикиш қурилиш бизнесидаги рақобатчилар ўртасида тўғри рақобатнинг йўқлигига олиб келади ва уларга инвестиция таклифидан тўлиқ самарали фойдаланишга имкон бермайди. Мамлакат ва минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришнинг ижтимоий дастурлари билан белгиланадиган вазифалардан қурилиш комплексининг орқада қолиши инвестицияар самарадорлигини сезиларли даражада пасайтиради.

Бу асосан қўшимча транзактсион харажатларни келтириб чиқарадиган ва умуман қурилиш мажмуасини ва унинг барча даражадаги бошқарув тузилмаларини заифлаштирадиган тармоққа хос корпоратив муҳит ва корпоратив бошқарув тизимининг этишмаслиги билан боғлиқ.

Шу муносабат билан корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Қурилишда корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омили сифатида кўриб чиқамиз.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш керак бўлади:

- қурилишда корпоратив бошқарув тизими (КБТ) шаклланишини белгилайдиган ташкилий ва иқтисодий омиллар мажмуини аниқлаш ва асослаш;
- қурилиш субъектларининг функционал таъсир ўтказиш модулларини (ФТЎМ) тақсимлаш нуқтаи назаридан қурилишда корпоратив бошқарув таърифини бериш;
- қурилиш субъектларининг корпоратив бошқарув тизими ва бошқарув даражаларини (қуйи, ўрта, юқори) ҳисобга олган ҳолда қурилишда функционал таъсир ўтказиш модулларини шакллантиришга оид услубий ёндашувларни аниқлаштириш; қурилишда КБТ ташкилий ва иқтисодий моделини ишлаб чиқиш;
- қурилишда корпоратив бошқарув тизими ишлаш тамойилларини шакллантириш;
- қурилишда корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқлигини асослаш (вилоят мисолида, қурилиш корхоналари).

Қурилиш субъектлари ўртасидаги ташкилий ва иқтисодий муносабатларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қурилишда корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш этарлича ўрганилмаган.

Қурилишда корпоратив бошқарув тизимини жорий қилишда ечимини топмаган масалалар сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- қурилишда ташкилий (қурилишни бошқаришни марказсизлаштириш, инновацияларга қаршилик кўрсатиш, қурилишни парчаланиши) ва иқтисодий омиллар (молиявий қийинчиликлар, бошқарув ҳисобининг йўқлиги, қурилиш-нинг юқори транзакция харажатлари) шакллари тўпламини аниқлаштириш.

- аниқ қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш доирасида умумий мақсадлар, вазифалар ва келишилган функцияларга эга бўлган қурилиш субъектларининг функционал таъсир ўтказиш модуллари тўплами (ФТЎМ) сифатида қурилишда корпоратив бошқарув тизими ўрганилмаган;

- қурилиш субъектлари ва бошқарув даражаларини (қуйи, ўрта, юқори) ҳисобга олган ҳолда қурилишда корпоратив бошқарув тизимини шакллантиришга услубий ёндашувни ишлаб чиқишда ва корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолашнинг қиёсий усулини қўллаш лозим;

- қурилишда корпоратив бошқарув тизими ташкилий-иқтисодий моделини ишлаб чиқишда, унинг доирасида корпоратив бошқарув тизимининг ташкилий тузилмаси аниқлаш;

- қурилишда корпоратив бошқарув тизимининг ишлаш тамойилларини шакллантиришда (транзакцион; тарқатиш; интеграция; самарадорлик; устунлик) тамойилларидан фойдаланиш;

Юқоридаги масалалар ечими сифатида ушбу тавсияларни берамиз:

1. Қурилишда корпоратив бошқарув тизими қурилишнинг ўзига хос хусусиятлари талабларига жавоб бериши (ишлаб чиқаришнинг узоқ муддатлари, қурилиш лойиҳаларининг капитал интенсивлиги, қурилиш ишлаб чиқариш жараёнларининг қатъий кетма-кетлиги, турли хил ташкилотлар билан алоқаларнинг хилма-хиллиги) корпоратив алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири бўлган қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш).

Белгиланган вазифаларни ҳал қилиш ва қурилиш комплексларининг ҳолатини ўрганиш натижасида аниқлашимча қурилиш комплексининг минтақавий субъектларининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган асосий омиллар қуйидагилардир:

қурилиш ташкилотларининг инвестиция ресурсларининг ўз манбалари ҳажмининг пасайиши;

умуман минтақа иқтисодиётида инвестиция фаоллигининг сусайиши;

қурилиш саноатига йўналтирилган асосий капиталга инвестициярнинг ўсиш суръатларининг пасайиши;

қурилишда асосий воситаларнинг юқори даражадаги эскириш даражаси (йил бошида тахминан 50%) ва бошқалар.

2. Қурилишда корпоратив бошқарув тизими шаклланишига сальбий ва ижобий таъсир кўрсатадиган ташкилий ва иқтисодий омилларни аниқлаш, уларнинг таҳлил қилиш ва уларнинг қурилиш фаолияти самарадорлигига таъсирини миқдорий ва сифатий баҳолаш.

Қурилишда корпоратив бошқарув тизими шаклланишининг ташкилий (қурилишни бошқаришни марказсизлаштириш, инновацияларга қаршилик кўрсатиш, қурилишни парчаланиши) ва иқтисодий омиллар (молиявий қийинчиликлар, бошқарув ҳисобининг йўқлиги, қурилишнинг юқори транзакция харажатлари) тўпламига аниқлик киритиш.

3. Қурилишда корпоратив бошқарув тизимини яратиш бўйича бир қатор қоидалар асослаш лозим. Биринчидан, корпоратив бошқарув тизимини яратишни бошлайдиган корхоналарни ишлаб чиқариш учун технологик шарт-шароитларни,

биринчи навбатда, шартномавий муносабатларни ривожлантириш ва тузиш пайтида кўриб чиқиш керак. Иккинчидан, биргаликдаги фаолиятнинг асосий йўналишларини (шу жумладан молиявий, илмий-техникавий, савдо-сотиқ ва бошқаларни) ўз ичига олган шартномавий муносабатлар тизимини диққат билан ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Учинчидан, фойдани максималлаштириш ва харажатларни минималлаштиришни корпоратив бошқарув тизимида иштирок этишнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари қаторида кўриш.

Транзакцион харажатларни ҳисобга олганда субъектларнинг ўзаро таъсирининг шакли сифатида корпоратив бошқарув тизимининг ўзига хос хусусиятларига келсак, қуйидагилар бўлиши мумкин:

корпоратив бошқарувни ўрнатиш учун алоқада қатнашадиган ташкилотларнинг харажатлари тизими;

иштирок этувчи ташкилотларнинг маълум умумий корпоратив вазифаларни (маркетинг, консалтинг ва бошқалар) амалга оширишни марказлаштириш асосида режалаштирилган харажатларни тежаш.

Ўрганиш натижасида қурилишда корпоратив бошқарув тизими қурилишнинг ўзига хос хусусиятлари талабларига жавоб бериши (узоқ муддатли ишлаб чиқариш муддати, қурилиш лойиҳаларининг капитал интенсивлиги, қурилиш ишлаб чиқариш жараёнларининг қатъий кетма-кетлиги, турли хил муносабатлар қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган турли ташкилотлар), бу корпоратив муносабатлар ривожланишининг муҳим омилларидан бири эканлигига амин бўлиш мумкин.

Қурилишда корпоратив бошқарув тизими фаолиятининг формулали принциплари (транзакцион, тақсимланган, яхлит, таъсирчан, доминант) қурилишда корпоратив бошқарув тизимининг ташкилий-иқтисодий моделини ишлаб чиқишда ҳисобга олиш лозим, бунда корпоратив бошқарув тизимининг ташкилий тузилиши: услубий қўмита, бошқарув кенгаши, тезкор кенгаш, лойиҳа идораси, шунингдек уларнинг ҳар бирининг асосий мақсад ва вазифалари шакллантирилади, расмийлаштирилган функцияларнинг тавсифи таклиф этилади.

Қурилишда корпоратив бошқарув таърифини қурилиш субъектлари (давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, молия институтлари) томонидан узоқ вақт давомида қурилиш комплекслари субъектлари фаолиятига мақсадли таъсир сифатида аниқлаштириш мумкин. Корпоратив бошқарув тизимини қурилишда функционал ўзаро таъсир модуллари тўплами сифатида изоҳлайди - улар бир нечта қурилиш субъектларининг фаолиятининг нисбатан чекланган соҳалари бўлиб, улар ўз мақсадлари ва функтсиярини амальга оширадилар (уланиш параметрлари ва хусусиятлари ва тизим ичидаги муносабатлар) ва қурилиш лойиҳаси доирасида уларнинг ўзаро таъсирини ташкил этишнинг мақсадлари ва тузилишига мувофиқ коммуникацияларни (атроф-муҳит билан муносабатлар ва муносабатларнинг хусусиятлари ва параметрлари) шакллантиради.

Қурилиш субъектларининг функционал ўзаро таъсир модулларини (ХВФ) бир нечта қурилиш субъектларининг нисбатан чекланган фаолият соҳалари сифатида ажратиб кўрсатиш ва сифат жиҳатидан белгилаш, улар ўзларининг

мақсадлари ва функциясини (тизим ичидаги алоқалар ва муносабатларнинг параметрлари ва хусусиятлари) амалга оширадиган ва қурилиш лойиҳаси доирасида уларнинг ўзаро таъсирини ташкил этишнинг мақсадлари ва тузилишига мувофиқ коммуникацияарни (атроф-муҳит билан муносабатлар ва муносабатларнинг хусусиятлари ва параметрлари) шакллантириш лозим.

Юсупов Р.Р. *– ОБМ тингловчиси*

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш стратегияси диверсификация-ланган ва рақобатбардош иқтисодиётни яратишга, инновацион технологиялар ва бозорни бошқаришнинг янги усулларидан фойдаланган ҳолда миллий ресурслардан максимал даражада фойдаланишга йўналтирилган.

Бугунги кунда Эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) маҳаллий ва хорижий капитални жалб қилиш, экспортни кенгайтириш, валюта тушумини кўпайтириш, янги технологияларни киритиш, тўлов балансини яхшилаш, импорт ўрнини босувчи саноатни ривожлантириш ва пировардида миллий иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодиётига оқилона интеграциясини таъминлайди.

ЭИЗ институтининг концепциясига мувофиқ, уларни ташкил этиш ва ривожлантириш қуйидагиларга ёрдам беради:

- мамлакатнинг экспорт салоҳиятипи ошириш;

-миллий инвестиция муҳитини яхшилаш;

- юқори даражада қайта ишлаш даражасига эга бўлган тармоқларни ривожлантириш ва рақобатбардош юқори илмий сиғимли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бизнесни юритиш учун энг қулай шароитларни яратиш;

- туристик ва санаторий-курорт фаолиятини ривожлантириш;

- мамлакатнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ва унинг жаҳон иқтисодиётига тенг қўшилишини таъминлаш[2].

ЭИЗларнинг мақсад ва вазифалари тўғридан-тўғри импорт ўрнини босувчи асосий тармоқларни, экспорт таъминотини диверсификация қилишни, шунинг-дек, мамлакатнинг стратегик ва географик имкониятларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳаларини, хусусан, туризм ва транспорт-логистика хизматларини ривожлантириш орқали амалга оширилиши мумкин.

Протекционистик чоралар ёки импорт ўрнини босиш сиёсатини ишлаб чиқиш орқали импортга боғлиқликни камайтириш ва уларни оқилона чегараларда ушлаб туриш мумкин. Халқаро тажрибадан кўриш мумкинки, иккинчи усул - импорт ўрнини босиш, импортга қарамликни камайтиришда нисбатан самарали. Импорт ўрнини босиш жараёни деганда, одатда, маҳаллий товарларни ишлаб чиқариш ва ички истеъмол ҳажмининг кўпайиши тушуни-лади, шу билан бирга импорт қилинадиган товарларнинг истеъмоли камаяди.

Импорт ўрнини босиш сиёсати маҳсулотнинг вақт ўтиши билан ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўлишга қодир бўлган соҳаларга қаратилган бўлиши керак.

Республикамизда машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил саноат, кимё, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва озиқ-овқат саноати каби қатор соҳаларда импорт ўрнини босиш учун жуда юқори салоҳият мавжуд. Импортни алмаштиришнинг муҳим йўналиши ҳам таркибий тузувчи корхоналар ва тармоқларни ривожлантиришдир, уларсиз ягона иқтисодий механизм (энергетика, транспорт, алоқа) мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Импорт ўрнини босувчи саноатни ривожлантиришда ЭИЗ лар муҳим роль ўйнаши мумкин. Унда давлат-хусусий шериклик механизми инвесторларга қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари бериш, энг янги технологиялар, ускуналарни олиб кириш, чет эл бошқарув кадрларини жалб қилиш орқали хорижий капитални (шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни) жалб қилишга қаратилган. Бу ўз навбатида Ўзбекистонда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва умуман, импорт таркибини оптималлаштиришга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш керакки, кластер ёндашуви (минтақадаги энг йирик ва энг ривожланган саноат корхоналари атрофида ишлаб чиқаришнинг концентрацияси) замонавий саноат-ишлаб чиқаришига ихтисослашган ЭИЗ фаолиятини ташкил этишнинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Шу билан бирга, ЭИЗлар минтақавий кластерларнинг марказларига айланиши кераклигини таъкидлаш муҳим, улар ҳажми бўйича ЭИЗ ҳудудидан сезиларли даражада ошиб кетади. Жаҳон амалиётига асосланиб, ЭИЗ иқтисодий ва географик жойлашуви нуқтаи назаридан атайлаб энг ривожланган ёки потенциал минтақавий кластерларнинг «ядроси» сифатида шакллантирилади (1-расмга қаранг).



1-расм. Эркин иқтисодий зоналарни яратишда кластерли ёндашув[1]

Саноат-ишлаб чиқариш типидаги иқтисодий зоналар «юмшоқ ихтисослашув» га эга, аммо уларнинг ҳар бири учун ривожланган (кучли), ривожланаётган (барқарор) ва янги (потенциал) кластерларни ажратиш мумкин.

[1]Манба: муаллиф ишланмаси

ЭИЗнинг саноат ва ишлаб чиқариш йўналиши таркибига автомобилсозлик саноати компонентларини ишлаб чиқариш, автомобиль ишлаб чиқаришнинг тўлиқ цикли, кимё ва нефт-кимё саноати, ишлаб чиқариш саноати, фармацевтика ишлаб чиқариши, самолётсозлик, мебель ишлаб чиқариш ва бошқалар киради.

Бундан ташқари, хулоса қилиш мумкинки, танлаб ишлаб чиқариладиган саноат сиёсати ва саноат-ишлаб чиқариш ЭИЗ институтидан восита сифатида фойдаланиш, юқори эҳтимоллик билан, импорт қилинадиган товарларни аста-секин ички маҳсулотларга алмаштиришга олиб келиши мумкин, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини тиклашнинг асосий усулларидан бирига айланади.

Мамлакат иқтисодиётининг янги юқори технологик имиджини шакллантириш учун энг муҳими - бу ЭИЗ ҳудудида бизнес раҳбарлари ҳамжамиятини яратиш, ЭИЗда «тез ривожланаётган компаниялар» нинг пайдо бўлиши ва уларга глобал юқори технологик маконга қўшилиши учун шароит яратиш зарур. Технологик жиҳатдан ўхшаш соҳаларда етакчи компанияларни ЭИЗга жалб қилиш ва рақобатдош атрофида юқори технологик бизнеснинг ўсишини бирлаштирган инновацион инфратузилмани яратиш бўйича кластерли ёндашувни стратегик йўналиш сифатида танлаш мумкин.

Кластерларни яратиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолат - бу ЭИЗ яқинида жойлашган илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари ва илм-фанни талаб қилувчи компанияларнинг илмий-техник ва таълим салоҳиятидан фойдаланишдир.

Кластерларнинг илмий ва технологик йўналишлари ЭИЗ яратилаётган ҳар бир минтақанинг хусусиятлари ва рақобат устунликларидан келиб чиқиб аниқланди.

Бугунги кунда ЭИЗда ривожланиш учун илмий, ишлаб чиқариш ва инсон ресурслари салоҳияти нуқтаи назаридан энг истиқболли йўналишлар мамлакатимиз ва жаҳон иқтисодиёти учун энг муҳим йўналишлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ахборот-коммуникация технологиялари ва электроника;
- нефт-кимё саноатидаги янги технологиялар;
-нанотехнология;
- биотехнология ва тиббиёт.

ЭИЗдаги технологик маълумотлар асосида инновацион кластерлар босқичма-босқич шакллантирилали.Халқаро бозорларда муваффақиятли рақобатлашадиган, юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва ўз бизнесини ривожлантириш учун инновацион ечимларга эга бўлган бундай етакчи компаниялар ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар соҳасида илгарилаб бормоқдалар.

Ҳудудларда кичик инновацион тадбиркорликни жадал ривожлантириш техник ва инновацион ривожланишнинг қуйидаги йўналишларини аниқлашга имкон беради[1]:

-геофизик тадқиқотлар;
-саноат хавфсизлиги ускуналарини диагностикаси;

- дастурий таъминот;
-интернет хизматлари;
-биотехнология.
- электрон ускуналар учун дастлабки материаллар;
-нанотехнология ва наноэлектроника;
-қуёш энергияси;
- навигация тизимлари ва бошқалар.

Узоқ муддатли, стратегик истиқболда барча турдаги ЭИЗларни янги инновацион иқтисодиётга уйғунлаштириш керак. Уларни янги технологиялар соҳасидаги инновацион ютуғи учун дастлабки муҳим қадам деб ҳисоблаш мумкин. Айнан шу жиҳатдан ЭИЗни Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг билим, иннова-ция ва юқори технологияларга асосланган «прототипи» деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳар бир техник ва инновацион ЭИЗларнинг резидентлари ихтисослашуви ва фаолиятининг асосий йўналишларини кўриб чиқиб, мамлакатимизни ривожлантиришнинг инновацион сценарийсини реал равишда амалга ошириш учун жуда муҳим шартлар мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин. Албатта, у мамлакатимизда ташқи иқтисодий ихтисослашувини такомиллаштиришга, хусусан, экспорт салоҳиятини оширишга олиб келиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Зименков Р.И. Свободные экономические зоны. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. - 223 с.

2. Кунаков Д. А. Особые экономические зоны как инструмент внешнеэкономической специализации// Российский внешнеэкономический вестник. 2008. №11.

Гайипов А.Б. *– ОБМ тингловчиси*

КОРХОНАЛАРДА СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ

Бугунги замонда мамлакатлар, минтақалар ва корхоналар доимо рақобат-бардошлиги ва омон қолиш учун муаммоларга дуч келмоқда. Ўн йилликлар давомида марказлашган режали тизимда корхоналар ўз ривожланиш мақсадлари ва стратегияларини белгилашга, қандай маҳсулот ишлаб чиқариш ва қандай миқдорда қарор қабул қилишга ва рақобат курашида қандай омон қолишга муҳтож эмас эдилар. Бозор иқтисодиётига ўтиш бошқаришнинг тубдан фарқ қилувчи шакллари, усуллари ва технологияларини ишлаб чиқишни тақозо қилди.

Ўзгарувчан муҳитда, хавф ва ноаниқлик билан, ўтган тенденцияларга асосланган кенг тарқалган экстраполяция усуллари барқарор иқтисодиёт учун мос келади. Шунинг учун стратегик ёндашув талаб этиладики, унинг асосини корхона миссияси ва мақсадлари, стратегик вазифаларни ҳал этиш белгилайди: қайси маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайси бозорларга кириш, қайси бизнесни ривожлантириш ташкил этади [1].

Стратегик режалаштириш элементлари. Стратегик режалаштириш бу ташкилотнинг мақсадларини, уларга эришиш учун зарур бўлган ресурсларни ва ушбу ресурслардан фойдаланиш ва сотиб олишга қаратилган сиёсатни белгилаш жараёнидир. [2]

Стратегик режалаштиришда, биринчи навбатда, режалаштириш предмети ва объектини, бошқача қилиб айтганда, нимани режалаштириш керак, бунинг учун иқтисодий тизимни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларини, бу муаммоларни ҳал қилиш механизми, ресурс салоҳиятини аниқлаш ва режалаштирилган иқтисодий воситаларнинг таъсирини аниқлаш зарур.

Стратегик режалаштиришнинг вазифаси унинг асосий таркибий қисмларининг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашдан иборат [3].

Стратегик режалаштиришда фойдаланиладиган асосий компонентлар сифатида

Қуйидагиларни кўриш мумкин:

- компетентликни тушуниш, яъни ташкилотнинг кучли томонларини ва потенциал имкониятларини тушуниш;

- ташкилот ривожланишининг асосий нуқталарини аниқлаш ;

- инновация, харажатларни камайтириш ва нархларни пасайтириш орқали рақобат устунлигини таъминлаш;

- синергия таъсири;

- ташқи ва ички муҳит омилларини узлуксиз таҳлил қилиш, ташкилотга имкониятлар ва таҳдидлар, унинг кучли ва заиф томонлари;

- меҳнат, молиявий ва бошқа соҳалардаги стратегик эҳтиёжлар ҳақида тушунча .

моддий ресурслар; улардан оптимал фойдаланишни таъминлаш [1].

Стратегик режалаштириш воситаларидан фойдаланиш муаммолари.
Стратегик режалаштиришнинг самарадорлиги муаммоси ва унга таъсири корхона фаолияти узоқ вақт чет эл олимлари асарларида баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Аслида, стратегик режалаштириш ривожлантириш ва кейинги амалга ошириш

бир қатор қийинчиликларга олиб келиши мумкин. Энг кенг тарқалган муаммолар:

1) компаниянинг юқори бошқарувини стратегик жиҳатдан тайёр эмаслиги режалаштириш.

2) катта бошқарувнинг кичик ёки расмий қизиқиши.

3) стратегик режалаштириш жараёнини нотўғри ташкил этиш.

4) тезкор режалаштириш ва назорат жараёнларининг самарадорлиги пастлиги.

5) стратегик режалаштириш бўлимининг маъмурий боғлиқлиги.

6) ташқи маслаҳатчилар билан ўзаро ҳамкорликни нотўғри ташкил этиш.

7) стратегик назоратнинг йўқлиги.

Стратегик режалаштиришнинг кўриб чиқилган муаммолари ва қийинчиликлари яқиндан корхона бошқарувининг барча муаммолари билан

узвий боғлиқ. Шунинг учун, самарали стратегик режалаштириш учун, биринчи навбатда, нисбатан кичик муаммоларни (бошқарув ҳисоби, бошқарув ҳисоботи ва бошқаларни) ҳал қилиш керак.) [4].

Стратегик режалаштириш тизимини такомиллаштириш. Стратегик режалаштириш жараёни самарадорлигини оширишнинг асосий ташкилий-техник захиралари:

1. Стратегик бошқарувнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш.

2. Корхонани ривожлантиришнинг аниқ стратегияларини аниқлаш ва уларни стратегик режалаштириш тизимига киритиш.

3. Самарали маркетинг ишларини ташкил этиш.

4. Автоматлаштирилган қўллаб-қувватлаш ва бошқариш тизимини жорий этиш корхонанинг стратегик ривожланиши.

5. Самарали стратегик режалаштириш моделини қуриш.

Корхонани стратегик режалаштиришнинг самарали фаолият кўрсатувчи тизимини шакллантиришдаги асосий нуқта стратегик режалаштириш жараёнини амалда амалга оширишга қаратилган корхона ташкилий тузилмасининг элементи сифатида стратегик режалаштириш хизматини яратишдан иборат бўлиши керак. Ушбу хизматнинг асосий мақсади шаклланиши керак, корхонада стратегик режалаштириш тизимининг фаолият кўрсатиши ва такомиллашувини бошқариш.

Корхонада стратегик режалаштириш тизимини шакллантириш технологияси доирасида хизматнинг иш тартиби уч босқич билан ифодаланиши мумкин:

1. Стратегик режалаштириш хизматининг шаклланиши.

2. Режалар тизимини ишлаб чиқиш.

3. Ишлаб чиқилган стратегияларни амалга ошириш.

- Биринчи босқичда хизмат тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилади, унинг корхона ташкилий тузилмасидаги ўрни белгиланади ва унинг кадрлар таъминоти ташкил этилади.
- Иккинчи босқичда йўналишлар танланган стратегик режалаштириш технологияси асосида ишбилармонлик муҳитини моделлаштириш орқали аниқланади.
- Учинчи босқич ишлаб чиқилган стратегияларни амалга ошириш, бир томондан, режаларни деталлаштириш, иккинчи томондан эса – уларни бажариш вақти бўйича интеграциясини ўз ичига олади. Бу ерда улар назорат қилиниши ва керак бўлса, созланиши керак.

Маркетинг билан стратегик бошқарув жараёни ўртасидаги боғлиқлик инновация ва инвестиция фаолияти билан ўзаро таъсир орқали намоён бўлиши керак. Маркетинг ва инновация ва инвестиция фаолиятини бошқариш стратегик менежментнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиши керак, чунки бу фаолият турлари стратегик ташаббуслар маркази ҳисобланади.

Корхоналарда режалар тизимини янада тўлиқроқ амалга ошириш мақсадида у, биринчидан, стратегик иқтисодий бирликлар учун тижорат ҳисоб-китоби тамойиллари бўйича режаларнинг шаклланишини таъминлаш, иккинчидан, стратегик режалаштиришда иштирок этувчи этакчи хизматларнинг ўзаро

алоқасини таъминлаш учун мўлжалланган. Стратегик бизнес субектларининг режаларини шакллантириш ва молиявий ва маркетинг хизматларининг ўзаро алоқасини таъминлаш стратегик режалаштириш алгоритмига мувофиқ ташкил этилган корхона режалари тизимини шакллантириш имконини беради. Корхоналар учун режалар тизимини қуйидаги кўринишда тақдим этиш мумкин:

1. Камида 3 йил режалаштиришга эга бўлган корхонанинг стратегик режаси.

2. Корхонанинг чораклик тақсимотидаги йиллик режаси.

3. Ишлаб чиқариш, сотиш, янги ускуналар ва молиявий оқимларни жорий этиш бўйича ойлик режа бўлиб, у корхонанинг ташқи ва ички муҳитининг ўзгаришига мувофиқ тузилган йиллик режадир.

4. Ҳафталик ва кундалик равишда тузилган операцион ишлаб чиқариш ва жўнатиш режалари.

Стратегик режалаштириш жараёнини самарали амалга оширишга ёрдам берувчи муҳим шартлардан бири ҳужжат оқими ва ахборот оқимларини, шунингдек уларни корхоналар ичида қайта ишлаш воситалари ва усулларини оптималлаштиришдир.

Режалар тизимини шакллантириш жараёнининг якуний босқичи бўлиб назорат қилиш. Назоратнинг асосий усули бу ҳақиқий кўрсаткичларнинг режалаштирилганлардан четга чиқишини таҳлил қилишдир. Назорат стратегик режалаштириш тизимининг иккала муаммосини, математик моделни қуришдаги хатоларни ва ҳар бир алоҳида бирликнинг тактик хатоларини аниқлаши керак [5]. Стратегик режалаштириш ва бошқариш назарияси И. Ансофф, Ф. Котлер, М. Porter ва бошқалар каби муаллифлар туфайли маълум бўлди. Ташкилотда назарияни қўллаш фойдасига баҳслашиш тизимини қуйидаги баёнотлар асосида қуриш мумкин.

1. Стратегик менежментнинг асосий ғояси: «фақат доимо ўзгариб туриш орқали

муваффақиятли бизнес юритиш ва кучли рақобат ва ташқи муҳитда олдиндан айтиш қийин ўзгаришлар шароитида ривожлантириш мумкин.»

2. Ташкилотда стратегик бошқарув тизимини амалий ва муваффақиятли амалга ошириш зарур ва мумкин.

3. Стратегик бошқарув тизими доимий равишда

стратегик режалар, қарорлар ва хатти-ҳаракатларнинг енг мос вариантлари ҳақида аниқ бошқарув маълумотларига эга менежер.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шогенов Б.А., Жемухов А.Х. «Теоретические проблемы стратегического планирования в экономических системах» // Terra Economicus, 2007. Т. 5. № 2-2. С. 355-357.

2. Ильиных Ю.М. «Стратегическое планирование и эффективность управления экономическими системами» // Современные наукоемкие технологии, 2005. № 1. С. 33-35. 38

3. Борисова Е.В. «Стратегическое планирование в управлении экономическими системами» // Вестник Российского университета кооперации, 2016. № 3 (25). С. 12-14.

4. Магданов П.В. «Проблемы и трудности внедрения стратегического планирования в российских компаниях» // Вестник Пермского университета, 2008. № 8. С. 90-99.

5. Смагина М.В., Грошева И.А. «Резервы повышения качества стратегического планирования на промышленных предприятиях» // Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета, 2011. № 4. С. 110-113.

6. Невгод Е.А. «Система «бережливого производства» как механизм комплексного совершенствования стратегического планирования предприятия» // Проблемы современной экономики (Новосибирск), 2015. № 28-2. С. 160-164.

7. Мерзликина Г.С., Ткаченко Д.Д. «Совершенствование системы стратегического планирования в условиях неопределенности» // Известия Волгоградского государственного технического университета, 2006. № 5. С. 107-110.

Юсупов Р.Р. *– ОБМ тингловчиси*

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Республикамизнинг жаҳон иқтисодиётидаги ҳозирги иштироки экспортни диверсификациялашнинг паст даражаси, хизматлар экспортида рақобат устунликларидан, шунингдек, илим талаб қиладиган тармоқлар маҳсулотларидан етарли даражада фойдаланмаслик билан тавсифланади.

Экспортдаги ноқулай тенденциялар асосан энергия ташувчилар нархларининг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш тармоқлари маҳсулотларининг рақобатбардошлиги (баъзи истиснолардан ташқари) паст бўлиб қолмоқда, яъни, мамлакатимиз қазиб чиқариш саноати маҳсулотларини экспорт қилувчиси сифатида юқори ва шу билан бирга тайёр маҳсулотлар, транпорт-логистика ва туристик хизматлар бозорларида рақобатдош эмас[2] .

Ривожланиншнинг замонавий босқичида экспортидаги замонавий тенденциялар илм-фанни талаб қиладиган маҳсулотлар савдосининг кескин кенгайиши билан ажралиб турадиган глобал тенденциялар билан тобора кескинлашиб бормоқда. Бу мамлакатимизни хомашё бозоридаги тебранишларга ҳаддан ташқари юқори боғлиқликка олиб келади ва унинг халқаро иқтисодий тизимларга самарали интеграциясига тўсқинлик қилади.

Эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) тўғрисидаги қонуннинг концепциясига асосланиб, мамлакатимиз ҳудудида бундай иқтисодий зоналар механизмини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш йўналишларидан бири бу юқоридаги вазифаларни миллий миқёсда ҳал этишдир.

Ҳар бир техник ва инновацион ЭИЗлар иштирокчилари ихтисослашуви ва фаолиятининг асосий йўналишларини кўриб чиқиб, мамлакатимизни

ривожлантиришнинг инновацион сценарийсини реал равишда амалга ошириш учун жуда муҳим шартидир. Албатта, у мамлакатимизда ташқи иқтисодий ихтисослашувини такомиллаштиришга, хусусан, экспорт салоҳиятини оширишга олиб келиши керак. Шундан келиб чиқиб, транспорт хизматлари, технологик ва инновацион зоналар ҳамда туристик ва рекреацион зоналарни шакллантириш ғояси алоҳида аҳамият каб этади.

Эркин иқтисодий зоналарни аниқ мақсадига мос ҳолда ихтисослигига қараб ажратиш лозимдир. Ҳамма зоналарни эркин иқтисодий зона деб эмас, масалан, туризм эркин зонаси, эркин саноат зонаси, эркин машинасозлик зонаси, эркин экспорт зонаси ва бошқалар[1].

Ўзбекистонда эркин иктисодий зоналарни ривожлантириш ва давр талаблари асосида ташкил этиш учун унинг назариядаги белгиларни мунтазам равишда кенгайтириб бориш керак. Масалан, мавжуд саноат базасини кенгайтириш ёки бепул сервис ҳизмати, консалтинг ҳизматлари ва бошқаларни.

Хизмат кўрсатиш зоналари - бу ҳар хил молиявий ва молиявий хизматларни кўрсатадиган фирма ва муассасалар учун имтиёзли иш режимига эга бўлган ҳудудлардир. Хизмат зоналарига оффшор ташкилотлар ҳам киради. (Кипр, Малта, Кариб ҳавзаси, туризм ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган бошқа мамлакатлар).

Ҳар бир техник ва инновацион ЭИЗлари иштирокчиларининг ихтисослашуви ва фаолиятининг асосий йўналишларини кўриб чиқиб, мамлакатимизни ривожлантиришнинг инновацион сценарийсини реал равишда амалга ошириш учун жуда муҳим шартлар мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин.

Транспорт хизматлари экспортини ривожлантириш нуқтаи назаридан ЭИЗлар қуйидагиларга ҳисса қўшиши мумкин:

- халқаро транспорт коридорларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон ҳудуди орқали халқаро транзитни ривожлантириш;

- товарларни экспорт қилишда транспортни қўллаб-қувватлаш;

- маҳаллий ташувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва уларнинг транспорт хизматлари жаҳон бозоридаги улушини ошириш. Шунингдек, халқаро аэропортларнинг юк терминаллари ҳудудида саноат маҳсулотларини кичик қайта ишлаш, импорт қилинадиган товарларни тушириш, юклаш ва қайта юклаш учун, шунингдек товарларни сақлаш ва ташишни бошқариш бўйича хизматлар кўрсатиш учун махсус иқтисодий зоналари яратилади. Бундан ташқари, ушбу турдаги зоналар транспорт воситаларини жиҳозлаш, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш ва модернизация қилиш билан шуғулланади.

Технологик ва инновацион зоналар қулай иқтисодий ва географик жойлашуви туфайли инновацион тадбиркорликни, шу жумладан, инновацион инфратузилмани қўллаб-қувватлаш тизими ривожланишининг инновацион сценарийси бўйича мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш воситаларидан бирига айланиши мумкин.

Туристик ва рекреацион зоналар, шунингдек, туристик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш нуқтаи назаридан халқаро ихтисослашувини яхшилаш учун муҳим захирага эга. Ушбу турдаги ЭИЗ туристик хизматлар экспортини

ривожлантиришга, чет еллик сайёҳларни жалб қилишга ҳисса қўшиши, шунингдек, ички туризм алтернативани тақдим этиши, туризм соҳасидаги импорт улушини камайтириши лозим.

Ташки савдо зоналари таҳлили шуни кўрсатадики, бу зоналарда экспорт мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан анча тезрок ўсади. Улар бевосита ёки билвосита аҳолининг бандлик даражасини оширади, иқтисодиётга нафакат локал даражада, балки бутун миллий иқтисодиёт даражасида ижобий таьсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кунаков Д. А. Особые экономические зоны как инструмент внешнеэкономической специализации // Российский внешнеэкономический вестник. 2008. №11.

2. Қорабоев Ш., Инамова Г., Алабаев с. Эркин иктисодий зоналар фаолиятини ривожлантириш масалалари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь

Юсупов Ю.Қ. *– ОБМ тингловчиси*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА УНИ БОШҚАРИШ АСОСЛАРИ

Халқаро банк амалиёти тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари капиталининг самарадорлигини ва унинг етарлилигини таъминламасдан туриб, банкларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини қозониш мушкул вазифалардан бири ҳисобланади. Маълумки, банк капиталининг мавжудлиги банкни ташкил топиши ва фаолият кўрсатиши учун энг асосий заруриятдан биридир. Иқтисодий ислоҳотлар ва бозор муносабатларининг самарадорлигини таъминлашда тижорат банклари капиталини шакллантириш ва унинг мувофиқлигини таъминлашга эришиш муҳим ўрин тутади. Халқаро банк амалиётида банк капитали ва унинг етарлилигини таъминлаш масаласига тўҳталишдан олдин банк капиталининг иқтисодий моҳияти тўғрисида тўҳталиб ўтиш жоиз. Банк капитали мураккаб категория сифатида «банк иши»да муҳим аҳамият касб етади. Зеро, у банк фаолиятининг бошланғич молиявий асоси ва кейинчалик унинг ривожланиши, барқарорлиги ҳамда ҳавфсизлигини таъминловчи манба бўлиб ҳисобланади.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан Ш.З.Абдуллаева ва А.А.Омонов банк капиталининг иқтисодий мазмунига қуйидагича таъриф берган: «Тижорат банкларининг капитали барқарор манба бўлиб, банкнинг операцион жараёнида кутилмаганда юзага келадиган зарарларни қоплаш имконини берувчи ўзига ҳос ҳимоя воситасидир»[1]

Дарҳақиқат, банк капитали барқарор молиялаштириш манбаи ва ўзига ҳос ҳимоя воситасидир. У юқоридагилардан келиб чиқиб банк капитали моҳиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- ҳуқуқий категория сифатида, қонунчилик меъёрларига мувофиқ ҳисобланувчи банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишга, банк фаолиятидаги рискларни чеклашга мўлжалланган катталик (кўрсаткич) дир.
- моддий категория сифатида, банкнинг ўзига тегишли, мажбуриятлардан ҳоли бўлган, доимий - барқарор характердаги маблағлари манбалари ҳамда узоқ муддатли, ўзгармас шартлардаги қарзлари тушунилади.

Қисқа қилиб айтганда, тижорат банки капитали – бу банк фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаси бўлиб, банкнинг операцион жараёнида кутилмаганда юзага келадиган зарарларни қоплаш имконини берувчи ўзига ҳос ҳимоя воситасидир.

Банк капиталининг иқтисодий мазмуни янада тўлиқроқ у бажарадиган функцияларда намоён бўлади. Банк капиталининг қуйидаги иккита функциясини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Ҳимоя функцияси. Банк омонатчилари манфаатларини ҳимоя қилиш банк капиталининг асосий функцияси бўлиб ҳизмат қилади. Чунки банк активларининг асосий қисми омонатчилар ҳисобига шакллантирилади.

Ҳимоя функцияси зарар кўриш ҳавфи туғилганда актив резервлар шакллантириш йўли орқали банкнинг тўлов қобилиятини сақлаб қолиш, агарда банк тугатилганда омонатчиларга компенсация тўлаш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, банкнинг кейинги фаолиятига кенг йўл очиб беради.

2. Банк капитали тартибга солувчи функцияни ҳам бажаради. Банк капиталини тартибга солувчи функцияси банкнинг ссуда ва инвестицион операцияларини чегаралашни назарда тутади.

Банк капитали юқорида келтирилган вазифаларни бажариши учун қуйидаги учта хусусиятга эга бўлиши лозим[2]:

1. **Банк капитали узоқ муддатли бўлиши зарур (доимий).** Тижорат банкларининг капитали узоқ муддатли бўлиши зарур деганда, асосий эътибор капитал эгасининг ушбу маблағни исталган пайтда талаб қилиш имкониятининг чегараланганлиги назарда тутилмоқда. Агар банк акциядори исталган пайтда банк капиталини шакллантириш учун йўналтирилган маблағни тўлиқ ёки қисман қайтариб олса, банк иқтисодий жиҳатдан танг аҳволга тушиб қолиши табиий.

2.**Банк капитали мажбурий тўловларга тобе бўлмаслиги керак**. Тижорат банклари капиталининг мажбурий тўловлардан озодлиги банкнинг барқарор фаолият юритишига кенг имконият яратади.

Аксинча, банк капитали солиқ, пеня ва бошқа тўловлар, шунингдек, банкнинг мажбуриятлари бўйича тобе бўлса, унинг иқтисодий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади ва капитал доимо иқтисодий жиҳатдан ҳавф остида бўлади. Мазкур ҳолат банкларга ўз номидан молия бозорларида операцияларни амалга оширишда, омонатчилар ва инвесторларни банкка жалб қилишда ҳамда аҳолининг ишончини таъминланишига салбий таъсир кўрсатади.

3.**Банк капитали омонатчилар ва кредиторларнинг ҳуқуқий манфаатидан мустақил бўлиши лозим.** Тижорат банклари молиявий воситачи сифатида омонатчилар ва кредиторлардан жуда катта миқдорда маблағларни жалб етади. Банк капитали жалб қилинган маблағларни қайтариш билан боғлиқ

бўлган ҳолатлар бўйича омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатига бевосита боғлиқ бўлмаслиги зарур. Яъни омонатчилар ва кредиторларнинг банк капиталига нисбатан ҳеч қандай қонуний ёки билвосита даъволари мавжуд бўлмаслиги зарур.

Бугунги кунда дунёнинг кўпчилик мамлакатларида тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантиришда Халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган стандартлардан асос сифатида фойдаланилмоқда. Халқаро Базель қўмитасининг стандартларига асосан банкнинг жами капитали асосий ва қўшимча капиталга ажратилади. Ушбу стандартлар Биринчи марта 1988 -йилда ишлаб чиқилиб, амалиётга 1993 йилдан бошлаб жорий этилган. Базель стандартларига кўра асосий капитал қуйидаги элементлардан ташкил топади:

1. Устав капиталининг тўланган қисми (оддий акциялар қиймати);
2. Муддатсиз нокумулятив имтиёзли акциялар;
3. Эмиссион даромад;
4. Соф фойда ҳисобидан шакллантирилган захира суммалари;
5. Ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси.

Шуниси эътиборга моликки, хорижий банк амалиётида банкларда аудит текшируви ўтказилиб, аудит ҳулосаси тасдиқлангунга қадар жорий йилнинг фойдаси асосий капитал таркибига киритилади. Аудит ҳулосасидан кейин эса фақат тақсимланмаган фойда киритилади.

Халқаро Базель стандартлари бўйича банкларнинг қўшимча капитали таркибига қуйидаги асосий элементлар киритилади:

1.Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захиранинг рискка тортилган активлар миқдорининг 1,25 фоизидан очиб кетмайдиган қисми;

2. Қайта баҳолаш захираси. Бунда банкка тегишли бино ва иншоотлар ҳамда ернинг қийматини қайта баҳолаш натижасида юзага келадиган захира миқдори тушунилади;

3.Субординациялашган қарз мажбуриятлари.

4.Консолидациялашган шўба корхоналарини ташкил етиш мақсадига йўналтирилган қўйилмалар.

Базель андозалари бўйича Консолидациялашган шўъба корхоналари деганда банк қошида ташкил этилган, мустақил балансга эга бўлмаган кредит муассасалари (лизинг, факторинг, траст, форфейтинг компаниялари) кўзда тутилади.

Республикамиз тижорат банкларининг капитал таркиби Ўзбекистон Марказий банк Бошқаруви томонидан 2015-йил 6-июлдаги 2693-сонли «Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомига кўра 2017 йилнинг 1 октябридан бошлаб тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдори 100,0 млрд. сўмни ташкил этиши лозим. Регулятив капитал I даражали капитал ва II даражали капиталнинг йиғиндисидан иборат [3].

I даражали капитал регулятив капиталнинг 75 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. II даражали капитал миқдори I даражали капитал миқдорининг учдан бир қисмидан ошиб кетса, ошган сумма регулятив капитал таркибига киритилмайди.

I даражали капитал I даражали асосий капитал ва I даражали қўшимча капитални ўз ичига олади.

I даражали асосий капитал банк регулятив капиталининг 60 фоизидан кам бўлмаслиги ва ўз ичига қуйидагиларни олиши зарур:

а) банкнинг тўлиқ тўланган оддий акциялари ёки банк акциядорлик жамиятидан бошқа шаклда ташкил этилганда оддий акцияга тенглаштирилган воситалар.

б) қўшилган капитал — оддий акцияларни биринчи марта жойлаштирилишида уларнинг номинал нархидан юқори тўланган сумма;

в) тақсимланмаган фойда (зарар):

банк балансидаги аввалги йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан шаклланган капитал захиралар ва бошқа захиралар (текинга олинган мулклар (30905) ва асосий воситалар ҳамда номоддий активларнинг бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси (30908) бундан мустасно);

тўланмаган дивиденд суммасидан ташқари ўтган йиллардан қолган тақсимланмаган фойда;

ўтган йиллардаги қопланмаган зарарлар ва жорий йил зарарлари;

г) озчилик улуш эгаларининг банк йиғма балансига бирлашадиган корхоналардаги улушлари. Бу улуш шўъба корхоналари ҳисобварақлари банк молиявий ҳисоботларида бирлаштирилганда ва банк улуши бундай корхоналар капитали 100 фоиздан кам қисмини ташкил қилганда вужудга келади.

д) девальвация захираси. Бу захира сезиларли даражада миллий валютанинг қадрсизланишида (девальвация) банкнинг ўз мажбуриятларини қоплаш учун тақсимланмаган фойда ҳисобидан ажратилган маблағлардан шаклланади.

I даражали қўшимча капитал ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) тўлиқ тўланган нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар. Бу акциялар:

- муайян сотиб олиш санаси ва шартларига эга эмас;
- эгасининг ҳоҳишига кўра сотиб олиниши мумкин эмас;
- банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорига мувофиқ уларга доир дивидендлар тўланмаслиги мумкин;

улар бўйича ўтган даврдаги олинмаган (нокумулятив) дивидендлар тўланмайди;

б) қўшилган капитал - имтиёзли акцияларни биринчи марта жойлаштирилишида уларнинг номинал нархидан юқори тўланган сумма;

в) I даражали қўшимча капиталга қўшилиш шартларига жавоб берувчи шўъба корхоналари томонидан чиқарилган ва учинчи шахслар ихтиёрида бўлган капиталга тенглаштирилган воситалар, шунингдек озчилик улуш эгаларининг банк йиғма балансига бирлашадиган корхоналардаги улушлари.

II даражали капитал қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) жорий йилдаги соф фойдаси, банкнинг оралиқ молиявий ҳисоботи аудиторлик текширувидан ўтган бўлса — тасдиқланган молиявий

натижаларидан кўп бўлмаган миқдорда, акс ҳолда банк ҳисоботидаги соф фойданинг 50 фоизи;

б) чегирмалардан сўнг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар суммасининг 1,25 фоизидан юқори бўлмаган миқдордаги стандарт кредитларга (активлар) яратиладиган захиралар;

в) чегирмалардан сўнг I даражали капиталнинг учдан бир қисмидан ошмаган миқдорда аралаш турдаги мажбуриятлар (акциядорлик ва қарз капитали хусусиятларига эга бўлган воситалар).

г) субординар қарз — бу банкнинг қарз мажбуриятлари шакли бўлиб, банк капиталини аниқлаш мақсадида ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали капиталнинг учдан бир қисмидан ошмаслиги керак.

Банк капиталининг бош мақсади– рискни камайтириш, «ҳимоя девори» сифатида зарарларни қоплаб, банк тўловга қобиллигини сақлаш имконини беришдир. Шу билан бирга капитал банкни ликвидлик муоммасидан ҳимоя қилади ва молиявий ресурслар бозорига кириш имконини таъминлайди.

Зеро, йирик капитал банкка барқарор обрў, омонатчилар ишончини беради. Банк капитали мижозларнинг банкка ишончини мустаҳкамлайди ва кредиторларни унинг молиявий кучига ишонтиради. Банк капитали банкнинг ҳар қандай ҳолатда мижозларнинг кредитга бўлган талабини қондира олишига ишонтириш учун етарлича катта бўлиши керак.

Тижорат банклари капитал миқдори (Ўзбекистон Республикаси Марказий банк талабидан ошган қисми) уларнинг ўзи томонидан мустақил белгиланса да, у кўп омилларга боғлиқ:

Биринчидан, банк учун зарур бўлган капитал миқдори унинг мижозлари ҳусусиятларига боғлиқ. Яъни мижозлар ичида йирик кредитга муҳтож корхоналар кўп бўлиши банк капитали миқдорининг кўп бўлишини талаб қилади.

Иккинчидан, тижорат банки капитали миқдори унинг актив операцияларига боғлиқ. Банк операциялари кўпроқ юқори таваккалчилик операцияларига боғлиқ бўлса, у ҳолда банкнинг капитали ҳам кўп бўлиши керак.

Учинчидан, банк капитали миқдори Марказий банк юритаётган пул - кредит сиёсати ва кредит ресурслари бозори ривожланишига боғлиқ бўлади.

Банк капитали банкнинг узоқ вақт самарали ва барқарор фаолият кўрсатишининг асосий омили ҳисобланади. Чунки:

Биринчидан, банк капитали “Қора кун” учун асосий ресурс ҳисобланади, банк жорий йўқотишларни капитал ҳисобидан қоплаш йўли билан юзага келган муаммоларни ҳал қилиш, банкни банкротликдан сақлаб қолиши мумкин.

Иккинчидан, банк капитал банк ўз фаолиятини кенг қамровли олиб бориб маблағларни жалб қилиш, ресурс базасини ташкил қилгунча унинг фаолиятини асосий манбаси ҳисобланади.

Учинчидан, банк капитали банк фаолиятининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, банкнинг обрўсини ошириб, мижозларнинг банкка бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Банк капитали банкнинг узоқ муддатдаги келажагини, ҳаётийлигини ва ўсишини бир маромга келтириб турувчи регулятор бўлиб, Банк барқарорлигини

таъминлаш, ҳавф-ҳатарли қўйилмаларни суғурталаш ҳамда актив ва пассив операциялар орасидаги чегараларни аниқлашда муҳим асосни ташкил қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.З.Абдуллаева, А.А.Омонов. Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш. – Т. “Иқтисод-Молия”, 2006-йил, 10-бет.

2. Ҳенни Ван Г., Соня Б.Б. Анализ банковских рисков. – М.: «Вес мир», 2013 г

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2693-3).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.2020 йилдаги “2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” №ПФ-5992 сонли Фармони.

5. Lavrushin. O.I. (2016). Banking. Moscow, KNORUS, p.192-200.

6. www.cbu.uz

Юсупов Ю.К., Абдуллаев Б.А. – *ОБМ тингловчилари*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИНИ БОШҚАРИШДА БАЗЕЛЬ ҚЎМИТАСИНИНГ БАНК НАЗОРАТИ БЎЙИЧА КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ЗАРУРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 январдаги Олий мажлисига мурожаатномасида иқтисодиётнинг устувор соха ва тармоқлари қаторида банк тизими фаолиятига танқидий ёндошган ҳолда қуйидаги фикр ва мулоҳазаларни билдириб ўтдилар: “Банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўришимиз лозим. Афсуски, банк тизимида рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда. 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади”.[1] Дарҳақиқат Президентимиз таъкидлаганларидек хорижий банклар билан, улардаги хизмат кўрсатиш стандартлари, капиталлашув даражаси билан қиёслайдиган бўлсак Ўзбекистон Республикаси банк тизими олдида бугунги кунда қилинадиган ишлар кўплигини яққол кўришимиз мумкин.

Ҳар қандай мамлакатда ҳоҳ у ривожланган бўлсин, ҳоҳ у ривожланаётган бўлсин банк тизими фаолиятининг сусайиши мамлакатнинг молия тизимига етарли даражада катта хавф туғдиради ва бу эса банк капиталини бошқаришда бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Банк назоратини яхши шаклланмагани бутун банк фаолиятига ва шу билан бирга капитал етарлилигини

таъминлаш, капитални бошқаришга имкон қолдирмайди. Охирги йилларда бутун дунёда молия тизимини мустаҳкамлаш борган сари катта эътиборни ўзига жалб қиладиган муаммога айланиб бормокда. Хусусан 1996 йилда Лионда бўлиб ўтган коммюники натижаларига мувофик бу сохада анча фаол ҳаракатларга чақириқ кузатилади. Охирги даврда бу каби муаммоларни ҳал этиш йўллари, молия тизимини мустаҳкамлаш масалалари бўйича жаҳонда бир неча расмий идоралар шуғулланиб улар қаторида Базель қўмитасини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Базель қўмитаси бу соҳада анча фаол ҳаракат қилиб дунёнинг кўпгина ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга ошириб келмокда. Хусусан, Базель қўмитаси кўп йиллик фаолияти давомида анча тажриба тўплаб самарали банк назоратининг асосий принципларини ишлаб чиқди.

Умуман олганда бу принциплар Базель қўмитасининг кўп йиллик меҳнати самараси бўлиб, жаҳоннинг турли мамлакатларида самарали банк назоратини ташкил этишга уни мақсадга мувофиқ равишда амалга оширишга мўлжаллангандир. Базель Қўмитасининг банк назорати бўйича базавий, асосий тамойилларини кўп ҳолларда Базель базавий принциплари (тамойиллари) деб аташ ҳам кенг тус олган.

Базель базавий принциплари 25 та принципдан иборат бўлиб улар:

- Самарали банк назоратини таъминлаш шарт-шароитлари;
- Лицензиялаш ва структура;
- Пруденциал талаблар ва пруденциал тартибга солиш;
- Жорий банк фаолиятини тартибга солишнинг методикаси;
- Ахборотни тақдим этиш бўйича талаблар;
- Назорат инстанцияларининг ваколатлари;
- Халқаро банк операциялари.

Базель қўмитаси базавий тамойилларининг афзаллиги ва мослашувчанлиги ва адаптацион ҳолатининг юқорилиги шундаки бу ердаги принциплар нафақат банкларга балки шу билан бирга нобанк ташкилотлари фаолиятини тартибга солишда ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Банк секторида давлат устун мавқега эга - 31 та банкдан 13 тасининг капиталида давлат иштироки мавжуд бўлиб, уларнинг капитали банк тизими жами капиталнинг 87 фоизидан кўпроғини, активлари эса умумий активларнинг 85 фоизидан кўпроғини ташкил қилади.[**2**]

Базель базавий тамойиллари барча мамлакатларнинг банк назорати органлари учун асосий ҳужжат вазифасини ўташга мўлжаллаган бўлиб, мамлакатларининг назорат инстанцияларининг ўз ваколатларидан келиб чиқиб шу принциплардан максимал фойдаланган ҳолда тегишли чоралар, ўзгартиришлар, ишлаб чиқишларни амалга оширишлари мумкин. Базель қўмитаси турли мамлакатларда принципларининг қўлланилишини кузатиб боради ва кейинчалик тегишли замон талабига мос тузатишларни амалга оширади. Энди Базель қўмитасининг асосий тамойилларига тўхталсак:

1-тамойил мазмуман самарали банк назоратини ташкил қилишининг шарт шароитларига тегишли бўлиб, унга мувофиқ ҳар бир назоратни амалга оширувчи орган ўз олдида аниқ ифодаланган вазифа ва мажбуриятларига эга бўлиши керак.

Ундан ташқари, бу ерда назорат органининг ўз фаолиятида оператив мустақилликка эга бўлиши ва мос моддий базага эга бўлиши назарда тутилган. Яна бир нарса - бу назорат органи ваколатларининг қонунчиликда аниқ ифода этилган бўлиши, мустаҳкам ҳуқуқий базанинг мавжудлигидир ундан ташқари бу принципда банкларнинг хавфсизлиги, барқарорлиги, самарали тарзда ахборот алмашинуви ҳамда назорат субъектларининг ҳуқуқий мухофазаси назарда тутилган.

2-тамойил лицензиялаш ва талаблар структураси билан боғлиқ бўлиб рухсат этилган фаолиятларни аниқ белгилаш ҳамда ташкилотлар номида "Банк" сўзи ишлатилишининг нақадар ўринли ва ҳуқуқлилигини аниқлашдир.

3-тамойил лицензияни тақдим этувчи орган тафсилотларига тегишли бўлиб унда лицензияни берувчи орган ҳеч бўлмаганда қўйидагиларни чуқур таҳлил этган ҳолда лицензияни бериши кўзда тутилган.

- банкда мулкчилик муносабатларининг структураси
- бошқарувчиларнинг ўз соҳасидаги малакаларининг мувофиқлик даражаси
- ички назорат структураси
- банк молиявий аҳволи ва бошқалар.

Умуман олганда ҳар бир мамлакат назорат органининг лицензия беришнинг ўзига хос критериялари ишлаб чиқилган бўлиши керак.

4-тамойил учинчи шахсларнинг банк иштирокидаги қатнашуви билан боғлик бўлиб, унда зарур ҳолларда назорат органининг учинчи шахсларга банк капитали улушида ёки бошқарувида қатнашиш чекловларини ўрнатишни назарда тутади.

5-тамойил риск муаммоларига бағишланган бўлиб, унда банкка унинг қўшимча бўлимлари ва структураларининг рисклилигини оширишга таъсири ҳамда уларнинг самарали назоратга халақит бермаслиги таъкидланган.

6-тамойил капиталнинг етарлилига бағишланган бўлиб, унда капиталнинг рисклилик даражасига мувофиқлиги, эхтимолий йўқотиш- ларни қоплашга нисбатан етарлилиги каби масалалар баён этилган.

7-тамойил сабаб-оқибат занжирининг биринчи қисмини назорати, яъни банк фаолиятининг асосини ташкил этувчи сиёсатни, оператив фаолиятни, улар томонидан қўлланиладиган чора-тадбирларни назоратига бағишланган.

8-тамойилга мувофиқ, агар банк активларни сифатини баҳолаш бўйича методикага асосланган сиёсатга адекват сиёсат амалга ошираётган бўлса ҳамда ссудалар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплашга мўлжалланган резервларни таъминлаш бўйича талабларга мувофиқ фаолият юритаётган бўлса назорат органлар бундай сиёсатдан қониқиш ҳосил қилишлари лозимлиги айтилган.

9-тамойилга мувофиқ, бир бири билан боғлик кредиторлар ва қарз олувчилар гуруҳларини аниқлашга имкон берадиган, ахборот тизимининг мавжудлигидан қониқиш ҳосил қилишлари ва назорат органларининг битта қарз олувчи ёки қарз олувчилар гуруҳлари қўлида қарз маблағларининг концентрацияси (марказлашувининг даражаси) нинг адекват меъёрларини ишлаб чиқиши кўзда тутилган.

10-тамойилга мувофиқ кредитлашда рисклилик даражасини минимал-лаштириш мақсадида иложи борича тенгликка амал қилишга чақириқ бор. Айниқса, бу ҳол алоқадор қарз олувчиларни кредитлашда суистеъмолликларни олдини олиш учун ҳаммага бирдай ва тенг шароитларда кредитлар бериш назарда тутилган.

11-тамойилга мувофиқ, назорат органлари агарда банк мамлакат риски ҳамда банкнинг маълум бир маблағларни бир мамлакатдан бошқа мамалакатга кредитлаш ёки инвестициялаш давомида ўтказиши билан боғлиқ рискларни аниқ ҳисобга оладиган ва уни минималлаштиришни назарда тутадиган сиёсат амалга оширилаётганидан қониқиш ҳосил қилишлари керак.

12-тамойилга мувофиқ, агарда банклар бозор нархлари ва котировкаларининг тебраниши билан боғлик рискларни аниқ ҳисобга олиш, назорат қилиш ва кузатиш тизимларига эга бўлса назорат органлари бундай ҳолатдан қониқиш ҳосил қилишлари шарт, ундан ташқари улар бундай рисклар учун маълум бир чегаралар ёки капитал билан таъминланганликни белгилаш ваколатларига эгалиги таъкидлаб ўтилган.

13-тамойилга муфовик, агар банкда барча турдаги рискларни максимал тарзда ҳисобга оладиган, кузатишга имкон берадиган, назорат қилишни таъминлайдиган тизим ишлаб чиқилган бўлса назорат органлар банк сиёсатининг бу каби унсуридан қониқиш ҳосил қилишлари шарт.

14-тамойил ички банк назоратига бағишланган бўлиб, унга биноан назорат органлари банклардан уларнинг фаолият миқёсларига ва тавсифига мос ички назоратнинг мавжудлигини талаб қилишлари шарт. Бундай тизимда энг аввало банкни бошқариш, унинг резервларини тўлдириш актив ва пассивлар бўйича ҳисоботларни тузиш бўйича ваколатларнинг аниқ тақсимланганлиги ва мослиги, функцияларнинг мос тарзда белгиланиши керак.

15-тамойилга мувофиқ, назорат органлари банклардан ишончли ва текширилган мижозлар билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиш, улар ўртасидаги ахлоқий ва профессионал кўникмаларнинг янада такомиллашувини таъминлай-диган сиёсатнинг мажудлигини талаб қилишлари шарт. Асосан банкларнинг криминал сектор билан алоқасини ҳамда у билан боғлик билвосита суистеъ-молликларни олдини олишга қараталиши керак.

16-тамойилга мувофиқ, банк назорати самарали тизими банк фаолияти устидан ташқи кузатув ҳамда банкларни текшириш ёки ташки аудитни ўз ичига олиши керак.

17-тамойилга асосан, назорат органларининг банк бошқаруви билан мунтазам алоқалари мавжудлигини назарда тутади. Назорат органлари банк амалга ошираётган фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини, табиатини, бош таснифини тушунишлари керак.

18-тамойил банк назорати органларидан умумий тавсифдаги ва айрим масалалар бўйича банклардан келадиган ҳисоботларни жамлаш, текшириш ва таҳлил қилишга имкон берадиган воситалар билан таъминланишини талаб этади.

19-тамойил банк назорати органларининг олинаётган маълумотларни жойида текшириш ёки ташқи аудитни жалб қилиш имкониятига эга бўлишини назарда тутади.

20-тамойил назорат органларининг банк гуруҳларини консолидациялашган асосда назорат қилиш имкониятлари мавжудлигини назарда тутади.

21-тамойил ахборотни тақдим этиш масалаларига бағишланган бўлиб, унга биноан назорат органлари банкларда бухгалтерия ҳисоби олиб борилмокдами йўқми, агар олиб борилаётган бўлса у нақадар ишончлилини текшириши назарда тутилган.

22-тамойилда таъкидланишича, банк назорати органлари банкларнинг айрим пруденциал талабларни бузган тақдирда ёки уларнинг ушбу талаблардан оғишиши кузатилган тақдирда зарур корректировкани амалга ошириш, керакли ўзгартиришларни, чора-тадбирларни амалга ошириш имконига, воситаларига эга бўлиши ҳамда айрим экстремал ҳолатларда банклардан ҳаттоки лицензияни тортиб олиш жиҳатлари тавсиф этилган.

23-тамойилга мувофиқ**,** банк назорати органларининг назоратни глобал масштабда амалга оширишлари лозимлиги айтиб ўтилган.

24-тамойил турли мамлакатларнинг назорат органларини назоратни амалга ошириш жараёнида улар ўртасидаги ҳамкорлик, ахборот алмашинуви ифодаланган.

25-тамойил бу мамлакатдаги хорижий банкларни назорат қилишга бағишланган бўлиб, унга мувофиқ ушбу мамлакатда фаолият юритаётган хорижий банк миллий стандартларга риоя қилиши кўзда тутилган.

Шундай қилиб, Базель қўмитасининг базавий тамойиллари банк тизимида назоратни кучайтириш, уни янада самарали, амал қилишига шароит яратишга қаратилган бўлиб, либерализация механизмига таянади.Бу эса банк капиталини бошқаришда бир қанча енгилликларни келтириб чиқаради. Лекин, шуни таъкидлаш керакки мамлакатимиз банк амалиётида Базель қўмитасининг базавий тамойилларини тўлалигича қўллаб бўлмайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва банк тизимимиздаги амалга оширилаётган ислоҳотлар унинг тамойилларини тизимимизнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб қайта кўриб чиқишга ва максимал даражада мослаштиришни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожатномаси, 25.01.2020 й., http://uza.uz/posts/35179

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.2020 йилдаги “2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” №ПФ-5992 сонли Фармони

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2693-3).

4. Lavrushin. O.I. (2016). Banking. Moscow, KNORUS, p.192-200

5. www.cbu.uz

Аббосхонова Н.А. *– самостоятельный соискатель*
Института изучения проблем молодежи
и подготовки перспективных кадров
Шарипов Ш.Ш. *– слушатель ВШБ*

ОСОБЕННОСТИ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

События последних лет, произошедшие в нашей стране и за рубежом, ясно показали необходимость совершенствования корпоративного управления. Обстоятельства корпоративных конфликтов указывают на то, что их причиной часто является недостаточно профессиональное корпоративное руководство, что неизбежно приводит к негативным последствиям для корпораций и нередко перерастает в кризис. Инвесторы активно выдвигают идею о том, что хорошее корпоративное управление повышает привлекательность компании и их готовность платить больше за ее акции.

Общепризнанно, что одним из аспектов конкурентоспособности является конкурентоспособность на финансовых рынках, которая подразумевает способность привлекать инвестиции в широких масштабах по наименьшей цене. Практика целого ряда российских компаний показывает, что высокий уровень корпоративного управления в настоящее время является непременным условием для серьезного привлечения инвестиций, и рассматривается ими как важный ресурс повышения их конкурентоспособности.

Таким образом, профессиональное корпоративное управление в настоящее время становится решающим фактором снижения рисков в деятельности компании, повышения ее капитализации. Улучшение корпоративного руководства содействует развитию устойчивого инвестиционного процесса в частном секторе, созданию рынка капиталов, тем самым облегчая доступ узбекских компаний к отечественным и зарубежным инвестиционным ресурсам.

Вступление Узбекистана на путь инновационного развития поставило перед предприятиями реального сектора экономики ряд проблем, главными из которых являются развитие современных организационно-правовых форм хозяйствования, реформирование системы управления производством и введение распространенных в мировой практике методов и инструментов управления, позволяющих максимизировать их прибыль, внедрять последние достижения науки и техники, а также сглаживать причины конфликтов всех участников деятельности предприятия.

Широкие перспективы для успешного решения указанных задач открывает система корпоративного управления, позволяющая интегрировать усилия высших и исполнительных органов управления в вопросах выработки взвешенной стратегии развития производства, освоения выпуска новой продукции и внедрения прогрессивных форм хозяйствования.

Поэтому в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы среди приоритетных направлений развития и

либерализации экономики отмечена необходимость «внедрения современных международных стандартов и методов корпоративного управления, усиления роли акционеров в стратегическом управлении предприятиями».(1)

Главным задачи узнать, что такое корпоративного управления? Корпоративное управление (англ. corporate governance) – как система:

- отчётности управленцев (менеджеров) перед акционерами;
- взаимоотношений менеджеров и владельцев (акционеров) компании;
- как способ управления компанией, предназначенный для справедливого распределения результатов деятельности;
- как комплекс мер и правил, помогающих акционерам «контролировать руководство компании и влиять на менеджмент».(2)

В зависимости от характерных особенностей структуры собственности, степени её концентрации, особенностей механизмов финансового регулирования, фондовых рынков и национального акционерного законодательства могут формироваться различные системы корпоративного управления.

В экономической практике развитых стран традиционно различается две модели корпоративного управления

Англо-американская

безусловный приоритет прав акционеров, основной контроль осуществляется через рынок капиталов;

Континентальная

модель банковского контроля, когда банки и их представители в совете директоров играют решающую роль в управлении предприятием.(3)

Данное разделение условно и осуществляется для выделения характерных черт, которые в условиях глобализации могут смешиваться и видоизменяться: в организации управленческой деятельности в условиях научно-технического прогресса тесно переплетаются традиционные, национальные и современные формы организации труда.

Акционеры в немецкой модели играют решающую роль в стратегическом планировании деятельности компании. В немецкой модели упор сделан на поддержании баланса интересов всех заинтересованных сторон и взаимной ответственности.

Англо-американская модель ориентирована на преимущественное удовлетворение финансовых интересов акционеров. Считается, что следование американской модели способствует динамичности, а немецкой – устойчивости.

Специалисты выделяют также азиатскую модель управления. Модель опирается на три главных принципа(4):

Продуманная индустриальная политика государства

Выверенная реформа сельского хозяйства

Финансовый сектор как поддерживающая система

Отличительной чертой японской модели является ориентация на социальную сплочённость на уровне компании и «деловую сплочённость» на уровне промышленной группы. В отличие от немецкой модели эта сплочённость имеет не равноправный, а иерархический характер – принесение в жертву

интересов «младших» в обмен на патернализм «старших». Характерной чертой японской модели является перекрёстное владение акциями между компаниями-партнёрами(3)

Результаты исследований в системе электроэнергетического комплекса Узбекистана показывают, что на многих акционерных предприятиях отрасли имеют место формальное участие членов наблюдательных советов в инновационном обновлении деятельности акционерных обществ, низкий уровень профессионализма менеджеров и отсутствие жесткого контроля с их стороны за реализацией программ модернизации производства.

Усугубляет положение поверхностный подход высших органов управления акционерных обществ к вопросам стратегического развития АО, особенно в вопросах повышения эффективности производства, снижения себестоимости выпускаемой продукции, укрепления финансовой устойчивости и проведения взвешенной дивидендной политики.

Поэтому за последние годы актуальность внедрения современных форм корпоративного управления на предприятиях энергетического комплекса резко возросла и требует реализации незамедлительных практических мер и действий.

Целью создания эффективных систем корпоративного управления на уровне акционерных предприятий электроэнергетики Узбекистана является содействие созданию среды доверия, прозрачности и ответственности, которая необходима для стимулирования притока долгосрочных капиталовложений со стороны потенциальных инвесторов, обеспечения финансовой стабильности в работе исполнительных органов управления акционерных обществ, что, в свою очередь, обеспечивает базу для стремительного роста производства и развития их финансовой деятельности.

Международная финансовая корпорация (IFC) определяет корпоративное управление как «структуры и процессы руководства компаниями и контроля над ними». Министерство финансов Великобритании рассматривает корпоративное управление как систему, посредством которой сотрудники, отвечающие за ведение учета в компании, выполняют свои обязанности по обеспечению внедрения в компании эффективных систем управления, включая финансовый мониторинг и контроль. В отдельных научных кругах определение «корпоративного управления» трактуется как «институт, который влияет на распределение доходов корпорации и его ресурсов».(5)

Обобщая широкую палитру имеющихся в мировой практике трактовок, считаем наиболее всеобъемлющим понятие корпоративного управления, данное Организацией экономического сотрудничества и развития (ОЭСР) в Принципах корпоративного управления: «Корпоративное управление представляет собой систему управления и контроля над компаниями. Структуры корпоративного управления определяют распределение прав и обязанностей между различными участниками корпоративных отношений, такими как совет, руководство, акционеры и другие лица, и устанавливают правила и процедуры для принятия корпоративных решений».

Как видно из вышеизложенного, каждое определение является по-своему верным и, главное, они взаимно дополняют друг друга. Все определения исходят от общего теоретического базиса – цели корпоративного управления – получения максимально возможной прибыли от всех видов деятельности корпорации в рамках действующего законодательства, соблюдая при этом баланс интересов всех заинтересованных лиц.

Для совершенствования системы корпоративного управления необходимо создать гибкий механизм инвестирования средств отечественных инвесторов в экономику страны, создать надежные правовые механизмы по защите прав инвесторов, обеспечить высокий уровень информационной прозрачности корпоративного сектора.

При этом главными результатами успешного воздействия корпоративного управления на эффективность работы акционерных предприятий республики должны стать повышение уровня доверия к ним со стороны акционеров, расширение масштабов привлечения долгосрочного капитала, а также повышение капитализации их собственного бизнеса.

Список использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947

2. Корпоративное управление: история и практика // Служба Банка России по финансовым рынкам.

3. Afuah A. Business Models: A Strategic Management Approach. – McGraw-Hill, 2003. – Ch. 13. Corporate Social Responsibility and Governance. – ISBN 978-0-07-288364-0.

4. Джо Стадвелл. Азиатская модель управления: Удачи и провалы самого динамичного региона в мире = Joe Studwell «How Asia Works: Success and Failure in the World's Most Dynamic Region». — Альпина Паблишер, 2016. — 343 p.

5. https://review.uz/post/perspektiv-korporativnogo-upravleniya-v-elektroenergeticheskom-komplekse-uzbekistana

Абдишукуров Ш.Ш. *– ТДИУ магистранти*

БАНК СОҲАСИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ

Кредит-банк тизими сезиларли миқдордаги пул маблағларини назорат қилади, уларнинг ҳаракати, тақсимланиши ва қайта тақсимланишини таъминлайди, бу хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида молиявий-иқтисодий алоқаларнинг пайдо бўлишига, ташкилий амалга оширилишига ёрдам беради.

Банк тизимининг асосий функцияларини етарли даражада бажармаслиги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни сусайтиради ва мамлакат иқтисодий ва миллий хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллардан бирига айланади.

Умуман олганда, давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги - бу иқтисодий соҳада шахс, давлат ва жамиятнинг ҳаётий эҳтиёжлари ва манфаатларини ички ва ташқи томондан ҳимоя қилиш ҳолатини таъминлайдиган давлат хавфсизлиги иқтисодиёт тизимининг алоҳида элементидир. қийинчиликлар, таҳдидлар ва хавф-хатарлар.

Шунга кўра, банк тизимининг молиявий-иқтисодий хавфсизлиги бу таҳдидларнинг олдини олиш ва банк фаолиятининг барқарор ишлашини таъминлаш учун молиявий ресурслардан энг самарали фойдаланиш ҳолатидир.

Банк тизимининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий мақсади унинг фаолиятининг максимал барқарорлигига эришиш, шунингдек, объектив ва субъектив таҳдид омилларидан қатъи назар, банк тизими ривожланишининг асослари ва истиқболларини яратишдир.

Банк сектори иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан юқори рисклиги билан ажралиб туради. Риск деганда одатда банк томонидан ўз маблағларини йўқотиш, даромадларни йўқотиш ёки баъзи молиявий операциялар натижасида қўшимча харажатлар келиб чиқиш эҳтимоли ёки таҳдиди тушунилади.

Фикримизча, мамлакат банк тизимининг иқтисодий хавфсизлигига таъсир қилувчи омилларга қуйидагилар киради:

- давлатнинг ўзида ва у билан муҳим иқтисодий ва сиёсий алоқаларга эга бўлган мамлакатларда сиёсий ва иқтисодий барқарорлик;
- мамлакат банк тизимининг ички ва ташқи молиялаштириш манбаларига боғлиқлик даражаси;
- банклар активларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича концентрацияси даражаси;
- банк муассасаларининг мулкчилик таркиби.

Кўриниб турибдики, банкнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун кўплаб омиллар ва шартлар мавжуд. Уларнинг барчаси банк секторида иқтисодий хавфсизлигини оптимал ишлашини таъминлашга сезиларли таъсир кўрсатади.

Шунингдек, банк тизимининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш доимий жараён бўлиб, унда а) хавфсизлик соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солиш, б) хавфсизлик соҳасида давлат сиёсати ва стратегик режалаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш, с) хавфсизликка таҳдидларни башорат қилиш, аниқлаш ва баҳолаш, д) таҳдидларни тенглаштириш ва банк тизимининг барқарор ривожланишини таъминлаш воситалари ва механизмларини ишлаб чиқиш, э) иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизмини доимий такомиллаштириш каби масалалар алоҳида ўрин тутади.

Фикримизча, бугунги кунда банклар иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг яхлит тизимини яратиш муҳим, бу эса ўз навбатида банкка ликвидлик ва тўлов қобилиятини йўқотмаслик, шунингдек турли риск-таҳдидларга қарши туриш ва уларни амалга ошириш оқибатларини мустақил равишда йўқ қилиш имконини беради. Шу билан бирга, бундай тизимни ҳимоя

қилиш объектлари биринчи навбатда молия, моддий бойликлар ва банк маълумотлари ҳисобланади.

Банк тизимининг иқтисодий хавфсизлиги даражасини аниқлаш учун қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

- банк бозоридаги рақобат даражаси;
- марказий банк томонидан банкларни тартибга солиш ва назорат қилиш сифати;
- миллий иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш даражаси.
- мамлакат банк тизимининг ички ва ташқи молиялаштириш манбаларига боғлиқлик даражаси.
- давлат банк тизимининг капиталлашув даражаси.
- миллий валютанинг барқарорлиги.

Тижорат банкининг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш учун реал иқтисодий вазият ва банк фаолиятига риск, таҳдидларни ҳар томонлама тавсифловчи махсус мезон ва кўрсаткичлардан фойдаланилиш тавсия қилинади. Бунда тижорат банкининг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари ҳисоблашда кредит ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш лозим.

Хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги кунда мамлакат банк тизимининг иқтисодий хавфсизлиги масаласи тобора долзарб масала сифатида эътироф қилинмоқда ҳамда уни тавсифловчи кўрсаткичлар яхшиланиб бормоқда.

Шундай қилиб, банк тизимида иқтисодий хавфсизликни банк бошқарувининг барча бўғинларида банкнинг иқтисодий манфаатларини кафолатланган ҳимоя қилиш, миллий банк тизимининг барқарор ривожланишини таъминлаш ва рискларини бошқариш жараёни сифатида қайд этиш мумкин.

Артиков А.А. *– ОБМ тингловчиси*

МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ МОҲИЯТИ

Маълумки Ўзбекистон Республикаси президенти томонидан олиб борилаётган изчил сиёсат кўрсатиб турибдики, сўнги йилларда якин қўшни чегарадош давлатлар ва хамда МДХ давлатлари билан алоқалар янада дўстона бўлиб, иқтисодий ва сиёсий эшиклар мамлакатимиз учун янада катта очилмоқда. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш тармоқларида экспорт ва импорт ва рақобат эшикларини хам кенгроқ очиб қўймоқда. Албатта бундан таъсирланган давлатимиз илғор саноат тармоқлари мутахассис ва ходимлари хам ўз устиларида ишлаб маркетинг ва менежмент замонавий билим ва кўникмаларини ўзлаштириб, ўзларида янгича иктисодиёт билимларини кашф этмоқда. Корхоналарда рақобат ривожланар экан, бу биринчи навбатда корхоналарда ишлаб чикаришга янгича ёндошишни, рақобатбардош махсулот ишлаб чиқаришни, ишчи ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни, ишлаб чиқарилаётган махсулотни сифатини талаб даражасида бўлишига эришишни,

хамда махсулот тан нархини оптималлаштириш назарда тутилиб келинади. Қолаверса хар қандай акциядорлик жамияти хам ўзларига айнан махсулотнинг сифати бўйича катта талаб ва вазифалар юкланади. Чунки бирор бир корхонанинг махсулот сифати - ўша корхона обpоси, бозор иқтисодиёти даврида корхона маҳсулотини бозор пештахталарида барқарор туришидир. Шутуфайли давлатнинг иктисодий саноат сиёсатида сифатмасаласи мухим ўрин эгаллайди.

Махсулот сифатини ошириш – бу, сўнги-натижада унинг миқдори, ресурсларни тежаш, ижтимоий ва шахсийэхтиёжларни тўларок қондириш масаласи хисобланади. Яъни, хар кандаймахсулотэнгюкоритехникавий-иктисодийваэстетикхамдабошкабиркаторталабларга мувофик келиши, жахон бозорида рақобат килиш кобилиятига эгабўлишикерак. Агар корхоналарда сифатмуаммосихал этилмас экан, ижтимоий ишлаб чикариш ва ахолининг товарларга бўлган эхтиёжларини кондириб бўлмайди. Буни биз давлатимиз саноат етакчилари бўлмиш «Ўзбеккўмир» акциядорлик мисолида кўрамиз.

Корхонада бугунги кунда қўнғир кўмирнинг сифатига қараб 5 тоифаси ва каолин маҳсулотини 3 тури қазиб олинмоқда. Махсулотлар қазиб олишдан олдин уни тури таснифи хақида кончи-геологларимиз томонидан прогноз қилиниб унинг тахминий сифати ҳақида маълумотларга эга бўлишади. Сўнгра уни турига қараб ажратган ҳолда алохида – алохида кон уюмларига жамланади ва вагонларга юкланади. Албатта бунда техник назорат бўлими ходимлари томонидан яна бир бор сифат назорат қилиш мақсадида маҳсулотдан наъмуналар олиниб махсус лабораториядан назоратдан ўтилади. Бунда улар томонидан маҳсулотнинг мувофиқлиқ сертификати таснифига мослиги, санитария-эпидемиогия ва кимёвий хусусиятлари текширилади ва харидорлар талаблари бўйича вагонларга юклашга изн берилади.


Аввало сифат атамасига тўхталсак, Сифат нима? бу-Махсулот (иш, хизмат) сифати – муайян шу махсулотнинг хар томондан фойдаланишга мукаммал эканлигини белгиловчи хусусиятлар йигиндисидир.унинг бирор бир меёрий талабга жавоб берилиши тушинилади.

Махсулот сифати эса – бу, шу махсулотдан маълум максадда фойдаланиш учун унинг яроклилик даражаси, махсулотнинг халк хўжалиги эхтиёжларини, истеъмолчиларнинг талаб ва дидларини кондириш кобилигидир.1

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти кўмирларининг сифат хусусиятларига: кулчанлик миқдори, намлиги, калорифик қиймати ва гранулометрик таркиби билан бошқа конлар кўмирларидан кенг фарқ қилади. Конда кулчанлиги бироз баланд махсулот доимий назоратни талаб қилади. Сабаби иссиқлик электростанциялари печлари кулчанлик бўйича чекловларга эга. Кунчанлиги кўрсатилган миқдордан ошиб кетса, бу электр станциялардаги печларда кўмирни ёқиш технологик жараёнини бироз мураккаблаштиради, қозонхоналар фаолиятини ёмонлаштиради . Шу билан бирга қўнғир кўмирлар очиқ ҳавода кўп сақланса тез намлигини йўқатади, кўмир ўзидан ўзи ёрилиб уваланиб кетиши ва

[1]ИСО9000.Халкаростандартлар.Махсулотсифатинибошкариш.ИСО9000сериясидагистандартлар.1-2 том–Тошкент,Мехнат,1996

намлик қочиб оксидланиш кимёвий холати юз беради. Яна бир нарса борки қўнғир кўмирларни узоқ вақт сақлаш ва уларни узоқ масофаларга ташиш натижасида оксидланиш юз беради, ўзидан-ўзи ёнишга мойил бўлганлиги боис, уларни юқори нархда сотилишига тўсқинлик қилади.[1] Бу эса иқтисодий зарарга олиб келади.



Расм 1. Ишлаб чиқарувчининг иқтисодий самарадорлига маҳсулот сифатини таъсири ва унинг шакланиши.

Кўмир маҳсулотининг савдосида уларни синф тоифаларга ажратилганлиги истеъмолчилар учун хам қулайлиги мавжуд.Улар хохласа махсулотни турига ва нархига қараб имкониятидан келиб чиққан холда сифатли кўмир махсулотларини сотиб олишлари мумкин. Албатта бунда корхона хам манфаатдор бўлади чунки юқори сифатда сотилан маҳсулот юқори нархда сотиш имконини беради. Сифатли махсулотни корхона самарадорлига боғликлигини 1-расмда кўришимиз мумкин. Шу йўл билан корхонада махсулот сифатини бошқариш тизими фаолият юритади.

НамазовХ.М.- *БТОМ тингловчи*

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ТАРМОҚЛАРИДА МАРКЕТИНГ КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИНГ ИЛМИЙ – НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва COVID – 19 пандемия шароитларида ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида транспорт хизматлари аҳамиятининг ортиши аҳоли транспорт ҳаракатчанлигини ошириб иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун мустаҳкам замин яратади. Бунда албатта тарспорт хизмати кўрсатиш маркетинги муҳим ўрин тутади.

Транспорт тармоқларида маркетинг коммуникациялари корхона ва фирмалар тижорий фаолиятига самарали таъсир кўрсатади, чунки улар мақсадли сегментларнинг ҳиссиётига таъсир этади ва ҳаридларни рағбатлантиради. Корхона ва фирмалар томонидан тақдим қилинаётган товар ёки хизматларга

[1] Августевич И.В., Сидорук Е.И., Броновец Т. М. Стандартные методы испытания углей. Классификации углей. – М.: «Реклама мастер», 2019. – 576 с.: ил.

мақсадли бозор сегментларида ижобий муносабатларни шакллантириш ва ривожлантиришга маркетинг коммуникацияларидан фойдаланиш орқали ҳам эришилади.

Бу борада иқтисодчи олимларнинг турлича фикрлари мавжуд бўлиб, транспорт тармоғида маркетинг фаолияти бу корхонанинг бозор билан ўзаро мақсадли муносабатидир. Ушбу таъриф маркетингнинг моҳиятидан ташқи ва ички муҳитнинг ўзаро таъсирини ҳисобга оладиган, корхонада маркетинг ҳаракатлари тизимини, унинг стратегияси ва тактикасини, бошқарув қарорлари иерархиясини ва фаолиятнинг таърифларини ҳисобга оладиган яхлит бошқарув тушунчаси сифатида келади[1]. Агар маркетинг ва коммуникациядан биргаликда фойдаланилса бу маркетинг коммуникацияларини ташкил этади[2]. Маркетинг коммуникацияларини такомиллаштириш жараёнида муҳим муаммоларни ҳал қилиш корхона тижорий фаолиятини, умумий даромадини ва рақобатдошлигининг ошишига ёрдам беради.

Маркетинг коммуникациялари бу танланган маълумотларни истеъмолчиларга энг тушунарли кўринишда ва самарали тарзда тақдим этиш усулидир. Корхонанинг самарали ташкил этилган маркетинг коммуникация жараёни истеъмолчилар сонининг ортиши ва савдо ҳажмининг ўсишида муҳим омил ҳисобланади. Маркетинг коммуникацияларининг моҳиятини чуқурроқ ўрганиш учун унинг 2 та таркибий қисми: коммуникация ва маркетинг хусусиятларини алоҳида ўрганиш талаб этилади. Коммуникация – хабарни юборувчи ва қабул қилувчи субъектлар томонидан юборилган хабарни бир даражада тушунилишига эришилиш жараёнидир. Маркетинг эса хўжалик юритувчи субъектлар ва истеъмолчилар ўртасида қийматлар алмашинадиган ҳаракатлар мажмуидир[3].

"Маркетинг коммуникациялари" ва "Коммуникация сиёсати" тушунчаларига кўплаб олимлар томонидан турли хил таърифлар берилган. Ф.Котлер ва К.Келлернинг тадқиқотларида маркетинг коммуникацияларини бозордаги субъектлар истеъмолчиларга ўз товар ва хизматлари тўғрисида тўғридан-тўғри ёки билвосита хабардор қилишга, ишонтиришга ва эслатиб туришга ҳаракат қилиш воситаси сифатида қаралади[4]. Ж. Лейвининг такидлашича, ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект коммуникация ва хабарларни узатиш орқали самарали фаолият юрита олади[5]. Коммуникация кўп босқичли мураккаб жараён бўлиб, уни таҳлил қилиш учун турли хил фанлар нуқтаи назаридан кўриб чиқишни ва асослашни талаб қилади. Шундай бўлсада Т. Гобан-Кляс "умуман олганда коммуникация фанлари мавжуд эмас, фақат уни қўллашнинг турли соҳалари ва усуллари мавжуд" деб ҳисоблайди[6]. Унинг томонидан турли хил коммуникация модель гуруҳлари кўриб чиқилган ва коммуникацияни ўрганиш турли сохаларда турлича деган хулосага келган. Умумий ёндошганда маркетинг коммуникациялари корхонанинг бозордаги ҳолатига таъсир этувчи ахборотлар жамланмаси сифатида кўриб чиқилиши керак.

Кўпгина иқтисодий адабиётларда "маркетинг коммуникациялари" тушунчасига турлича қарашлардаги кўплаб таърифлар келтирилган бўлиб, бир қатор олимлар маркетинг коммуникацияларини корхонанинг мақсадига эришиш ва кўзда тутилган фойда олиш учун ахборотни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига

узатиш учун ташқи ва ички коммуникацияларнинг мураккаб тизими сифатида қарайди[7]. Шунингдек, маркетинг коммуникациялари мақсадли сегментга корхона ғояларини етказиш, сотиб олинган товар ва хизматларни рағбатлантириш учун корхона тижорий фаолияти ва бозор ўртасидаги тизимли алоқа деб тушунилади.

Маркетинг коммуникацияларининг асосий вазифаси - бу ўз навбатида истеъмолчининг товар ва хизматлар танловини амалга оширишига таъсир эта оладиган, товар ва хизматларнинг рақобатчилардан асосий фарқи (товар бренди) тўғрисида мақсадли аудиторияга етказиш жараёнидир.

Баён этилганлардан келиб чиқиб, маркетинг коммуникациялари корхонанинг бозорда ўз мақсадларига эришиш йўлида қилинган ҳаракатларнинг муҳим қисми деб таъкидлашимиз мумкин. Маркетинг коммуникация сиёсати, корхонанинг алоқа аудиториялари, унинг инвесторлари, мақсадли истеъмолчилари, воситачилар имкониятларидан фойдаланиш, рақобатчилар ва бошқа атроф-муҳит омилларининг таҳдидини олдиндан кўриш ва олдини олишга эришилганлик даражасини белгилайди. Аксарият ҳолларда, маълумот олувчининг мотивацияси ва фикри ҳисобга олинмайди. Бу ўз навбатида, коммуникация кўламига ва истеъмолчиларнинг ахборотни қабул қилиш самарадорлигига таъсир қилади. Интерфаол ёндашув коммуникацияларнинг шаклланиш жараёнини икки томонлама яъни маълумот юборувчи ва уни қабул қилувчилар ўртасида самарали диалог сифатида кўриб чиқади. Қайта алоқалар тизимида ахборот ва коммуникация элементлари кўплаб истеъмолчилар танловига, воситачилар билан ўзаро муносабатларига таъсир кўрсата оладиган омилга айланади. Сотувчи ва ҳаридорлар ўртасидаги муносабатларни индивидуаллаштириш тенденцияси бозорнинг икки иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни анъанавий маркетинг асосларидан кескин фарқ қиладиган мулоқот каналларига айлантиришнинг симптоматик шаклларини пайдо бўлишига олиб келади.

Маркетинг коммуникациялари икки томонлама жараёндир: бир томондан, мақсадли ва бошқа аудиторияларга ахборот юбориш орқали таъсир этилади, иккинчи томондан, ушбу аудиторияларнинг компания юборган ахборотларига муносабати тўғрисида қарама-қарши маълумотни қабул қилади. Ушбу таркибий қисмларнинг бирлашиши маркетинг коммуникациялари тизимини вужудга келтиради.

Ушбу тизимда маркетинг коммуникацияларининг реклама, шахсий савдо, сотувни рағбатлантириш, жамоатчилик билан алоқалар ҳамда адвергейминг инструментларидан фойдаланилади. Маркетинг коммуникация тизимининг ишлаш жараёни: компания ўз воситачилари, шунингдек мақсадли сегментлари ва турли хил аудиториялар билан маркетинг коммуникация инструментларидан фойдаланган ҳолда алоқа ўрнатади. Сўнг воситачилар ҳам ўз мижозлари ва бошқа истеъмолчилар билан маълумот алмашадилар. Мижозлар хизматлар ҳақида бошқа истеъмолчилар ва ушбу хизматлардан фойдаланмайдиганлар билан мулоқотда бўлади. Бу эса ахборотни тез тарқалишига сабаб бўлади. Умуман олганда, ушбу тизимнинг ҳар бир компоненти қолганлари учун маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаб ўтиш керакки, маркетинг коммуникацияларидан фойдаланишда тармоқ хусусиятларини ўрганиш, хизматлар кўрсатиш соҳасидаги, шу жумладан йўловчи ташиш соҳасида маркетинг коммуникация тадбирларини таҳлил қилиш ва уларни самарали усулларини яратишга эхтиёж ортиб бормоқда. Бу йўловчи ташиш хизматлари бозори шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқдир.

Хулоса қиладиган бўлсак, иқтисодий адабиётда келтирилган маркетинг коммуникациялари тушунчалари қуйидагиларни ўз ичига: маркетинг коммуникациялари бозор тизими иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёни, улар ўртасидаги муносабатлар, маркетинг коммуникация воситалари тўплами сифатида кўриб чиқилади.

Маркетинг коммуникацияларини тўлиқ бир жараён сифатида акс эттириш нуқтаи назаридан, у компаниянинг товар ва хизматлари ҳақида самарали маълумот алмашишни, биргаликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштиришни ва ўзаро фойдали натижаларни олишни таъминлаши муҳимдир. Маркетинг коммуникацияларини ялпи муносабат сифатида тавсифлаб, шуни таъкидлаш керакки, улар қиймат яратиш барқарорлигини таъминлайди, шу билан бирга маркетинг коммуникацияларини тизим сифатида тақдим этиш нуқтаи назаридан товар ва хизматларни сотиш жараёнини амалга ошириш, уларга барқарор талабни таъминлаш учун ҳам амалга оширилади.

Бизнинг фикримизча, йўловчи ташиш хизматлари бозорида фаолият юритувчи компаниялар ўз маркетинг коммуникация дастурларини ишлаб чиқишда коммуникация инструментларининг асосий турлари реклама, сотишни рағбатлантириш, адвергейминг, жамоатчилик билан алоқалар ва шахсий савдолардан кўпроқ фойдалинишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.С.Тарасов. Совершанствование маркетинговых коммуникаций организаций осуществляющих торговлю овтотранспортными стедствами. специальность 08.00.05 «Экономика и управление народным хозяйством» (маркетинг). На соискание ученой степени кандидата экономических наук. Белгород-2013

2. Голубкова Е.Н. Маркетинговые коммуникации. - М.: Финпресс, 2005.- 256 с

3. M.Falat. M.Holubchik. The Influence of Marketing Communication on Financial Situation of the Company – A Case from Automobile Industry. TRANSCOM 2017: International scientific conference on sustainable, modern and safe transport. 148 – 153 p

4. Котлер Ф., Келлер К.Л. Маркетинг-менеджмент. - 15-е изд. - СПб.: Питер, 2018.-С. 485

5. Ж. Леви, Д. Линдон. Библия современного маркетинга. (комплект из двух книг) 2007 г. 1176 стр

6. K.Mongkol. Integrated Marketing Communication to Increase Brand Equity: The Case of a Thai Beverage Company. International Journal of Trade, Economics and Finance, Vol. 5, No. 5, October 2014.

7. K.Keller. Building strong brands in a modern marketing communications environment. Journal of marketing Communications Vol. 15, Nos. 2–3, April–July 2012, 139–155.

8. Синяева И.М., Земляк С.В., Синяев В.В. Маркетинговые коммуникации: Учебник / Под ред. проф. Л.П. Дашкова. - 3-е изд. - М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и КО», 2008. - 324 с.

Бахадиров И. *– ОБМ тингловчиси*

АВТОМОБИЛЬ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЗАМОНАВИЙ БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИ ВА БОШҚАРУВ УСУЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ

Ҳозирги кунда мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш ва шу асосда хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш масалалари иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони [1] билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури”да белгиланган вазифалар ва тадбирларни бажариш юзасидан корхоналарга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг аҳамияти ва долзарблиги ортиб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув механизмлари мулкчилик ҳуқуқини рўёбга чиқариш ва корпоратив назоратнинг муайян тузилмаларини шакллантиришни таъминлашга йўналтирилган. Корпоратив бошқарув механизми кўп жиҳатдан корпоратив бошқарув тизими қандай ишга солинган ва қандай ишлаётганлиги билан белгиланади [2].

Корпоратив бошқарув механизмига турлича қараш ва ёндашувлар мавжуд. Жумладан, мамлакатимизда корпоратив бошқарув соҳасида таниқли олимлардан бири Д.Суюновнинг [3] фикрича, корпоратив бошқарув механизми корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг белгиланган мақсадига эришиш учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий муносабатларни ҳаракатга келтирувчи элементлар мажмуидир.

Автомобиль саноатини жадал ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминлаш, илғор халқаро тажриба асосида замонавий бозор механизмлари ва корпоратив бошқарув усулларини жорий қилиш, шунингдек, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош ишлаб чиқаришни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 июлдаги ПҚ-4397-сонли “Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори [4] қабул қилинди.

Қарорда 2019 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажмини 350 минг донагача ошириш;

- енгил автомобилларни маҳаллийлаштириш даражасини ўрта ҳисобда 60 фоизгача етказиш;

- юк автомобиллари ва автобуслар ишлаб чиқариш ҳажмини 10 минг донагача ошириш;

- автомобилларнинг йиллик экспорт ҳажмини 100 минг донагача етказиш;

- корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини, шунингдек, «ERP» автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимини жорий этиш;

- аҳолининг кенг қатламлари учун ҳамёнбоп бўлган енгил автомобилнинг янги замонавий модели ишлаб чиқарилишини назарда тутган ҳолда автомобилларнинг моделлар қаторини янгилаш;

- «Ўзавтосаноат» АЖ таркибига кирувчи камида иккита акциядорлик жамияти акцияларини маҳаллий ва халқаро фонд бозорларида бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) орқали инвесторларни жалб этиш.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш максадида жорий йилнинг апрель ойидан BostonConsultingGroup (BCG) компанияси билан биргаликда ташкил этилган «Ўзавтосаноат» АЖ ва унинг таркибий корхоналарини ислоҳ қилиш бўйича трансформация офиси [5] ўз фаолиятни бошлади.

Трансформация офиси BostonConsultingGroup (BCG), шунингдек, Daimler, Fiat и Porsche каби етакчи халқаро автомобиль концернларида кўп йиллик бошқарув тажрибасига эга юқори малакали хорижий ва маҳаллий экпертлар иштирокида ташкил этилди. Трансформация жараёнида бундай мутахассислар иштироки бозор муносабатлари шароитида рақобатбардош ва самарали бизнес-моделини яратишга имкон беради. Бундан ташқари, трансформация жараёнида саноатни бошқаришнинг эски моделидан воз кечиш ҳамда маҳсулот сифати ва ҳажмига бевосита таъсир кўрсатадиган ишлаб чиқариш ва бизнес жараёнларини модернизация қилиш режалаштирилган.

BostonConsultingGroup (BCG) билан биргаликда ишлаб чиқарилган «Ўзавтосаноат ривожланиш стратегия» сида кўрсатилган трансформация жараёни қуйидаги 7 та йўналиш бўйича амалга оширилади:

1. Савдо ва маркетинг;

2. Янги ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик ва хусусийлаштириш;

3. Харидорлар ва таъминотчилар билан ишлаш;
4. Ишлаб чиқариш жараёнларини яхшилаш;
5. Айланма маблағларни мувофиқлаштириш;
6. Молиявий кўрсатгичларни яхшилаш;
7. Рақамлаштириш ва ахборот технологияларни жорий этиш.

Трансформация стратегияси ва дастури доирасида қуйидаги босқичлар белгиланган:

- 2021-2022 йилларда «Ўзавтосаноат» ва унинг таркибий корхоналарини трансформация қилиш, шунингдек, жорий операцион фаолиятни (корпоратив бошқарув, ишлаб чиқариш, молия, савдо ва сотувдан кейинги хизмат) оптималлаштириш ва хусусийлаштиришга тайёргарлик кўриш;

- 2022-2025 йилларда ҳамкорлар билан биргаликда янги машхур автомобиль моделларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шунингдек, ишлаб чиқаришга сарфланадиган вақтни икки баравар қисқартириш, маҳаллийлаштириш даражасини 70%гача ошириш, электромобилларни ишлаб чиқаришга тайёргарлик ва босқичма-босқич «Ўзавтосаноат» таркибий корхоналари улушларини хусусий секторга сотиш.

Ўзбекистон автомобилсозлик саноатини қайта ташкил этиш иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш, саноатнинг ривожланишини жадаллаштириш ва давлатнинг иқтисодий фаолиятдаги иштирокини камайтиришга қаратилган давлатимиз раҳбарияти сиёсати доирасида 2018 йилдан бери «Ўзавтосаноат» ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. №ПФ-4720, 24.04.2015 й. https://lex.uz/docs/2635197.

2. Ашуров З.А. Корпоратив бошқарув механизми ва унинг Ўзбекистонда ривожланиши. // “Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари” журнали. – Тошкент, 2016. – №1. – Б. 60-68.

3. Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Академия, 2006. – 116 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори. ПҚ-4397, 18.07.2019й.

5. http://uzavtosanoat.uz/uz/zavtosanoat-ajni-islo-ilish-byicha-transformaciya-ofisi-z-ishini-boshladi.html.

Собиров А.О. *– ОБМ тингловчиси*

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЗАМОНАВИЙ СТАНДАРТЛАРИ: УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корпоратив бошқарувнинг асосий халқаро стандартлари G20 / Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (Organisation for Economic Cooperation and Development - OECD) Корпоратив бошқарув тамойиллари (2015) ҳамда Халқаро корпоратив бошқарув тармоғининг (International Corporate Governance Network - ICGN) Глобал бошқарув тамойиллари (2017) ҳисобланади. Бундан ташқари, АҚШнинг "Sarbanes-Oxley" Қонунини (2002 йил) ҳам АҚШнинг оммавий компаниялари учун копоратив бошқарувнинг энг муҳим тамойилларидан бири бўлиб ҳисобланадиган корпоратив маълумотларни ошкор қилишдаги аниқлик ва ишончлиликни таъминлашга қаратилган стандартлар сифатида қабул қилиш мумкин.

G20/ИҲТТ Корпоратив бошқарув тамойиллари(G20/OECD Corporate governance principles) бошқарув органларига иқтисодий самарадорлик, барқарор ўсиш ва молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий, меъёрий ва институционал асосларини баҳолаш ва такомиллаштиришга ёрдам беради[1].

Дастлаб 1999 йилда қабул қилинган Корпоратив бошқарув тамойиллари бутун дунё бўйлаб бошқарув органлари, инвесторлар, корпорациялар ва бошқа манфаатдор шахслар учун халқаро мезонга айланди. Улар, шунингдек, Молиявий барқарорлик масалалари бўйича Кенгаш томонидан барқарор молиявий тизимларнинг асосий стандартларидан бири сифатида қабул қилинди ҳамда Жаҳон банкининг корпоратив бошқарув соҳасида стандартлар ва кодексларга риоя қилиниши тўғрисидаги ҳисоботлари учун асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу корпоратив бошқарув тамойиллари 2004 йилда ва 2015 йилда қайта кўриб чиқилган.

ИҲТТ Корпоратив бошқарув тамойилларининг 2015 йилда иккинчи қайта кўриб чиқилиши ИҲТТнинг Корпоратив бошқарув масалалари бўйича қўмитаси раҳбарлиги остида амалга оширилган. ИҲТТга аъзо бўлмаган барча G20 давлатлари тенг асосда иштирок этишга таклиф этилган. Қайта кўриб чиқишда тегишли халқаро ташкилотларнинг, хусусан Банк назорати бўйича Базел қўмитаси, Молиявий барқарорлик масалалари бўйича Кенгаш ва Жаҳон банки гуруҳининг экспертлари фаол иштирок этишган.

ИҲТТ Корпоратив бошқарув тамойиллари лойиҳаси 2015 йил апрел ойида бўлиб ўтган G20 / ИҲТТ корпоратив бошқарув форумида муҳокама қилинган. Ушбу йиғилишдан сўнг, ИҲТТ Кенгаши 2015 йил 8 июлда ушбу Корпоратив бошқарув тамойилларни қабул қилган. Кейинчалик Корпоратив бошқарув тамойиллари матни 2015 йил 15-16 ноябр кунлари Анталияда G20 Лидерлар

[1]**OECD (2016),** *Принципы корпоративного управления G20/ОЭСР***, OECD Publishing, Paris.**

саммитига тақдим этилган, унда ушбу матн G20 / ИҲТТ Корпоратив бошқарув тамойиллари сифатида маъқулланган.

G20 / ИҲҲТ Корпоратив бошқарув тамойиллари олти қисмдан иборат бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

Корпоратив бошқарувнинг самарали тузилмаси учун меъёрий-ҳуқуқий ва институционал асослар;

Акциядорлар ҳуқуқлари, барча акциядорларга тенг муносабат ва мулкчиликнинг асосий функциялари;

Институционал инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорлари ва бошқа воситачилар;

Корпоратив бошқарувда манфаатдор шахсларнинг роли;

Директорлар кенгашининг мажбуриятлари.

Халқаро корпоратив бошқарув тармоғининг (ХКБТ) Глобал бошқарув тамойиллари (ICGN's Global Governance Principles) яхши бошқариладиган компаниялар учун ХКБТнинг асосий стандарти бўлиб хизмат қилади ҳамда таркибига, уларнинг раҳбарлиги остида турадиган умумий қиймати 26 трлн. АҚШ долларидан юқори бўлган активлар учун жавобгар инвесторлар киradиган ХКБТнинг аъзолари билан маслаҳатлашилган ва келишилган ҳолда ишлаб чиқилган[1].

ХКБТ Глобал бошқарув тамойиллари, корпоратив бошқарувнинг юқори стандартларига доир тартибга солувчи ёки бозордаги ўзгаришлар билан мувофиқлигини таъминлаш учун даврий равишда кўриб чиқилади. Улар ХКБТнинг бутун дунё бўйлаб самарали бозорлар ва барқарор иқтисодиётни ривожлантириш учун корпоратив бошқарув ва инвесторларни бошқаришнинг самарали стандартларини илгари суриш миссиясини ўзида мужассам этган.

ХКБТ Глобал бошқарув тамойиллари компанияларни бошқаришга, шунингдек директорлар кенгашлари муваффақиятли компанияларни қандай қилиб олға юрғизишлари ва шунинг билан, бошқа манфаатдор томонларни ҳисобга олган ҳолда, инвесторлар учун барқарор қиймат яратилишини таъминлашлари кераклигига қаратилган.

ХКБТ Глобал бошқарув тамойиллари қуйидаги саккизта тамойилдан иборат:

Кенгашнинг роли ва жавобгарлиги;

Кенгашнинг лидерлиги ва мустақиллиги;

Директорлар таркиби ва тайинланиши;

Корпоратив маданият;

Рискларни назорат қилиш;

Мукофотлаш ёки рағбатлантириш;

Ҳисобдорлик ва аудит;

Акциядорларнинг ҳуқуқлари.

[1]http://icgn.flpbks.com/icgn_global_governance_principles/ICGN_Global_Governance_Principles.pdf

ХКБТ Глобал бошқарув тамойилларини ХКБТнинг *Глобал стювардшип тамойиллари* (ICGN’s Global Stewardship Principles) билан бирга ўқиш керак, унда инвесторларни бошқариш ҳамда стювардшип (бошқарув, назорат) мажбуриятлари, сиёсатлари ва жараёнлари билан боғлиқ энг яхши амалиётлар баён этилган. Ушбу иккита ҳужжат, ХКБТнинг компаниялар ва инвесторлар иккаласи ҳам узоқ муддатли корпоратив қийматни сақлаш ва ошириш учун ўзаро масъулиятни бўлишишлари (зиммаларига олишлари) ва шунинг билан барқарор капитал бозорлари ва жамият фаровонлигига ҳисса қўшишларини таъминлайдиган узоқ муддатли позициясини илгари суради.

ХКБТ Глобал бошқарув тамойиллари биринчи марта 1995 йилда ХКБТнинг ташкил этилишида ташаббус қилинган бўлиб, ҳозиргача беш марта нашр этилган. Ушбу тамойиллар асосий тушунчалар ва амалиётларга аниқлик киритиш учун даврий равишда нашр этиладиган бир қатор корпоратив бошқарув мавзуларидаги ХКБТ қўлланмалари билан тўлдирилади. ХКБТ Глобал бошқарув тамойиллари ҳам, махсус қўлланмалар ҳам ХКБТ аъзолари томонидан кўпинча инвестиция қилинадиган компанияларнинг корпоратив бошқарув усулларини баҳолашда ва овоз бериш қоидаларида мезон сифатида фойдаланилади ҳамда илмий доираларда олимлар томонидан уларга ҳаволалар қилинади. ХКБТ тамойиллари ва қўлланмалари, шунингдек, бутун дунё бўйлаб корпоратив бошқарув ривожланишига таъсир кўрсатадиган энг яхши амалиётнинг халқаро манбаи бўлиб хизмат қилади.

Корпоратив бошқарув тамойиллари билан боғлиқ бўлган яна бир муҳим ҳужжат сифатида **АҚШнинг “Сарбейнс-Оксли” Қонунини (2002 йил)** келтириш мумкин. Ушбу қонун Enron ва WorldCom каби компанияларга алоқадор бир қатор йирик корпоратив ва бухгалтерия можароларига муносабат сифатида қабул қилинган. Ушбу можаролар натижасида таъсирланган компаниялар акцияларининг нархлари кескин тушиб кетиб, инвесторлар миллиардлаб доллар зарар кўришган ҳамда АҚШнинг қимматли қоғозлар бозорларига бўлган ишончга путур етган[1].

“Сарбейнс-Оксли” Қонуни (шунингдек, “Оммавий компанияларнинг бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш ва инвесторларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун (Сенатда) ва “Корпоратив ва аудиторлик ҳисобдорлик, жавобгарлик ва шаффофлик тўғрисида”ги Қонун (Вакиллар палатасида) сифатида ҳам маълум бўлиб, одатда “Sarbanes-Oxley” ёки SOX деб аталади), қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ корпоратив маълумотларни ошкор қилишдаги аниқлик ва ишончлиликни ошириш орқали инвесторларни ҳимоя қилиш ва бошқа мақсадларда ишлаб чиқилган бўлиб, АҚШнинг оммавий компаниялар кенгашлари, бошқарув ва оммавий бухгалтерлик компаниялари учун янги ёки кенгайтирилган талабларни белгилайдиган Америка Қўшма Штатларининг федерал қонунидир. Қонуннинг федерал текширувга тўсқинлик қиладиган далилларни қасддан йўқ қилиш каби бир қатор қоидалари хусусий компанияларга нисбатан ҳам қўлланилади.

[1] https://www.govinfo.gov/content/pkg/PLAW-107publ204/pdf/PLAW-107publ204.pdf

Ушбу қонунга кўра, компаниянинг юқори бошқарув органи (top management) молиявий ахборотнинг тўғрилигини индивидуал тарзда тасдиқлаши керак. Бундан ташқари, фирибгарлик билан боғлиқ молиявий фаолият учун жазо чоралари кучайтирилган. Шунингдек, директорлар кенгашининг назорат роли ҳамда корпоратив молиявий ҳисоботларнинг тўғрилигини текширадиган ташқи аудиторларнинг мустақиллиги оширилган.

Ушбу қонун корпоратив бошқарув кенгашининг қўшимча мажбуриятларидан тортиб жиноий жазоларга қадар бўлган ўн битта бўлимни ўз ичига олади ва Қимматли қоғозлар ва биржалар комиссиясидан оммавий корпорациялар ушбу қонунга қандай риоя қилишларини белгилайдиган қоидаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилади.

Қонуннинг асосий бўлимлари қуйидагилардан иборат:

Оммавий компания бухгалтерия кузатув кенгаши;

Аудитор мустақиллиги;

Кенгайтирилган молиявий очиқлик;

Қимматли қоғозлар ва биржалар комиссиясининг ваколатлари ва ресурслари;

Манфаатлар тўқнашуви: қимматли қоғозлари таҳлилчиларига муносабат;

Корпоратив жавобгарлик;

Корпоратив фирибгарлик ва ҳисобдорлик;

Фирибгарлик учун корпоратив ва жиноий жавобгарлик.

Молиявий бошқарув бўйича қаттиқроқ талабларни белгилайдиган қонунлар зарурлиги сабабли АҚШнинг “Сарбейнс-Оксли” Қонуни туридаги қонунлар кейинчалик Канада (2002), Германия (2002), Жанубий Африка (2002), Франция (2003), Австралия (2004), Ҳиндистон (2005), Япония (2006), Италия (2006), Исроил ва Туркияда қабул қилинган.

Ўзбекистонда маҳаллий компанияларнинг инвесторларга очилишини таъминлашда юқорида қайд этилган корпоратив бошқарувнинг энг муҳим халқаро стандартларини миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда қонунчиликка имплементация қилиш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бунинг натижасида, маҳаллий компанияларда молиявий ҳисоботларнинг тўғрилиги ва очиқлигини ҳамда корпоратив жавобгарлик ва аудиторлик ҳисобдорликни таъминлашга эришиш мумкин.

Ханбабаев М.Р. *– Ипотека-банк*
Қўқон филиали кредит бўлими бошлиғи

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Ҳозирги кунда мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш ва шу асосда хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш масалалари иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон иқтисодиётида корпоратив бошқарувга оид ислоҳотлар давом этмоқда. Бироқ корхоналарни бошқариш усуллари яхшиланмай, акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштирмай акциядорлик жамиятларининг фаолият самарадорлигини ошириш ва уларга ташқи манбалардан инвестициялар киритиш осон бўлмайди. Бундан ташқари, корпоратив бошқарув сифатини ошириш нафақат хорижий инвестиция киришини рағбатлантиради, балки бутун корхона фаолиятини замон талабларига мос ҳолда модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта янгиланишни ҳам қамраб олади.

Шунинг учун акциядорлик жамиятлари фаолиятида корпоратив бошқарув самарадорлигини янада ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”[1]ги фармонида корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди:

- халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- чет эл капитали иштирокида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш;

- эски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш;

- акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш;

- етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилиш.

Белгиланган вазифалар ва тадбирларни бажариш юзасидан корхоналарга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида корпоратив бошқарувнинг ташкилий иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг аҳамияти ва зарурлиги ортиб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив бошқарув механизмлари мулкчилик ҳуқуқини рўёбга чиқариш ва корпоратив назоратнинг муайян

[1]https://lex.uz/docs/2635197

тузилмаларини шакллантиришни таъминлашга йўналтирилган. Корпоратив бошқарув механизмлари корхона раҳбарияти устидан унинг мулкдорлари томонидан назорат қилиш усуллари сингари ҳамда етакчи менежерларнинг ўз-ўзини ҳимоялаш ва акс таъсир қилиш усуллари сингари ишлайди. Корпоратив бошқарув механизми кўп жиҳатдан корпоратив бошқарув тизими қандай ишга солинган ва қандай ишлаётганлиги билан белгиланади[1].

Корпоратив бошқарув механизмига турлича қараш ва ёндашувлар мавжуд. Жумладан, мамлакатимизда корпоратив бошқарув соҳасида таниқли олимлардан бири Д.Суюновнинг[2] фикрича, корпоратив бошқарув механизми корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг белгиланган мақсадига эришиш учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий муносабатларни ҳаракатга келтирувчи элементлар мажмуидир.

Муаллиф Т.Долгопятова фикрича корпоратив бошқарув механизмлари бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мулкчилик ҳуқуқини рўёбга чиқаришни таъминлашга ҳамда корпоратив назоратнинг муайян тузилмаларини шакллантиришга йўналтирилган.

Европа ҳалқаро бошқарув институти олимлари Д.Денис ва Ж.МакКоннелл [3]корпоратив бошқарув механизмларини ички ва ташқига бўлиб, корпоратив бошқарувнинг ички механизмлари директорлар кенгаши ва мулкчилик структураси орқали ишлайди, унинг ташқи механизмлари эса корпоратив назоратнинг ташқи бозори (қўшилиш ва бирлашишлар бозори) ва мамлакат ҳуқуқий тизими билан боғлиқ, деб таъкидлайди.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш бўйича қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб хисоблаймиз:

Биринчидан, корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашдан ташқари кузатув кенгаши фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва улар асосида умумий кенгаш фаолияти, унинг қўмиталари ва ҳар бир аъзоси фаолиятини баҳолаш амалиётини жорий этиш талабларини Корпоратив бошқарув кодекси билан мустаҳкамлаб қўйиш.

Иккинчидан, кузатув кенгаш аъзоларига тўланадиган мукофотлар ҳажмини кенгаш фаолиятини баҳолаш натижаларига боғлаш ва ҳар бир аъзони кенгашнинг умумий фаолияти самарадорлигига қўшган ҳиссасига қараб рағбатлантириш сиёсатини қўллаш.

Учинчидан, кузатув кенгаши таркибидаги мустақил аъзоларнинг нафақат минимал миқдорини таъминлаш, балки уларнинг улуши ортишини рағбатлантириш чораларини кўриш.

---

[1] Ашуров З.А. Корпоратив бошқарув механизми ва унинг Ўзбекистонда ривожланиши. // “Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари” журнали. – Тошкент, 2016. – №1. – Б. 60-68.

[2] Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Академия, 2006. – 116 б.

[3] Denis D. and McConnell J. International Corporate Governance, ECGI Finance Working Paper, No.05/2003, Bruxelles: European Corporate Governance Institute.

Тўртинчидан, кузатув кенгашининг мустақил аъзосини ким кўрсатиши масаласига аниқлик киритиш, уларнинг маълумотлар базасини шакллантириш, малакасини ошириш тизимини шакллантириш.

Бешинчидан, ижроия органи фаолияти самарадорлигини баҳолашда танлаб олинадиган самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичларининг (KPIs) мувозанатлашган ҳолда бўлишини таъминлаш ва уларнинг умумий йиғма (интеграл) кўрсаткични шаклланишидаги салмоғини белгилаш жараёнларини тартибга солиш зарур.

Юртимизда кечаётган хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, иқтисодиёт тармоқларига жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш, акциядорлик жамиятлари бошқаруви самарадорлигини тубдан яхшилаш, стратегик инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилишда илғор халқаро тажрибаниамалда қўллаш буларнинг барчаси ўз навбатида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлайдиган кўплаб корхоналар фаолиятига янги туртки беради.

Каримов М.Қ. *– ЎзНГСИТБ раисининг ўринбосари,*
Озарбайжон Республикаси Давлат SOCAR
компаниясининг «Нефтгаз» ИТЛИ диссертанти

ЎЗБЕКСТОННИНГ НЕФТЬ-ГАЗ ТАРМОҒИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА УНДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ўзбекистон иқтисодиётини қайта шакллантиришнинг ҳал қилувчи масаласи унинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳисобланади. Ўзбекистонда эса иқтисодий ривожланиш муаммосининг бу жиҳати ҳар доим диққат марказида бўлган. Иқтисодий реформаларнинг энг бошиданоқ, 1992 йилда, ёш давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг йўналишини таърифлаб беришда, энг муҳим мақсад сифатида – “қудратли, барқарор ва динамик ривожланувчи иқтисодиётни яратиш” белгилаб берилади» [1]. Шу билан бирга, мамлакатнинг иқтосодиётини, шу жумладан нефть-газ саноатини ривожлантиришнинг турғунлиги ва барқарорлиги аниқ ифодаланган босқичма-босқич, қадамма-қатам модель доирасида амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг нефть-газ саноатини барқарор ривожлантиришни бошқарув модели қурилишининг асоси тармоқда жиддий структур қайта ўзгартиришларни амалга ошириш ҳисобланади. Унинг элементлари тармоқни ишлашининг барқарорлигини таъминлаш бўйича ўзаро боғланган мақсадлар комплексининг муваффақиятлари инструментларини бошқариш ҳисобланади. Бир томондан, бу моделни тармоққа нисбатан турли соҳаларда – сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда қўлланиладиган ҳамда тармоқ даражасида табиий ривожланаётган йўналишлардаги инструментларни бошқаришни ташкил қилишдаги таъсирларни, бошқа

томондан, қадамма-қадам динамикада изчиллик билан шаклланаётган ички инструментларни ҳисобга олиш шакллантиради.

Ўзбекистоннинг нефть-газ саноатини барқарор ривожланишини бошқарув модели доирасида жараёнлар динамикасини баҳолашда “қадам” тушунчасини, яъни оралиқ мақсадларнинг муваффақиятини таъминлайдиган ҳаракатларнинг маълум мажмуини ишлатиш бизга мақсадга мувофиқ туйилади. Бу тармоқ корхоналарининг барқарор ривожланиш жараёнларининг итератив, такрорланувчи жараёнлар табиатини тушуниш имконини беради. Иқтисодий реформалар боришининг ретроспектив таҳлили Ўзбекистон нефть-газ саноатининг барқарор ривожланишини бошқарув тизимини шакллантиришнинг қадамма-қадам итератив жараёнини белгилашга имконият яратди.

2017 йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз Фармони билан 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар Стратегиясини тасдиқлади. Бу стратегиянинг энг муҳим йўналишларидан бири “корпоратив бошқарувнинг замонавий халқаро стандартларини тадбиқ қилиш, корхоналарнинг стратегик бошқарилишида акционерлар ролини кучайтириш” ҳисобланади [2]. Шу муносабат билан, ҳозирги босқичда, корпоратив бошқарувнинг халқаро тажрибасини ўрганиш ва унинг методларини Ўзбекистонда қўллаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади, унинг ҳал қилиниши мамлакатнинг кейинги тараққиётига кўмаклашиши керак.

Ўзбекистонда (11.02.2016 йил № 02-02/1-187) тасдиқланган корпоратив бошқариш Кодексида қуйидаги таъриф берилган: «Корпоратив бошқарув – бу акциядорлик жамиятининг ижрочи органи, унинг кузатиш Кенгаши, акциядорлар, меҳнат коллективи вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар тизими бўлиб, мақсади кўрсатилган шахслар манфаатларининг балансига эришиш, АЖ фаолиятини самарали ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорларга экспорт қилишдир”.

Корпоратив бошқариш муаммоларига қизиқишнинг юқорилиги ҳозирги кунда иқтисод ўсишининг юқори суръатларини таъминлаш, ватан ва чет эл инвесторларини жалб қилиш, корхоналар инвестицион жозибадорлигининг ортиши зарурияти билан келиб чиққан. Нефть-газ саноати тармоқларининг инвестицион объектлар сифатидаги жозибадорлиги кўп жиҳатдан корпоратив бошқарув самарадорлигининг даражаси билан боғлиқ. Айни пайтда бошқарувнинг етарли даражада эмаслиги уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Демак, корпоратив бошқарувнинг самарали тизими фақат компаниянинг харид баҳосини оширибгина қолмай, балки уни инвесторлар учун анча жозибалироқ қилади, бу ўз навбатида унинг молиявий бозорлардаги рақобатбардошлигини оширади.

Корпоратив бошқарувнинг мавжуд моделлари таҳлили кўрсатди-ки, учта асосий базавий моделлар мавжуд: **унитар (**Англия-Америка), **икки босқичли** (немисча) ва **тармоқ** (японча).

Корпоратив бошқарувнинг кўриб чиқилган моделлари ўзаро маълум ўхшашликларга ва фарқларга эгадир. Ҳар бир модель ўзининг афзалликларига ва камчиликларига эга. Бироқ, ҳар бир давлат ўз моделини ўзи танлайди. Бошқа мамлакатларнинг корпоратив бошқарув тизимларида юқорида тасвирланган моделларнинг элементлари иштирок этади.

Компанияда юзага келган корпоратив бошқарув амалиётини халқаро стандартларга мос келишини баҳолаш учун корпоратив бошқарув рейтинги ишлатилади, у манфаатдор шахсларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан корпоратив бошқарувнинг нисбий яхши томонлари ва ёмон томонлари ҳақидаги мустақил баҳосини ифодалайди.

Корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини баҳолашга ёндашувларнинг дунё тажрибасини таҳлил қилиш асосида, юқорида санаб ўтилган энг кўп қўлланиладиган ўзига хос специфик кўрсаткичлардан ҳамда бу учун қўлланиладиган балли характеристикадан келиб чиқиб, биз унинг самарадорлигини баҳолашнинг тахминий шкаласини туздик.

Специфик структур-ташкилий ва иқтисодий кўрсаткичларни ишлатишга асосланган корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини баҳолаш тизимига мурожаат қиламиз.

Ўзбекистоннинг нефать-газ тармоғини ривожлантиришнинг асосий натижаси мустақилликни қўлга киритгандан кейин бошланган иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг устуворлигига мос келадиган бошқарувнинг замонавий структурасини шакллантириш бўйича олиб борилган иш бўлди.

Нефть-газ саноатининг барқарорлигини таъминлаш, Ўзбекистоннинг нефть ва газ конларини комплекс ва самарали ўзлаштириш, иқтисодиётнинг тармоқларини ва республика аҳолисини газ ва газ конденсат, нефть ва уларни қайта ишлаш маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида собиқ тарқоқ нефть, газ, нефтни қайта ишлаш ва бошқа тармоқлар 1992 йил май ойида ягона ишлаб чиқариш комплексига – Ўзбекистон Давлать нефть ва газ саноати “Ўзбекнефтгаз” концернига бирлаштирилди, у 1993 йилнинг январида “ЎЗбекнефтгаз” нефть ва газ саноати Миллий корпорациясига айлантирилди. Нефть-газ саноати корхоналарининг барқарор ривожланишини таъминлашга ҳамда ташкилий механизмни тегишли такомиллаштиришга йўналтирилган ҳаракат давомида 1998 йилнинг декабрида нефть ва газ саноати Миллий корпорацияси “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компаниясига айлантирилди. Бу билан тармоқни бошқаришнинг оптимал структураларини яратиш якунланмади ва ҳамон давом этмоқда. Унинг мақсади тармоқнинг молиявий барқарорлигини ва рақобатли ривожланишини таъминлайдиган мувофиқлаштирилган ташкилий сиёсатини амалга ошириш ҳисобланади.

“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг ҳисоботлари асосида специфик (ўзига хос) мезонлардан келиб чиқиб, биз унинг корпоратив бошқаруви самарадорлигини баҳолаймиз.

Ҳозир “Ўзбекнефтгаз” АЖ корхоналарининг фаолиятини бошқаришда табиий газ экспортини кўпайтириш эмас, балки уни қайта ишлашнинг хусусий саноатини ривожлантириш ва юқори реализация қилинадиган, юқори қўшимча

қийматли, сифати ва экология талаблари бўйича жаҳон стандартларига жавоб берадиган нефть-газ ва кимёвий маҳсулотни ишлаб чиқариш турибди. Республикада чет эллик инвесторларни жалб қилишга алоҳида эътибор бериляпти. Тармоқнинг инвестицион жозибадорлиги ўсяпти, унинг **инвестицион фаолияти фаоллашмоқда**.

Ҳозирги кунда, Ўзбекистон Республикаси иқтисодининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, Ўзбекистоннинг нефть-газ тармоғини корпоратив бошқарув самарадорлиги тармоқни ривожлантиришнинг қуйидаги устувор йўналишларини амалга оширишни таъминлаш билан боғлиқ:

1. Углеводородлар заҳираларининг кўпайиши орқали ресурс базасини кейинги кенгайтириш.
2. Углеводород хом ашёни қазиб олиш тизимига иқтисодий жиҳатдан рентабелли ва энергия самарали технологияларни углеводородларни жиддий қайта ишлаш бўйича жорий этиш; ёқилғининг ва энергиянинг альтернатив турларини ишлаб чиқиш ва ишлатиш, нефть химияси технологияларини жорий этиш. Бунга турли йўллар билан эришилади: чет эл компаниялари билан ёки уларнинг иштирокида РҚК (республика қўшма корхонаси) лойиҳалари бўйича ҚК ташкил қилиш ва шахсий илмий муваффақиятларнинг технологияларини такомиллаштиришга ҳисса қўшиш.
3. Суюлтирилган углеводород газини ёқилғининг альтернатив тури сифатида республикага кейин бўладиган барқарор газ етказиб бериш мақсадида ишлаб чиқаришни таъминлаш ҳамда табиий газ экспортини кўпайтириш.
4. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурлари.
5. Энергияни ва ресурсни тежаш масалаларини бошқариш.
6. Нефть-газ тармоғида экологик масалаларни ҳал қилиш.
7. Нефть-газ машинасозлигини ривожлантириш.
8. Соҳанинг бошқарув ва технологик жараёнларига информацион технологияларни комплекс жорий этиш.
9. Нефть-газ тармоғини ва унинг корхоналарини барқарор ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш.
10. Юқори малакали кадрларни тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 апрель 2015 йилдагиПФ-4720 рақамли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини [3] бажариш мақсадида, Ўзбекистон РеспубликасиВазирлар Маҳкамаси ўзининг 28.07.2015 йилдаги 207-рақамли “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори билан акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ташкилот ижрочи органи фаолияти самародорлигини аниқлаш учун ишлатиладиган мезонлар Қоидасини тасдиқлади [4]. Бу мезонлар асосида тармоқнинг устувор йўналишларини ривожлантиришнинг натижалари ётади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 апрель 2017 йилдаги ПК-2909 “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
2. Приоритетные направления развития нефтегазовой отрасли Республики Узбекистан на 2015-2019 годы. Доклад Файзуллаева Ш.Н. на 19-ой Международной конференции «Нефть и Газ Узбекистана» 13-14 Мая 2015.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 апрель 2015йилдаги ПФ-4720 рақамли“Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони
4. Ўзбекистон РеспубликасиВазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-рақамли “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори.

Намазов Х.М. *– ОБМ тингловчиси*

МАРКЕТИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА БОЗОРНИ СЕГМЕНТЛАШНИНГ ЗАРУРЛИГИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва COVID-19 пандемияси шароитларида маркетинг хизматларини кўрсатишда бозор сегментини аниқлаш жуда муҳим ҳисобланади. Бозорни сегментлаш - бозор муносабатларини ўрганиш ва уларни такомиллаштиришнинг асосий назариялардан биридир. Транспорт хизматлари бозорида хўжалик юритувчи субъектлар бозорни сегментлаш орқали ўз имкониятларини аниқлаш, мақсадли сегментларда маҳсулотлари (ташувлар) улушини ошириш учун фойдаланадилар. Бугунги кунда иқтисодчи олимлар томонидан бозор сегментлари, маркетниг ва ҳизматлар кўрсатиш бўйича турли қарашлар мавжуддир. Мақсадли бозор сегментлари - транспорт хўжалиги юрутувчи субъектлар томонидан истеъмолчиларга ташиш ва қўшимча хизматлар тақдим этиладиган бозорнинг қисмидир[1]. Бозорни сегментлаш маркетингнинг энг муҳим вазифаларидандир, чунки уни амалга ошириш транспорт хўжалиги субъекти фаолиятини (ҳудудлар, бозорнинг бир қисмини) белгилашга ва муваффақиятга эришишида муҳим омилларни аниқлаб олиш имконини оширади. Бозорни сегментлаш бошқа транспорт турларида мавжуд бўлган муқобил хизматларни сотишда, рентабеллик ва фаолият йўналишини ошириш учун устунликка эришиш мақсадида амалга оширилади[2] деган фикрни билдирадилар.

Хизматлар кўрсатиш бозорини сегментлашни амалга оширишдан олдин, ўрганиш давомида олинган маълумотларни таҳлили амалга оширилиши керак

[1] Перепелюк А.В., Ейтутис Г.Д. Основы маркетинга на железнодорожном транспорте. – Днепропетровск: Континет, 1996. – 182 с.

[2] Терёшина Н.П. Шобанов А.В., Рышков А.В. Управление конку-рентоспособностью железнодорожных перевозок.-М.: ВНИТИ, 2005,-240с

бўлади. Бозорни сегментлашда истеъмолчиларни хулқ-атвори, географик жойлашуви, психологик ва демографик хусусиятларига қараб алоҳида сегментларга бўлинади. Бундай хусусиятларни ҳисобга олиш истеъмолчиларнинг турли тоифаларини таҳлил қилишга, улардан бир хил гуруҳларни ажратиб олишга имкон беради. Ҳар бир мезонни алоҳида эмас, балки бошқалари билан биргаликда кўриб чиқиш йўловчиларнинг эҳтиёжларини айнан қайси хизмат қондиришини иложи борича аниқроқ билиш имконини беради. Даромадлар ва сотиб олиш қобилиятлари бўйича бозорни сегментлаш айниқса мамлакат иқсисодиётининг инқироз даврида жуда муҳимдир. Маркетологларнинг маҳорати тўлов қобилияти энг юқори истеъмолчилар гуруҳлари (масалан, сайёҳлар) сегментларини, хизматларнинг бошқа истеъмолчиларини аниқлаш ва уларнинг эҳтиёжларини қондиришни, темир йўл ва бошқа транспорт турларининг кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади[1] деб таъкидлайди.

Бозорни сегментлаш мақсади билан уни ўрганаётганда, аввало, унинг бозор конюктурасини таҳлил қилиш керак. Бу маркетинг муҳитидаги турли омиллар ўртасидаги боғлиқликни ўрганишдан бошланади. Ички ва ташқи маълумотлар тўпланади ва таҳлил қилинади, сўнгра қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади:

– сегмент сиғими - реал бирликларда ёки қиймат жиҳатидан сотиладиган хизматларнинг йиллик сони;

– нисбатан ўхшаш эҳтиёжларига эга бўлган потенциал йўловчилар сони. Ушбу параметрларга мувофиқ, транспорт хизматларини амалга оширувчи субъектлар, вагонларнинг турлари бўйича, самолёт турлари, автобуслар, транспорт воситаларининг сони, хизматларни сотиш марказлари ва уларнинг ассортименти бўйича етарли ёки кам эканлигини аниқлайдилар. Агар керак бўлса, янги хизматларни сотиш марказлари очилади;

– сегментнинг моддий жиҳати - потенциал йўловчиларнинг талабининг барқарорлигини аниқлаш (хизматлар сотилишида ўсиш бўладими ёки пасайиш);

– транспорт хизматлари кўрсатувчи субъектнинг фаолияти, яъни реал фойда прогнози. Стандарт ҳисоб-китоблар билан аниқланади (ҳаражатлар усули, зарарсизликни таҳлил қилиш усули ва бошқа усуллар);

– сегментнинг асосий рақобатчилар бозори билан мослиги - транспорт хизматлари кўрсатувчи субъектнинг хизматлари рақобатчилар манфаатларига таъсир қиладими, улар маълум тоифадаги йўловчиларни ўзларининг транспорт турларига жалб қилиш учун нима қилишади;

– танланган сегментдаги иш самарадорлиги (даромадлар динамикасини таҳлил қилиш, ўтган йилларда ушбу сегментда тўпланган тажрибани ўрганиш, ресурсларнинг етарлилигини аниқлаш ва бошқалар);

– сегментни рақобатчилардан ҳимоя қилинганлиги - улар рақобатчиларнинг кучли ва кучсиз томонларини, уларнинг устунликларини, янги хизматларни

[1] Перепелюк А.В., Ейтутис Г.Д. Основы маркетинга на железнодорожном транспорте. – Днепропетровск: Континет, 1996. – 182 с.

жорий этиш ва хизматларни такомиллаштириш ўрганилади. Кўрсаткичларни таҳлил қилиш натижалари асосида субъектнинг бозордаги хатти-ҳаракатлари стратегияси башорат қилинади ва сегментлаш стратегияси режалаштирилади.

Транспорт хизматлари бозорини сегментлаш стратегиясини танлашнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

- транспорт хўжалиги субъектлари хизматларидан фойдаланадиган потенциал йўловчилар таркибини аниқлаштириш. Ушбу босқичда йўловчиларни ташиш соҳасида транспорт хизматлари бозорини транспорт ёки қўшимча хизматлардан мунтазам фойдаланадиган йўловчилар гуруҳига тақсимлаш имконини берадиган маълумотлар тўпланади;
- потенциал йўловчиларнинг хизматларга бўлган талабларини аниқлаш: ишончлилик, сифат, жўнаб кетиш ва келиш учун қулай вақт;
- йўловчиларнинг хизматларга муносабатини яратиш (ижобий, салбий, бефарқ);
- йўловчиларни ижтимоий гуруҳига, даромад даражасига (паст, ўрта, юқори) ва шахс турига қараб таснифлаш;
- потенциал йўловчиларнинг индивидуал ўхшашликлари ва фарқларини таҳлил қилиш - талабни қондириш имкониятларини яратиш (транспорт воситаларининг етарлилиги, керакли тоифадаги вагонларнинг сони - СВ, купе, плацкарт);
- потенциал йўловчилар профилларини ишлаб чиқиш - бозорнинг энг даромадли сегментлари аниқланади ва истеъмолчилар ҳарактерли хусусиятлари бўйича гуруҳланади. Муайян йўналишларда аниқ транспорт турлари билан сафарга чиқишни истаган потенциал йўловчиларни билиш поездлар ҳаракат схемасини янада самарали шакллантириш, самолёт турини танлаш ёки автобус жўнаш ва келиш вақтлари такомиллаштиради;
- маълум бир сегментдаги рақобатчиларнинг имкониятларини таҳлил қилиш - мақсадлар белгиланади, уларнинг имкониятлари, кучли ва кучсиз томонлари, даромад даражаси баҳоланади, сегмент рақобатчиларга нисбатан ундаги улушини ҳисобга олган ҳолда танланади;
- “сегментни забт этиш” режасини тузиш, маълум бир сегментдаги улушини кўпайтириш ва фойдани ошириш чораларини кўриш.

Йўловчиларни ташиш хизматлари мақсадли бозорини сегментлаш жараёни қуйидаги мезонларга мувофиқ амалга оширилиши мақсадга мувоффиқ бўлади:

- маълум бир сегментнинг асосланганлигини баҳолаш усуллари;
- потенциал йўловчилар ўртасида фарқларнинг мавжудлиги;
- ҳар бир сегментда истеъмолчиларнинг етарлича ўхшашлиги мавжудлиги;
- мақсадли сегментларда хизматларни сотиш ва ҳаражатларни қоплашни таъминлаш (етарлича катта бўлиши керак);
- мақсадли сегментлардаги эҳтиёжларни қондиришга эришиш.

Транспорт хўжалиги юрутувчи субъектлар мақсадли сегментни танлар экан уларнинг ҳар бири (хизмат сафарларига саёҳат қилаётган йўловчилар, мактаб ўқувчилари гуруҳлари, дам олувчилар, оилавий сафарга чиқувчилар ва бошқалар) учун ўзига хос хизмат турини тақдим этиши лозим.

Маркетологлар транспорт хизматлари бозорининг мақсадли сегментларини умумий мониторингини олиб бориши жараёнида қуйидаги одатий омилларни кузатиши мумкин:

1. *Табиий бойликлар*. Ресурс захиралари ва нархларининг ўзгариши транспорт хизматлари бозорида йўловчилар ташишнинг мақсадли сегментлари тенденциялари ўзгаришига, шунингдек иқтисодий шароитларнинг бизнес муҳитига қандай таъсир қилиши мумкинлигини ўрганиши жуда муҳимдир. Масалан, мамлакатнинг иқтисодий фаровонлиги унинг ресурсларига жуда боғлиқ. Нархларнинг даражаси аҳолининг турмуш даражасини, унинг маъданияти ривожланишини ва нафақат мамлакат ичида, балки бошқа мамлакатларга ҳам саёҳат қилиш эҳтиёжларини белгилайди. Яъни, экологияга транспортларнинг салбий таъсирини камайтириш мақсадида, транспорт хизматлари бозорида йўловчилар ташишнинг мақсадли сегментларини ривожлантириш учун янги имкониятлар яратишни, янги транспорт турларини жорий этишни (тезюрар электр поездлар) ва янги транспорт воситалари (электромобиллар, темир йўл автобуслари) яратишга туртки бўлади.

2. *Аҳоли.* Мамлакат аҳолисидаги ўзгаришларни, унинг таркибини, яшаш жойлари бўйича тақсимланишини ва айниқса ушбу омилларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларга таъсирини, мақсадли сегментдаги йўловчилар ташиш ҳажмига, шу билан транспорт корхоналари фаолиятига таъсирини кузатиб бориш керак. Масалан, аҳолининг ёш фактори турли минтақаларда ва йилнинг турли вақтларида йўловчилар ҳажмига таъсир этади. Оилалар таркибидаги ўзгариш ҳам йўловчилар ташиш ҳажмини ўзгартирувчи сабаблардан биридир. Ижтимоий ва иқтисодий шароитлар ёзги таътил, байрам олди мавсумларида саёҳатга бўлган эҳтиёжнинг ошишига, даромад даражаси - саёҳат қилиш оралиғининг ўзгаришига ва поездларда сифати паст бўлган хизматлардан воз кечишига сабаб бўлади.

3. *Маъданий ва диний хусусиятлар*. Диний эътиқод ва маъданий қадриятлар одамларнинг муносабати ва хулқ-атворини шакллантиради. Ва бу транспорт хизматларида йўловчилар оқимини сегментлашда, мақсадли сегментларни белгилашда, шу жумладан аниқ мақсадли гуруҳларни шакллантиришда эътиборга олиниши керак.

4. *Янги технологиялар*. Йўловчи ташиш хизматлари бозорида саёҳат ҳужжатларини расмийлаштиришнинг электрон технологиялари янги рақобатчилар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Буларнинг барчаси ҳаётимизга темир йўл вокзалларидаги банкоматлардан тортиб, поездлардаги мобил телефонларга қадар чуқурроқ кириб бормоқда. Янги технологиялар турли йўловчиларда турли ижобий ёки салбий ҳиссиётларни уйғотади. Натижада маркетологлар учун янги технологиялар ёрдамида (темир йўл вокзалларида, поездларда йўловчиларга хизмат кўрсатиш) истеъмолчининг аниқ ва яширин эҳтиёжларини қандай қондириш мумкинлигини тушуниш айниқса муҳимдир.

5. *Иқтисодий ҳолат*. Кўплаб йиллардан буён иқтисодчилар иқтисодиётни моделлаштириш ва башорат қилиш учун жуда кўп изланишларни олиб бормоқда. Шунга қарамай, ҳар бир мамлакатда иқтисодиёт келажагини тахмин

қилувчилар етарлича топилади. Уларнинг ҳисоботлари ва прогнозларидан фойдаланишда ишончлигига жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак.

Хулоса қиладиган бўлсак, мақсадли бозорни сегментлаш маркетинг коммуникацияларининг муҳим вазифаларидан биридир, чунки сегментлашни амалга ошириш транспорт корхоналари тижорий фаолиятини белгилашда зарур бўлган омилларни белгилаб олиш имконини яратади. Бозорни мақсадли сегментлашда йўловчиларнинг демографик, географик, даромад даражаси ва хулқ-атвори мезонларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Транспорт хизматлари бозорини сегментлаш асосида йўловчи ташишни ривожлантириш ҳар бир тоифадаги йўловчилар молиявий имкониятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда хизматларни уйғунлаштириш ва қўшимча хизматларни яратиш негизида корхонанинг ижобий имиджини яратишга йўналтиришдан иборат бўлишлиги мақсадга мувоффиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Перепелюк А.В., Ейтутис Г.Д. Основы маркетинга на железнодорожном транспорте. – Днепропетровск: Континет, 1996. – 182 с.

2.Терёшина Н.П. Шобанов А.В., Рышков А.В. Управление конкурентоспособностью железнодорожных перевозок.-М.: ВНИТИ, 2005,-240с

3. Равшанов М.Н. Йўл-транспорт мажмуаси иқтисодий салоҳияти: муаммо ва ечимлар. монография –Т.: МЭ, 2012. -209 б.

4.Романов А.А., Панько А.В. - Маркетинговые коммуникации. 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Эксмо, 2008. - 464 с.

5.Синяева И.М., Земляк С.В., Синяев В.В. Маркетинговые коммуникации: Учебник / Под ред. проф. Л.П. Дашкова. - 3-е изд. - М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К^0», 2008. - 324 с.

***Ахмадов Ш.С.** – ОБМ тингловчиси*

КОРПОРАТИВ ВА ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИДА ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикамизда акциядорлик жамиятларининг самарали бошқариш тизимини ташкил этишда барқарор ривожлантириш йўллари, амалий фаолиётга корпоратив бошқарув стандартлари жорий этилишини рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодий ривожланиш тарихи шуни кўрсатадики, барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва бозор мувозанатига эришишда, жамият аъзоларининг эҳтиёжларини оқилона қондириш даражасини ошириш вазифаларини ҳал этишда, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда корпоратив бошқарув сиёсатини тўғри йўлга қўйиш, давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш борасида олиб бораётган тизимли бошқариш механизмларини такомиллаштириш зарурияти бугунги даврда ортиб бормоқда. Бу борада,

Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишда корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш асосий вазифа сифатида белгиланган[1].

Жумладан, сўнгги йилларда мамлакатни модернизация қилиш туфайли жиддий иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу асосий макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича устувор вазифани амалга ошириш – иқтисодиётнинг мавжуд молиявий салоҳиятини ички инвестицияларга кўчириш сифат жиҳатдан янги ўсиш омилларини фаоллаштиришни, аввало, таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштиришни ҳал этишни, ислоҳотларни тезлаштиришни, иқтисодиётнинг реал сектори жалб этувчанлигини оширишни, капиталнинг тармоқлараро кўчиб ўтиш жараёнларини фаоллаштиришни талаб қилади. Бироқ, фойда олишга йўналтирилган йирик ишлаб чиқариш бирлашмаларини бошқариш тажрибаларисиз, акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришсиз миллий ишлаб чиқарувчиларучун инвестициялаш муаммоли бўлади. Республика корхоналарида корпоратив бошқарув бу- биринчи навбатда, бутун ташкилотни модернизациялашдир. Институционал жараён қатнашчилари ўртасида ўзаро ишбилармонлик муносабатларига ўтиш ишлаб чиқариш бирликларининг иқтисодий ўсиш имкониятларини жиддий оширади.

Охирги йилларда корпоратив бошқарув мавзуси ва у билан боғлиқ бўлган миллий корхоналарда корпоратив бошқарув даражаси ва самарадорлигини ошириш бўйича турли хил чоралар кўриш зарурати давлат тартибга органларининг хам, хорижий инвесторларнинг хамдиққат- эътибори марказидан ўрин эгаллади. Хусусан, хорижий инвесторлар ва турли халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар акциядорлар ва умумий йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш, кузатув кенгашининг фаолияти, ахборотни очиб бериш, дивиденд сиёсати ва бошқалар билан боғлиқ корпоратив бошқарув жараёнининг барча таркибий қисмларини такомиллаштиришга йўналтирилган қатъий ҳаракатлардан манфааидор. Йирик корпоратив бирлашмалар самарали фаолият кўрсатишининг, демак, уларнинг акциядорлари турли даражадаги менежментга муносабатининг асосий масаласи интеграцион ўзаро алоқаларнинг синергик самарасига эришиш ҳисобланади. Бунда синергия мавжудлигининг исботи бўлиб, мулк эгалари ва корпорация менежменти ўртасида можароли вазиятларнинг йўқлиги хизмат қилади. Синергияни таъминлашдаги энг мураккаб нозик жиҳатлар бозорларда хулқ-атвор алгоритмларига ишлов бериш, хусусий манфаатларнинг танлаб олинган корпорация стратегик йўналишига бўйсуниш механизмларини топиш, корпорациянинг кузатув кенгаши томонидан бошқарув қарорлари қабул қилишда марказлашув ва номарказлашувнинг оқилона нисбатини аниқлаш билан боғлиқ.2

[1] http://tdtu.uz/wp-content/uploads/2020/08/5A231901
[2]https://e-journal.uz/

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, корпоратив бошқарув моҳиятининг ушбу талқинида қўшма фаолият синергияси салоҳияти ва мулкчилик масалаларини интеграциялашган корпоратив тузилмалар шакллантириш босқичидаёқ қўйиш кўзда тутилади: бунда бошқарув функцияларнинг барча хилма-хиллигини корпорациянинг айрим қатнашчилари томонидан ҳам, уларнинг биргаликдаги лойиҳа ва манфаатларини амалга ошириш сифатида ҳам кўриб чиқиш лозим.

Маматкаримов Б.Р. *– ДБА тингловчиси*

“ЎЗТРАНСГАЗ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА КОРПОРАТИВ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мамлакатимизда кузатилаётган макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатлари корпоратив мулкчилик шароитида фаолият юритувчи хўжалик субъектлари томонидан стратегик бошқарув тизимини шакллантиришга шарт-шароит яратмоқда. Лекин, замонавий шароитларда жамоа аъзолари, менежерлар, таркибий тузилмалар ҳамжиҳатлиги ва келишувини тартибга солувчи қоида ва меъёрларни ўзида мужассамлаштирувчи корпоратив маданиятни ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар мавжуддир.

Корпоратив маданиятнинг асосий компонентлари қуйидагилардан иборатдир: лидерликнинг қабул қилинадиган тизими, ихтилофлар ҳал қилишнинг йўналишлари ва услублари, коммуникациянинг амалдаги тизими.

Замонавий раҳбарлар ва бошқарувчилар корпоратив маданиятни ўзининг бўлимлари ва ташкилий бирликларини ягона мақсадда жамлаш, ташаббускор ходимлар фаоллигини ошириш имкониятига эга бўлган кучли стратегик инструменти сифатида қарайдилар. Улар ўз акциядорлик жамиятларининг корпоратив маданиятини шакллантиришга ҳаракат қиладилар.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги шароитда аксарият йирик акциядорлик жамиятларида корпоратив маданият ривожланиб бораётган бўлсада, уларни жамият ҳаётига таъсирчанлиги сезиларли эмасдир. Корпоратив маданиятни ривожлантириш орқали нафақат компания нуфузи кўтарилишига эришилади, балки, унинг акциядорлари, менеджерлари ва меҳнат жамоаси аъзолари ўртасидаги ихтилофлар ҳам бартараф этилади, соғлом муҳитнинг вужудга келиши улар тараққиётининг бош омилига айланади.

Аксарият ҳолатларда корпоратив бошқарув тизими самарадорлигига молиявий ва ахборот шаффофлиги таъсир этувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бизнинг фикримизча, бундай муаммоларнинг вужудга келишини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- акциядорлик жамиятлари молиявий хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ошкора эълон қилинмаслиги;
- молиявий бозорлар ахборот инфратузилмасининг этарли даражада ривожланмаганлиги;

-амалдаги молиявий ҳисоб тизими ва молиявий ҳисоботлардаги мавжуд маълумотлардан кенг инвесторлар жамоатчилигининг фойдаланишлари билан боғлиқ муаммолар.

Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги маълумотларини инвесторларга тўлақонли ва ўз вақтида етказилиши уларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг фикримизча, акциялар ва улар бўйича тўланадиган дивидендлар тўғрисида кенг инвесторлар томонидан этарли маълумотларни олишлари учун молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозалари иловаларига мувофиқ битта акцияга тўғри келадиган даромадлилик ҳисоботини амалдаги молиявий ҳисоботларга илова шаклида киритиш мақсага мувофиқдир. Бу ўз навбатида, мавжуд инвесторларнинг қонунда белгиланган акциялари бўйича номулкий ҳуқуқий ҳисобланувчи ахборот олиш ҳуқуқининг самарали ижросини таъминлайди.

Шунингдек, мавжуд молиявий ҳисоботларнинг такомиллашуви корпоратив бошқарувнинг функционал элементи бўлган корпоратив назоратнинг маълумотлар базаси яхшиланишига олиб келади. Маълумки, ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда акциядорлик жамиятлари бизнес қийматини баҳолаш ва корпоратив назоратни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларида узлуксиз эълон қилинадиган холис рейтинг агентликлари ахборотлари муҳим ўрин тутади.

Бизнинг фикримизча, ҳам молия бозори инфратузилмаси таркибига кирувчи шундай холис рейтинг агентликлари фаолиятини ривожлантириш зарур. Ушбу рейтинг агентликлари акциядорлик жамиятлари фаолиятини комплекс баҳолаш тизимида улардаги корпоратив бошқарув самарадорлиги рейтингини ҳам баҳолайдилар ва эълон қиладилар.

Иқтисодиётда турли мулкчилик шакллари ўртасида акциядорлик жамиятлари бошқарув тузилмаси таркиби, ривожланишнинг бош стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ваколат ва масъулиятларнинг ўзига хослиги акциядорлик жамиятларини бошқариш масалаларига алоҳида ёндашишни талаб қилади.

Шундай қилиб, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар мамлакатимизнинг умумиқтисодий ҳолатига ўз ижобий таъсирини кўрсатган ҳолда асосий ижтимоий гуруҳлар ва ижтимоий институтлар ўртасидаги муносабатларида манфаатлар мувозанати таъминланишига олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда сингари Ўзбекистоннинг компанияларида корпоратив бошқарув масалалари асосан тартибга солувчи давлат органлари томонидан амалга ошириш талаб этилмоқда. Амалда корпоратив бошқарувни икки хил ёндашув асосида – акционерлар концепцияси ва иштирокчилар концепцияси асосида таҳлил қилиш мумкин. Корпоратив бошқарувни биринчи акционерлар концепциясига мувофиқ ёндашиш тор маънода бўлиб – акционерлик жамиятининг ҳисобдор шахслари бўлиб бошқарувчилар ҳисобланади ва бу юқоридаги 2 таълимотга асосланади.

Бизга маълумки, корпоратив бошқаришни турли мамлакатларда турлича талқин қилишади. Илғор ривоожланган АҚШда ва Англияда компанияларнинг капиталига кўпчилик алоҳида шахслар ва фирмалар эгалик қилади.

Корпоратив бошқарувнинг континентал модели амал қилувчи давлатларда (Европа, МДҲ, Лотин Америкаси) асосан жамият улуши гуруҳларга тегишли бўлади. Шундан келиб чиқиб ушбу мамлакатларда АҚШга нисбатан капитал таксимоти ва унда овозлар берилиши концентрацияси нисбатан юқори.

Бозор иқтисодиёти шароитда акциядорлик жамиятида дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш корпоратив бошқарувнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Дивиденд сиёсатининг асосий мақсади мулкдорлар томонидан фойданинг жорий истеъмол қилиниши ва унинг келажакдаги ўсиши ўртасида оптимал мутаносибликни ўрнатишдан иборат. Дивидендлар соҳасидаги сиёсатни кузатув кенгаши шакллантиради. Шуни назарда тутиш лозимки, акцияларни харид қилишдан асосий мақсад дивидендлар олиш ҳисобланади.

Биринчидан кейинги йиллардаги миллий корхоналарни ислоҳ этиш натижасида корпоратив сектор иқтисодиётидаги умумий муаммолар бевосита мулкдорлар, акциядорлар ва менежерлар ўртасидаги манфаатлар қарамақаршиликларини ўзида ифодаловчи корпоратив бошқарув тизимидаги мавжуд муаммоларга ҳам бевосита боғлиқ бўлмоқда. Буни ҳусусийлаштиришдан сўнгги бизнес муҳитида “хўжалик демократияси”ни шакллантириш билан боғлиқ иқтисодий ва ҳуқуқий ҳамда ижтимоий муаммолар таъсирида ҳамон маҳаллий акциядорлик корхоналарида юқори корпоратив бошқарувни шаклланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Иккинчидан, ҳозирги шароитда аксарият йирик акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни ривожланиб бораётган бўлсада, уларни жамият ҳаётиаги таъсирчанлиги сезиларли эмасдир. Корпоратив бошқарувни ривожлатириш орқали нафақат компания нуфузи кўтарилишига эришилади, балки, унинг акциядорлари, менеджерлари ва меҳнат жамоаси аъзолари ўртасидаги ихтилофлар ҳам бартараф этилади, соғлом муҳитнинг вужудга келиши улар тараққиётининг бош омилига айланади.

Учинчидан корпоратив бошқарувнинг комплекс механизми: корпоратив стратегия, корпоратив бошқарувни, молиявий ва ахборот шаффофлиги, акциядорлар, кредиторлар ва бошқа қимматли қоғозлар эгалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг мавжудлиги каби таркибий элементларни ўз ичига олиб, уларнинг ҳар бири корпоратив бошқарувнинг самарадорлиги учун аҳамиятлидир.

Шундай қилиб, Бизнинг фикримизча, акциядорлик жамиятларининг молиявий шаффофлик ва маълумотларни ошкор қилиш масалаларини такомиллаштириш мақсадида молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари асосида ҳисоботларни тайёрлаш, уларнинг ички аудит ва ҳалқаро ҳисоботлар кўмитасини ташкил этиш зарур бўлади. Бунда акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботларидан маълумотларнинг аниқлигиги, очиқлилиги ва шаффофлиги таъминланиб, инвестицион жозибадорлиги ошишига ҳам сабаб

бўлади. Бу эса келгусида акциядорлик жамиятларининг фаолиятига янги ташқи ва ички инвестицияларни жалб қилишинишига сабаб бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитда акциядорлик жамиятида дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш корпоратив бошқарувнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Дивиденд сиёсатининг асосий мақсади мулкдорлар томонидан фойданинг жорий истеъмол қилиниши ва унинг келажакдаги ўсиши ўртасида оптимал мутаносибликни ўрнатишдан иборат. Дивидендлар соҳасидаги сиёсатни кузатув кенгаши шакллантиради. Шуни назарда тутиш лозимки, акцияларни харид қилишдан асосий мақсад дивидендлар олиш ҳисобланади.

Кейинги йиллардаги миллий корхоналарни ислоҳ этиш натижасида корпоратив сектор иқтисодиётидаги умумий муаммолар бевосита мулкдорлар, акциядорлар ва менежерлар ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршиликларини ўзида ифодаловчи корпоратив бошқарув тизимидаги мавжуд муаммоларга ҳам бевосита боғлиқ бўлмоқда. Буни ҳусусийлаштиришдан сўнгги бизнес муҳитида “хўжалик демократияси”ни шакллантириш билан боғлиқ иқтисодий ва ҳуқуқий ҳамда ижтимоий муаммолар таъсирида ҳамон маҳаллий акциядорлик жамиятларида юқори корпоратив маданиятни шаклланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Худайберганов А.С. *– Слушатель ВШБ*

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ФОРМИРОВАНИЯ СОСТАВА НАБЛЮДАТЕЛЬНОГО СОВЕТА В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ: ВАЖНЫЙ ФАКТОР ЭФФЕКТИВНОГО КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ

Наблюдательный совет банка осуществляет общее руководство деятельностью банка, выполняет надзорную и контрольную функцию в процессе принятия управленческих решений и несет ответственность за деятельность и финансовую устойчивость банка в целом.

Поэтому можно устанавливать следующие требования к членам Наблюдательного совета при выполнении своих обязанностей:

-знать организационную структуру корпоративного управления банка, функции Наблюдательного совета, понимать свою роль в корпоративном управлении, иметь представление о рисках, присущих банковской деятельности, в том числе постоянно совершенствовать свои знания и навыки в области банковского дела и финансов, управления рисками и организации корпоративного управления;

-активно участвовать в деятельности банка, отслеживать существенные изменения в его деятельности и внешних условиях, в том числе своевременно принимать меры по защите интересов банка в долгосрочной перспективе;

-играть ведущую роль в формировании корпоративной культуры и ценностей;

-выражать мотивированное мнение по рассматриваемым вопросам независимо от взглядов других членов Наблюдательного совета, членов Правления и сотрудников банка;

-проявлять ответственность и самоотверженность, служить добросовестно, добросовестно и рационально выполнять поставленные задачи и обязательства в интересах банка и всех его акционеров, не злоупотреблять своими полномочиями в своих интересах или интересах отдельных лиц;

-уклоняться от действий, ведущих к конфликту интересов, в том числе

немедленно уведомить Наблюдательный совет о конфликте интересов и принять меры по его устранению;

-участвовать в заседаниях совета и его комитетов без передачи своих полномочий третьим лицам;

-соблюдать конфиденциальность информации, составляющая коммерческую, банковскую и иную охраняемую законом тайну, которая стала ему известна во время его членства в Наблюдательном совете.

Для эффективного и результативного управления банком кандидат должен соответствовать критериям деловой репутации, опыта, знаний и навыков, независимого мышления, достаточности времени.

1. Деловая репутация.

Кандидат должен иметь безупречную деловую репутацию вне зависимости от занимаемой должности, а также структурной значимости, характера, объема и сложности деятельности банка.

При оценке данного аспекта принимается во внимание следующие:

- наличие в официальных сведениях безупречной деловой репутации подтверждающие профессионализм, добросовестность, порядочность и другие качества кандидата которые являются основанием предположить, что кандидат будет действовать в соответствии с законом и не будет осуществлять действия, ведущие банк к риску и потере доверия к нему.

2. Опыт, знания и навыки.

Опыт, знания и навыки кандидата оцениваются с учетом системной значимости, характера, объема и сложности деятельности банка и возложенных на него обязательств.

Центральный банк при оценке соответствия кандидата установленным критериям опыта, знаний и навыков учитывает следующее:

- бизнес-план банка на последний отчетный период, общий объем активов, депозитов клиентов и (или) общий оборот банка, принадлежность банка к группе банков, географическое положение банка, сеть филиалов и других обособленных подразделений, результаты проверок и оценок банковской деятельности, проведенных Центральным банком за последние три года и характер и сложность финансовых инструментов, контрактов и продуктов банка.

3. Независимость суждений.

Члены Наблюдательного совета должны иметь возможность принимать обоснованные, объективные и независимые решения при исполнении своих обязанностей.

При оценке независимости суждения кандидата следует учитывать наличие и степень следующих реальных или потенциальных конфликтов интересов:

а) конфликт личных интересов. Если кандидат является близким родственником члена Наблюдательного совета, Правления или акционера который имеет существенное владение или имеет близкие отношенияс ними;

б) конфликт профессиональных интересов. Кандидат или его близкие родственники в течение последних 2 лет не занимали руководящие должности, в конкурирующих банках или эквивалентные должности в организациях, имеющих существенные коммерческие отношения с банком или любым из его конкурентов;

в) конфликт финансовых интересов. Если кандидат или связанные с ним лица в настоящее время имеют значительные финансовые интересы или обязательства в отношении банка, акционера, имеющего существенное владение, организаций, в которых банк имеет преобладающую долю.

4. Достаточность времени.

Кандидат должен иметь достаточно времени для выполнения своих обязанностей, включая понимание банковской деятельности, ее основных рисков и стратегий управления, а также бизнес-стратегий.

При оценке достаточности времени кандидата учитываются:

- количество организаций, в которых кандидат является членом Наблюдательного совета или исполнительного органа, членом временного Правления или ликвидационной комиссии;

- размер, характер, масштаб, сложность и географическое положение организаций, членом Наблюдательного совета или исполнительного органа, временным руководителем или членом ликвидационной комиссии которых является кандидат и т.д.

5. Коллективная пригодность.

Деловая репутация, опыт, знания и навыки, независимость суждения и достаточность времени в индивидуальном уровне члена Наблюдательного совета оцениваются одновременно с его коллективной пригодностью.

Оценка коллективной пригодности осуществляется отдельно для членов Наблюдательного совета банка.

Для эффективного и результативного управления банком, опыт, знания и навыки членов Наблюдательного совета коллективно должны включать следующее: основные направления банковской деятельности и связанные с ними риски, финансовые рынки, включая денежные рынки и ценные бумаги, бухгалтерский учет и отчетность и т.д.

Саноев Г.Б. *– Слушатель АГУ*

ИНСТИТУЦИОНАЛЬНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Необходимость активизации участии банков в инвестиционном процессе вытекает из взаимозависимости успешного развития банковской системы и экономики в целом. С одной стороны, коммерческие банки заинтересованы в стабильной экономической среде, являющейся необходимым условием их деятельности, с другой – стабильность экономического развития во многом зависит от степени устойчивости и эластичности банковской системы, ее эффективного функционирования. Вместе с тем, поскольку интересы отдельного банка как коммерческого образования ориентированы на получение максимальной прибыли при допустимом уровне риска, участие банков в инвестировании экономики осуществляется лишь при наличии хорошей правовой базы. В Узбекистане основные направления участия банков в инвестиционном процессе в наиболее общем виде следующие:

- мобилизация банками средств на инвестиционные цели;
- предоставление кредитов инвестиционного характера;
- вложения средств в ценные бумаги, паи, долевые участия (как за счет банка, так и по поручению клиента).

Эти направления тесно связаны друг с другом. Мобилизуя капиталы, сбережения населения, другие свободные денежные средства, банки формируют свои ресурсы с целью их прибыльного использования. Объем и структура операций по аккумулированию средств - основные факторы воздействия на состояние кредитных и инвестиционных портфелей банков, возможности их инвестиционной деятельности. При изучении направлений участия банков в инвестировании экономики возникает необходимость уточнения экономического содержания инвестиционной деятельности банков. Согласно закону Республики Узбекистан «Об инвестиционной деятельности» к инвестициям относятся материальные и нематериальные блага и права на них, вкладываемые в объекты экономической и иной деятельности [1]. К банковским инвестициям, как правило, относятся вложения средств в ценные бумаги со сроком погашения более одного года, преследующие цель получения прибыли [3]. Банк вправе осуществлять профессиональную деятельность на рынке ценных бумаг в качестве инвестиционного посредника, управляющего инвестиционными активами и инвестиционного консультанта с момента получения лицензии на осуществление банковской деятельности в Центральном банке Республики Узбекистан.

Профессиональная деятельность банка на рынке ценных бумаг в качестве инвестиционного посредника, управляющего инвестиционными активами и инвестиционного консультанта осуществляется им с соблюдением требований, установленных законодательством к данным видам деятельности.

Банки осуществляют деятельность на рынке ценных бумаг в соответствии с Законами Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности», «О механизме функционирования рынка ценных бумаг», «О ценных бумагах и фондовой бирже», «Об акционерных обществах и защите прав акционеров», нормативными документами Центрального банка, а также на основе «Рекомендаций коммерческим банкам по операциям на рынке ценных бумаг». Банки могут осуществлять операции с ценными бумагами на основании общей лицензии, выдаваемой Центральным банком. В перечне выполняемых банками операций, указанном в лицензии, должна быть специально оговорена деятельность с ценными бумагами.

Владея акциями предприятия и предоставив ему кредиты, они могут быть втянуты в продолжение кредитования с целью защиты своих инвестиций. Банки могут быть вынуждены поддерживать финансовую стабильность предприятия для защиты своей репутации. При осуществлении инвестиций в ценные бумаги существующий риск по сумме потерь банка в основном является краткосрочным, однако он может оказаться очень высоким по отношению к его основному капиталу. Банк может понести убытки в связи с банкротством предприятия-эмитента, акциями которого он владеет, но наиболее распространенной причиной таких потерь является неправильная оценка рыночной стоимости и длительное хранение ценных бумаг.

Именно поэтому банкам установлены ограничения по осуществлению их вложений в ценные бумаги, которые состоят в следующем:

а) размер вложений банка в уставный капитал одного предприятия, а также в другие ценные бумаги этого предприятия не должен превышать 15% регулятивного капитала банка первого уровня. Данный норматив рассчитывается с учетом вложений банка в негосударственные ценные бумаги одного эмитента, как по счетам «Инвестиции», так и по счетам «Купли-продажи ценных бумаг»;

б) размер инвестиций банка в уставный капитал и другие ценные бумаги всех эмитентов не должен превышать 50% регулятивного капитала банка первого уровня;

в) размер вложений банка в негосударственные ценные бумаги для купли-продажи не должен превышать 25% регулятивного капитала банка первого уровня.

Ограничения, установленные в пунктах «а» и «б», рассчитываются с исключением участия в уставном капитале предприятий, приобретенных коммерческими банками в качестве имущества на аукционных и конкурсных торгах в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 18 ноября 2008 года № УП-4053 «О мерах по повышению финансовой устойчивости предприятий реального сектора экономики», или предприятий, созданных на базе имущества производственных предприятий-банкротов, принятых на баланс банка-кредитора по остаточной ликвидационной стоимости на основании решений хозяйственных судов в соответствии с Порядком реализации экономически несостоятельных предприятий коммерческим банкам на

аукционных и конкурсных торгах, утвержденным распоряжением Президента Республики Узбекистан от 19 ноября 2008 года № Р-4010, а также управляющих компаний, учреждаемых для управления банковскими инвестициями. Банк не вправе участвовать в уставном капитале других банков (за исключением случаев создания банков с участием иностранного капитала и дочерних банков), а также в уставном фонде юридического лица, владеющего десятью или более процентами уставного капитала банка [2]. Банк не может напрямую или косвенно (через дочерние предприятия) владеть более чем 26 процентами уставного фонда юридического лица за исключением случаев:

а) участия банков в уставном фонде страховых и лизинговых организаций;

б) участия банков в уставном фонде небанковских кредитных организаций, а также юридических лиц, являющихся частью инфраструктуры финансового рынка либо оказывающих банкам информационные и консультационные услуги;

в) участия банков в уставном фонде организаций, осуществляющих профессиональную деятельность на рынке ценных бумаг;

г) участия в приобретении в установленном порядке акций приватизируемых предприятий в размере до 50 процентов от их выпуска на первичном рынке ценных бумаг.

д) участия в уставном капитале предприятий, приобретенных коммерческими банками в качестве имущества на аукционных или конкурсных торгах в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 18 ноября 2008 года №УП-4053 «О мерах по повышению финансовой устойчивости предприятий реального сектора экономики», или предприятий, созданных на базе имущества производственных предприятий-банкротов, принятого на баланс банка-кредитора по ликвидационной стоимости на основании решений хозяйственных судов в соответствии с Порядком реализации экономически несостоятельных предприятий коммерческим банкам на аукционных и конкурсных торгах, утвержденным распоряжением Президента Республики Узбекистан от 19 ноября 2008 года №Р-4010, а также управляющих компаний, учреждаемых для управления банковскими инвестициями. При приобретении банком доли участия в уставном фонде юридического лица свыше 26 процентов либо заключения договора, позволяющего банку прямо или косвенно оказывать значительное влияние на деятельность этого юридического лица, банк обязан направить соответствующее письменное уведомление в Центральный банк.

Центральный Банк вправе устанавливать дополнительные ограничения на размер инвестиций банков в ценные бумаги любого из эмитентов, если установлено, что деятельность эмитента или размер банковских фактических или планируемых инвестиций может нанести вред интересам вкладчиков, кредиторов и акционеров или недостаточности опыта банка в управлении инвестициями. Каждый банк, как уже отмечалось, должен иметь в качестве внутреннего документа Положение об инвестиционной политике, утвержденное Советом банка, в котором в обязательном порядке должны быть отражены следующие вопросы:

- инвестиционная стратегия и цели (получение прибыли, участие банка в управлении предприятием-эмитентом, поддержание ликвидности, соответствие залоговым требованиям);

- посредством каких методов банк планирует ограничивать концентрацию акций по эмитентам и отраслям, оценивать безопасность вложений в ценные бумаги и их качество, оценивать финансвое положение и управленческий опыт предприятий-эмитентов, осуществлять диверсификацию инвестиций.

Кроме того, при осуществлении инвестиционной деятельности Центральным банком всем коммерческим банкам рекомендовано использовать специальную форму «Анкета эмитента ценных бумаг», в которой фиксируются общие паспортные данные эмитента, а также его финансовое состояние (коэффициенты покрытия, ликвидности, автономии, классности по кредитоспособности, задолженности по ссудам и т.п.) Анкеты должны периодически обновляться.

В Узбекистане банки могут выполнять функции инвестиционных институтов. В различных странах коммерческие банки делают это с разрешения органа, осуществляющего общий контроль за рынком ценных бумаг, либо в рамках общей лицензии на банковскую деятельность, полученной от главного банка страны. В Узбекистане отсутствует законодательно зафиксированное разграничение банков на коммерческие и инвестиционные, поэтому коммерческие банки свободно выполняют функции, которые присущи инвестиционным институтам.

Также на сегодняшний день банками большое внимание уделяется практической поддержке предпринимателей и инициаторов инвестиционных проектов. Наиболее ярким примером в этом направлении стала деятельность созданной в 2020 году Правительственной комиссии по вопросам развития экспорта и инвестиций, задачами которой является тесное взаимодействие с предпринимателями и экспортерами, анализ проблем, с которыми они сталкивались в связи с ограничениями, вызванными пандемией, а также выработка и имплементация оперативных и эффективных решений на основе индивидуального подхода к каждому субъекту предпринимательства.

Список использованной литературы:

1. Закон Республики Узбекистан «Об инвестиционной деятельности»- Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1999 г., № 1, ст. 10; 2004 г., № 1-2, ст. 18;

2. Положение Центрального банка Республики Узбекистан от 09.11.1998 №428 «о требованиях по проведению коммерческими банками операций с ценными бумагами»

3. Бутиков И.Л. «Рынок ценных бумаг». –Ташкент: Консаудитинформ, 2011.-с.248

Суванова Д.Д. *– Мустақил изланувчи*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА БОШҚАРУВ АМАЛИЁТИНИ БАҲОЛАШ МЕЪЗОНЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР

Мамлакатимиздаги иқтисодиётнинг барча тармоқлари, шунингдек акциядорлик жамиятлари бошқарувнинг муайян тизимисиз оқилона ҳаракат қила олмайди ва ривожланмайди. Шу туфайли ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида жамият ўзига хос ва мос бошқарув тизимини яратади. Бошқарув индивид ёки жамоа фаолиятининг алоҳида тури сифатида ҳар қандай ижтимоий жамиятга хос жараёндир. Лекин унинг тавсифи, мақсади, вазифалари, жамият тараққиётининг турли босқичларида турлича бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳар бир босқичда бу категориянинг асосий муаммолари чуқур, ҳар томонлама тадқиқ қилинади ва уларнинг ечими топилади.

Акциядорлик жамиятларини бошқаришнинг энг муҳим муаммолари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Бошқарувнинг назарий асослари ва фундаментал қоидаларини илмий ва амалий томондан ишлаб чиқиш: Бунда акциядорлик жамият тараққиётининг янги шароитларда бошқарувнинг моҳияти, аҳамияти, мазмуни, мақсади ва вазифаларини аниқлаш;
2. Бошқарувни бозор иқтисодиёти ва хўжалик фаолиятини демократлаштириш тамойиллари ҳамда усуллари билан уйғунлаштириш;
3. Акциядорлик жамиятини бошқаришнинг энг юқори самара келтирадиган усулларини (методларини) аниқлаш;
4. Компаниянинг миссияси асосида бошқарув тизимининг ташкилий тузилмасини, уларнинг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш;
5. Компаниянинг ҳозирги замон техника ва технологияси яъни рақамли иқтисодиёт талаблари даражасида таъминлаш, улар фаолиятида статистик ва иқтисодий-математик усулларни кенг миқёсда жорий этиш, ахборот таъминоти ва бошқарув жараёнида ишлатиладиган ҳужжатлаштириш тизимини такомиллаштириш;
6. Компания жамоасини бошқаришнинг энг яхши шакл ва усулларини излаб топиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш бошқарувида жорий этиш;
7. Компанияни ва унинг барча тармоқларини бошқаришда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан кенг миқёсда фойдаланишни таъминлаш зарур бўлади.

Бошқарув жараёни қаерда амалга оширилишидан қатъий назар, циклли (даврий) ва айни вақтда узлуксиз ҳисобланади. Бошқарув даври мақсаднинг аниқланишидан унга эришилгунгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Демак, унинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат: мақсадни шакллантириш (белгилаш), мақсадни режалаштириш ва башорат қилиш, қабул қилинган қарорлар ёки мақсадли вазифаларни мувофиқлаштириш, эришилган натижаларни таҳлил этиш ва баҳолаш, янги бошқарувли тизимни танлаб олиш ва аниқлаш.

Фақат бундай тизим бошқарувнинг негизини ташкил этади. Таъсир этиш самарали бўлиши учун қуйидаги асосий шартларга риоя қилиш зарур бўлади: бошқаришнинг субъекти ва объекти бошқарувчи ва бошқарилувчи қуйи тизимлар сифатида бир-бири билан сабабли- натижавий боғлиқ бўлиши зарур, бошқарувчи қуйи тизимнинг аниқ бошқариш бўйича мақсади бўлиши керак, бошқарувчи қуйи тизим бошқарув объектининг аҳволи, унинг фаолияти натижалари, атроф-муҳитнинг имкониятлари тўғрисидаги ахборотни қабул қилиш қобилиятига эга бўлиши керак ва бошқарув объекти бошқармавий таъсирларни қабул эта оладиган бўлиши ва уларнинг мазмунига мос келадиган ишларни бажара олиши керак.

Бошқариш жараёнида режалаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, маҳсулот ҳажмини белгилаганда уни барча ресурслар билан таъминлаш ва уларни етказиб бериш масаласига катта эътибор бериш керак бўлади. Маълумки, режалар бир кунлик, ўн кунлик, бир ойлик, бир кварталлик, бир йиллик, беш йиллик ва ўн-ўн беш йиллик бўлиши мумкин. Охиргиси концепция, прогноз, яъни башорат тушунчалари билан боғликдир.

Мувофиқлаштириш ва назорат ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади. Тармоқлар, корхоналар, цехлар ва участкалар, бўлимлар ҳамда унда ишлайдиган ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириб турилгандагина юқори натижаларга эришиш мумкин бўлади. Барча топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун назорат керак бўлади.

Компанияларда бошқарув самарадорлигини ошириш олим ва мутахассислар томонидан «бошқариш механизми» деб аталувчи, ҳамда ўз ичига қонунлар, тамойиллар, усуллар ва услубларни олувчи мажмуавий дастакни шакллантириш ва ривожлантиришни тақозо этади.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятида бошқарув самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш пайтида бу каби давлат тасарруфидаги корхоналарда бошқарувнинг замонавий усулларини жорий қилишнинг ўзига хос жиҳатларини баҳолашга тўғри келади. Бизнинг фикримизча иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги шароитида корхонарни самарали бошқаришнинг бир ғояси сифатида юзага чиқувчи замонавий бошқарувнинг етти қиррасини – етти «чеҳра»сини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Замонавий бошқарувнинг **биринчи** қиррасини корхона раҳбар ва ходимларидан тузилган, компетент ва юқори мотивацияланган команданинг мақсадга йўналтирилган ижоди сифатида тасаввур этиш мумкин. Бил Гейтснинг сўзи билан айтганда “Менинг миллиярдлаб маблағларимни олишигиз мумкин, фақат менинг командамга тегинмасангиз бўлди[1]” деган фиклари айнан шу ерда ас қотади. Бу тасаввурнинг тўғрилиги кейинги 100 йил ичида самарали бошқарилаётган компаниялар раҳбарлари билиминининг эволюцияси ва улар компетентлигининг доимий равишда ўсиб борганлиги билан исботланади, албатта.

Замонавий корхона раҳбарларидан айримлари қуйидагини таъкидлашади: «… компанияларнинг бозор рақобатидаги устунлиги рақибга нисбатан тезроқ

[1].*Билл Гейтс* Доро́га в бу́дущее (The Road Ahead) — книга , написанная совместно с Натаном Мирволдом (Nathan Myhrvold), вице-президентом. 1995. Стр, -325.

ўрганиш қобилиятига боғлиқ. Бозордаги ўзгаришлар тезлиги шу даражада юқорики, бу ўзгаришлар кетидан озгина улгурмай қолсанг билгинки, курашдан четга чиқасан, ютқазасан[1]«. Дунёда йирик глобал компаниялардан бири сифатида ном чиқарган «General Electric»да амал қилувчи корпоратив тамойиллардан бири «Ташкилотимиз ходимларининг барчаси ўта софдил кишилар ҳисобланади…[2]« деган сўзлар билан бошланади.

Самарали замонавий бошқарувнинг **иккинчи** қиррасини бизнес ва менежментнинг фалсафаси сифатида тасаввур этиш мумкин бўлиб, шу фалсафага кўра корхона ташкилот ва ўзини ташкиллаштириш қонунларига асосан бетартибликни (этропия) камайтириб батартибликка (синергия) эришади. Ўзини ташкиллаштирувчи тизимларда батартиблик беқарор ва номўтадил ҳолат хос бўлган бетартибликдан кооперацион жараёнларнинг вужудга келиши натижасида шаклланади. Тафаккурга эга кишилар меҳнат қилувчи корхоналарда ўз-ўзини ташкиллаштириш кишиларнинг тафаккури ва иродаси билан бошқарилувчи ташқи ташкил этувчилар билан тўлдирилади.

Замонавий бошқарувнинг **учинчи** қирраси уни корпоратив режалаштириш тизими ривожланишининг эволюцион босқичи сифатида тавсифлайди. Бу албатта менежмент соҳасидаги билимлар эволюциясига боғлиқ бўлиб, олдинги бошқарув тизимларининг элементларини ўзида мужассамлаштиради. Харажатларни бошқариш, нисбатан барқарор омилларни баҳолаш учун экстрополяциядан фойдаланиш, стратегик режалаштириш элементларини ишлатиш, стратегик қарорларнинг реал вақт кўламида мослашуви учун зарур бўлган такомиллашув каби бошқарув тизими элементлари инобатга олинади.

Самарали бошқарувнинг **тўртинчи** қирраси компаниялардаги қарорларни қабул қилиш ва амалга оширишнинг ўзаро боғлиқ бошқарув жараёнлари йиғиндиси кўринишига эга. Бу қарорларни қабул қилиш ва амалга оширишдан мақсад узоқ муддатли стратегик истиқболда корхонанинг рақобатдаги устунлигини самарали бошқарув андозаларини қўллаган ҳолда сақлаб қолишдан иборатдир

Бу андозаларда, бизнинг фикримизча, самарали бошқарув жараёнининг бир неча муҳим жиҳатлари ўз аксини топмоғи лозим[3]:

– ҳар бир жараённинг бошқа жараёнлар ва бу жараёнлар йиғиндисига таъсири, мос равишда барқарор тескари алоқаси бўлади;

– бажариш жараёни нафақат ишлаб чиқилган ва тузатилган режаларни амалга оширишни назарда тутади, балки ўзгаришларни ўтказиш, ресурсларни шакллантириш ва сафарбар этишни ҳам ўз ичига олади;

– таҳлил жараёнида режалаштириш ва рақобатда ўз ўрнини танлаш моделлари қўлланилади;

---

[1]. Уолтер Айзексон и *Стив Джобс*: аннотация, рейтинг, отзывы. Книг в форматах fb2, txt, epub, pdf или читать онлайн, 2018.-356 стр.

[2]. *General Electric Company* is a global digital industrial company. The Company's products and services range from aircraft engines, power generation, and oil .2021.

[3]Суванова Д.Д. Акциядорлик жамиятларининг молиявий ривожланиш стратегиясини белгилаш масалалари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари.-Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2018.-298 бет.

– назорат жараёни бу моделга динамик мослашувчанликни тақдим этади ва бу билан ташкилотнинг ташқи ва ички муҳит таъсирига тайёрлигини таъминлайди.

Самарали замонавий бошқарувнинг **бешинчи** қирраси компания ичидаги режалаштиришни тавсифлайди. Корхонанинг ташқи таъсирларга муносабати икки хил бўлади: узоқ муддатли ва тезкор. Узоқ муддатли муносабат стратегик режалаштиришга асос бўлса, тезкорлик билан амалга оширилувчи муносабат жорий вақт давомида бажарилиш лозимлигини назарда тутади. Натижада ташкилотни бошқариш жараёни, худди мураккаб тизимники каби, қайси бир маънода олдиндан белгиланган сценария асосида амалга ошиб боради.

Навбатдаги, **олтинчи** қирра самарали бошқарув ғоясини маркетингли ёндашув орқали амалга оширишни назарда тутади. Замонавий маркетинг концепцияси «муносабатлар маркетинги» деб ҳам аталади, ҳамда истеъмолчи билан ҳар томонлама муносабатларни йўлга қўйган ҳолда унинг эҳтиёжларини максимал даражада қондиришни назарда тутади.

Ва ниҳоят, **еттинчи** қирра корхонанинг самарали бошқарув тизими фаолиятини таъминловчи процедуралар йиғиндисини ўзида акс эттиради. Булар: режалаштириш жараёнини амалга ошириш ва режалаштиришдаги ҳаракатлар тартиби; режалаштирувчилар командаси таркиби; режалаштириш бўйича мажлислар жадвали ва мазмуни; режалаштиришни назорат этиш тизими ва ҳ.к.

Хулоса қиладиган бўлсак, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва COVID-19 пандемияси шароитларида компанияни бошқаришнинг барча даражасида, шунингдек умумий йиғилиш, Кузатув кенгаши ва Ижроий органи фаолиятида барқарор юқори унумдорликка эга бўлиш учун бошқарув вазифалари аниқ бажарилиши ва бунда барча даражадаги раҳбарлар қатнашишилари, компания вазифаси истиқболи ва сиёсатини белгилаши, асосий инвестициялар масаласини хал этиши, давлат, банк, оммавий ахборот воситалари ва бошқа стейкхолдерлар раҳбарлари ҳамда рақобатдошлар билан мунозаралар олиб боришни ҳам таъминлаши керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Билл Гейтс Доро́га в бу́дущее (The Road Ahead) — книга , написанная совместно с Натаном Мирволдом (Nathan Myhrvold), вице-президентом. 1995. Стр, -325.

2. Уолтер Айзексон и Стив Джобс: аннотация, рейтинг, отзывы. Книг в форматах fb2, txt, epub, pdf или читать онлайн, 2018.-356 стр.

3.General Electric Company is a global digital industrial company. The Company’s products and services range from aircraft engines, power generation, andoil .2021.

4. Суванова Д.Д. Акциядорлик жамиятларининг молиявий ривожланиш стратегиясини белгилаш масалалари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари.-Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2018.-298 бет.

Шек Е.Ю. *– Слушатель ВШБ*

ПРИМЕНЕНИЕ МЕТОДОВ «ПРОЕКТНОГО УПРАВЛЕНИЯ» ПРИ ВНЕДРЕНИИ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ В АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВАХ

Основной задачей **корпоративного управления** является организация такой системы взаимодействия на предприятии, которая позволит удовлетворить потребности всех сторон корпоративных взаимоотношений: собственников (акционеров, учредителей); представителей акционеров (совет директоров, наблюдательный совет); исполнительный орган (правление, дирекция); кредиторов; партнеров; трудовой коллектив и тд.

Методы **проектного управления** позволяют решать те или иные задачи в условиях ограниченного времени, бюджета и содержания (объема) работ для получения результата соответствующего качества.

Органы корпоративного управления и контроля общества рассматривают и принимают широкий спектр вопросов и управленческих решений. Согласно нормам национального законодательства и имеющихся практик в области корпоративного управления для принятия решений различными структурными подразделениями предприятия отводятся определенные временные промежутки. Принятие точных и своевременных решений в системе корпоративных отношений отражается на изменении показателей финансово-хозяйственной деятельности предприятия, что в свою очередь отражается на размерах доходности.

Структура взаимодействия органов корпоративного управления внутри предприятия имеет сложную иерархическую модель:

Первый (высший) уровень – общее собрание акционеров, который включает: акционеров и их доверенных лиц. У общего собрания акционеров имеются вспомогательные органы: Комитет миноритарных акционеров и Ревизионная комиссия.

Второй уровень – Наблюдательный совет, состоящий из представителей акционеров. Количественный состав Наблюдательного совета варьируется от 3 и более лиц. При наблюдательном совете создаются такие органы как: Комитеты по различным вопросам, Корпоративный консультант, Корпоративный секретарь, Служба внутреннего аудита.

Третий уровень – Исполнительный орган, Правление или Директор. В составе исполнительного органа имеются топ менеджеры (руководитель и его заместители по направлениям деятельности) и исполнительный аппарат при нем: департаменты, управления, отделы, службы.

Четвертый уровень – Дочерние предприятия и филиалы.

Деятельность каждого звена вышеприведенной структуры и их взаимодействия регламентируется законодательными актами и множеством других внутренних корпоративных документов (Устав, кодекс, положения, правила и т.д.). Кроме того, следует принять во внимание внешние воздействия

органов государственного регулирования, ассоциаций, материнской компании, кредиторов, дебиторов, партнеров, поставщиков и т.д.

Удовлетворение потребностей и консолидация действий только внутри-корпоративных органов предприятия является весьма трудоемкой в исполнении задачей. Грамотное планирование стадий корпоративный действий напрямую влияет на скорость принятия управленческих решений и достижение поставленных целей. Процесс подготовки, согласования и принятия решений сопряжен с постоянной итерацией, что приводит к изменениям сроков, бюджета, содержания и влияет на качество полученных результатов.

Принимая во внимание сложную систему подготовки, согласования и принятия корпоративных решений предлагается внедрить методики «Проектного управления» при решении задач по внедрению Корпоративного управления. Каждую задачу или группу задач «Корпоративного управления» можно рассмотреть, как отдельный проект, который следует разделить на фазы и этапы.

Жизненный цикл проекта — это последовательность фаз проекта, задаваемая исходя из потребностей управления проектом.

Проекты осуществляются в 5 этапах (группы процессов управления проектом):

1. Инициация (группа процессов инициации проекта);

2. Планирование проекта (группа процессов планирования проекта);

3. Исполнение (группа процессов исполнения проекта);

4. Мониторинг и контроль (группа процессов мониторинга и контроля);

5. Завершение (группа процессов закрытия проекта).

В период осуществления 5 этапов менеджер проекта уделяет отдельное внимание 10 сферам управления проекта (областям знаний):

1) Управление интеграцией проекта;

2) Управление содержанием проекта;

3) Управление расписанием проекта; 4) Управление стоимостью проекта;

5) Управление качеством проекта;

6) Управление ресурсами проекта;

7) Управление коммуникациями;

8) Управление рисками проекта;

9) Управление закупками проекта;

10) Управление заинтересованными сторонами (стейкхолдерами).

Таким образом, на наш взгляд, применение методов и инструментов «Проектного управления» в инициации, планировании, принятии и реализации процессов Корпоративного управления соответствует современным условиям ведения предпринимательской деятельности.

Список использованной литературы:

1. Курс лекций «Корпоративное управление» Научно – образовательный центр корпоративного управления, Узбекистан, город Ташкент, 2015 год;

2. Курс лекций «Проектное управление» Высшая школа бизнеса и предпринимательства, Узбекистан, город Ташкент, 2021 год.

Халмурадов Э.Д. *– Мустақил изланувчи*


АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИ БОШҚАРИШ

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва COVID-19 пандемияси шароитларида ривожланган мамлакатлар ҳамжамияти томонидан иқтисодий ривожланишнинг омили сифатида XIX асрда тадбиркорлик, XX асрда – менежмент эътироф этилган бўлса, XXI асрда мамлакат иқтисодий ривожланишини айнан инновацион жараёнлар ва уни самарали бошқариш тан олинганлиги ушбу соҳа жамият ҳаётини ўгартиришнинг асосий омили эканлигидан далолат беради. Жахонда барча тизимлардаги глобаллашув шароитида хар бир соханинг ўзининг стратегик йўли унинг хаётийлигини белгилаб беради. Миллий иқтисодиёти тармоқларининг ривожланиши инновацион йўналиш даражасини ва сифатини талаб қилади, бу ўсиш мажмуасида технологик ва ташкилий инноватцияларни қўллаш орқали амалга оширилиши мумкин. Иқтисодиёт тармоқларининг инновацион ривожланиши бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Мамлакатмиз иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантиришда инновацион жараёнларни тармоқларда шунингдек акциядорлик жамиятларида самарали бошқариш инновацион фаолиятнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Шу боис, корпоратив корхоналаридаги мавжуд моддий-техник базани янгилаш, ишлаб чиқариш объектларини ривожлантириш, янги фаолият турларини ўзлаштириш, илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқариш, корхоналарда инновацион муҳитни яратиш, инновацион ишлаб чиқаришни рағбатлантириш инновацион жараёнларни стратегик бошқаришнинг асосий вазифаларидан биридир. Шу билан бирга, акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни модернизациялаш, рақобатчиликка асосланган бизнес муҳитини янада ривожлантиришда давлат томонидан инновацион сиёсатни олиб бориш муҳим устувор йўналишлардан ҳисобланади. Чунки давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган корхоналар негизида ташкил этилган хўжалик субъектларида инновацион жараёнларни стратегик бошқаришнинг аҳамияти кундан-кунга ортиб бормоқда. ЮНЕСКО статистика институтининг маълумотларига кўра 2019 йилда Жанубий Корея Республикасида илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга сарфланган маблағлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан **4,2%ни** ташкил этади, Японияда бу кўрсаткич ЯИМга нисбатан **3,5%ни**, Германияда **2,9%ни,** АҚШда **2,8%ни,** Францияда **2,2%ни,** Хитойда **2,1%ни,** Буюк Британия ва Канадада **1,6%ни,** Россия Федерациясида эса **1,1 %ни** ташкил этмоқда. Ривожланаётган давлатларнинг аксариятда бу йўналишга сезиларли даражада кам маблағлар ажратилган.

Республикамизда 2019 йилда жами 1933 та корхона ва ташкилотларда инновациялар жорий қилинган бўлиб, уларнинг асосий қисми, яъни 1893 нафари (жами ташкилотларнинг 96%и) ўзларининг фаолиятига технологик инновацияларни, қолган 30 нафари эса маркетинг ва ташкилий инновацияларни жорий қилишган.

Бугунги кунда мамлакатимиз Президенти томонидан барча ҳудудда илм-фан салоҳиятини тиклаш, ҳудудларнинг комплекс ривожланишини таъминлашда мавжуд интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилмоқда. Ушбу вазифаларни амалга оширишда илмий изланишларни ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг реал муаммоларига йўналтириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий интеграцияни таъминлаш, ўз навбатида, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан олимларнинг илмий-технологик ишланмаларини амалиётга жорий қилиш самарадорлигини ошириш механизмларини яратиш масалалари ўта муҳим аҳамият касб этади. Ушбу вазифалар учун 2021 йилга 514,2 млярд сўм ажратилмоқда. Ўзбекистон Республикасида тўққиз юздан ортиқ ташкилотлар томонидан 2 мингга яқин инновациялар жорий қилинган. Бунда, жорий қилинган инновацияларнинг аксарияти, яъни 1816 таси корхоналар фаолиятига янги, самарали технологияларни жалб қилиш орқали модернизация қилишга қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса республикамизда инновацияларни тадбиқ этиш асосан хориждан машина ва ускуналарни импорт қилиш ҳисобига амалга оширилаётганлигини англатади.



1-расм. ИТТКИга харажатлар, ЯИМга нисбатан %ларда.

Юқоридаги 1-расмда келтирилганидек бугунги кундамамлакатимизда инновацион ривожланиш барча жабхаларда, шунингдек акциядорлик жамиятларида ҳам оқсаб фаолият юритиб келмоқда. Фикримча, барча сохаларда хеч бўлмаганда бир қадам олдинга силжишлигимиз учун инновацион ривожланиш ва уни бошқариш орқали самарадорлигини ошириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш ва унлар қатъий амал қилга холда фаолият юритиш зарурдир.

Инновацион лойиҳаларни самалари бошқаришнинг махсус қўйидаги дастакларни яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Муаммони аниқлаш ва вазифани қўйиш.

2. Оралиқ босқичларини ўрнатиш (лойиҳани алохида фазаларга бўлиш).

Фикримизча, амалий, фундаментал ва лойиҳа конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва акциядорлик жамиятлари томонидан молиявий ресурсларнинг ҳажмини ошириш лозим.

Бунда асосий эътибор тармоқлар ичида иқтисодий ўсишга қайси омиллар кучли таъсир этаётганлиги ва қайси тармоқларда инновацион ишлаб чиқаришга ўтишни аниқлаш зарур бўлади. Шу билан бирга, фикримизча, мамлакатимизда инновацион жараёнларни тартибга солиш ва бошқаришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида инновацион фаолиятни ташкил этиш ва самарали бошқариш миллий тизимини яратиш;

– ҳудудларнинг иқтисодий-инновацион фаолиятини ривожлантириш даражасини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

– саноат корхоналари инновацион фаолиятида рискларни баҳолаш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш;

– тармоқлараро инновацион фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатини ишлаб чиқиш;

–илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида инновацион сиёсатни амалга ошириш бўйича ўзаро интеграция тизимини шакллантириш;

– миллий инновация тизимни ривожлантириш ва уни самарали бошқаришга кўмаклашувчи инфратузилмаларни ривожлантириш;

– инновацион лойиҳаларни тижоратлаштириш билан боғлиқ молиялаштириш тизимини яратиш зарурдир.

Хулоса ўрнида юқорида таъкидланган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятларида инновацион жараёнларни стратегик бошқаришда, фикримизча, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

– ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва таълим соҳасига инновацияларни қўллаш жараёнини жадал суръатлар билан ривожлантириш;

– хорижий давлатлардан янги технологиялар, ахборот ва коммуникация қурилмалари, ишлаб чиқариш воситалари ва замонавий бошқарув услубларини олиб кирилишига кенг имкониятлар бериш;

– халқаро стандартларга жавоб берадиган товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида ёш малакали мутахассисларни қисқа муддатга ривожланган хорижий мамлакатларга малакаоширишга боришини таъминлаш;

– миллий инновация тизимини ишлаб чиқиш ваамалиётга татбиқ этиш борасидаги дастурларни амалгаоширишда давлат томонидан кўмак беришнинг иқтисодий, молиявий, ташкилий, бошқарув ва ҳуқуқий воситаларини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Фикримизча бундай ҳолатлар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларида инновацион ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва маҳаллий хом-ашё ресурсларидан самарали

фойдаланиш, экспорт имкониятларини ошириш истиқболларини белгилайди деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 24 январь.

2. Translate this pagehttps://mininnovation.uz › budjet.2021

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги"Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-6097-сонли Фармони.

4. Жариков В.В. и друг. Управление инновационными процессами. – Тамбов: Изд-во ТамГТУ., 2019. –180 с.

5. Мировая экономика: прогноз до 2020 года / Под ред. А.А. Дынкина / ИМЭМО РАН. – М, 2015.

Шодиёров Ш. *– ОБМ тингловчиси*

КОРХОНАЛАР МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ҳар бир корхонанинг маркетингфаолиятида ахборот асосий аҳамиятга эга, чунки унинг фаолияти маҳсулотлар ишлаб чиқариш бозорида вужудга келган аниқ вазиятни билишга асосланади. Кўпгина маркетинг тадқиқотлари ва тадбирларининг мақсади ахборотларга эришишга қаратилгандир (масалан, маҳсулотлар рақобат муҳитини ўрганиш, сотиш бозорларини тадқиқот қилиш, истеъмолчиларнинг маҳсулот хусусиятларига қўядиган талабларини ҳисобга олиш). Бу тадбирларнинг бажарилиши маркетинг фаолиятининг обьекти ҳақидаги дастлабки билимларни талаб қилади.

Амалга ошириш жараёнининг ўзи эса жорий таъсирларга тузатишлар киритиш ва бўлғуси маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш мақсадларида обьект билан тескари алоқани ўрнатиш учун зарур бўлган янги маълумотларни яратади. Маҳсулотни сотиш бозори томон ҳаракатлантиришни ташкил қилиш вазифаси, бу ерда мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Уни ечишдан олдин маҳсулотнинг таклиф қилинаётган турига нисбатан талабни синчиклаб ўрганиш, истеъмолчиларнинг харид қилиш қобилиятларини баҳолаш, рақобатдаги фирмаларнинг бозордаги фаолиятини таҳлил қилиш керак.

Маҳсулотни ҳаракатлантириш бўйича айрим тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, бозор улушини кўпайиши ёки камайишига нисбатан тегишли хулосалар чиқариш керак бўлади. Зарур маркетингахборотларининг йўқлиги, ноаниқ ва муҳим бўлмаган маълумотлардан фойдаланиш жиддий иқтисодий хатоларнинг сабаби бўлиши мумкин.

Маркетинг ахборотларидан фойдаланишдан мақсад бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида ноаниқликлар даражасини камайтиришдан иборатдир. Бу эса ўз ўрнида турли-туман ахборотларнинг катта ҳажмини йиғиш, сақлаш, узатиш ва ишлаб чиқишни талаб қилади. Шунинг учун маркетинг

фаолиятига обьектив мавжуд бўлган ва доимо фаолият юритувчи ахборот жараёнининг бир қисми сифатида қараш керак. Ахборотларга асосланиб ва янги ахборот эҳтиёжларини яратиб, замонавий маркетинг ахборот технологияларидан фойдаланмасдан, ривожланган ахборот базаси ва коммуникация тизимларини яратмасдан самарали маркетинг фаолиятини юритиш мумкин эмас.

Замонавий рақамли технологиялар ҳар бир инсон ҳаётига ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар соҳасига кириб бормоқда. Доимий ривожланиб бораётган рақамли макон бу бизнес учун янги инфратузилма. Рақамли маркетинг воситалари ташкилотларга анъанавий маркетинг амалиётини такомиллаштириш ва истеъмолчига яқинлашиш имкониятини беради. Рақамли маркетинг имкониятлари савдо майдонини кенгайтириш, янги алоқа усулларини шакллантириш ва маҳсулотларни илгари суришнинг инновацион усулларини яратишга имкон беради.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш замонавий иқтисодиётни сифат жиҳатидан ўзгартирди. Мавжуд реалликлар бутун бизнес стратегиясини қайта кўриб чиқишни, уни жаҳон иқтисодиётига мослаштиришни, фикрлаш ва дунёқарашни ўзгартиришни талаб қилади. Ва бу ерда «янги» ва «эски» иқтисодиётни мақбул бирлаштиришнинг муҳим омили анъанавий бизнесни Интернетнинг технологик занжирига киритишдир.

Корхоналарни бошқариш самарадорлигининг сезиларли ўсишига корпоратив электрон бизнес тизимларини жорий етиш орқали эришиш мумкин. Бундай тизимлар компаниянинг ва унинг шерикларининг бир хил бўлмаган ахборот ва бошқарув тизимларини динамик равишда бирлаштиради ва хавфсиз електрон тўлов технологиялари операцияларни амалга оширишда ҳисоб-китобларни амалга оширишга имкон беради.

Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Улар орасида интернет глобал алоқа воситаси сифатида матнли, график, аудио ва видео маълумотларнинг ҳудудий ва миллий чегараларсиз алмашинувини таъминлаб туради. Бу тадқиқот, савдо ва бизнесни ривожлантириш, тингловчиларга таъсир ўтказиш учун самарали восита.

Интернетнинг технологик имкониятлари жаҳон ахборот ҳамжамиятининг жадал ривожланишини белгилайди ва унинг ривожланиши билан бизнесни бошқариш ва маркетингга ёндашувлар ўзгариб бормоқда. Аввало, бу маълумот олиш вақтининг қисқариши, истеъмолчи билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти ва енг муҳими, ҳам истеъмолчи, ҳам ишлаб чиқарувчи томонидан рақамли технологиялардан фойдаланиш нархининг тезда доимий пасайиши ва товарларни сотувчилар қўлида узоқ қолиб кетмаслигига олиб келади.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) қобилиятлари одамларнинг турли технологиялар орқали суҳбатлашиш қобилиятига ишора қилади. Ахборот технологиялари (ИТ) сингари, АКТ мунтазам, кундалик вазифалар учун технологиядан фойдаланишни англатади: электрон почта хабарларини юбориш, видео қўнғироқ қилиш, Интернетда қидириш, планшет ёки мобил телефондан фойдаланиш ва бошқалар.

Бугунги кун ва келажак ҳаётимизни замонавий ахборот технолгияларсиз тасаввур эта олмаймиз. Республикамизда давр талаби бўлган замонавий ахборот -коммуникацион тенологийларни жорий этилиши ва уни иқисодиётни турли хил соҳаларига тадбиқ этилиши рақобатбардош ахборотларга эга бўлиш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Ўз вақтида тезкор ва сифатли ахборотларга эга бўлиш,тўғри қарорлар қабул қилишни таъминлайди. Натижада корхоналар рақобатбардошлиги таъминланади. Ривожланган давлатлар иқтисодиётини муваффақияти сабаблардан бири уларни доимо тезкор ва аниқ ахборотларга эга бўлиш имконияти юқорилигидадир. Шундай экан республикамизда замонавий ахборот -коммуникацион технологияларни иқтисодиётни турли соҳаларига қўллаш зарурияти мавзуни долзарблигидан далолат беради.

Маркетингда энг асосийси, бозорни, харидорлар талаб ва эҳтиёжларини чуқур ва ҳар тарафлама ўрганиш ва ишлаб чиқаришни шунинг асосига қуриш, иккинчи томондан эса бозорга, мавжуд талаб ва эҳтиёжга фаол таъсир кўрсатиш, харидорларнинг муайян молларга бўлган талабларини шакллантиришдан иборат. Маркетингни компютерларсиз, ахборот технологияларисиз тасаввур етиб бўлмайди.

Замонавий ахборот технологиялари шахсий компютерлар ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда фойдаланувчи ишининг дўстона интерфейси ахборот технологиясидир. Иқтисодий соҳада замонавий аборот технологиялридан фойдаланиш иқтисодий ахборотнинг сифати ,унинг аниқлиги,объективлиги,тезкорлиги ва бунинг натижасида сифатида эса, бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиш имконияти ошишини таъминлайди. Бошқарув фаолиятини автоматлаштриш янги ахборот технологиялри асосида маълумотларни қайта ишлаш,сақлаш ва қидирувини амалга оширадиган электрон офис консепциясини пайдо бўлишига олиб келади. Маркетингда замонавий ахборот коммуникацион технологиялрни қўллаш натижасида корхонлар маркетинг фаолияти самарадорлиги ошиб,улар бозордаги ахборотлардан ўз вақтида тўлиқ ва аниқ фойдаланадилар.

Ўзаро боғлиқ бўлган кўп сонли корхоналарни комплексидан ташкил топган тижорат структуралари фаолиятида ахборотларни узатиши мазкур структурани нормал фаолият кўрсатишини биринчи даражали ва ўзгармас фактори бўлиб ҳисобланади. Бунда ахборотларни тезкорлиги ва ишончлилиги муҳим аҳамият касб этади. Кўпгина корхоналар учун ахбортларни ички тизими ташкилийтехнологик жараённинг вазифаларини ечади ҳамда ишлаб чиқариш характерига эга. Бу енг аввало, ички корхона каналлари орқали махсуслаштирилган корхоналардан тушадиган корхонани нусхалаштирилган маҳсулотлар билан таъминлаш жараёнига тегишлидир. Бу ерда ахборот бошқарув қарорларини қабул қилиш учун маълумотларни тақдим етишда муҳим рол ўйнайди, ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва унинг самарадорлигини оширишини таъминловчи факторлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Юсубов М.А. *– Слушатель ВШБ*

ОСНОВНЫЕ ЭТАПЫ ФОРМИРОВАНИЯ И РЕАЛИЗАЦИИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПОЛИТИКИ ПРЕДПРИЯТИЯ

Анализ литературы в области формирования инвестиционной политики показывает, что при разработке инвестиционной политики нужно уделить внимание выделению этапов формирования.

Методы формирования инвестиционной политики предприятия рассматриваются с точки зрения разработки этапов и принципов реализации данного процесса. Наиболее полные этапы реализации представлены в работе И.А. Бланка [1].

Взаимоувязка всех стратегических целей и построение «дерева целей» инвестиционной стратегии предприятия. Окончательная индивидуализация всех стратегических целей инвестиционной деятельности компании с учетом требований их реализуемости.

Определение периода формирования инвестиционной политики, составление ее стратегических целей, разработка наиболее эффективных путей реализации стратегических целей инвестиционной деятельности, разработка стратегических направлений и создание инвестиционных ресурсов, детализация инвестиционной политики по периодам ее реализации, оценка инвестиционной политики.

Выбор и обоснование приоритетных направлений вложения инвестиций, исследование источников финансирования инвестиций, рациональное применение амортизационных отчислений и доходы на предприятии, улучшение технологической и воспроизводственной структуры капитальных вложений, недопущение излишнего морального и физического износа основных производственных фондов, повышение и совершенствование применения производственных мощностей, развитие рационального инвестиционного портфеля компании. А также, совершенствование видов, технологической и возрастной структуры основных производственных фондов, экономическое обоснование и выпуск ценных бумаг, оценка воздействия инвестиционной политики на финансовые результаты работы компании.

Создание отдельных направлений инвестиционной политики компании в комбинации с стратегией его формирования, анализ и учет влияния факторов окружающей инвестиционной среды и возможности компании, выбор объектов инвестирования в согласовании инвестиционной политикой компании, анализ и обеспечение эффективности объектов, выбранных для инвестирования, вероятная минимизация рисков инвестирования, обеспечение быстрой окупаемости вложений, определение потребностей в инвестиционных ресурсах, выбор оптимальных источников инвестиционных ресурсов, составление и оценка эффективности инвестиционного портфеля предприятия, разработка механизмов по ускорению реализации инвестиционных проектов.

Формулирование необходимости развития компании и экономически выгодных направлений развития, создание инвестиционных проектов с целью осуществлении выбранных направлений, итоговый выбор экономически выгодных инвестиционных проектов.

Формулирование определенных целей и задач компании в процессе разработки стратегии, установление инвестиционных проблем и подтверждение потребности инвестиций, определение целей инвестирования, установление факторов ограничителей достижения поставленных целей и установление критериев, определение объемов инвестиционных ресурсов для достижения поставленных целей, поиск других инвестиционных предложений, анализ других инвестиционных предложений с точки зрения достижения поставленных целей в рамках ограничений, формирование совокупного портфеля инвестиций, детальная оценка совокупного портфеля инвестиций, выявление несоответствия поставленным целям инвестирования, корректировка общего инвестиционного портфеля. Предлагаемые этапы формирования отличаются количеством этапов, последовательностью, структурой, раскрытием содержания каждого этапа.

Алгоритм реализации активной инвестиционной политики предлагает Измайлова А. С. основанный на использовании собственных средств компании и ресурсов холдинга с целью реализации инвестиционных проектов [2].

Горбуновым С. В. разработана методика развития и осуществлении инвестиционной политики инновационного развития имущественного комплекса компании в условиях инновационных преобразований, содержащая методологические принципы, методические подходы, модели и алгоритмы инвестиционной политики [3].

В данное время посткризисное состояние экономики заставляет компании достигать вернее краткосрочных целей путем формирования антикризисных программ, требуемых для выживания в обстоятельствах перестройки хозяйственного механизма. Преимущество краткосрочной ориентации в деятельности компании также объясняется в первую очередь [4]:

- отсутствием практического опыта развития инвестиционной политики у руководителей, так как в условиях плановой системы предприятия лишены самостоятельности, необходимой для стратегического планирования, решая лишь оперативные задачи;

- недостаточной проработанностью методологических проблем долгосрочной стратегической деятельности компании отечественной экономической теорией из-за недоступности в данном потребности в обстоятельствах руководящего планирования.

Существующие методологические исследования по оценке эффективности инвестиционной политики можно условно разделить на три вида:

- интегральная оценка эффективности реализации инвестиционной деятельности;

- анализ одного или ряда единичных показателей;

- сравнительный анализ имеющихся вариантов вложений средств в различные инвестиционные проекты с целью выбора наиболее привлекательного.

Комплексные оценки инвестиционной политики предлагается осуществлять на основе показателя, включающего производственно-ресурсный, финансовый и управленческий блоки рейтинговой позиции предприятия среди прочих по инвестиционной привлекательности - по инвестиционному потенциалу и риску. Ряд авторов в своих исследованиях аргументируют невозможность с помощью интегрального показателя определить эффективность инвестиционной политики компании и предлагают использовать один показатель или их систему, которые характеризуют отдельные аспекты реализации инвестиционной политики предприятия:

- рост финансовой устойчивости компании и сокращение отрицательного влияния факторов, оказывающих на инвестиции и инвестиционную деятельность;
- прирост инвестиций;
- реализация инвестиционных интересов – приобретение и повышение дохода (зарплаты, премии, дивиденды), повышение квалификации персонала, устойчивое развитие компании, повышение конкурентных преимуществ;
- рост экономической составляющей (рентабельности инвестиций), что предполагают собою отношение чистой прибыли, приобретенной от инвестиционной деятельности, к общему объему инвестиций;
- экономическая рентабельность (рентабельность капитала), соотношение экономической рентабельности и средневзвешенной цены инвестиционного капитала с учетом налоговой корректировки, прирост основных средств на 1 % прироста активов, индекс постоянного актива, финансово-эксплуатационные потребности, коэффициент чистой выручки;
- прирост рентабельности активов и деятельности в целом благодаря инвестиционной деятельности;
- инвестиционная привлекательность, отражающая прирост рентабельности продукции, активов, производственных фондов и собственного капитала по чистой прибыли;
- целенаправленность и эффективность от реализации инвестиционной политики в целях качественного управления инвестиционной деятельностью предприятия компании и другие.

Большинство исследователей эффективность инвестиционной политики компаний непосредственно связывают с выбором из рассматриваемых инвестиционных альтернатив проектов, которые улучшают финансовое состояние таких субъектов хозяйствования, способствуя расширению объема операционной деятельности и развитию инвестиционной прибыли.

Список использованной литературы:

1. Бланк И. А. Управление денежными потоками / И. А. Бланк. – 2- е изд., перераб. и доп. – К.: Ника-Центр, 2012. – 752 с.

2. Измайлова А. С. Формирование и реализация инвестиционной политики металлургического предприятия в составе холдинга: автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.05 / Измайлова Анна Сергеевна. – Оренбург, 2012.–22 с.

3. Горбунов С. В. Инвестиционная политика развития имущественного комплекса предприятий в условиях инновационных преобразований: автореф. дис. д-ра экон. наук: 08.00.05 / Горбунов Сергей Владимирович. - Нижний Новгород, 2011. – 45 с.

4. Маховикова Г. А. Инвестиционный процесс на предприятии / Г. А. Маховиква, В. Е. Кантор. – СПб. : Питер, 2011. – 176 с.

Мирабдуллаев М.Л. *– ОБМ тингловчиси*

ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎРНИ

Бугунги кунда ахборот технологиялари (АТ) кўплаб бизнес жараёнларнинг ажралмас қисмига айланишга улгурди. Корпоратив бошқарув соҳасида ҳам АТ-ечимларни амалга оширишда корпоратив ходимларга фойдалари беқиёс.

Ахборот технологиялари - бу объект, жараён ёки ҳодисанинг ҳолати тўғрисида янги сифатли маълумот олиш учун маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш воситалари ва усулларининг комбинациясидан фойдаланадиган жараён[1]. Ахборот технологияларининг мақсади - бу инсон томонидан ахбортни таҳлил қилиш учун маълумот тўплаш ва унинг асосида ҳаракатни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш тушунилади. Ушбу таърифга қўшилмаслик қийин, бу жуда универсалдир. Корпоратив бошқарувдаги ахборот технологиялари компаниянинг ижроия органлари ўртасидаги муносабатларни автоматлаштириш, осонлаштириш, соддалаштириш ҳамда директорлар кенгаши, акциядорлар ва бошқа иштирокчиларнинг ўзаро муносабатларини ва тезлаштиришга ҳисса қўшиши мумкин бўлган омил ҳисобланади.

Бундай муносабатларда АТни қўллаш доираси жуда кенг. Бунга компаниянинг молиявий тизимларининг ҳисобот (MIS) ва режалаштириш (ERP), номзод акциядорлар орқали акциядорлар билан алоқа воситалари ва бошқа кўп нарсаларни таъминлайдиган функционал имкониятлари киради[2].

Бугунги кунда барча корхонлар ахборот технологиялари тизимларидан фойдаланадилар, улар ёрдамида менежерлар бизнеснинг турли соҳаларини жорий бошқаришни амалга оширадилар: ресурсларни режалаштириш enterprise resource planning, ERP), таъминот занжирларини бошқариш (supply chain management, SCM) ва сотиш (sales force automation, SFA), мижозлар билан муносабатларни бошқариш (customer relationship management, CRM), истеъмолчилар талабларини бошқариш (consumer demand management, CDM) ва бошқалар. Бундай тизимларни яратиш учун дастурий таъминот бозорининг ҳажми тез суръатлар билан ўсиб бормоқда ва уларни сотиб олиш харажатлари ошиб бормоқда.

[1] https://www.yaklass.ru/materiali?mode=cht&chtid=456

[2] О.Ю. Волков - ИЮНЬ 6 (157) 2017, Информационные технологии в корпоративном управлении: практика внедрения

Мамлакатимизда илғор технологиялардан фойдаланиш корпоратив бошқарувни такомиллаштиришга қандай ҳисса қўшиши ҳақида жуда кам нарса маълум. Шу билан бирга, The Wall Street Journal нашрининг ёзишича[1], амалий дастурий таъминот бозорининг ушбу сектори сўнгги пайтларда энг динамик соҳалардан бирига айланди. Бу бир қатор муҳим омилларга асосланади: стратегик билимларни замонавий акциядорлик жамиятларини муваффақиятли ривожлантиришнинг асосий манбасига айлантириш, ички назорат самарадорлигини оширишнинг долзарб масалаларини очиб берган сўнгги корпоратив можаролар сабоқлари капитал бозоридаги рақобат ва корпоратив ижтимоий жавобгарлик муаммолари.

Шунинг учун қуйидаги корпоратив бошқарув жараёнларини ахборот технологияларини қўллаб-қувватлашга қўйиладиган талаблар бўлиши мақсадга мувофиқ:

1. Акциядорлик жамиятининг стратегиясини амалга ошириш жараёнида директорлар кенгаши аъзоларининг топ-менежерлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

2. Юқори мансабдор шахсларнинг ички назорат тизимини бошқариш функцияларини бажариши (топ менежерлар томонидан таъминланадиган жорий бошқарув ва директорлар кенгаши аъзолари томонидан амалга ошириладиган назорат);

3. Компаниянинг акциядорлар, бошқа контрагентлар ва манфаатдор томонлар билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш.

Бойматов Л.Э. *– ОБМ тингловчиси*

БАНК КРЕДИТИ ВА КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Кредит портфелини бошқаришнинг мақсади нисбатан паст даражадаги рисклар ва тижорат банкининг талаб қилинадиган ликвидлик даражаси билан максимал даромадга эришишни таъминлашдир. Ҳозирги вақтда тижорат банклари қарз олувчиларининг муаммоли кредитлари ўсиши шароитида кредит портфелини бошқариш масалалари айниқса долзарб бўлиб қолмоқда. Иқтисодий адабиётларда банклар бошқарув тизимида кредит портфелини бошқаришнинг аҳамияти қайд этилган, аммо шу билан бирга унинг моҳияти ва мазмунини очиб беришга етарлича эътибор берилмаган. Асосан, тадқиқотчилар ушбу ҳодисага комплекс ёндашишни эътиборсиз қолдириб, бошқарувнинг айрим йўналишларини кўриб чиқадилар.

Баъзи бир муаллифлар, банкнинг кредит портфелини тавсифлаб, ушбу концепция дастлаб уларнинг махсус таҳлиллари ва тартибга солиниши асосида кредитларни бошқаришга қаратилганлигини таъкидлайдилар[1].

[1] Plitch P. A piece of the action // The Wall Street Journal. 27.10.2003 (http://webreprints.djreprints.com/866680686146.html).

Чет эллик муаллифлар кредит портфелини бошқаришни уни амалга оширишга имкон берадиган вазифалар, яъни зарур рентабелликка эришиш, кредит ресурсларининг зарур тузилишини сақлаб қолиш ва баланснинг актив ва пассив томонларида бизнесни ривожлантириш орқали кўпроқ белгилайдилар[4].

А.М. Тавасиев кредит портфелини бошқариш босқичма-босқич амалга оширилади ва кредит портфелини бошқариш тизими элементларининг ўзаро таъсирини тавсифлаш учун "кредит портфелини бошқариш механизми" ва "портфел сиёсати" тушунчаларини ажратиш лозимлигини таъкидлайди[2].

Бир гуруҳ муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган кредит портфелини бошқаришда консерватив ёндашув ўзига хос қизиқиш уйғотади. Муаллифлар банкдаги кредит портфелини бошқаришнинг асосий таркибий қисмларини аратиб кўрсатадилар: рискларни қабул қилиш қоидалари; кредит бериш лимитлари; портфелни шакллантиришнинг устувор йўналишлари[3].

Кредитлаш лимитларини белгилаш кредит портфелининг шаклланишини назорат қилиш учун мўлжалланган. Кредитлаш лимитлари асосий риск зоналарини аниқлаш асосида белгиланади: "Шахсий қарз олувчилар"; "Қарз олувчилар гуруҳлари"; "Филиаллар"; "Бизнес сегментлари"; "Маҳсулотлар ва хизматлар"[4].

Кредит портфелини бошқаришни ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун банкнинг кредит портфелини бошқариш сиёсати ва кредит портфелини бошқариш методикаси каби ички ҳужжатларни ишлаб чиқиш зарур. Сиёсат кредит портфелини бошқариш мақсадлари ва вазифаларини, бошқарувнинг асосий тамойиллари ва усулларини, шунингдек кредит портфелини таҳлил қилиш ва баҳолаш усулларини аниқлашга хизмат қилади. Ушбу ҳужжат Банкдаги кредит портфелини бошқаришни тизимлаштиришга имкон беради. "Банкнинг кредит портфелини бошқариш методологиясида" банкнинг таркибий бўлинмаларида кредит портфелини бошқариш бўйича уларнинг ўзаро муносабатлари ва ўзаро таъсирини акс эттирувчи тартибли таомиллар бўлиши лозим.

Кредит портфелини бошқариш самарадорлигини ошириш учун корпоратив ва чакана кредит портфелини бошқариш нуқтаи назаридан портфел менежерини алоҳида ажратиш таклиф этилади.

Ушбу ҳолда, дастлабки босқичда асосий вазифалар қуйидагилардан иборат бўлади:

- юридик/жисмоний шахсларнинг кредит портфелини умумий дастлабки таҳлил қилиш;
- янги банк маҳсулотларини яратиш ва уларни бозорга олиб чиқиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- мавжуд маҳсулотлар учун янги кредит шартларини таклиф қилиш.

Бундан ташқари, мутахассисга оптимал кредит портфелини яратиш вазифаси юклатириши лозим.

Натижада, банклар ўзларининг кредит портфелини фаол равишда бошқаради, бунда эътибор қарз беришга эмас, балки капитални тақсимлашга, яъни кредит портфелининг рентабеллиги талабларига жавоб берадиган

- the relative high cost of automobile production not by orders, but for the warehouse;
- the practice of assembling automobiles from large units and assemblies, which has developed within the framework of detailed specialization, leads to the fact that a significant part of the added value is created not by the assembly plant, but by manufacturers of automobile components;
- the expected in the medium and long term a more massive transition to electric vehicles, which, obviously, will significantly reshape the structure of the traditional automobile industry.

In addition to these problems, the development of the global automobile industry is characterized by a number of new defining trends that indicate the importance of this industry and related industries in the economies of the leading countries of the world. These trends have both economic and scientific and technical connotations and consist in the implementation of a fundamentally new conceptual approach to the technical development of an automobile, as well as to the organizational and technological method of its production and operation:

1. Trends of a scientific and technical nature, consisting in reducing harmful emissions into the atmosphere and fuel consumption, developing ultra-light products based on new structural materials, increasing safety, reliability, quality, durability requirements, as well as in the formation of intelligent road systems.

2. Economic trends, consisting in a decrease in production costs and prices for automobiles, in the context of simultaneously increasing unit costs for R&D and the introduction of new technologies and tightening requirements of environmental legislation; growing competition for the development of a fundamentally new automobile of the future in order to dominate the markets; comprehensive integration of automobile manufacturers and suppliers of automobile components; specialization of R&D on the basis of the international division of labor (for example, at the head enterprise at present, no more than half of all units, parts and assemblies are produced; the rest of the assembly production is obtained within the framework of industrial cooperation).

It should be noted that the traditional markets of developed countries, which include the United States, the EU and Japan, which account for up to 80% of the global automobile sales, no longer demonstrate sustainable growth rates in both production and automobile sales. Thus, the US market is already oversaturated, since products from the EU, Japan, South Korea are exported there, and products from the domestic market are also used. US companies, at the same time, strive to constantly increase the production of automobiles in order to successfully compete with foreign manufacturers. In the leading EU countries, Germany and France, the closure of old automobile factories is prohibited by labor law. In turn, even small companies from Japan, having

failed to achieve a sufficient level of profitability in the domestic market, are striving to enter the EU market, although this applies to large corporations, albeit to a lesser extent. The situation in China is also ambiguous, where the economic boom at the present stage contributes to the accelerated development of the automobile industry, but for it to reach the quality level of developed countries, economic growth must be sustainable, and the consumption boom in the country must be long-term.

Рахимова О. *– ОБМ тингловчиси*

АГРАР СОҲАДА КОРХОНАЛАРАРО КООПЕРАЦИЯ ВА ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад иқтисодиёт тармоқлари ўртасида узвий боғлиқликни ривожлантириш ва унинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашуви орқали ўз ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашни кўзда тутади.

Фикримизча қўйилган мақсадга эришиш учун иккита асосий шартга қатъий амал қилиш талаб этилади. Биринчидан амалга оширилаётган ислоҳотлар негизида дунё иқтисодиётида устун амал қилувчи тамойил ва механизмларнинг республикамиз учун мақбул жиҳатларини оқилона қўллаш, иккинчидан эса таркибий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида миллий иқтисодимиз ва унинг тармоқларининг ривожланиш даражаси ва ҳозирги ҳолати ва имкониятларини ҳисобга олиш зарур.

Бунда республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бўлган миллий маданият, аҳолининг ўтказилаётган ислоҳотларга бўлган муносабати, юз бераётган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг давомийлиги каби омиллар муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай шарт ва тамойиллар агросаноат мажмуасини бошқариш, мажмуа соҳалари ўртасида кооперация ва интеграцион муносабатларни ривожлантиришда ҳам жорий этилиши ва амал қилиши лозим бўлади.

Шу ўринда айтиш жоизки кейинги йилларда агросаноат мажмуасининг базис тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигида юз берган таркибий ўзгаришлар натижасида 2005-2017 йилларда деҳқончилик маҳсулоти салмоғи 55,2 фоиздан 61,2 фоизга етиб, чорвачилик маҳсулотлари салмоғи 13,2 фоиздан 10,5 фоизга камайган. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибида пахта хом ашёси салмоғи 17,1 фоиздан 7,2 фоизга, буғдой етиштириш 13,8 фоиздан 8,4 фоизга, сут ишлаб чиқариш 13,2 фоиздан 10,5 фоизга камайган. Аммо қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ўсиш кузатилмоқда.

Жумладан республикамизда сабзавот маҳсулотлари етиштириш 7,4 фоиздан 15,5 фоизга, картошка 3,8 фоиздан 7,4 фоизга, мевалар 4,2 фоиздан 9,0 фоизга, узум етиштириш 4,2 фоиздан 7,2 фоизга ошган .

Фикримизча, маҳсулот ишлаб чиқариш таркибида юз берган бундай ўзгаришлар мамлакатимизда олиб борилаётган аграр иқтисодий сиёсатда асосий

эътибор, қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ер, сув, меҳнат ва моддий ресурсларидан республика ҳудудларининг тупроқ, иқлим шароитлари ва ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда бўлишлигига қаратилмоқда. Бу ўз навбатида аграр соҳа тармоқларида мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш, мажмуа тармоқлари ўртасидаги ўзаро ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни ҳам ривожлантириб боришни тақозо этади.

Ҳозирги кунда мажмуа тармоқлари хусусан агроишлаб чиқариш тизимида юз бераётган таркибий ўзгаришлар натижасида меҳнат тақсимоти жараёнларининг такомиллашуви билан бирга кооперация ва интеграцион тамойиллар асосида принципиал жиҳатдан фарқланувчи янги ташкилий ҳамда ишлаб чиқариш тузилмалари шакллантирилмоқда.

Кооперация ва интеграцион жараёнларни ривожлантириш бўйича мамлакатимиз ва хорижий давлатлар тажрибаларининг кўрсатишича кўп жиҳатдан агроишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш, моддий-техник базасини мусатаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, тарансакцион харажатларни қисқартириш, қишлоқ туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради.

Агросаноат мажмуаси тармоқлари, хусусан мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштириш тармоғида кооперация ва интеграцион жараёнларнинг ривожланиши кооперация тамойиллари асосида ташкил этилган агросаноат фирмалари ва вертикал интеграцияга асосланган “Ўзшаробсаноат” акциядорлик жамияти фаолияти билан боғлиқдир.

Лекин қайд этилган кооперация ва интеграцион тузилмалар фаолиятини ривожланган бозор талабларига тўлиқ жавоб бера олмаётганлиги, шу давргача амалга оширилган таркибий ўзгаришлар кутилган мақсадларга эришишни тўлиқ таъминламаганлиги ва мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №ПФ-5388 сонли Фармонига биноан “мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан то сотишгача бўлган белгиланган жараённи мустақил равишда амалга оширувчи ягона ёки ўзаро боғлиқ корхоналар гуруҳи доирасида “уруғ, кўчат-маҳсулот етиштириш-тайёрлаш-сақлаш-қайта ишлаш-транспортировка қилиш-бозорга етказиш” тамойили бўйича узлуксиз занжирни шакллантиришни кўзда тутувчи мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер усулини кенг жорий этиш” масаласи мева-сабзавотчиликни ривожлантиришда асосий вазифалардан эканлиги белгилаб қўйилганлиги ҳам замонавий бозор иқтисодиётида интеграциянинг энг замонавий ва илғор кўриниши бўлган кластер ёндашувини жорий қилиш масаласига жиддий эътибор бериш кераклигини билдиради.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги

№ПҚ-4239 сонли Қарори агросаноат мажмуасининг етакчи тармоқларидан саналган мева-сабзавотчиликда таркибий ўзгаришларни малга ошириш асосида кооперация ва интеграцион жараёнларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга ҳужжат бўлди.

Фикримизча, Муҳтарам Президентимиз томонидан белгилаб берилган бундай мураккаб ва масъулиятли вазифани ижобий ҳал этиш аввалambор мева-сабзавотчилик тармоғида кооперация ва интеграцион жараёнларни такомиллаштириш, масаланинг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари ҳамда бу борадаги ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларини чуқур ўрганиш ва шу асосда ёндашишни талаб этади.

Назарий жиҳатдан кооперация ижтимоий меҳнат тақсимотининг бир шакли сифатида мураккаб ва кўп функцияли категория ҳисобланиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги хўжалик субъектларининг пай бадалларини киритган ҳолда хўжалик фаолияти, ишлаб чиқариш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш борасидаги мақсадлар билан бир қаторда ўз аъзоларининг меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини ошириш каби ижтимоий характердаги муаммоларни ҳам ҳал этишда муҳим ўрин эгаллайди.

Бунда фикримизча, кўп мезонли ёндашув асосида, яъни кооперацияни ташкил этиш шаклларидан келиб чиққан ҳолда кооперациялашув жараёнларининг қамров даражасини; унинг таркибига киритилаётган бозор субъектларининг мулкчилик ҳамда хўжалик юритиш шаклларини; кооперацияни ташкил этиш усуллари, яъни бунда: кооперативнинг янгидан ташкил этилаётганлиги, тугатилаётган хўжаликлар негизида ёки жисмоний ва юридик шахслар иштирокида шакллантирилаётганлигини; кооператив мулкининг шаклланиш манбааларини ҳисобга олиш бунда: кооперативга бирлашаётган субъектларнинг ўз маблағлари, четдан жалб қилинган маблағлар ёки таъсисчининг маблағлари бўлишлигидан келиб чиқилади.

Кооперацияни юқорида қайд этилган тамойиллар ва мезонлар асосида таснифлаштириш биринчидан кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларини бойитишга, иккинчидан иқтисодиёт тармоқларида кооперация муносабатларини ривожлантириш стратегияларини белгилаш ва бозор субъектлари ўртасида кооперация мунсабатларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Илмий ва назарий манбааларда қайд этилишича интеграция тушунчаси турлича талқин этилган бўлиб, уларнинг асосий мазмуни иқтисодий тизим ва тармоқлар ўртасида чуқур ва барқарор алоқаларни ўрнатиш асосида, келишилган иқтисодий сиёсат юритиш, бозор субъектларининг бирлашуви ва улар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш асосида биргаликдаги фаолиятини алоҳида олинган ва табақалашган таркибий тузилмалар функцияларини бирлаштириш ёки шу мақсадларда юз берадиган жараён сифатида қайд этилган.

Интеграциянинг моҳиятини фаолият соҳаларидан келиб чиққан ҳолда жараён, тизим ва таркибий тузилма сифатидаги мазмунини қуйидагича ифодалаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича бозор муносабатларининг ривожланиб бориши шароитида классик тамойилларини сақлаб қолган ҳолда унинг айрим элементларининг эволюцион тарзда трансформациялашуви юз бериб, кооперация ва интеграцион жараёнларнинг бир-бири билан уйғунлашуви кузатилади.

Умуман кооперация ва интеграциянинг юқорида қайд этилган умумийлик жиҳатлари ва расмда келтирилган функционал ўзига хослик ва қиёсий таҳлил тавсифларидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки, бозор муносабатларининг тадрижий равишда ривожланиб бориши билан ҳамоҳанг равишда, кооперация муносабатлари ва интеграцион жараёнлар амал қилиш тамойилларида умумийлик ёки ўхшашлик жиҳатлари уйғунлашиб, уларнинг ижтимоий меҳнат тақсимотида тутган ўрни ва аҳамияти ортиб, такомиллашиб бораверади. Бу жараён натижасида кооперация ва интеграциянинг алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва ўз таркибида кооператив тузилмаларни қамраб олган кластерлар ривожланиши учун ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар юзага келади.

Ривожланган хорижий давлатларда агросаноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва инновацион асосда барқарор ривожлантиришда кооперация ва интеграциянинг энг мақбул ва замонавий шакли бўлган кластерлар ташкил этиш ва ривожлантиришнинг илмий-назарий ва амалий асослари шакллантирилганлиги, уларда агробизнесни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган агромаҳсулотлар сифатини яхшилаш орқали ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган усул (ёндашув) сифатида тан олинган.

Таъкидлаш лозимки, агросаноат кластерларини ташкил этиш ўзига хос бўлган мураккаб жараён бўлиб, кооперация сифатида ўзаро муносабатларни мувофиқлаштирувчи тузилманинг бўлишлигини, интергацион жараён сифатида эса интегратор ташкилот ёки корхона бўлишлигини талаб этади.

Бундай шарт-шароитларнинг бўлиши кластер ва унинг таркибига кирган корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш борасидаги рақобат устунлигини таъминлаш ва албатта республикамиз иқтисодиётида етакчи бўғинлардан бири бўлган агросаноат мажмуаси тармоқлари салоҳиятини бирлаштириш асосида қўйилган стратегик мақсадларга эришишда муҳим ўрин эгаллайди..

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947 сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги № ПФ5388 сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжлиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги № ПҚ-4239 сонли Қарори.

4. Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси “Қишлоқ хўжалиги” Т.: 2017 йил. 64-125 бетлар.

5. Қ.Ҳотамов ва бошқалар. Қишлоқ хўжалигида кооперация: хорижий тажрибалар. Ўзбекистон ахборот инновацион маркази. Тошкент 2012 – 14 б.

6. Ҳ.Хушвақтова “Бозор шароитида мева-сабзавот кичик мажмуасида агросаноат интеграциясини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий муаммолари” Иқт.фан.номз. илмий даражасини олиш учун диссертация иши. Т.: 2005. - 31б б

Курбанов З.К. *– ОБМ тингловчиси*

АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛГИЯЛАРИ СОҲАСИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ БОШҚАРИШДА ЛОЙИҲАВИЙ ЁНДАШУВГА ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва COVID-19 пандемияси ҳамда рақамли иқтисодиёт шароитларида ахборот коммуникация технолгиялари соҳасига бўлган талаб жуда кучаймоқда. Шу боис ушбу саҳада инновацион ишланмалар ва уларни амалиётга жорий қилиш масаласи жуда долзарб бўлиб ҳисобланмоқда.

Маълумки “Инновацион фаолият” ва “инновацион лойиҳалар” тушунчалари ўзаро бир-бири билан боғлиқ тушунчалардир. Ривожланаётган рақобат шароитида узоқ муддатли рақобатдош устунликларни таъминлайдиган инновацион стратегияларга зарурият туғилади. Инновацион лойиҳанинг моҳияти ва унинг асосий хусусиятлари ҳақида турли иқтисодчи олимлар турлича фикрларини билдирадилар. Инновацион лойиҳаларнинг муҳим жиҳатлари риск, юқори даражадаги ноаниқлик, лойиҳанинг алоҳида босқичлари натижалари ўртасидаги аниқ ифодаланган муносабатлардир. Лойиҳанинг ҳаётий циклнинг фазаларига мос равишда тузилишга асосланиб, қўшимча равишда инновацион ғояни асослаш босқичи, шунингдек инновацияни амалга ошириш ва тижоратлаштириш босқичини киритиш таклиф этилади. Лойиҳаларни бошқариш назариясида асосий ва интеграциялашган функциялар аниқланб, уларнинг мазмуни келтирилган инновацион лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган изоҳлашни талаб қилади. Инновацион лойиҳа бизнеснинг ядросини ташкил этувчи барча бошқарув тизимларига таъсир кўрсатганлиги сабабли, лойиҳани амалга ошириш жараёнида таркибий ўзгаришлар ва зиддиятларни камайтириш чораларини режалаштириш зарур бўлади.

Инновацион лойиҳаларни бошқаришнинг концептуал асослари ҳар қандай лойиҳа инвестиция талаб этишига асосланган ҳолда инвестиция лойиҳаларига нисбатан шакллантирилади. Шу билан бирга, лойиҳаларнинг ўзига хослигини ва ушбу соҳани бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириш заруратини муҳим деб ҳисоблаш мумкин. Инновацион ишланмаларни ёки лойиҳаларни стратегия бошқариш компанияларнинг инновацион имкониятлари манбаларини ўрганишга асосланган бўлиши лозим. Иқтисодчи олим П. Друккер бунга

қуйидагича илмий талқинни илгари суради яъни мурожаат қилади[1]: юзага келган имкониятлар, ташкилотнинг ҳақиқий ҳолати ва қарашлари ўртасидаги номувофиқлик, шошилинч инновацияларга эҳтиёж пайдо бўлиши, бозор таркибидаги ўзгаришлар, демографик ўзгаришлар, қадриятлар ва эҳтиёжларнинг ўзгариши, янги билимлар.

Ахборот коммуникация технолгиялари соҳасида инновацион ривожланишининг икки йўли мавжуд деган фикрни Р. Арчибальд қўйидагича таърифлайди[2]: ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш ва сотиш кўламини кўпайтириш орқали барқарор ривожланиш; агар силлиқ ривожланиш механизми ўз кучини йўқотган бўлса ва ўз самарасини бермаса, янги даражага ўтиш билан сакраб ривожланиш. Сакраб ривожланишни таъминлайдиган воситаларга лойиҳалар ва лойиҳаларни бошқариш воситаларидан фойдаланиш ҳисобланади.

Бугунги кунда хорижий ва маҳаллий олимларнинг кўп йиллик изланишлари давомида турли хил лойиҳалар учун тенг равишда қўлланиладиган лойиҳаларни бошқаришнинг асосий принциплари шакллантирилган[3]. Шу билан бирга, амалиётда турли тоифаларга тегишли лойиҳаларга асосий принциплар ва воситаларни самарали қўллаш муаммолари ҳам мавжуд. Лойиҳаларни таснифлаш энг муҳим илмий ва амалий вазифа бўлиб, унинг ечими алоҳида компанияларнинг ривожланиши учун ҳам, иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун ҳам муҳим бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун лойиҳани бошқариш методологиясини янада самарали қўллашни белгилайди.

Инновацион лойиҳа - бу якуний инновацион фаолиятнинг техник-иқтисодий асослари, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини ўз ичига олган лойиҳадир. Инновацион лойиҳанинг мақсади янги тизимларни яратиш ёки мавжуд тизимларни ўзгартириш - техник, технологик, ахборот, ижтимоий, иқтисодий, ташкилий ва натижада ресурслар нархини пасайтириш, маҳсулот ва хизматлар сифатини тубдан яхшилаш ва юқори тижорат самарасини олишдир[4]- деган фикрлар ҳам мавжуддир.

Бошқа бир иқтисодчи ннновациялар қуйидаги даражаларга ажратилиши мумкин[5] -деган фикрни ҳам билдиради яъни: асосий технологияларда ўзгаришларни таъминламайдиган модернизация даражаси (сохта инновациялар), маҳсулотларга янги сифат қўшилиши, бошқа соҳалар ютуқларини узатиш билан тавсифланадиган инновацион даража (инновацияларни такомиллаштириш), янги технологиялар ва техник ечимлар пайдо бўлишини ўз ичига олган етакчи даража (асосий инновациялар).

---

[1] Друкер П. Бизнес и инновации: Пер. с англ. М.: ООО «ИД Вильямс», 2009. 432 с.

[2]Арчибальд Р. Управление высокотехнологичными программами и проектами: Пер. с англ. М.: ДНК Пресс, 2002. 464 с.

[3] Управление проектом. Основы проектного управления / Под ред. проф. М.Л. Разу. М.: КНОРУС, 2006.; Бурков В.Н., Новиков Д.А. Как управлять проектами. М.: СИНТЕГ-ГЕО, 1997. 188 с.

[4] Симионов Р.Ю. Управление инновациями на основе проектного подхода // Вестник УГНТУ. Наука, образование, экономика. Серия: Экономика . 2016. №3 (17).

[5]Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент. СПб: Питер, 2002.

Инновацион лойиҳа - бу фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналиши бўйича аниқ мақсадга эришишга қаратилган бир-бирига боғлиқ бўлган ва ўзаро боғлиқ манбалар, фаолият муддатлари ва амалга оширувчиларнинг мураккаб тизимидир. Инновацион лойиҳалар турли даражадаги илмий ва технологик аҳамиятга эга бўлиши мумкин, бу уларнинг миллий иқтисодиётда устуворлигини белгилаш учун асос бўлади.

Инновацион лойиҳалар амалга ошириш даврлари бўйича - қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли, миқёс бўйича - халқаро, мамлакат, минтақавий, секториал, корпоративга бўлинади. Инновациялар ҳар қандай турдаги лойиҳа деб қаралиши мумкин, бунда асосий мақсад инновацияларни ривожлантириш ва қўллаш - янги технологиялар, ноу-хау турли хил техник, иқтисодий, ижтимоий ривожланишни таъминлаши мумкин. Ушбу хусусиятлар фақат инновацион лойиҳаларга хосдир. Лойиҳа - бу лойиҳа тушунчасига мос келадиган танланган йўл бўйлаб тизимни янги ҳолатга ўтказишнинг динамик жараёнидир. Лойиҳани бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли ушбу ўтиш мақсадга мувофиқ равишда амалга оширилади.

Компанияларда лойиҳаларни бошқаришнинг тизимли концепциясини амалий қўллаш тажрибаси анъанавий усулларга нисбатан юқори самарадорликни намойиш этади. Хусусан, тадбирларни амалга ошириш муддати 20-30% га, харажатлар 10-15% га қисқаради[1]-деган илмий таҳлилар ҳам мавжуд.

Ахборот коммуникация технолгиялари соҳасида лойиҳани бошқариш методологиясидан фойдаланиш кўпроқ йўналтирилган ахборот таъминоти, ташқи ва ички муаммоларга тезкорлик билан жавоб беради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ташкилотнинг барча элементлари: технология, атроф-муҳит, ходимлар ва ташкилий муносабатлар энг консерватив ҳисобланади. Лойиҳани бошқариш инертлик ва инновацияларга мослашиш вақтини камайтириши мумкин. Лойиҳани бошқариш методологияси шартли равишда асосий ва интеграциялашган функцияларга бўлинадиган асосий лойиҳани бошқариш функцияларини белгилайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, ўзгаришлар устувор хатти-ҳаракатлар, мезонлар ва бошқарув элементларига нисбатан янги талабларни талаб қилса, қаршилик юзага келади. Шунинг учун, қаршиликни камайтириш чораларини кўриш лозим. Лойиҳалар доирасида инновацияларни бошқариш мақсадни аниқроқ шакллантириш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилишда керакли ходимларни жалб қилиш туфайли қаршиликни камайтириш мумкин бўлади.

Инновацияларнинг иқтисодий табиати бозор янгиликларининг илмий ва техникага нисбатан устуворлигини белгилайди. Агар инновация янги технологик жараён бўлса, унда унинг фойдаси бозор орқали амалга оширилади. Инновация эгаси сифатида ишлаб чиқувчи патент ҳуқуқи билан ўз ҳуқуқини ҳимоя қилади. Ушбу хусусият муҳим аҳамиятга эга ва унга инновацион лойиҳа доирасидаги босқич сифатида қараш лозим деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

[1] Симионов Р.Ю. Управление инновациями на основе проектного подхода // Вестник УГНТУ. Наука, образование, экономика. Серия: Экономика . 2016. №3 (17).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Друкер П. Бизнес и инновации: Пер. с англ. М.: ООО «ИД Вильямс», 2009. 432 с.
2. Арчибальд Р. Управление высокотехнологичными программами и проектами: Пер. с англ. М.: ДНК Пресс, 2002. 464 с.
3. Арчибальд Р. Управление высокотехнологичными программами и проектами: Пер. с англ. М.: ДНК Пресс, 2002. 464 с.;
4. Управление проектом. Основы проектного управления / Под ред. проф. М.Л. Разу. М.: КНОРУС, 2006.;
5. Бурков В.Н., Новиков Д.А. Как управлять проектами. М.: СИНТЕГ-ГЕО, 1997. 188 с.
6. Симионов Р.Ю. Управление инновациями на основе проектного подхода // Вестник УГНТУ. Наука, образование, экономика. Серия: Экономика . 2016. №3 (17).
7. Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент. СПб: Питер, 2002.
8. Симионов Р.Ю. Управление инновациями на основе проектного подхода // Вестник УГНТУ. Наука, образование, экономика. Серия: Экономика . 2016. №3 (17).

Қурбонов Ф.М. *– ДБА мустақил изланувчиси*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ

Ислоҳотлар давомида Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси қабул қилиниб, табиий монополия мавқеига эга “Ўзбекэнерго” АЖ тугатилиб [4], унинг негизида электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ҳамда сотишга иҳтисослашган 3та мустақил акциядорлик жамиятлари ташкил этилди. Ҳозирда, электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилишнинг технологик жараёнини ўзига олган “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари” ҳамда “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятларини ўзида мужассамлаштирган марказлаштирилган бошқарувни талаб қилади. «Ўзбекэнерго» АЖ таркибига кирувчи айрим хўжалик жамиятлари ҳамда корхоналар қайта ташкил этилди ва тугатилди. «Ўзбекэнерго» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг соҳага оид бўлмаган ва фойдаланилмаётган активларини уларни кейинчалик сотиш мақсадида баланс қиймати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига берилди.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ таркибида 8та иссиқлик электр станциялари, 3та иссиқлик электр марказлари фаолият юритмоқда. Уларнинг умумий ўрнатилган қуввати 2020 йил 1 январга келиб, 14 минг МВтдан кўпроқни ташкил этмоқда.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ тасарруфидаги электр энергиясини ҳосил қилувчи корхоналардан, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга

тегишли умумий узунлиги 9,7 минг километрдан ортиқ бўлган 220-500 кВ кучланишдаги магистрал электр тармоқлари орқали “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ тасарруфидаги 14 та корхоналарга электр энергияси етказиб берилади. Ушбу корхоналар балансида кучланиши 110 кВгача бўлган умумий узунлиги 250,4 минг километрдан ортиқ электр тармоқлари ва 1700та подстанциялар мавжуд. Республика истеъмолчиларига электр энергиясини етказиб бериш асосан энг сертармоқ кучланишга эга 0,4-6-10 кВли, узунлиги 223,8 минг километрдан ортиқ бўлган электр тармоқлари ва 70 мингдан ортиқ ТПлар орқали амалга оширилади.

“Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари” ҳамда “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ва созлаш ишларини бажарувчи ҳамда электр станциялари ва тармоқларининг асосий ва ёрдамчи ускуналарини таъмирлаш ва ишлатиш билан шуғулланувчи ягона ишлаб чиқариш мажмуаси ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш қувватларини ошириш мақсадида оҳирги уч йилда қуйидаги ишлар амалга оширилган.

Талимаржон иссиқлик электр станциясида қуввати 450 МВтга тенг иккинчи буғ-газ қурилмаси 2017 йилда ишга тўлиқ туширилди (БГҚ-1 2016 йилда). Лойиҳа (2та қурилма)нинг умумий қиймати 1 320 млн доллар. Лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 103 та ишчи ўрин яратилди, йилига 3,6 млрд кВт соат қўшимча электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Шартли ёқилғи сарфи 50 граммга қисқарди ва йилига 560 млн метр куб табиий газ тежалишига эришилди.

Тошкент иссиқлик электр станциясида қуввати 370 МВтга тенг буғ-газ қурилмаси 2018 йилда ишга тўлиқ туширилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 511,8 млн доллар,бўлиб уни амалга ошириш ҳисобига 36 та ишчи ўрин яратилди, йилига 2,6 млрд кВт соат қўшимча электр энергияси ишлаб чиқариш имкони яратилди. Шартли ёқилғи сарфи 75 граммга қисқарди ва йилига 500 млн метр куб табиий газ тежалишига эришилди.

2019 йилда Навоий иссиқлик электр станциясида қуввати 450 МВт бўлган иккинчи буғ-газ қурилмаси 2019 йилда ишга тўлиқ туширилди. Лойиҳа қиймати - 547,2 млн.доллар. Натижада қўшимча йиллик 3,5 млрд. кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда, йилига 493 млн. куб метр табиий газ тежалмоқда. Қўшимча 112 та иш ўрни яратилди.

Наманган вилоятида 900 МВт қувватга эга Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси қурилди. Бунда биринчи 450 МВтли БГҚси 2019 йилда тўлиқ ишга туширилди, иккинчи БГҚ 2019 йилда газ турбинаси ишга туширилди, жорий йилнинг биринчи чорагида қурилма тўлиқ ишга туширилади. Лойиҳа умумий қиймати - 1195,87 млн. Доллар, бўлиб, қўшимча йиллик 3,35 млрд. кВт.соат электр энергияси ишлаб чиқариш имкони яратилди (жами 6.7 млрд кВт.с.). Янги 300 та иш ўрни яратилди.

Фарғона шаҳри 3-сон туман қозонҳонасида қуввати 7 МВт бўлган юқори самарали газ турбина қурилмаси ишга туширилди. Қуввати 7 МВт. Лойиҳа қиймати - 27 млн. доллар. Натижада қўшимча йиллик электр энергияси ишлаб

чиқариш 58,4 млн. кВт.соат, йилига 2,72 млн куб.метр табиий газ тежалади. Қўшимча 58 та иш ўрни яратилди.

Сирдарё иссиқлик электр станциясида энергоблокларни босқичма-босқич модернизация қилиш ҳисобига 3 ва 4 чи сонли энергоблоклари модернизация қилинди. Лойиҳа умумий қиймати -219,46 млн. доллар (6 та энергоблок учун). Ҳар бир энергоблок қуввати 325 МВтга етказилди ҳамда уларнинг ресурслари 20 йилга узайтирилди. Энергоблокларнинг шартли ёқилғи сарфи 40 граммга қисқаради. Модернизация ҳисобига йилига тежаладиган табиий газ миқдори – 270 млн. куб метрни ташкил этади.

Гидроэнергетика соҳасида оҳирги уч йилда жумладан:

2018 йилда Чорвоқ ГЭС модернизация қилинди, натижада 45,5 МВт қувват қўшилди ва 165,4 млн. кВт соат қўшимча электр энергияси ишлаб чиқариш имкони яратилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 133 665,1 млн. сўм.

Жиззах вилоятида Зомин микро ГЭС 2018 йилда ишга туширилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 2 183, 4 млн. сўм. ГЭС қуввати 0,2 МВт. Йилига

1 млн. квт. соат қўшимча электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Янги 4 та иш ўрни яратилди.

2019 йилда “Туябўғиз сув омборида кичик ГЭС қурилиши” лойиҳасига асосан қўшимча 11,4 МВт ишлаб чиқариш қувватлари қўшилди ва 38,4 млн кВт соат қўшимча электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 139 121,1 млн. сўм. Янги 22 та иш ўрни яратилди.

Наманган вилояти Учқўрғон тумони Катта Фарғона каналида кичик ГЭСлар каскади қурилди. Қуввати 12 МВт. Қўшимча 72,4 млн кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқариш имкони яратилди. Лойиҳа умумий қиймати 248 988,1 млн сўм. Янги 45та иш ўрни яратилди.

Шаҳрихон ГЭСлар каскадида (ГЭС-ЖФК-1) 2019 йилда модернизация амалга оширилди. Натижада 0,7 МВтга ишлаб чиқариш қуввати ошди ва йилига қўшимча 8,5 млн.квт.соат электр энергиясини ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 57 484 млн сўм.

Бундан ташқари ҳозирда электр энергетика тармоғини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилмоқда ҳамда 2030 йилга бориб қувватларни 31 минг МВтдан кўпайтириш, шу жумладан қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 26 фоизга етказиш (шундан 5 минг МВт фотоэлектрик қуёш станциялари ва 3 минг МВт шамол) режалари мавжуд.

Атом энергияси инфатузилмасини мамлакатимизда яратиш мақсадида 2019–2029 йилларда Ўзбекистон Республикада атом энергетикасини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди [5].

Унга кўра Атом энергетикаси соҳасида миллий сиёсатни асосий принциплари, соҳасини ривожлантиришнинг асосий мақсадлари, устувор йўналишлари, хавф-хатарларни баҳолаш йўналишлари, устувор йўналишларни амалга ошириш йўналишлари, молиялаштириш манбалари, мониторинг ва назорат механизмлари, эришиладиган мақсадлар белгилаб олинди, ҳамда концепцияни амалга ошириш бўйича “Йўл ҳаритаси” тасдиқланди.

Келгусида ўсиб борувчи талабни қондириш мақсадида инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши режалаштирилган.

Хусусан, жорий йилда давлат-хусусий шериклиги асосида Самарқанд ва Навоий вилоятларида ҳар бирининг қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш ишлари бошланади. 2023 йилда Сирдарё вилоятида умумий қуввати 2600 МВт иккита иссиқлик электр станцияси ишга туширилади. Навоий вилоятида қуввати 650 МВт бўлган навбатдаги буғ-газ қурилмасини қуриш лойиҳаси якунланади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда Талимаржон иссиқлик электр станциясида қуввати камида 900 МВт бўлган янги буғ-газ қурилмалари қурилиши режалаштирилган.

Республикамизда бизнес муҳитини яхшилаш ва Жаҳон банкининг баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ биринчи 50 та давлат қаторига киришни таъминлаш мақсадида тадбиркорларни электр тармоқларига уланиш тизими янада соддалаштириш кўзда тутилган

Бундан ташқари иккита реактордан иборат бўлган ва қуввати 2 400 МВтга тенг атом электр станциясини қуриш бўйича режадаги ишлар амалга оширилади.

Жаҳон тажрибасига назар соладиган бўлсак, энергетика бозорларида ислоҳотларни ўтказиш, уларни либераллаштирган ҳолда давлат тасарруфидан ҳусусий қўлга бериш асосан 20 асрнинг 70 йилларида дунёда бўлиб ўтган энергетик инқироздан сўнг бошланган. Ҳозирги кунда дунёнинг юздан ортиқ давлатлари электр энергетикаси соҳасида ислоҳотларни амалга оширмоқдалар. Бундан ташқари, ҳар бир давлат техник-иқтисодий, ресурс ва хом ашё имкониятлари, жуғрофияси менталитетидан келиб чиқиб, ўзига хос ислоҳот моделини танлайди. Электр энергетикасида жиддий ислоҳотларни ўтказишга давлатлар томонидан қарор қилинишига асосан соҳада ишлаб чиқариш самарадорлиги пастлиги, рақобатнинг йўқлиги, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва янгиларини қуриш учун соҳанинг айланма маблағи етишмаслиги оқибатида ташқи инвестицияга муҳтожликни келиб чиқишида кўрса бўлади.

Умуман олганда жаҳон тажрибасига асосан энергетикада бошқарувнинг вертикал интеграллашган, мустақил ишлаб чиқарувилар, ягона харид қилувчи модели, рақобат моделлари мавжуд бўлиб мамлакатларнинг ҳусусиятларидан келиб чиқиб гоҳида аралаш холларда ҳам учрайди.

Вертикал интеграциялашган модел соҳани мутлақ монополлаштириш билан тавсифланади. Одатда давлат томонидан бошқариладиган битта вертикал интеграциялашган компания ёки холдинг устунлик қилади. Ушбу модел ислоҳотгача бўлган даврдаги кўплаб мамлакатлар учун ҳосдир. Хусусан, Ўзбекистонда учинчи босқич ислоҳотлари амалга оширилгунига қадар шундай модель ишлаган. Умуман олганда янги босқич муносабати билан у қадар ўзгариш кузатилмасада (яъни мулк эгаси асосан давлат ҳисобланади), корхоналарни тизими ўзгартирилиб ягона ҳарид қилувчи моделига ўтиб борилмоқда.

Мустақил ишлаб чиқарувчилар модели электр энергиясини ишлаб чиқаришни биринчи вертикал интеграллашган моделдан фарқ қилади. Бу ҳолда

давлат кафолати остида электр энергиясини этказиб бериш ҳуқуқи (яъни узоқ муддатли электр энергиясини етказиб бериш шартномалари (PPP) учун рақобатлашадиган мустақил ҳусусий ишлаб чиқариш компаниялари пайдо бўлади. Ушбу модель жуда чекланган рақобат билан ажралиб туради.

Ягона харид қилувчи (монопсоник тизим деб аталадиган) модели шуки, марказлаштирилган давлат ташкилоти электр энергиясини мустақил ишлаб чиқарувчилардан оммавий равишда сотиб олади ва кейинчалик уни қайта сотади. Бу мустақил ишлаб чиқарувчилар моделидан, хусусан, давлат томонидан тартибга солинадиган тарифлар бўйича битта харидордан энергия сотиб оладиган ва кейинчалик уни чекланган нархда якуний истеъмолчиларга сотадиган мустақил савдо компаниялари мавжудлигидан фарқ қилади.

Рақобатбардош модел электр энергиясини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳаларини тубдан монополликдан чиқаришни назарда тутади (кўпинча хусусий сектор устунлигида). Фаолиятнинг айрим турларига нисбатан табиий монополия сақланиб қолади, лекин давлат фақат марказлаштирилган назоратни сақлаб қолган ҳолда табиий монополияларнинг активлари (мулки) устидан назоратидан воз кечади.

Энергетикани ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқишда асосий мақсадларни белгилаш, мувофиқ модел ва ривожланиш устуворликларини, уни амалга оширишнинг индивидуал босқичларида давлат энергия сиёсати механизмларини танлаш, мақсадларга эришишни таъминлайдиган тизимли, комплекс ёндашув талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, электроенергетика соҳасини ислоҳ қилиш моделини ва уни амалга ошириш механизмини шакллантириш билан Ўзбекистон шароитига мослаштирилган давлатнинг энергетика соҳасини ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш стратегиясини аниқлаш зарур бўлади. Бунда соҳага замонавий менежмент усуллари ҳусусан стратегик менежмент усулларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аллаев К.Р., Басидов И.С., Садуллаев Э.Ф. Электроэнергетика Узбекистана за годы Независимости и перспективы ее развития. T. Fan va texnologiyalar. 2016, 266 с.

2. Гальцева Н.И. Особенности формирования тарифов в энергетике и их влияние на функционирование экономических систем // Фундаментальные исследования. – 2006. – № 1. – С. 69-73; URL: http://www.fundamental-research.ru/ru/article/ view?id=4649 (дата обращения: 26.04.2020).

3. Корнюхова А.В. Зарубежный опыт реформирования электроэнергетики//Евразийский Союз Ученых (ЕСУ)VIII, 2014.

4. https://lex.uz/docs/4257083

5. https://lex.uz/docs/4194034

Нуритдинова Д.А. *– соискатель АГУ*

СПОСОБЫ УЛУЧШЕНИЯ ПРЕДОСТАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ИНТЕРАКТИВНЫХ УСЛУГ НА ОСНОВЕ ИКТ

Информационные и коммуникационные технологии в последние десятилетия выступают в качестве одного из ключевых двигателей социального и экономического прогресса. Их развитие и широкое распространение способствуют преобразованию облика многих секторов экономики; улучшению качества жизни; эффективность бизнеса и государственного управления; появлению новых форм обучения, общения и социализации людей; к обеспечению доступа к разным видам информации. В свою очередь, сам громкоговоритель ИКТ существенно зависит от глобальных вызовов и тенденций более широкого характера, определяющих долгосрочные приоритеты науки и технологий.

Приоритеты для различных сегментов определялись такими критериями, как соответствие мировым тенденциям, наличие конкурентных преимуществ и научно-технических резервов, потенциал выхода на развитые рынки и создание новых рыночных ниш, что, в свою очередь, позволило оценить перспективы научных исследований. и технологическое развитие отечественного сектора ИКТ.

Результаты прогноза прошли валидацию в рамках серии экспертных дискуссий высокого уровня с участием представителей ведущих компаний, научных центров, университетов и международных организаций. На их основе были разработаны предложения по «пакетам технологий» в качестве ответов на выявленные вызовы и проблемы; созданы дорожные карты, визуализирующие взаимосвязи наиболее важных аспектов долгосрочного развития сектора ИКТ, его ключевых направлений, а также факторов, препятствующих повышению конкурентоспособности национальных производителей.

Перспективный образ сферы ИКТ определит, во-первых, переход к экономике, основанной на знаниях. Этот процесс начался с проникновения рассматриваемых технологий в производство товаров и сегодня набирает обороты по мере насыщения ими сектора услуг (финансы, страхование, торговля, транспортная инфраструктура и др.). Однако, его эффекты в полной мере проявятся. показано только в будущем. ИКТ вносят серьезный вклад и в решение глобальных проблем, таких как:

- Истощение дешевых природных ресурсов;
- Старение населения;
- Ухудшение состояния окружающей среды;
- Потеря эффективного контроля над технологическими цепочками;
- вытеснение отечественных производителей с внутренних рынков;
- Подвижность выстрелов;
- Миграция финансовых капиталов;

- нестабильность мировой экономической и политической системы;

- Растущий дисбаланс между требованиями безопасности и личной свободой человека;

- Рост киберпреступности, увеличение масштабов ее последствий и др.

Развитие рынков ИКТ сочетает в себе эволюционную траекторию (улучшение существующих продуктов (услуг), экстенсивный рост освоенных сегментов за счет резкого удешевления последних) с экспоненциальной моделью проникновения инноваций, способствующей распространению последних версий. ИКТ и появление на этой базе новых рынков. Все это увеличивает инвестиционную привлекательность отрасли, но присутствие на мировом рынке ИКТ большого количества «разрушающих» инноваций вызывает волатильность финансовых результатов компаний этого и смежных секторов. Таким образом, в 2012 году более 40% компаний ИКТ, входящих в рейтинг FT-500, ухудшили свои позиции, а в связи с пандемией 2020 году наоборот их позиция улучшилась. По-настоящему они стали серьезными драйверами инноваций малого и среднего бизнеса.

Быстрое развитие компаний-новичков, выпускающих прорывные продукты, будет активнее стимулироваться «сетецентричностью» и растущим спросом на встроенные цифровые устройства различного назначения. Осуществились международные прогнозы, по дальнейшему увеличению вклада сектора ИКТ в экономический рост: к 2020 году его доля в мировом ВВП достигла 8,7%.

Наиболее динамичный и масштабный сегмент составляют телекоммуникации и деятельность, связанная с использованием компьютерных устройств и информационных технологий (разработка программного обеспечения, консультирование, обработка информации, создание и использование баз данных и информационных ресурсов, включая Интернет, обслуживание вычислительная техника и др.).

Роль ИКТ может меняться в зависимости от способности новых технологических решений поддерживать рост производительности вычислительной техники. Конвергенция ИКТ с другими технологиями, включая нано, био и когнитивные, будет способствовать сохранению действия «закона Мура» и росту «сетевых эффектов» («закон Меткалфа»).

Инновационные технологии взаимодействия в социальных сетях, в частности «Интернет вещей» (InternetofThings) и «Интернет всего» (Internetof-Everything), будут продолжать развиваться, что приведет к сокращению жизненных циклов стандартов и технологических ИКТ. платформы систем и сетей. Вместе с тем в новых условиях возникает ряд угроз, связанных с проблемами преодоления «цифрового неравенства», равноправного вхождения в глобальное информационное пространство, быстрого и масштабного развития новых технологий в социальной сфере и государственном управлении. , обеспечение национальной безопасности.

В рамках проведенных исследований были выявлены основные мировые тенденции, ускоряющийся прогресс технологий стимулирует спрос на «умную» продукцию в большинстве отраслей производства товаров, а рынок устройств,

средств автоматизации и систем управления в перспективе станет «сетецентричным» и интегрированным в отрасль.

Развитие облачных вычислений (highthroughputcomputing, HTC), новой архитектуры и принципов организации высокопроизводительных вычислений (highperformancecomputing, HPC) трансформирует программное обеспечение (S) и инфраструктуры отраслевых ICT решений, сделает инновационные изменения в бизнес-стратегии предприятий, создав по сути новую техносферу экономики.

Благодаря внедрению интерактивных государственных услуг на основе ИКТ возникают инновационные формы социализации. Во многих сегментах рынка труда отпадает необходимость «привязки» сотрудников к конкретному рабочему месту. В совокупности с глобальным дефицитом квалифицированных кадров и стремлением к снижению затрат на содержание инфраструктуры предприятий подобная тенденция приведет к распространению схем удаленной работы и формированию новых моделей занятости.

При всей универсальности ИКТ окажут максимальный эффект сектора услуг, а появляющаяся возможность накопления и хранения качественных услуг с последующей их передачей и в любой точке земного шара в любой момент существенно изменит облик этого направления.

Сегодня заложены теоретические основы создания метамоделей с высокой вычислительной эффективностью и требуемой точностью. Метамодели «обучаются» на множестве прототипов входных и выходных данных, а потому тесно связаны с инструментами извлечения информации (datamining) - обнаружением скрытых закономерностей или взаимосвязей между переменными в больших массивах необработанных данных.

Использование в создании метамоделей большого количества дисциплинарных оптимизаций позволит существенно ускорить дальнейшие вычисления, сократив количество дорогостоящих натурных или вычислительных экспериментов.

Разработка сервисов интерактивных сервисов на основе ИКТ – прогнозного моделирования социальных и экономических явлений. Предиктивная аналитика (predictiveanalysis, PA) представляет собой совокупность технологий, методов и алгоритмов для составления ожидаемых моделей, позволяющих проецировать в будущем накопленные (в том числе исторические) данные, свойства, зарекомендовавшие себя в прошлом и имеющие тенденцию к сохранению в будущее. Динамика ее рынка опирается на известные технологии сбора данных - кластеризацию, деревья решений, регрессионное моделирование, нейронные сети, глубокий анализ текстов (textmining) и проверку гипотез. В связи с необходимостью обработки огромных массивов неструктурированной информации создаются методы семантического анализа текстов и технология работы с «большими данными», в результате активно распространяется прогнозное моделирование.

В 2017-2020 годах появились актуальные экономико-математических модели инновационного бизнеса. Ведущие компании (SAS, SPSS (IBM), KXEN, Oracle и TIBCO) оперируют перспективными математическими методами

(например, статистическая теория обучения применительно к большим объемам исходных данных), позволяющими создавать устойчивые ожидаемые модели с учетом множества переменных. На этой основе развивается ИКТ - сервисы прогнозного моделирования социальных и экономических явлений, способные повысить эффективность интерактивных сервисов в государственном управлении (в частности, сервисы для структурирования новостных потоков в социальных сетях и профессиональных веб-сообществах).

На сегодняшний день повышается эффективность метамоделей в производстве при расчете надежности оборудования (оценка наработки на отказ) при изменении логистики поставок комплектующих, условий работы поставщиков и других внешних обстоятельств.

В более отдаленной перспективе (2022-2025 годы) появятся программные комплексы для решения задач проектирования, проектирования, моделирования и инжиниринга сложных технологических объектов и систем, простые в эксплуатации и не требующие высокой квалификации пользователей.

Пирматов Ш.М. *– ОБМ тингловчиси*

ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАР ЎРТАСИДАГИ МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Бугунги жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашуви ва молиявий глобаллашув шароитида молиявий муносабатлар тизимининг марказий бўғини сифатида давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар муҳим ўрин эгаллайди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларда корпоратив тузилмалар фаолиятини самарали ташкил этиш, уларнинг миллий ва халқаро даражасидаги молиявий фаолиятларини самарали ташкил этиш, устав капитали таркибида хорижий инвесторлар улушини шакллантириш ва ошириш, давлат иштирокидаги корпоратив тузилмаларни хусусийлаштириш, корпоратив бошқарувни самарали ташкил этиш кабиларга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу иқтисодий ислоҳотлар ҳам давлат, ҳам корпоратив тузилмалар манфаатларига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида 2017-2021 йилларда Ўзбекситон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши келтирилган бўлиб, ушбу устувор йўналишлар таркибида келтирилган асосий устувор вазифалардан бири бўлиб, “давлат мулкини хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш” ҳисобланади[1].

Фикримизча молиявий муносабатлар иқтисодий муносабатларнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, турли даражадаги иқтисодий тизимлар субъектлари

ўртасидаги пулли муносабатларни ўзида акс эттиради. Бундай молиявий муносабатларга давлатлараро молиявий муносабатлар, корхоналараро молиявий муносабатлар, молиявий муассасалараро молиявий муносабатлар, аҳоли ўртасидаги молиявий муносабатлар, давлат ва корпоратив корхоналар ўртасидаги молиявий муносабатлар ҳокозолар киради.

Давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар тизимини самарали ташкил этиш мамлакатимизда бевосита корхоналар томонидан тўланадиган солиқлар ва мажбурий ажратмалар, давлат инвестиция сиёсати, давлат хариди, ташқи савдони қўллаб-қувватлашга йўналтирилган экспорт-импорт сиёсати, давлат томонидан корхоналарни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, давлат бюджети солиқли даромадларини ошириш кабилар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ. Бу каби муаммоларни бартараф этиш мамлакат иқтисодий барқарорлиги ҳамда аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишини таъминлайди албатта.

Иқтисодчи олимларнинг корпоратив молия ва умумий молиявий муносабатларга қаратилган илмий қарашларини келтириб ўтамиз. Бу ўз навбатида илмий тадқиқот иши мавзусининг иқтисодий моҳияти очилишига хизмат қилади. Пиерри Верниммен ва бошқалар ҳаммуаллифлигида тайёрланган “Корпоратив молия, бу – пул оқимлари ва бойликни кўпайтириш концепцияларига таянади, корпоратив молияда энг асосий масала пул маблағларининг вақт бўйича қийматларини аниқлаш ҳамда компания капиталини ошириш бўлиб ҳисобланади” – деб, келтирилган. З.Брейли, С.Майерс ва Ф.Алленлар ҳаммуаллифлигида тайёрланган “Корпоратив молия принциплари” номли дарсликда, “Корпоратив молия – компания бизнес қийматини оширишга йўналтириладиган пулли муносабатлардир, корпоратив молиянинг бош мақсади эса компания бизнес қийматини максималлаштириш”[2], - дея таърифлар келтирилган.

Чеботарь Ю.М. Россиялик иқтисодчи олим ўз илмий тадқиқот ишларида – “Корпоратив молия (корпоратив молияси) хўжалик субъектлари ва (ёки) уларнинг бирлашмалари молиявий ресурсларини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш жараёнида юзага келадган пулли муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради[3]” – дея, ўзига хос таъриф келтириб ўтади. Т.Маликовлар ва бошқалар томонидан нашр эттирилган дарсликда “молия” – арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “пул маблағлари” маъносини англатиши таъкидланади[4]. Демак, бундан кўринадики, мамлакатимизнинг мазкур олимлари томонидан молиянинг туб моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган. Шунингдек, Т.Маликовнинг томонидан якка муаллифликда тайёрланган “Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси” номли ўқув қўлланмада, молиявий муносабатларнинг моҳиятини очиб беришга эътибор қаратилган. Яъни, мазкур адабиётда – “ЯИМ ва МДни қайта (иккиламчи) тақсимлаш давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги молиявий муносабатлар доирасида содир бўлади. Ана шу даражада хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг бирламчи даромадлари бир қисмини тўғри ва эгри солиқли ундириш йўли билан, шунингдек, давлат кредитлаштириши ҳисобидан мамлакатнинг давлат молияси ташкил топади”[5] – мазмундаги илмий қарашлар келтирилган. Бундан

кўринадики, мазкур адабиётда молиявий муносабатлар макро даражада ўрганилган.

Хулоса тариқасида юқорида келтирилган иқтисодчи олимларнинг корпоратив молия бўйича берган таърифларини ўрганиб чиққан ҳолда қуйида муаллифлик таърифимизни келтириб ўтамиз: “Корпоратив молия – корпоратив тузилмаларда стратегик мақсадларга эришиш ҳамда таъсисчилар капиталини ошириш учун турли пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлари йиғиндисидир”.

Давлат молияси, корпоратив молия, молиявий иқтисодиёт ва уй хўжалиги молиясининг ҳар бири ҳар доим бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўзаро молиявий муносабатларга киришади. Молиявий иқтисодиёт умумий иқтисодиётнинг таркибий қисми бўлиб, ўз ичига молия бозори, молия институтлари, молиявий инструментларни олади. Мамлакатимизда молиявий иқтисодиёт тушунчаси ўрнида кўп ҳолатларда молиявий сектор тушунчаси қўлланилади.

Корпоратив тузилмалар ва давлат ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатлар тизимининг самарали ташкил этилиши мамлакат иқтисодий барқарорлигининг таъминланишига ҳамда аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишига хизмат қилади. Фикримизнинг далили сифатида, 2020 йилдаги халқаро миқёсда юзага келган COVID-19 пандемияси шароитида давлатимиз томонидан олиб борилган изчил молиявий сиёсат юритилиши мамлакатимизда ҳам реал сектор, ҳам молиявий сектор тузилмаларининг иқтисодий танг ҳолатдан қийинчиликсиз чиқиб кетишига замин яратди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

2. Pierre Vernimmen, Pascal Qiury, Maurizio Dallocchio, Yann Le Fur, Antonio Salvi. Corporate Finance: Theory and Practice. Copyright. 2005 John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England. 1032 p., 29th page.

3. R.A.Breadly, S.C.Vyers, F.Allen “Principles of Corporate Finance”, 11th Global Edition. 134 p. 65 p.

4. Чеботарь Ю.М. Корпоративные финансы и корпоративный контроль: монография /- М.: Автономная некоммерческая организация «Академия менеджмента и бизнес-администрирования», 2016-250 с., 8-ой стр.

5. Вахонов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик.// Тошкент молия институти. – Т.: “Ношир”, 2011. 712 бет. 5-бет.

6. Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси (ўқув қўлланма) / Тошкент молия институти. – Тошкент, 2010. – 276 бет, 4-бет.

Рахманова И.Х., Юлдашева Г. *– ОБМ тингловчилари*

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР БЎЙИЧА УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Халқимизда ҳар бир оиланинг ўз уйи, доимий яшаш жойининг мавжуд бўлиши лозим, деган қарашлар қадим-қадимдан шаклланган ва халқимиз ўз уйида тўй-тантана, байрам, хурсандчилик, марака ва бошқа тадбирларни ўтказиши урф-одат бўлиб қолган. Лекин, аксарият мамлакатларда аҳолининг кўпчилик қисми уй-жой ва инфратузилма хизматларига муҳтожлик сезмоқда. Хусусан, Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё бўйича вице-президенти Филипп Ле Уэрунинг таъкидлашича ҳозирги вақтда дунё аҳолисининг 3 миллиарди ёки 40 фоиздан зиёдроғи уй-жой инфратузилма хизматларига муҳтож.

Мамлакатимиз тарихининг сўнгги бир неча ўн йиллигида, яъни мустақиллик йилларида уй-жойлар қурилишининг қонунчилик, ҳуқуқий ва норматив базаси қайта кўриб чиқилди ва ислоҳ этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган хусусий мулкнинг даҳлсизлиги ҳақидаги тамойилга асосланган ҳолда қабул қилинган Уй-жой, Ер ва Шахарсозлик кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги қонуни, бошқа қонун ва қонун ости ҳужжатларда мулкдорнинг уй-жойи ҳамда у барпо этилган ер участкасига муддатсиз эгалик қилиш ҳамда уни мерос қилиб олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди. Қайд этиш керакки, мамлакатимизда аҳолини уй-жой шароитларини яхшилаш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада қишлоқ жойларда амалга оширилаётган кенг кўламли чоратадбирлар натижасида қишлоқ аҳолисига шаҳарлардагидан кам бўлмаган қулайликлар ва шароитлар яратиб берилмоқда.

Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида ҳар йили 150 мингдан ортиқ янги оила вужудга келаётганлиги, мустақил тараққиётимиз йилларида эса қишлоқларимизда 2 миллион 600 мингдан зиёд ёш оила пайдо бўлганлиги ва улар ўз уйига эга бўлишга эҳтиёж сезаётганлиги каби масалаларни инобатга олиб, қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш механизмини ишлаб чиқиш глобал муаммолар қаторига киритиш мумкин. Бу борада қишлоқ уй-жой қурилиши қишлоқ аҳолисининг турмуш, меҳнат шароитлари ҳамда ривожланиши билан боғлиқ барча масалалар комплексини ўзгартиришга қодир локомотив куч ҳисобланади. Айнан уй-жой қурилиши аввало унга боғлиқ тармоқларни ривожлантириш, кейинчалик бошқа барча тармоқларни юксалтиришни изчил рағбатлантирган ҳолда мамлакатлар иқтисодий ўсиш суръатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Қишлоқ уй-жой қурилишининг ривожланиши замонавий талабларга мос келмайдиган шароитда истиқомат қилаётган кишилар турмушининг яхшиланишига, шунингдек, миллий иқтисодиётнинг юксалишига олиб келади. Кўпчилик давлатларнинг тарихий тажрибасидан кўриш мумкинки, уйжой қурилиши ва инфратузилма соҳасини ривожлантириш тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида белгилаш миллий иқтисодиётни қайта тиклашнинг

ҳал қилувчи воситаси бўлиб хизмат қилади. Масалан, 1930йиллардаги инқироз даврида АҚШда якка тартибдаги уй-жой қурилишини кредит билан таъминлаш тизими жорий қилиниб, бу ислоҳот иқтисодий ўсишни тиклашда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Ушбу даврда буюк инглиз иқтисодчиси Ж.М.Кейнс инвестицияларнинг кўпайиши билан миллий даромаднинг кўпайиши ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилди. Унинг кўрсатиб беришича, инвестицияларнинг кўпайиши миллий даромаднинг ўсишига олиб келади. Инвестицияларнинг кўпайиши ва унинг натижасида миллий даромад ва аҳолининг иш билан бандлигининг ўсиши мақсадга мувофиқ иқтисодий самара сифатида кўрилди.

Ўзбекистонда жами уй-жойлар сони уй хўжаликлари сонидан 346,0 минг донага ортиқ бўлган, 2014 йилга келиб эса уй хўжаликлари сони жами уйжойлар сонидан 364,2 мингтага ортиб кетган, яъни республикамизда уйжойларга бўлган талаб ортиб кетмоқда. Ҳудди шу темп сақланиб қоладиган бўлса, 2024 йилга бориб уй хўжаликлари 764,4 минг дона уйжойга талаб мавжуд бўлишини кўрсатади. Юқоридаги ҳолатлар, яъни қишлоқ аҳолисининг юқори суръатлар билан ўсиши, жами уй-жойлар сонига нисбатан уй-хўжаликлари сонининг мунтазам ортиб бориши қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилиши кўламини янада ошириш заруратини туғдиради ва аҳамиятини оширади.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини амалга ошириш, уй-жойлар қурилишини молиялаштириш ва фуқароларга ипотека кредитлари ажратиш механизми Ўзбекистон Республикасининг қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган бўлиб, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан мазкур йўналишдаги ишларни ташкил қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-1083-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1167-сонли қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги “Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисида”ги Низом, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибда уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомлар ҳамда АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг “Намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштириш ва кредитлаш Тартиби”га асосан амалга оширилиб келинмоқда. Юқоридаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиб аҳолининг буюртманомалари асосида ҳар йили 1 апрелгача кейинги йил учун минтақалар доирасида қуриладиган уй-жойлар ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ҳажми, таркиби ва тузилмаси бўйича таклифлар тайёрлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан маркетинг жиҳатдан ўрганиш натижалари асосида ҳар йили 1 майгача Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ва “Даварxитектқурилиш” қўмитаси билан келишилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ер массивлари танлаб олинади ҳамда кейинчалик улар намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қуриш учун “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясига топширилади.

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” экспертларининг фикрига кўра, юқорида кўрсатиб ўтилгандек, уй-жойлар учун ер массивлари қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ер массивларидан, захирага олинган ерлардан танланиши лозим. Аксарият ҳолларда бу тоифадаги ер массивларида қуриладиган уй-жойлар учун аҳоли талаби шакллантирилмайди ва бунинг оқибатида қуриладиган уйжойлар учун аҳолининг бадал маблағлари ўз вақтида шакллантирилмайди, кредитнинг таъминот ҳужжатлари бўйича (суғурта, ипотека шартномасини расмийлаштиришдаги) харажатлар уй-жой ўз эгасига фойдаланишга топширилгандан кейин қисқа муддатларда тўланмайди ва ажратилган ипотека кредитларининг асосий қарз, фоиз тўловлари белгиланган муддатларда тўланмаслигига олиб келади.

Бугунги кунда мамлакатимизда уй-жойлар қурилишини амалга оширишда тижорат банкларининг роли сезиларсиз даражада қолиб кетмоқда. Бунинг асосий сабаби банкларда узоқ муддатли бўш ресурсларнинг етишмаслигидадир. Ўз навбатида, шу қайд қилиш керакки, фуқароларнинг уй-жойга эга бўлишлари учун ипотека кредитларининг ўрни жуда катта эканлиги ҳаммамизга аён. Шу нуқтаи назардан, ипотека кредитларининг қуйидаги афзалликларини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ипотека кредитининг асосий афзаллиги, унинг қурилаётган ёки сотиб олинаётган уй-жой, квартира, ишлаб чиқариш объектини гаровга олган ҳолда, кредитлаш имкониятининг вужудга келишидадир. Бу Ўзбекистон шароитини, яъни уй-жойга бўлган катта талаб мавжудлигини инобатга оладиган бўлсак, янада муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолатда уй-жой қуриш учун кредит олаётган жисмоний шахс томонидан кредит қайтариши таъминоти сифатида қўшимча мол-мулк тақдим қилиниши талаб этилмайди. Ипотека кредитига хизмат кўрсатиш банкдан ушбу кредитнинг мақсадли ишлатилиши устидан доимий назорат ўрнатишни талаб этади, чунки бундай назоратнинг йўлга қўйилмаслиги банк томонидан берилган кредитнинг бошқа мақсадлар учун йўналтирилишига сабаб бўлиши мумкин.

Уй-жой қурилишини, умуман бошқа қурилишларнинг ривожланиши биринчи навбатда, қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқариш, қурилиш техникалари ва ускунлари ишлаб чиқариш саноатининг ривожланиши, ёғочни қайта ишлаш саноати ва маиший техника буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда бошқа қурилиш соҳалари билан боғлиқ бўлган тармоқларнинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Юқорида санаб ўтилган тармоқлар билан ишлаб чиқариш кооперацияси оркали боғлиқ бўлган бошқа барча саноат

тармоқлари, яъни уларга хом-ашё, материаллар, ускуналар, техника етказиб берадиган тармоқлар маҳсулотларига бозорда талаб кўпайиши натижасида ушбу тармоқларда ҳам барқарорлашув ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига эришилади. Шу муносабат билан, ипотека кредити бозорини янада ривожлантириш, мамлакатда уй-жойлар қурилишини янада жадаллаштиришда тижорат банкларининг ролини ошириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Уй-жой кодекси”. 1999.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” Қонуни. 1996.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 13.02.2012 й. 37-сон “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича “тайёр ҳолда топшириш” шартлари асосида якка тартибда уй-жой қуриш учун пудрат ташкилотларини аниқлаш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” Қарори.

Рзаев А.С. *– ОБМ тингловчиси*

ДАВЛАТНИНГ ИННОВАЦИОН СИЁСАТИ КОРХОНАЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш шароитида давлатнинг илмий-технологик тараққиёт соҳасида инновацион ва инвестицион фаолият учун зарур иқтисодий имкониятлар яратиш уз таркибига солиқ, молиявий, амортизацион, кредит ва божхона сиёсати кабиларни камраб олувчи билвосита тартибга солишни амалга ошириш давлатнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти учун иқтисодий шароитлар шаклланиши билан боғлиқ инновацион фаолликни рағбатлантиришнинг билвосита тадбирларидан бири-бу тадбиркорларга маблағ ва ресурсларнинг сезиларли қисмини инновацион жараёнларга йўналтиришга имкон берувчи солиқ ва амортизация сиёсатини юргизиш ҳисобланади [1].

Давлат томонидан инновацион жараёнларни тартибга солишнинг зарурати аввало уларнинг иқтисодиёт ва умуман жамият учун аҳамияти ошаётганлиги билан боғликдир. Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти экстенсив ва интенсив омиллар мослигига таянади. Замонавий даврда ишлаб чиқаришга янги бирламчи ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодий усишга эришиш имконияти жуда кучли чеклангандир. Шу сабабли иқтисодий тараққиётда интенсив омиллар хал қилувчи аҳамият касб этади. Демак, инновацияларнинг умумижтимоий моҳиятининг асосий жихати уларнинг макроиқтисодий кўрсаткичлар га хал қилувчи таъсири ҳисобланади. Бундан ташқари, инновациялар ижтимоий ишлаб чиқариш структурасига, институционал иқтисодий механизмларга, социал барқарорликка, атроф-муҳитга, миллий хавфсизлик даражасига ва энг асосийси

жахон хужалиги тизимидаги миллий иқтисодиёт лар рақобатбардошлигига таъсир этади [2].

Демак, давлат инновацион жараёнларни бугунги кунда айнан улар мамлакат тараққиёти истикболини белгиланганлиги туфайли ҳам тартибга солиши лозим. Юқоридагилардан келиб чикиб, шуни таъкидлаш мумкинки, давлат инновацион сиёсати уч асосий йўналишга ажратилади:

- инновацион фаолиятни фаоллаштиришни таъминлаш.

У ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади: фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, мамлакатда корхоналар томонидан амалга ошириладиган тижорат инновациялари учун зарур иқтисодий ва ижтимоий муҳитни яратиш;

-таълим, маданият, экология, ижтимоий ҳимоя, мудофаа каби соҳаларда давлат масъулияти талабларига жавоб берувчи инновацияларни яратиш ва таркатиш борасидаги мақсадли дастурлар буйича давлат буюртмаларини молиялаштириш;

- алоҳида корхоналар учун манфаатдор, аммо зарур даражада юқори даромад келтирмайдиган ишланмалар ва янгиликларни қўллаб-қувватлаш ва танлаб рағбатлаштиришни амалга ошириш.

Юқорида белгиланган йўналишларнинг биринчиси, умуман, миллий корхоналар рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган, жумладан, корхоналарда ишчи ўринларини сақлаш ва яратиш бўлиб, мазкур мақсадлар учун солиқ тўловчилар ҳисобидан тушувчи маблағлар сарфланади.

Иккинчи йўналиш таъминотчилар ва индивидуал истеъмол-чилар ўртасида бевосита икки томонлама келишувлар асосида ўзлаштирилиши ёки сотилиши мумкин бўлмаган неъматлар бозорига хизмат кўрсатади. Мазкур келишувлар учинчи шахсларга келишувда ҳисобга олинмайдиган ташқи ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки давлат таъминотчи ва истеъмолчилар ўртасида улар номидан иш кўриб , маҳсулотлар ва хизматлар сотиб олиб, тадқиқот чилар ва ишланмаларга буюртма бериш орқали воситачи сифатида фаолият кўрсатади.

Учинчи йўналиш иккинчи йўналиш билан муносабатга эга, аммо унча кучли бўлмаган оралиқ ҳодисалар учун мое бўлиб, уларнинг ташқи ижтимоий самаралари уз урнига эга ва давлатнинг нотижорат мезонлари у ёки бу инновацияларга нисбатан қўлланилади.

Инновацион фаолиятни анъанавий ишлаб чиқариш фаолиятидан ажратувчи тамийиллартавсифи мавжудлигини ҳисобга олиш зарур:

1. Инновацион характерга эга бўлган ва фақат келгусида қопланиши мумкин бўлган кушимча харажатларга эҳтиёжнинг мавжудлиги.Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир алоҳида олинган инновацияларда бу сарфлар индивидуал характерга эга бўлади -улар ҳажми, қайтариш тезлиги кўпгина объектив ва субъектив ҳолатларга боғлиқ бўлади.
2. Инновацияга сарфлар ва уни жорий этишдан олинадиган самара вақт бўйича мос келмайди. Жумладан, қандайдир янги маҳсулотни серияли ишлаб чиқариш бутун даври давомида амалга оширилган сарфлар уни сотиш бошланиши билан қопланмай, маълум муддат ўтишини талаб қилади.

Инновацияларнинг қопланиш ҳисоб-китобида вақт омили дисконтлаш усулини қўллаш орқали амалга оширилади. Бу, хўжалик субъектининг жорий ва истикболдаги манфаатлари бирлигини бузувчи хусусият бўлиб, инновацион фаолият билан шуғулланиш истагига салбий таъсир кўрсатади.

3. Режалаштирилган натижаларга эришишда ноаниқ унсурлар, хавфнинг мавжудлиги. Жаҳон тажрибасидан маълумки, меҳнат ва воситалар сарфлари изланиш характерига эга бўлади ва амалга ошириладиган сарфларни қоплаб, фойда келтирадиган маҳсулотлар кўринишига эга бўлмайди.

4. Илғор инновацияларнинг кичик фоизлар ташкил этиши, бунда илғор инновациялар нафақат узи учун, шунингдек, омадсиз ғоялар учун сарфларни компенсациялайди.

5. Анъанавий ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи бўлимлар молиявий кўрсаткичлар и ёмонлашувининг олдини олиш учун алоҳида бюджет зарурати.

6. Анъанавий фаолиятдан фарқ қилувчи инновацион фаолиятни баҳолаш мезонларининг қўлланилиши. Масалан, «фойданинг йиллик ўсиши» мезонини ҳар доим қўллаб бўлмайди, чунки инновацион маҳсулот яқин истиқбол уч-турт йилда ҳеч қандай фойда бермасдан, шундан сўнг фойда жуда кескин кўтарилиб кетиши мумкин.

7. Барча эскирган воситалардан тизимли равишда воз кечиш, бу эса ўз навбатида ресурсларни янги ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун озод этиш имконини беради.

8. Натижалардан ресурслар сарфига ва инвестицияларга қараб тескари алоқанинг йўқлиги.

9. Аниқ оралиқ натижалар бермайдиган инновацияга маблағ сарфлашнинг олдини олиш мақсадида ишни тўхтатиш мумкин бўлган муддатни тўғри танлаш.

Инновацион фаолиятни самарали бошқариш учун зарур шароитлар куйидагилар ҳисобланади:

-зарур жараён сифатида қараладиган янгиликларни излаш ва ўзлаштириш-ни рағбатлантирувчи маъқул шароитни яратиш. Инновацион бўғинларда фаолият юритадиган ишловчиларни рағбатлантириш инновацион жараён иқтисодий хусусиятларини инобатга олган холда амалга оширилмоғи лозим;

-инновацион фаолиятнинг нуфузли йўналишларини стратегик режа асосида аниқлаш лозим, бунда инновацияларни ташкил этишда етакчи ролни юқори бошқарув раҳбарияти ўйнайди;

-бутун инновацион фаолиятни бозор эҳтиёжларига йўналтириш;

-инновацион таркибни ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда корхонани бошқарув тизимини қайта ташкил этиш.

Корхонада диверсификациянинг барча ижобий хусусиятларидан келиб чиқиладиган бўлсада, корхона ўз фаолият соҳасидан жуда четга чиқиб кетиши мақсадга мувофиқ эмас[3]. Агар инновациялар корхона фаолияти соҳасига нисбатан анча юқори самарадорликка эга бўлсада, инновацион тизимга тегишли бўлган филиал корхонани ташкил этган маъқул;

-корхонанинг бозор талабларига таъсири тезлигини ошириш.

Давлат инновацион сиёсатининг тадбирлари рақобатни рағбатлантириш, жамиятни хабардор қилиш, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш ҳамда стандартлаш кабиларни камраб олиши зарур.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бевосита ва билвосита усулларда амалга оширилади. Бевосита усулларга ИТТКИ ва инновацион лойиҳаларни бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш, инновацион фаолият иштирокчилари хукукларини ҳимоялаш, давлат патент ва лицензия тизимини ташкил этиш, давлат инновацион инфраструктураси ва инновациялар бозорини яратиш, малакали кадрларни тайёрлаш, шунингдек, инновацион фаолиятни маънавий қўллаб-қувватлаш, масалан, илгор олим ва новаторларга давлат мукофотлари топшириш, фахрий унвонлар бериш ва ҳоказолар[4].

Инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг билвосита усулларининг моҳияти, энг аввало, воситали рағбатлантириш тўғридан-тўғри молиялаштиришга нисбатан анча кам бюджет сарфларини талаб қилади. Бу ҳолат айникса, Ўзбекистонда мавжуд иқтисодий ҳолат учун долзарб ҳисобланади. Давлат инновацион фаолиятнинг ташкилий, иқтисодий, молиявий, меъёрий-ҳуқуқий каби барча тартибга солиш усулларини амалга ошириши лозим.

Ўзбекистон давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш илмий-техник сиёсатни асосий молиявий воситаларидан бири ҳисобланади.

Шундай қилиб, инновацион фаолият тараққиёти нафақат алоҳида корхона даражасида, шунингдек, интеграциялашган ташкилотлар ва ҳатто мамлакат микёсида самарали молиялаштириш тизимини талаб қилади. Фақатгина шундагина маблағларни жамғариш ва уларни сарфлаш учун зарур шароитлар яратилиши ва уларни аниқ йўналишларга қаратиш имконияти туғилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дамодаран А. Инвестиционная оценка: Инструменты и методы оценки любых активов:Пер.с англ.-4-е изд.-М.:Альпина Бизнес Букс,2007.1340 с.

2. Шарп У., Александер Г., БэйлиДж. Инвестиции: Пер. с англ.-М. ИНФРА-М, 2007.1028 с.

3. Махкамова М. Инновационно-инвестиционная политика в новых условиях. //Экономическое обозрение//. N 12. 2001, 11с

4. “Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. Гулистон 2018йил.

Тиловов Т.Б. *– ОБМ тингловчиси*

ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Жаҳон алоқоларини ривожлантиришда транспорт инфратузилмаларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Жаҳон банки маълумотларига кўра, жаҳон транспорт хизматларининг ЯИМ таркибидаги миқдори 4,3 трлн. АҚШ доллари (6,9%)ни ташкил этиб, йилига 110 млрд. тонна юк ва 1 трлн. дан ортиқ йўловчилар ташилмоқда, транспорт инфратузилмасида банд бўлган ходимлар сони 100 млн. кишини ташкил этмоқда. Мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоғи ва миллий иқтисодиётни жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашувининг муҳим омили сифатида транспорт ва логистика соҳаларининг сифат жиҳатидан жадал ривожлантириш юзасидан кенг қамровли ва мақсадли дастурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борада, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Миллий транспорт логистика компаниялари ўртасида рақобат даражасини ошириш»[1] ҳамда «Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш таклифи берилди»[2]. Мазкур таклиф ва вазифаларнинг самарали ижроси мамлакатимизда транспорт тизимини ривожлантириш самарадорлигини оширишни тақозо этади.

1-жадвал

Транспорт турлари бўйича юкларни етказиб бериш ҳисоб-китоб формулалари[3]

Транспорт турлари	Етказиб бериш вақти ҳисоб-китоб формулалари	
Темир йўл	$\text{Т}_\text{т} = \text{т}_\text{бт} + \boldsymbol{L}/\boldsymbol{V_y^j} + \boldsymbol{t}_\text{қўш}^\boldsymbol{j};\ \boldsymbol{T}_\text{м} + \boldsymbol{L}/_\text{тиж}$	(1)
Қувур	$\boldsymbol{V}_\text{тиж} = \dfrac{\boldsymbol{l}}{\dfrac{\boldsymbol{l}}{\boldsymbol{V}_\text{кун}} + \dfrac{\boldsymbol{2\alpha D_r}}{\text{М}} + \boldsymbol{t}_\text{қўш}^\text{м}}$	(2)
Ҳаво транспорти	$\text{Т}_\text{ҳ} = \boldsymbol{t}_\text{бт} + \dfrac{\boldsymbol{l}}{\boldsymbol{V}_\text{н}^\boldsymbol{p}} + \boldsymbol{t}_\text{қўш}^\boldsymbol{p}$	(3)
Автомобиль	$\text{Т}_\text{а} = \boldsymbol{t}_\text{бт} + \dfrac{\boldsymbol{l}}{\boldsymbol{V}_\text{эк}}$	(4)

Жаҳон транспорт бозорида замонавий логистика ёндашувлари асосида чуқур тизимли тузилмавий ўзгартиришларни амалга ошириш зарурати юзага келмоқда. Бугунги кунда, маҳаллий ва хорижий тажрибаларга кўра, рақобатчиликдан аралаш қўшма ташувларга, шу билан бирга, интеграциялашган

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // www.lex.uz.

[2] Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқи.

[3] Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган.

бошқариш марказига эга бўлган ягона транспорт тизимини ташкил этиш зарурати юзага келмоқда. Транспорт турларида юкларни етказиб бериш муддатлари 1– жадвалда келтирилган формулалар бўйича аниқланади.

Халқаро транспорт-иқтисодий фаъолиятини ташкил этиш учун дастлаб, ўз таркибига темир йўл, ҳаво ва автомобил транспортларини олган ягона транспорт тизимларининг тавсифларини билиб олиш мақсадга мувофиқ ҳиобланади. Юк ташиш турини танлашда юк жўнатувчи кўплаб мезонларга таянган ҳолда иш кўриши лозим бўлади. Ушбу мезонлар беш баллик шкала бўйича амалга оширилади. Бунда “1” – энг юқори балл, “5” –энг қуйи балл (2 –жадвал).

2-жадвал

Транспорт турини танлашда таъсир этувчи асосий омиллар кесимида ҳар хил транспорт турларининг баҳоси[1](5 баллик шкала бўйича)

Транспорт турлари	Тезлиги (етказиб бериш вақти)	Ишончли-лиги (графикка риоя қилиши)	Юклар-ни ташиш имкони-яти	Хизмат кўрсатилади-ган географик нуқталар сони	Бир тон-км қиймати (нархи)
Темир йўл	3	4	2	2	3
Сув	4	5	1	4	1
Автомобил	2	2	3	1	4
Қувур	5	1	5	5	2
Ҳаво	1	3	4	3	5

Сўнги йилларда мамлакатимизда темир йўл транспорти орқали ташилган транзит юк ҳажми сўнги олти йилда 6% фоизга камайганлигини кўриш мумкин. Ушбу ҳолат профессионал ташувларда тадбиркорлик қобилятининг етишмаслиги ҳамда назорат тизимининг ижобий эмаслиги билан изоҳланади.

Бугунги кунда мамлакат транспорт тизимини ривожланиш жараёни суст даражада кечишига қуйидаги муаммолар таъсир кўрсатмоқда:

– контейнер ташув ҳажми етишмаслиги;

– темир йўл транспортида юк ташиш нархларининг юқорилиги;

– 3PL ва 4PL даражадаги логистик хизмат провайдерларининг ривожланмаганлиги;

– темир йўл вагонларининг 60% га яқин қисми 20-30 йил давомида, 13% эса 30 йилдан ортиқ хизмат кўрсатиб келмоқда;

– халқаро ташувларда 1,5% рефрижератор автомобиллари иштирок этиб (талаб 15-20%), ушбу кўрсаткич темир йўл вагонларининг 4% ни ташкил этади;

– транспорт-логистика тизимида ягона бошқарув механизми мавжуд эмаслиги;

– бугунги кунда йўлга қўйилган транспорт-логистика тизимининг мувофиқлаштириш механизмини ишламаётганлиги;

– транспорт-логистика тизимини умумий назорат қилиш методикасини тизимга солинмаганлиги;

[1] Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тузилган.

– мамлакат автомагистралларининг 70%дан ортиғи транспорт воситаларининг оптимал ҳаракатланиш тезлигини таъминлай олмайди;

– омборхона хўжалиги асосий фондларининг 30 %га яқини жисмоний ва маънавий эскирган;

– юк ортиш-тушириш ишларини механизациялаштириш даражаси 20-30 % ни ташкил этади.

Транспорт тизимини ривожлантириш самарадорлигини баҳолаш бир мунча мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун бошқариш самарадорлигини баҳолашдаги асосий мезонларни аниқлаш ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни математик функция орқали ифодалаш мақсадга мувофиқ. Демак, тизим фаолиятидаги асосий мезонлар қуйидагилар деб ҳисобланди:

– юк массаси “М”, тонналарда;

– босиб ўтилган масофа “L”,километрларда;

– етказиб бериш вақти “Т”, соатларда;

– транспорт ва логистика харажатлари, “Х” сўмларда.

Ушбу мезонлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик қуйидаги иқтисодий-математик модел асосида ифодаланди:

$$И_к = М^x * L^y * T^z * X^f \quad (5)$$

Бу ерда $И_к$– интеграциялашган транспорт-логистика фаолиятини иқтисодий баҳолаш кўрсаткичи;

x, y, z, f –умумий ҳисобланган кўрсаткичлар бўлиб, қуйидаги чегараларда аналитик текширувда аниқ ва изоҳланадиган натижа ҳисобланади:

$$-3.0 \leq x, y, z, f \leq 3.0 \quad (6)$$

x, y, z, f ушбу боғлиқликни умуман олганда транспортнинг ҳар қандай тури учун қўллаш мумкин бўлган кўрсаткич сифатида олиш мумкин бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, $x = 0, y = 1, z = 0, f = 0$ бўлганда қуйидаги муносабат келиб чиқади:

$$И_к = М^0 * L^1 * T^0 * X^0 = \text{км, масофа} \quad (7)$$

$x = 0, y = 1, z = -1, f = 0$бўлганда эса қуйидаги тенглик келиб чиқади: $И_к = М^0 * L^1 * T^{-1} * X^0 = \frac{\text{км}}{\text{соат}}$, ҳаракат тезлиги (8)

Шу тариқа, (4-8) формулаларга асосан транспорт тизими самарадорлигини баҳолаш жараёни қуйидаги функция орқали ифодалаб олинди. $Y = 0.243 * x_1 + 0.192 * x_2 + 0.17 * x_3 + 0.109 * x_4$ (9)

Демак, транспорт тизими самарадорлигини баҳолаш имконини берувчи мақсадли функция интеграциялашув бўйича фаолиятларни самарали олиб бориш, етказиб бериш харажатларини камайтириш ва тизим фаолияти самарадорлигини ошириш имконини беради деб ҳисоблаймиз.

Мухтасар қилиб айтганда, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖда транспорт-логистика тизими самарадорлигининг асосий унсурларидан бири логистика харажатларини минималлаштириш, хизматлар истеъмолчилари буюртмаларини бажариш муддатларини қисқартиришдан иборат. Транспорт тизим фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклиф этилган усуллар ҳамда тавсиялар транспорт тизимини самарали ривожлантиришнинг қисқа ва узоқ муддатдаги

стратегияларини ишлаб чиқиш, тизимни модеринизация қилиш, бизнес ҳамкорлари билан мувофиқлашув ва интеграциялашув бўйича фаолиятларини самарали олиб бориш, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш, логистика хизматлари провайдерларининг рақобатбардошлигини ошириш, шу билан биргаликда мамлакат транспорт тизим фаолияти самарадорлигини ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. The World Bank: World Development Indicators. http: //data.worldbank.org/indicator.

2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси - http://strategy.regulation.gov.uz/uz/document/.

3. Fayzullayev J.S. Evaluation of efficiency of transport - logistics system. // XLVII International correspondence scientific and practical conference «International scientific review of the problems and prospects of modern science and education» (Boston. Usa. July 24-25, 2018). 62-65.

Тўйчиев О.Ш. *– ОБМ тингловчиси*

ДАВЛАТ УЛУШИГА ЭГА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ ТРАСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майда ПФ-5992-сонили “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонда банкларнинг инвестициявий жозибадорлигини, банк хизматлари оммабоплигини ва уларнинг сифатини ошириш учун банк секторини тубдан трансформация қилиш белгиланди.

Аввалда банк тизимини трансформация қилиш ва хусусийлаштиришнинг афзалликлари хусусида тўхталиб ўтмоқчиман.

Тижорат банкларини трансформациялаш ва хусусийлаштириш (давлат улушини камайтириш) орқали,

Биринчидан молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банкларда хизмат кўрсатишни модернизация қилиш, самарали инфратузилма яратиш ва банклар фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банкларнинг асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган функцияларини босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини оширамиз;

Иккинчидан кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмлари ўсишининг мўътадил даражасига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб

қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаймиз;

Учинчидан етарли даражада хизмат кўрсатилмаётган ва заиф қатламларда давлат иштирокини кўпайтириш ва манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли ва кичикбизнес учун масофавий хизматларни кенг жорий қилиш, камхарж хизмат кўрсатиш нуқталари тармоғини ривожлантириш, шунингдек, республиканинг ягона молия тизимидаги ўзаро тўлдирувчи қисм сифатида нобанк кредит ташкилотларининг шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали молиявий хизматлар оммабоплигини ва сифатини оширамиз.

Биргина тижорат банкларини рақамли трансформациялаш орқали,

аввалда 5 кунда расмийлаштириладиган банк кредитларини бир соатгача бўлган вақтда, масофадан бошқарилган ҳолда расмийлаштириб, кредит маблағларидан фойдаланиш;

аввалда тижорат банкига келган ҳолда ўртача 1 соат вақт мобайнида расмийлаштирилган банк омонатларини масофадан туриб 10 дақиқада расмийлаштириш ва маблағ зарурияти туғилганда тез фурсатда маблағларни олиш;

аввалда фақатгина белгиланган иш кунидаги иш вақтида банк хизматларидан фойдаланилган бўлса, эндиликда 24/7 режимда дам олиш кунларисиз банк мижозига қулай бўлган вақтда ҳисобрақамларни масофадан бошқариш, банкомат ва инфокиоскалардан фойдаланиш;

аввалда банкка келган ҳолда ёки операторнинг телефон қўнғироғига жавоб беришини кутган ҳолда банк хизматлари хақида консултатив маълумот олинган бўлса, эндиликда мобил иловалар ва интернет ахборотлари ҳамда “call марказ”лар орқали қисқа вақт ичида маълумотга эга бўлиш;

аввалда кредит ҳисобрақамлари, ҳисобланган фоизлар, тўлов муддатлари, тўлов суммалари хақида маълумотга эга бўлиш ва тўловларни амалга ошириш банкка келган ҳамда банк ходимини вақт ажратишини кутган ҳолда амалга оширилган бўлса, эндиликда мобил иловалар орқали маълумотга эга бўлиш ва автоматик равишда тўловларни амалга ошириш каби кўплаб имкониятлар ва қулайликлар яратилади.

Трансформация – қулайлик, замонавийлик, жаҳон иқтисодиётига ва молиявий ташкилотларига интеграллашув, инсон омили иштирокидаги коррупция ва ўзгалар маблағини ўзлаштиришни олдини олиш, жаҳон амалиётига муносиб кадрлар авлодини тарбиялаш ва кўникмасини шакллантириш, қоғоз ва вақт сарфини тежаш, жаҳон молия бозоридаги арзон ва узоқ муддатли инвестицион маблағларни жалб этиш, ташқи инвестиция портфелини диверсификациялаш орқали мамлакат иқтисодиётини маълум бир давлат ёки гурухлар қарамлигидан сақлаш, рақобатбардош ва барқарор ривожлантириш демакдир.

Ўз ўрнида салъбий ёки алоҳида аҳамият қаратилиши лозим бўлган томонлари:

Тижорат банкларида давлат улушини камайтирилиши молия бозорида давлат регуляторлик ваколатини пасайтиради, бу эса давлатнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларини мақбул шартларда молиялаштиришга чекловларни юзага келтиради;

Банк ахборот базаларини ташқи фойдаланувчиларга интеграллашуви маълум бир ахборот хужумларини, фирибгарлик йўллари билан маблағларни ўзлаштирилиши хатарларини юзага келтиради. Бу эса ахборот хавфсизлиги соҳасига масъул бўлган мутахассислар гуруҳига эҳтиёжни юзага келтиради. Мамлакатимизда эса бу соҳа мутахассислар гуруҳи етарли даражада шаклланмагани хеч кимга сир эмас;

Рақамли трансформациялаш меҳнат бозорида молия ва иқтисод соҳасидаги банд бўлмаган (ишсизлар) мутахассислар кўпайишига сабаб бўлади.

Демак, жадал трансформациялаш ҳам маълум бир салъбий оқибатларни юзага келтиради. Бу эса маълум бир тижорат банкларида давлат улушини сақлаб қолиш, трансформациялаш жараёнида параллел равишда мутахассисларни қайта малакалаштириш, хусусан маълум бир йўналишга иқтисослашган мутахассислардан "универсал" мутахассисларни шакллантиришни талаб этади.

Маълумот ўрнида, 2021 йил 1 апрел холатига Ўзбекистон Республикасида 32 та тижорат банклари фаолият юритмоқда, шундан 13 та тижорат банкида давлат улуши мавжуд. Тижорат банкларининг жами активлари 371 351,1 трлн.сўмни ташкил этиб, мазкур банк активларининг асосий салмоғи 314 231,5 млрд. сўми (84,6%) давлат улуши мавжуд тижорат банклари хиссасига тўғри келмоқда.

Usmanov S.M. *– The Russian Presidential Academy of National Economy and Public Administration (RANEPA), Northwest Institute of Management, St. Petersburg, Russian Federation*

ANALYSIS OF THE EXISTING PRACTICE OF USING THE DESIGN APPROACH IN THE ACTIVITIES OF CONSTRUCTION ORGANIZATIONS

Project management refers to management that takes a systematic approach to solving complex components. Various methods and techniques are used for such solutions. In project management, a certain style of management, thinking and self-realization is applied. Project management can be called a methodology or philosophy that allows you to solve problems (projects) in a complex and with the greatest effect. High-quality project management allows you to achieve the goal in a specified or shorter time frame, at contractual or lower costs. An auxiliary criterion for assessing the success of a project is the so-called form of triple limitation (goal, time, cost), that is, the achievement of the goal (content) for a certain time and cost.

A prerequisite for high-quality project management is the ability to apply the foundations of key competencies - universal knowledge and skills.

The International Project Management Association has identified three main types of competencies. Technical competence is expressed through twenty elements (competencies), behavioral competence includes fifteen elements, contextual competence consists of eleven elements. It should be noted that for the domestic

management practice, the application of standards guarantees a high level of quality of implemented projects. At the same time, a significant part of investment projects in the construction sector is being implemented with exceeding deadlines, budgets, is associated with organizational problems, capital-intensive projects, which creates certain problems in the field of project management [1].

Typical problems for a construction company:

1. The first problem is that incomplete utilization of production facilities leads to a heavy burden of overhead costs in the cost of manufactured products.

2. The second problem is that the majority of construction enterprises retained the organizational structure of management based on bureaucratic principles. Hierarchical distribution of powers and responsibilities, standardized rules, governance based on precedents - these principles do not work well in today's economic environment.

3. The third problem is that construction companies, as a rule, on the one hand, are acutely aware of the lack of funding, and on the other hand, they are inefficiently using resources: equipment, inventories, personnel.

As a result of the above reasons, there is a low efficiency and insufficient control of construction enterprises. In the current conditions, it is necessary to build a new management system for a construction company capable of adapting enterprises in the shortest possible time in accordance with the needs and trends of the market. In this regard, the relevance of research on the development of scientifically grounded and practically applicable methods for analyzing the effectiveness of investment projects implemented in an operating construction enterprise is increasing.

The project approach allows you to create flexible organizational structures designed to solve specific problems with constant deviations from the planned progress of construction work.

Project management allows you to focus on achieving your goals and instead of a long and very formal implementation of regulated processes, to carry out short and direct interaction, coordination and a clear division of labor.

Projects implemented in different fields by different specialists have significant differences among themselves. Therefore, in order to choose one or another approach to managing a specific project, it is first necessary to understand the features of this particular type or type of project. Projects encountered in construction companies can be classified according to various characteristics:

- small, large, medium-sized projects, in terms of the volume of resource costs:

- Monoprojects with a narrow specialization - these are separate projects of various types and purposes, having a specific goal, a clearly defined framework for finances, resources, time, quality and involving the creation of a single project group.

- according to the objectives of the projects, most often projects aimed at creating or renovating the fixed assets of organizations that require investment are distinguished.

- can be divided into “technical” (introduction of a new construction technology), “organizational” (introduction of a new management system), “economic” (implementation of a financial planning and budgeting system for a construction company).

The use of project management methods allows you to avoid such common problems as disruptions and postponements of work completion, technology disruptions, financing problems, delays in delivery and completeness of resources. One of the main advantages of the project management methodology is also the fact that it is universal and can be applied to completely different projects from the point of view of implementation technology.

It should be noted that any construction project goes through certain phases in its development, collectively called the life cycle. One of the main stages of project management is the assessment of the investment attractiveness of the project.

Considering the payback of an investment project, there are three main phases in it:

- preliminary (investment feasibility study),
- preparatory (investment),
- production (construction and sales).

The life cycle of a project, the purpose of which is to carry out work under a contract, may include phases: inception (preparation of contracts and initiation of work), project implementation phase (detailed planning and execution), and project completion phase.

In the implementation of project management, an important role is played by the tasks of communication and joint work of representatives of various and often competing divisions of a construction company. The internal culture of each enterprise and the conditions for the implementation of projects are unique for each company in their own way. However, adherence to the fundamental principles and concepts will undoubtedly help the enterprise create an effective project structure, without which, as practice shows, effective and successful implementation of project management is impossible. The main strength of the project management concept in construction lies in the delegation of power and the assignment of responsibility for achieving goals to specific leaders - the project manager and key team members. The main problem of the project management concept is the difficulty of creating an effective temporary management system that should function in conjunction with the permanent management system in the organization.

It should be noted that today construction organizations themselves are making efforts in this direction, developing and using corporate standards for project management. Some corporate standards affect areas that are not yet included in the national standardization system (risks, quality, etc.). At the same time, construction organizations have traditionally developed a commitment to national standards, for example, to GOST for the quality of building materials.

Multidimensional project management activities, as part of the construction business, can be more effectively organized by applying scientifically grounded uniform rules, methods and procedures enshrined in industry standards, which will increase project efficiency, increase the competitiveness of construction organizations, and more effective partnerships between project participants.

References:

1. Pavlova O.V. Project Management Standard. P.C. Week / RE # 5 (790), March 6, 2012.

Халметов Б.К. *– ОБМ тингловчиси*

НЕФТ-ГАЗ СОҲАСИДАГИ ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ КОМПЛАЕНС АТАМАСИ

“Комплаенс” (Муофиқлик) атамаси нима ва нима учун йирик компаниялар чет-эл компанияларининг улушларини олганда бунга эътибор беришади. Ушбу атама кенг маънода қонунга мувофиқлик сифатида изохланиши мумкин. Баъзи бир экспертлар Халқаро коррупцияга қарши қонун ҳужжатларига мувофиқлик деб тушунишса, баъзилари Комплаенсни умуман қонунчиликка мувофиқлик деб тушунишади. Монополияга қарши қонунлар, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, атроф-мухитни мухофаза қилиш, коррупция ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунлар мавжуд, яъни улар бу атамани кенгрок тушунадилар. Нефт ва газ саноатида “Комплаенс” атамаси янги тушунча ҳисобланади. Банк, суғурта ва фармацефтика соҳаларида узоқ вақтлардан бери “Комплаенс” атамасининг баъзи шакллари мавжуд бўлиб улар хозирги вақтда мукаммалаштирилиб тартибга солинган. 2004 йилда Молия секторларида комплаенс тизимини тартибга солувчи қонун қабул қилинган бўлиб уларга риоя қилиниши ва чоралар кўриш мажбуриятларини юклайди. Шу сабаб “комплаенс” аллақачон молиявий соҳаларда ишламоқда. Нефт ва газ сохасида “комплаенс” янги ва замонавий тушунчадир. Бунинг сабаби нимада?

Ўтган яқин даврларда ташкилотларда жараёнларнинг қанчалик яхши ишлашини ўрганувчи ва текширувларни амалга оширувчи хизмат тури бўлиб Аудит ёки назорат тафтиш департаментлари бўлган. Бугунги кунга келиб бу функциялар кўпкина ташкилотларда ишламаябди ва аудиторларнинг тушуниши ва талқин қилиниши ҳам ўзгарган. Эндиликда аудиторлар хар қандай қонунбузарликларни топишни истаган аудитор мутахассиси сифатида эмас балкий бизнесда маслахатчи ва ёрдамчи сифатида кўрилади.

Кейинги эволюция бу – Комплаенс департаментининг шаклланиши. Бу департамент ўз навбатида алоҳида тизим сифатида фаолият юритиши мумкин ёки аудит ва хатарларни бошқариш билан боғлиқ алоҳида функцияларни ўз ичига олган холда фаолият қилиши хам мумкин. Комплаенс тизими компанияда мухим фаолият сифатида, Ўзбекистон Республикаси ва ҳалқаро миқиёсидаги қабул қилинган қонун хужжатларга риоя этилишини назорат қилиш, корхонанинг шаффоф фаолият кўрсатиши учун зарур сиёсатларнинг мавжудлигини, ходимлар эса манфаатлар тўқнашувининг нима эканлиги хақида тушунчага эга бўлишларини ва уни қандай қилиб олдини олиш мумкинлигини назорат қилади. Шунингдек, молиявий назоратни амалга ошириш яъни хўжалик фаолиятига доир бўлган молиявий операцияларини қонунчиликка мувофиқлигини ўрганиш ва қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этилиши ҳамда олдини олинишида амалий ёрдам кўрсатиш яъни муаян вазифаларни амалга оширади.

Бу вазифалар нималардан иборат? Биринчидан, бу ходимларни корпоратив этика, бизнес этикаси ва уларга риоя қилиш тартиб-қоидаларига ўргатишдир.

Шунингдек, Комплаенс тизимининг асосий принцепларидан бири компанияда зарур сиёсатларнинг мавжудлиги ва бу сиёсатлар миллий ва халқаро қонунчилик нормаларига зид келмаслигини назорат қилишдир.

Ва яна бир вазифаларидан бири – тендерлар ўтказиш, харидларни амалга ошириш, ходимларни ишга олиш ва ходимни бир лавозимдан бошқа лавозимларга ўтказиш каби юқори хатарли жараёнлар амалга оширилганда манфаатлар тўғнашувини олдини олишдир. Компания томонидан кўрсатилаётган хомийликлар, беғараз ёрдамлар молиялаштирилишида албатта Комплаенс тизимининг фикрини олиш ва уларнинг назорати мухим ҳисобланади.

Хеч кимга сир эмаски, Ўзбекистонда “Коррупцияни тасаввур қилиш” индекси мавжуд. Ушбу тадқиқот “Transparency International” томонидан олиб борилади. 2019 йил учун Ўзбекистон 25 балл билан 153 ўринни эгаллаган. Шу сабабли Ўзбекистон билан ишлайдиган хар қандай халқаро компаниялар шартнома тузишдан олдин кенгайтирилган текширув ва ўрганишларни амалга оширади яъни **Due Diligence**. Шунга кўра Компаленс тизими нафақат ўқитиш, корпоратив этика кодексини ва ички сиёсатларни ёзиш билан боғлиқ расмий процедураларни амалга оширади. Унинг асосий вазифаси ходимларга, фикрлаш маданиятини ўзгартириш зарурлигини етказишдир ва албатта бу осон вазифалардан эмас. Нима учун чет эл компаниялари “Комплаенс” тизимини юқори даражадаги бўлиши хақида қайғурадилар? Жавоб оддий. Компаниялар ҳалқаро бозорларда ўз обрўсига эга бўлиши учун улар халқаро қонунчилик талабларига жавоб бериши керак. Хусусан, “Ўзбекнефтгаз” акциадорлик жамияти ҳам ўз нуфузини халқаро бозорларда юқори ўринларда сақлаши ва ўз обрўсига эга бўлиши учун жамиятнинг аниқ сиёсати бўлиши ва жамиятнинг корпоратив қадриятларини кузатиб, назорат қилиб борадиган ва халқаро қонунларнинг барча талабларига жавоб берадиган “Комплаенс-назорат” тизимини яратиш зарурияти вужудга келди. Яқин 3 йиллик даврда Ўзбекистонда “Ўзбекнефтгаз” акциадорлик жамиятида кескин ўзгаришлар рўй берди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуслари билан 2020 йил 4 апрелдаги фармонларига асосан нефт ва газ сохаларини тубдан ислоҳ қилиш, улар фаолиятида шаффофликни таъминлаш, моддий техник базаларини модеринизация қилиш, юқори малакали ходимларни жалб қилиш, шу жумладан хорижий мутахассислар ва хориждаги ватандошларни жалб қилиш, шунингдек, жорий йилнинг 1 октябрга қадар нефт ва газ саноатининг барча корхоналарида коррупцияга қарши “Комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш топширилди.

Шу аснода “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамиятида Бошқарув Раис М.Р.Абдуллаевнинг буйруқлари асосида 2020 йил май ойида Молиявий ва комплаенс назорати департаменти ташкил этилди. Унинг асосий мақсади ва вазифалари жамиятнинг барча соҳаларида шаффофликни, миллий ва халқаро қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашдир. Шунингдек, соҳанинг молиявий-хўжалик фаолиятида тизимли барқарор муҳитни шакллантириш, тизимдаги мавжуд молиявий қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш, аниқлаш, бартараф этилиши ва келгусида йўл қўйилишини олдини олишга амалий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Ҳамроева И.Н. *– “O’ZLTINEFTGAZ” АЖ катта илмий ходими, Озарбайжон Республикаси Давлат SOCAR компаниясининг «Нефтгаз» ИТЛИ диссертанти*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ НЕФТЬ-ГАЗ ТАРМОҒИГА ЛОЙИҲА ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ТАДБИҚ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

“НАСА одамни Ойга жўнатаётиб, дуч келган қийинчиликларнинг энг мураккаби, эҳтимол бошқарув энг мураккаб вазифа эди” – Роджер Лаунис, НАСА тарихчиси

Инсониятда бутун тарих давомида муваффақиятли амалга оширилган лойиҳаларнинг улкан рўйхати тўпланди. Гизадаги Пирамидаларни қуришдан тортиб одамни Ойга жўнатишгача, энг жасур инсоний ташаббуслар, минглаб кишиларнинг тартибга солинган ишини талаб қилди. Бу эса лойиҳаларни бошқарувнинг мураккаб тизимини назарда тутади.

Гарчи биздан айримлар бундай кўламдаги вазифалар билан тўқнаш келсалар-да, мутахассисларнинг кўпчилиги лойиҳавий бошқарув билан юзма-юз келадилар. PMIнинг фикрига кўра, 2020 йилга бориб лойиҳа мутахассисларининг 15 миллион янги иш ўринлари пайдо бўлади – кўплаб бошқа профессионалларга эса кўпинча, гарчи шахсий даражада бўлса-да, мини-лойиҳаларга раҳбарлик қилишга тўғри келади.

Оддий сўзлар билан айтганда, ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ – бу мақсадга эришиш учун нима керак бўлса барчасини – ўз вақтида ва албатта, бюджет доирасида бошқариш ва ташкил қилишдир. Бу янги дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, маркетинг компаниясини олиб бориш, ёки инсонни Марсга қўндириш бўлсин – лойиҳа бошқаруви муваффақият қозонишга имконият туғдиради.

Барча лойиҳалар хилма-хилдир. Лойиҳаларнинг ҳар бирига тўғри келадиган лойиҳаларни бошқарув мавжуд эмас. Шунингдек, ҳар бир раҳбарга тўғри келадиган ва командянинг барча аъзолари учун қулай бўлган тизим ҳам мавжуд эмас. Бироқ лойиҳа бошқарувининг мавжудлиги пайтида кўплаб самарали ёндашувлар, методикалар ва стандартлар яратилган бўлиб, уларни фойдаланишга қабул қилиш мумкин.

Лойиҳанинг раҳбари учун аниқ регламентлар зарур, улар асосида у қарорлар қабул қилиши мумкин. Ҳамонки компаниянинг барча раҳбарлари ўзлари “лойиҳа” нима эканлигининг, “жараён” нима эканлигининг аниқ қоидасини белгилаб олмас эканлар, ташкилотни бошқарув самарадорлиги бундан зарар кўради.

Стандарт нима биландир“қотиб қолган”ва аксиоматик ҳисобланмайди, у мунтазам ривожланиши ва такомиллашиши керак.Лойиҳаларни бошқарув стандарти қуйидагиларни таъминлашга имкон беради:

1. Лойиҳаларни бошқарув соҳасидаги умумий терминологияни;

2. Ташкилотда лойиҳаларни бошқаришнинг принципларини ва жараёнларини тушунишни;

3. Лойиҳаларни амалга оширишда ваколатларни ва жавобгарликни фарқлашни;

4. Қабул қилинаётган бошқариш қарорлари самарадорлигини оширишни;

5. Лойиҳаларни бошқариш учун ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг кўп меҳнат талаб қилишлигини пасайтиришни.

Нефть-газ тармоғининг лойиҳалашга йўналтирилган кўпчилик корхоналари учун энг муҳим вазифа, бошқарувнинг корпоратив тизими ишлашининг асосий тушунчаларини, принципларини, механизмларини ва жараёнларини белгилаб берувчи лойиҳаларни бошқарувнинг корпоратив методологиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Лойиҳаларни бошқаришнингкорпоратив методологияси корхонани бошқариш тизимининг учта асосий элементларидан бири ҳисобланади:

- Лойиҳани бошқарув (ЛБ) методологияси (стандартлар, регламентлар, методикалар, инструментлар);
- ЛБ ташкилий структураси (лойиҳа комитети, лойиҳа офиси, лойиҳа командалари);
- ЛБ инфраструктураси (информацион ва коммуникацион тизимлар, справочниклар ва классификаторлар).

Шак-шубҳасиз, бошқарув корпоратив методологиясининг асосий қарорларини ишлаб чиқишда лойиҳаларни профессионал стандартларда тўпланган, халқаро олимлар ва амалиётчиларнинг бирлашмалари томонидан ишлаб чиқилган мавжуд тажрибага таяниш лозим.

Лойиҳаларни бошқарув методологиясининг асоси сифатида стандартни танлашда, қоидага кўра, қуйидагилар асосий таққослаш мезонлари ҳисобланадилар:

- Бошқаришда қўлланилаётган ёндашув;
- Бошқарув соҳаларининг предмет таркиби;
- Бошқариш ҳужжатлари андазаларининг мавжудлиги;
- Давлат тилига таржиманинг мавжудлиги;
- География қамров;
- Оммалаштириш соҳаси бўйича ихтисослашув.

Шунингдек, лойиҳалар бошқарувининг методологик базасини шакллантиришда ҳамда ёндашувни танлашда корхонада мавжуд бўлган, қуйидаги параметрлар билан характерланадиган бошқарув методикасини эътиборга олиш зарур:

- ривожланишда лойиҳаларнинг ҳиссаси;
- амалга оширилаётган лойиҳаларнинг характери;
- лойиҳаларни бошқариш мавжуд тизимининг пишиқлик даражаси;
- тайёргарлик даражаси ва корхона ходимларининг менталитети;
- информацион технологияларнинг мавжудлиги ва даражаси.

Мавжуд стандартларнинг таҳлили кўрсатдики, бир томондан – тақдим қилинган стандартларнинг ҳар бири бир қатор рад қилиб бўлмайдиган

устунликларга эга ва лойиҳаларни бошқаришнинг корпоратив тизимини шакллантиришда асос сифатида олиниши мумкин. Бошқа томондан – тақдим қилинган ва алоҳида олинган стандартларнинг бирортаси ҳам қўйилаётган талаблар комплексини тўлиқ қондира олмайди [1, 2, 3].

Юқорида баён қилинганга мувофиқ, лойиҳаларни бошқаришнинг корпоратив тизими методологиясини шакллантиришнинг асоси сифатида нефть ва газ корхоналарини ривожлантиришга нисбатан комбинацияланган ёндашувни, мавжуд стандартларнинг афзалликларини ишлатиш зарур. Лойиҳаларни бошқаришнинг корпоратив тизими методологиясини шакллантиришда драйверлар сифатида қуйидаги стандартлар назарда тутилади:

- PMBOK – лойиҳа даражасида бошқарувнинг асосий принципларини шакллантириш мақсадида, ходимларни ўқитиш ва корхонада умумий терминологияни шакллантириш сифатидаги ўргатувчи стандарт.
- P2M – корхонанинг инжиниринг лойиҳаларини, унинг стратегик мақсадларини ва қийматли ориентирларини ҳисобга олиб, бошқаришга тизимли ёндашувни таъминловчи стандарт сифатида.
- PRINCE2 – корхоналарни юқори даражада бошқарувини ва назоратини таъминловчи стандарт сифатида.

Одатда, лойиҳаларни бошқарувнинг корпоратив тизими методологик асоси энг муҳим ҳужжатда – лойиҳаларни бошқаришнинг Корпоратив сиёсатида битилган бўлади. Ушбу ҳужжат корхоналарнинг лойиҳаларини бошқариш соҳасидаги умумий, етарли ва шарт бўлган принципларга, қоидаларга ва терминологияга риоя қилишни ифодалайди. Кўпинча бу ҳужжат қуйидагиларни белгилаб беради:

I. Лойиҳаларнинг корхоналарнинг Гуруҳидаги ўрнини ва ролини, чунончи:

1) Корхона Гуруҳининг лойиҳаларини корхона Гуруҳи фаолиятининг маълум турларини ташкил қилишнинг шакли сифатида тасвирлаш;

2) лойиҳаларни таснифлашнинг принциплари;

3) лойиҳаларни шакллантиришнинг принциплари.

II. Лойиҳаларни бошқаришнинг ташкилий асослари. чунончи:

1) лойиҳа иштирокчиларининг хизмат вазифалари;

2) лойиҳанинг ташкилий структуралари;

3) лойиҳаларни амалга оширишни қўллаб-қувватлашни таъминловчи корхоналар Гуруҳининг ташкилотлари ва бўлинмалари.

III. Лойиҳаларнибошқаришнинг молиявий асослари, чунончи:

1) лойиҳанинг бюджетини шакллантириш принциплари;

2) лойиҳани асослашнинг принциплари.

IV. Лойиҳавий процедуралар, хусусан:

1) лойиҳаларни бошқаришжараёнлари;

2) турли кўринишдаги лойиҳаларнинг ҳаётий цикллари;

3) лойиҳаларниҳужжатлаштириш тартибини ва лойиҳа режасининг ҳамда бюджетининг бажарилишини назорат қилиш механизмини қўшиб ҳисоблаганда, лойиҳаларни бошқариш жараёнлари.

Лойиҳаларни бошқаришнинг бугунги кунда мавжуд бўлган стандартлари ва методикалари, шак-шубҳасиз ўзида амалий фаолиятнинг ўн йили ичида тўпланган лойиҳаларни бошқаришнинг жаҳон тажрибасини акс эттирадилар ва лойиҳа ҳамда корпоратив бошқаришни стандартлаш тизимини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича жаҳон ва ўзбек тажрибасининг таҳлилидан келиб чиқиб, **қуйидаги хулосаларни** қилиш мумкин:

1. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошидан мавжуд бўлган корпоратив бошқарув соҳасини тартибга солувчи стандартларнинг гуркираган ривожланиши бу юз йилликнинг биринчи ўн йиллигида ҳам давом этмоқда. Шу билан бирга, корпоратив бошқарувни стандартлаштирувчи тизимни ривожлантиришнинг иккита тенденцияси мавжуд, чунончи:

• стандартлаштириш ниҳоятда халқаро, глобал характерга эга (бу, энг аввало, сифат ва экологик менеджмент тизимларини стандартлаштиришга тегишлидир, бироқ тенденция лойиҳаларни бошқарув соҳасининг стандартларига ҳам тарқаляпти);

• корпоратив бошқариш фаолиятининг янгидан-янги соҳалари, лойиҳа бошқарувининг барча соҳаларини – биргина лойиҳалар, лавозимлар ва дастурлардан тортиб то лойиҳага йўналтирилган ташкилий структураларгача стандартлаш билан қамраб олиняпти.

2. Стандартлашнинг хилма-хил тизимларида ягона принципларни ва методологик ёндашувларни қўллаш лойиҳани бошқарув тизимлари ривожланишининг уйғунлашувини таъминлашга, қабул қилинаётган стандартларга бир-бирини тўлдирувчи ва бир-бирини кучайтирувчи характер бағишлашга имкон яратяпти ва ташкилотларда бир бутун қилиб бирлаштирилган, бир неча ёки барча бошқарув стандартларининг талабларига жавоб берадиган бошқарувнинг самарали тизимини яратишга кўмаклашяпти.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Моррис П.У.Г., и др., Управление проектами. под ред. Пинто Дж. К. – СПб.: Питер, 2004.

2. Ильина О. Н. Методология управление проектами: становление, современное состояние и развитие. – М, ИНФРА-М: Вузовский учебник, 2011.

3. Сооляттэ А. Ю. Управление проектами в компании: методология, технологии, практика, М.:, МФПУ «Синергия», 2012.

Хидирбаев Б. *– Начальник отдела*
Министерства дошкольного образования

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ДОСТУПНОСТИ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

В период с 1991 по 2017 годы количество дошкольных образовательных организаций по республике сократилось с **10 тысяч** до **5 тысяч**. Сложившаяся система управления дошкольным образованием не позволяла эффективно и своевременно устранять системные проблемы, разрабатывать и внедрять инновационные подходы, наблюдались большие несоответствия между демографическими тенденциями и состоянием инфраструктуры дошкольных образовательных учреждений. Охват дошкольным образованием составлял **27,7%.**

В условиях современной системы образования дошкольные образовательные организации приобретают всё большую свободу в выборе содержания, методов и средств развития своих воспитанников. Возможными становятся функционирование различных типов детских садов, внедрение инновационных образовательных технологий, применение и реализация специализированных авторских программ (Абанкина И.В. Филатова Л. М. 2018)

В последние годы правительством Республики Узбекистан особое внимание уделяется вопросам развития системы непрерывного образования, формирования здоровой, развитой личности ребенка, повышения доступности и качества образовательных услуг.

Важным шагом в этом направлении явилось создание в 2017 г. Министерства дошкольного образования Республики Узбекистан, основными задачами которого были определены разработка и практическая реализация единой государственной политики в области дошкольного образования, внедрение в учебно-воспитательный процесс инновационных педагогических технологий, укрепление материально-технической базы и расширения сети дошкольных образовательных организаций, обеспечение ДОО учебно-методическими, дидактическими материалами и повышение квалификации педагогических кадров системы ДО.

За истекший период усовершенствована нормативно – правовая база системы дошкольного образования, которая является прочным фундаментом для дальнейшего его развития. Так, с момента создания министерства было принято **83** нормативно-правовых документа по всем направлениям работы министерства.

За прошедшие **3,5 года**, а именно с момента создания МДО, охват детей дошкольного возраста **увеличился более чем в два раза**. Так, на сегодняшний день, системой дошкольного образования охвачены **1 699 566**детей (в 2017 году – 708 247) или **60,9%** населения дошкольного возраста (в 2017 году – 27,7%).

Вместе с тем, во всех регионах республики наблюдается положительная динамика роста количества дошкольных образовательных организаций. В настоящее время на территории республики функционируют **18 254 ДОО** (в **2017** году – 5 211**)**, в том числе **6 197** государственных (в 2017 году – 4961), и **12 057**

негосударственных (в **2017** году – 250), включая **753** частных (в 2017 году – 250), **10 244** семейных (в 2017 году –0) и **1 025** (в 2017 году – 0) негосударственных ДОО на базе ГЧП.

В соответствии с Концепцией развития системы дошкольного образования РУ до конца т.г. дошкольным образованием запланировано охватить **68,3%** детей в возрасте 3-7 лет, а к 2030 г. достичь показателя охвата ДО в **80,8%.**

В рамках инвестиционных программ в 2018-2020 гг. в системе дошкольного образования были построены, введены в эксплуатацию и реконструированы более **1225 ДОО.**

В целях расширения сети негосударственных дошкольных образовательных организаций впервые в Республике Узбекистан именно министерством дошкольного образования был разработан и внедрен механизм государственно-частного партнерства.

В целях обеспечения гибкости в предоставлении услуг дошкольного образования, повышения эффективности использования бюджетных средств министерством ведется активная работа по внедрению различных альтернативных форм ДО.

В рамках государственно-частного партнерства реализована альтернативная модель обучения в форме **семейных ДОО**, созданных на условиях государственно-частного партнерства**.**

В настоящее время, совместно с ЮНИСЕФ также разработан план по внедрению новых альтернативных форм дошкольного образования, в соответствии с которым, запущено пилотирование нескольких альтернативных форм ДО, в том числе **смешанных возрастных групп и плей групп**.

Вместе с тем, проектом «Совершенствование раннего развития детей», реализуемым совместно с Всемирным банком, также предусматривается пилотирование различных альтернативных форм ДО, в том числе **посещение на дому**.

Наряду с этим, по всем регионам республики запущена деятельность **мобильных ДОО** на базе переоборудованных автобусов.

В целях предоставления возможности будущим первоклассникам равных стартовых возможностей для получения начального образования Правительством предприняты конкретные решения, которые направлены на реализацию Целей устойчивого развития (ЦУР) задачи 4.2. к 2030 году «обеспечить всем девочкам и мальчикам доступ к улучшенным системам развития, ухода и дошкольного обучения детей младшего возраста, с тем чтобы они были готовы к получению начального образования» осуществляется поэтапный переход на всеобщую **обязательную одногодичную подготовку** по всей республике. Полностью охватить всех детей шестилетнего возраста предшкольной подготовкой планируется **к 2025 году.**

В целом, за истекший период в республике проведена масштабная работа по организации эффективной системы дошкольного образования, призванной обеспечить формирование здорового и всесторонне развитого подрастающего поколения, внедрение в учебно-воспитательный процесс эффективных форм и методов обучения и воспитания.

Созданные благоприятные условия для развития государственно-частного партнерства в сфере дошкольного образования заложили основу для дальнейшего увеличения числа негосударственных дошкольных образовательных учреждений и расширения видов оказываемых ими услуг.

Вместе с тем проведенный анализ свидетельствует о необходимости решения вопросов обеспечения дальнейшего охвата детей дошкольным образованием, укомплектования ДОО современными учебно-методическими материалами и художественной литературой, привлечения в сферу квалифицированных педагогических и управленческих кадров.

Таким образом, посещение дошкольных образовательтных организаций в Узбекистане становится социальной нормой вне зависимости от места проживания и доходов родителей, как показывает международный опыт многие страны мира показывающие высокие образовательные результаты на последующих ступенях образования, формируют свою политику по обеспечению доступности с учетом высокой отдачи от инвестиций в развитие человеческого капитала на ранней стадии.

Список использованной литературы:

1. Абанкина И.В. Филатова Л. М.// Доступность дошкольного Образования // Вопросы образования//EducationalStudiesMoscow. 2018. № 3, с.216 // https://vo.hse.ru/

2. Статистические данные Министерства дошкольного образования Республики Узбекистан 2017 – 2021 гг.

3. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан “О мерах по полномасштабному переходу на обязательную годичную подготовку детей к начальному образованию” // №132 от 09.03.2020г.

Муродов О. *– Консультант детского фонда ООН ЮНИСЕФ*

РЕФОРМЫ В СТРОИТЕЛЬНОМ СЕКТОРЕ С АКЦЕНТОМ НА ЗЕЛЕНЫЕ И ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

Узбекистан – государство с самым большим населением в Центральной Азии, на которую приходится одна треть населения всего региона, которая составляет свыше 34.5 млн. человек.[1]. Две трети населения моложе 30 лет. Несмотря на стабильный экономический рост, наблюдаемый в последнее десятилетие, его влияние на рост уровня жизни не столь соответственный. Уровень малообеспеченности в сельской местности более высок, и несмотря на то, что разница в соответствующих уровнях в сельской и городской местностях сократилась с 8% в 2001 г. до 6,7% в 2013 г., она все еще ощутима [2]. Диспропорции в экономическом и социальном развитии сохраняются не только между сельскими и городскими районами, но и между регионами страны. Малообеспеченность в Узбекистане имеет как сельское, так и региональное

измерение: 49,2% жителей проживают в сельской местности [3], 47% населения, проживающего в южных регионах страны, классифицируется как малообеспеченное, а 27% - как малоимущее. Такое различие можно объяснить тем фактом, что с 2001 г. экономический рост в основном имел место в регионах с сильно развитыми производственными отраслями, добывающей промышленность и современной сферой услуг.

В последнее время изменение климата и негативное воздействие человека на окружающую среду стали наиболее серьезными проблемами, рассматриваемыми общественностью. Киотский протокол об изменении климата был ратифицирован Республикой Узбекистан 12 октября 1999 г. и вступил в силу 16 февраля 2005 г. в качестве первой инициативы по изменению климата в этой области после подписания Парижского соглашения ООН по климату в апреле 2017г. Всемирная метеорологическая организация заявила, что средняя глобальная температура на 2020 год на 1,2 ° C выше, чем температура в исходном состоянии 1950-1900 годов, то время как исследовательский анализ температуры за последние 60 лет в Узбекистане доказал повышение средней годовой температуры на 1,6 ° C. градусов (от 13,20C до 14,80C). Поскольку Парижское соглашение направлено на поддержание средней глобальной температуры на уровне значительно ниже 20 ° C, повышение на 1,6 ° C делает экологические проблемы в регионе еще более важными, и необходимо принимать оперативные меры. Увеличение содержания парниковых газов в атмосфере является основной причиной возникновения экологических проблем. Поскольку в стране в основном 90% используются традиционные методы производства энергии (ископаемое топливо) и только 10% доля возобновляемых источников энергии (солнечная энергия, ветер, биомасса, гидроэнергетика), энергетический сектор остается основным производителем выбросов в атмосферу в стране. Хотя правительство поддерживает инвестиции в экологически безопасные технологии и повышает осведомленность общественности о проблемах экосистем, в период с 2010 по 2019 год в атмосферу было выброшено 9025 тысяч тонн загрязняющих веществ, что делает страну вторым по величине загрязняющим веществом среди стран Центральной Азии.

Статистика данных о потреблении энергии отмечает, что жилищный сектор является одним из крупнейших потребителей энергии после промышленности и сельского хозяйства. Всего за 2019 год жилые и другие здания потребили почти 18,5 ТВтч электроэнергии. В настоящее время на здания приходится 50% общего энергопотребления страны, в то время как для отопления и освещения зданий потребляется 40% электроэнергии, производимой в стране, другими словами, по сравнению с развитыми странами, 2,5 в раз больше энергии уходит на обогрев квадратного метра площади здания . Европейская экономическая комиссия Организации Объединенных Наций (ЕЭК ООН) отметила, что почти 50 процентов тепла теряется из-за неэффективного оборудования зданий, в своем отчетном документе «Краткие сведения о жилищном строительстве и землепользовании по странам: Узбекистан». Хотя статистических данных о дате постройки зданий в стране не существует, с

учетом вышеперечисленных цифр внедрение «зеленых» технологий при реконструкции существующих зданий и использование экологически чистых и энергосберегающих материалов в новых постройках, принятие соответствующих мер по управлению энергопотреблением и эффективному использованию энергии в жилищном фонде является неотложной задачей.

Необходимо отметить Узбекистан обладает обильными запасами солнечной энергии, согласно многолетним наземным актинометрическим данным интенсивность солнечной радиации на территории республики изменяется в пределах от 1500 кВт·ч/м2·год до 2100 кВт·ч/м2·год и годовая продолжительность солнечного сияния превышает и число часов солнечного сияния в течение года во многих регионах Республики (за исключением Ферганской долины) доходит до 2900÷3100 часов, Сурхандарьи 3000-3100 часов [4]. С другой стороны, использование технологий на основе ВИЭ может снизить энергопотребление зданий до 54% и более [5].

Также в Узбекистане, правительство планирует увеличить объем инвестиций в строительство сельского жилья и инфраструктуры. В 2021 году по государственной ипотечной программе планируется построить 45 тысяч домов, что в два раза больше, чем в прошлом году, из которых 12 000 в сельские регионы. Наряду с прогнозируемым ростом нового строительства ожидается и соответствующее увеличение энергопотребления в жилищном секторе на 30% к 2050 г., что создаст угрозу обеспечению национальной энергетической безопасности и увеличению объема выбросов парниковых газов (ПГ) на глобальном уровне.

Усиление минимальных стандартов на энергопотребление (МСЭП) для зданий, а также обеспечение их соблюдения, поскольку более строгие стандарты на энергопотребление введены в СНиПы для строительства нового жилья в сельской местности, обеспечит сельское населения Узбекистана улучшенными и доступными условиями жизни, не наносящими вреда окружающей среде, обеспечивающий сокращение соответствующих выбросов ПГ.

Ближайший пересмотр СНиПов по вышеуказанным вопросам был проведен Министерством строительство РУз в период 2018-2019 гг., касательно жилых зданий, с целью усиления требований по энергопотреблению и усовершенствованию нормативной базы по строительным нормам и правилам для развития строительства энергоэффективного жилья повсеместно по республике Узбекистан. Данное мероприятие имеет существенное влияние, как на экономический сектор, так и на социальный аспект с точки зрения улучшения уровня жизни населения республики путем повышения требований к энергоэффективности и низко-углеродности строительных объектов и обеспечения минимальных стандартов энергопотребления в зданиях (МСЭП).

Реформы в политике и регулирования для расширения масштабов строительства низкоуглеродного жилья и поселений рассматривается со следующими индикаторами: строгость строительных норм в отношении энергоэффективности жилых домов, степень соответствия применимых стандартов по энергоэффективности в жилищных строительных нормах, то есть включить принципы экологически устойчивого проектирования, устойчивости к

изменению климата и ресурсосбережения. В настоящее время предложены решения по повышению тепловых характеристик, определенных в строительных нормах и правилах, а также разработан и предложен новый ШНК по внедрению фотоэлектрических систем для систем электроснабжения жилых и коммунально-бытовых объектов, которая является весьма актуальной. Принятые строительные нормы и правила включают: КМК 2.13.03-19 - «Полы», КМК 2.13.10-19 - «Кровля», КМК 2.13.04-18 - Строительная теплотехника», КМК 2.13.16-18 «Установка солнечного водонагревателя», КМК 2.13.16-18 «Нормы энергопотребления для отопления, вентиляции и кондиционирования зданий и сооружений», ШНК 2.04.15-20 «Фотоэлектрические станции».

Констатируя вышеуказанное необходимо отметить, что в последнее время правительство Узбекистана начало принимать срочные меры и активизировать усилия по реализации масштабных реформ в своей энергетической отрасли с целью оптимизации энергопотребления, аудита потерь энергии при внутрисетевой передаче, внедрения ресурсов и энергосбережения. технологий, а также активное продвижение использования возобновляемых источников энергии в жилых и коммерческих зданиях. Ожидаемые усиленные реформы в политике а также поэтапный переход на энергоэффективноеи низкоуглеродное жильебудет являться толчком в строительном секторе применения навыков экологически устойчивого проектирования, что в свою очередь способствует-достижению устойчивости к изменению климата и ресурсосбережения в стране.

Список использованной литературы:

1. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, см. https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/demography

2. Отчет о достижении Целей развития тысячелетия: Узбекистан 2015: стр. 18.

3. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, см. https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/demography

4. Авезов Р.Р., Авезова Н.Р., Матчанов Н.А., Сулейманов Ш.И., Абдукадирова Р.Д. История развития и состояние использования солнечной энергии в Узбекистане // Гелиотехника, №1, с.17-23. 2012.

5. Harkouss F., Fardoun F., Biwole P.H. Passive design optimization of low energy buildings in different climates, Energy 165 (2018) 591–613.

III ШЎЪБА. ЗАМОНАВИЙ ТАДБИКОРЛАР СИНФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Суюнов Д.Х. *– ОБМ "Корпоратив бошқарув назарияси ва амалиёти" кафедраси мудири, и.ф.д., проф.*
Расулова Д.В. *– ОБМ "Бизнес ва тадбиркорлик кўникмалари" кафедраси мудири, и.ф.д., проф.*

МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СУРЪАТЛАРИ

Миллий иқтисодиётда амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари хар бир кишининг тадбиркорлик хусусиятларига эга бўлишлигини объектив тарзда тақозо этиш билан бирга, тадбиркорликни мазкур ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашда бош омил эканини алоҳида таъкидламокда. Макроиқтисодий барқарорликга эришиши ва ривожланиш стратегияси нуқтаи назаридан ўтказилаётган институтционал - таркибий ўзгаришлар, энг аввало мулкчиликнинг давлат секторида ёки хусусий секторда бўлишлигидан катъий назар маълум бир таваккалчилик асосидаги тадбиркорлик фаолиятини бозор муносабатларини харакатга келтиришнинг асосий шарти сифатида талқин этмоқда.

Мамлакатимизда, айниқса, кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, бу жараёнда сохада ижтимоий-мехнат муносабатларини замонавий талаблар асосида такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. «Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айникса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади».

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиёт асосий тармоқларидаги улушини қуйидаги жадвал орқали баҳолаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиёт асосий тармоқларидаги улуши[1]

Тармоқ	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Саноат	28,6	29,7	33,0	36,8	40,6	45,3	41,2	34,7	34,9	36,6
Қишлоқ хўжалиги	97,2	97,2	97,3	97,5	98	98,6	98,5	98,3	98,3	97,4
Қурилиш	67,6	70,0	70,6	69,5	66,7	66,9	64,8	73,2	75,4	72
Савдо	86,7	87,3	86,6	86,3	87,1	89,6	88,4	86,3	84,3	82,8

Жадвал маълумотлари асосида шундай хулосага келиш мумкинки, тармоқ ялпи ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнес корхоналарининг улушида табиий

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

равишда таркиб топувчи чегара мавжуд. Яъни, агар тармоқ ишлаб чиқаришида кичик бизнес корхоналари учун илгари мавжуд бўлмаган рухсатни бирданига очиб юборилса, у ҳолда мазкур соҳа жадаллик билан ўсиб боради.Ишсизларни, айниқса ёшларни иш билан таъминлашда уларнинг иқтисодий мустақилликка эришишлари ва ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишларида кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг ривожланишии энг асосий омил ва манба бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш, унинг қонуний-меъёрий асоларини мустаҳкамлашга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Кам сармоя талаб қиладиган, тез модернизация қилинадиган ва бозор конюктурасининг ўзгарувчан талабларига яхши мослаша оладиган бизнес юритиш замон талабига айланди десак муболаға бўлмайди. Кичик бизнес бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдирадиган, иқтисодиётни таркибий негизини белгилаб берадиган энг муҳим сектор ҳисобланади.

2-жадвал

Тармоқлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)[1]

Тармоқлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Тармоқлар бўйича жами	31242	21078	26334	26037	26896	38167	48922	92874	93200
Саноат	7708	5457	7316	6450	5841	10182	11262	19496	18596
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	3647	2231	2417	2293	2351	3337	5144	7469	14969
Қурилиш	2236	1936	2766	3134	2850	3788	6360	8730	6009
Транспорт ва алоқа	1831	1148	1542	1522	2099	2831	3335	-	2397
Бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	4372	2024	2256	2725	-	-	-	-	
Савдо ва умумий овқатланиш	9012	6494	7803	7604	2403	11244	15604	-	35213
Маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	663	483	581	527	-	-	-	-	
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	680	551	821	802	486	858	1154	1269	1450
Таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	580	422	523	718	-	-	-	-	
Бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	513	332	309	262	3730	4120	5621	-	5637

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Мамлакатимизда 2012-2018 йилларда тармоқлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сони ўзгаришининг таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур кўрсаткич учун 2012-2014 йиллар оралиғида муайян даражадаги беқарорлик хос бўлиб, фақат 2015 йилдан бошлаб изчил ва барқарор ўсишга эришилган. 2019 йилда 92,9 мингтадан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 89,8 % кўп демакдир.

Кичик бизнес корхоналари фаолиятининг тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнларини тадқиқ этишда тармоқлар бўйича янгидан ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар сонининг таҳлили муҳим ўрин тутади (2-жадвал).

Кичик бизнес соҳасидаги ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича ихтисослашувини бир неча жиҳатлар бўйича баҳолаш мумкин:

1) тармоқ ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимлар сони;

2) муайян тармоқнинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши;

3) тармоқда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони;

4) тармоқда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми.

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, хусусан, ёшларнинг бизнес ғояларини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг йиллар давомидаги иқтисодиётнинг асосий турларидаги улушини қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётнинг асосий турларидаги улуши, фоизда[1]

Ҳудудлар	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Ялпи ички маҳсулот	55,8	56,1	62,9	64,9	63,4	60,4	54,2	53,9
шу жумладан:								
Саноат	33,0	36,8	40,6	45,3	41,2	34,7	34,9	27,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	97,3	97,5	98,0	98,6	98,5	98,3	98,3	97
Инвестиция	36,7	39,6	40,3	40,9	38,1	38,0	47,0	49,7
Қурилиш	70,6	69,5	66,7	66,9	64,8	73,2	75,4	72,4
Савдо	86,6	86,3	87,1	89,6	88,4	86,3	84,3	82,2
Жами хизматлар	56,2	59,1	60,2	63,2	58,3	56,0	52,1	51,5
Автомобиль транспорти:								
Юк ташиш	44,0	47,9	50,1	53,7	54,2	55,5	54,4	52,4
Йўловчи ташиш	82,1	83,2	84,8	88,8	90,1	89,6	90,4	93,9
Бандлик	76,7	77,6	77,9	78,2	78,0	76,3	76,2	
Экспорт	26,2	27,0	27,0	26,0	22,0	27,2	27,0	20,5
Импорт	42,4	45,4	44,5	46,8	53,6	56,2	61,6	51,8

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ҳудудларда оилаларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишга, уларнинг барқарор ва қўшимча даромад манбаига эга бўлишига, миллий ҳунармандчилик янада ривожланишига, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббуслари амалга оширилишига, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳалари рўёбга чиқишига ҳамда шу асосда аҳолининг бандлиги таъминланишига замин яратилмоқда.

Аҳолининг меҳнат орқали даромад топишга бўлган қизиқишини кескин ошириш, айниқса муҳтож оилаларнинг ҳунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолиятини, шунингдек, ҳудудларда фойдаланилмаётган биноларда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни, аҳоли томорқалари ва бўш экин майдонларидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ лойиҳаларни имтиёзли шартларда молиялаштиришни тизимли равишда давом эттиришни тақозо этмоқда. Республика ҳудудларида аҳолининг даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланишига, оилавий тадбиркорлик ривожланишига ҳар томонлама кўмаклашиш ва мазкур йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг мустаҳкам қонунчилик ва ҳуқуқий асоси шаклланган бўлиб, у мунтазам равишда такомиллаштириб борилмоқда. Бу соҳа учун солиқ ва молиявий муносабатларда катта имтиёзлар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони тадбиркорлик фаолияти ривожланиши ва бизнеснинг қонуний манфаатлари муҳофазасини назарда тутади. Фармонда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашиш, давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик, тадбиркорлик субъектларини ўқитиш ва кадрлар тайёрлаш, ташқи иқтисодий фаолият ва инвестицияларни жалб қилиш каби аниқ ва энг муҳим вазифалари белгилаб берилган.

Халқ фаровонлигини ошириш мақсадида “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, томорқани ривожлантириш каби дастурлар қабул қилинди. Бу дастурлар аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар учун даромад манбаи яратишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5242-сон, 2018 йил 27 июндаги ««Yoshlar-Kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–5466-сон Фармонлари, 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3680-сон, 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ–3777-сон ва 2018 йил 14 июлдаги «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва

самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3856-сон қарорлари асосида имтиёзли кредитлар оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига йиллик 8 фоиз ставкада 3-6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади. Бунда, 2020 йил 1 январдан бошлаб кредитлар АТ Халқ банки, «Микрокредитбанк» АТБ ва «Агробанк» АТБ орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида ажратиш имкониятлари яратилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижро этиш, жумладан, бизнес соҳаси вакиллари ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқот ва фойдали ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш, бизнес-муҳитни такомиллаштириш масалалари бўйича, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига сифатли давлат хизматлари тақдим этилишини таъминлаш давлат органлари ва тадбиркорлик тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлигини, айниқса, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини энди бошлаган даврларда уларни қўллаб-қувватлашнинг янги самарали тизимлари яратилмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишларни самарали амалга ошириш мақсадида Президентнинг 2020 йил 18 февралдаги фармони ҳамда қарорига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Маҳалла – туман (шаҳар) – вилоят – республика даражасида тадбиркорликни ривожлантириш ва камбағалликни камайтиришга масъул лавозимлар жорий қилиниб, вертикал тизим яратилди.

Тадбиркорликнинг ривожланиши кўп омилларга, биринчи навбатда тадбиркорнинг билими, тажрибаси ва ишбилармонлигига боғлиқ. Бугунги куннинг тадбиркори менежмент, раҳбарлик усуллари асослари, иқтисодий масалалар бўйича бизнесни режалаштириш, хўжалик фаолиятини таҳлил этиш, чиқимларни камайтириб, фойдани кўпайтириш, шунингдек, ҳуқуқ ва психология соҳаси каби билимларни эгаллаши зарур. Чунки замонавий ишлаб чиқариш жуда мураккаб, техника воситалари ва технологиялар муттасил такомиллашиб бормоқда.

Ривожланган давлатлар тажрибаси тадбиркорлик миллий иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишда, уни барқарор суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашда, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштиришда ўта муҳим рол ўйнашидан, ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдиришнинг асосий манбайи эканлигидан яққол далолат беради. Ўзбекистон учун хусусий тадбиркорликнинг меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ёки ўзини ўзи банд қилиш, унинг даромадини ошишидаги аҳамияти, айниқса, муҳимдир.

Ёшлар мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ҳам катта куч. Республикамизда 230 мингга яқин ёш тадбиркор ва фермерлар, моҳир

ҳунармандлар фаолият олиб бормоқда. Уларнинг сафи янада кенгайиши учун давлат томонидан зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Фақатгина “Ёшлар – келажагимиз” дастури доирасида ёш авлод вакилларининг 8 мингтага яқин бизнес лойиҳасига 1 триллион 630 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилди, натижада 40 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилди.

Навқирон авлод тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда республикамизда ташкил этилаётган “Ёш тадбиркорлар” коворкинг-марказлари ва “Ёшлар меҳнат гузарлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларда тадбиркорлик кўникмаларини эгаллаган ёшлар мустақил фаолиятини бошлашмоқда. Қишлоқ жойларида эса “Ҳар бир ёшга – бир гектар” лойиҳасининг амалга оширилиши натижасида 65 мингга яқин ёш деҳқонларга 54 минг гектардан зиёд ер ажратиб берилди.

4-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз; млрд. сўм)[1]

Тармоқлар	2017	%	2018	%	2019	%	2018 йилда 2017 йилга нисб. ўсиш, марта	2019 йилда 2018 йилга нисб. ўсиш, марта
Жами	**14076,7**	**100**	**33111,9**	**100**	**70650,2**	**100**	**2,35**	**2,13**
шу жумладан:								
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	697,7	4,96	3528,6	10,66	5158,8	7,30	5,06	1,46
Саноат	8034,9	57,08	16625,4	50,21	43533,5	61,62	2,07	2,62
Қурилиш	875,3	6,22	2075,4	6,27	6535,4	9,25	2,37	3,15
Савдо	1648,2	11,71	3692,3	11,15	5326,8	7,54	2,24	1,44
Ташиш ва сақлаш	633,9	4,50	1196,6	3,61	2511,3	3,55	1,89	2,10
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	256,2	1,82	648,6	1,96	2092,2	2,96	2,53	3,23
Ахборот ва алоқа	92,1	0,65	193,1	0,58	254,1	0,36	2,10	1,32
Молиявий ва суғурта фаолияти	139,3	0,99	70,6	0,21	103,4	0,15	0,51	1,46
Таълим	15,7	0,11	60,8	0,18	175,9	0,25	3,87	2,89
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат-ларни кўрсатиш	299,9	2,13	520,9	1,57	864	1,22	1,74	1,66
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	61,4	0,44	988,9	2,99	179,5	0,25	16,11	0,18
Бошқа турлари	1322,1	9,39	3510,7	10,60	3915,3	5,54	2,66	1,12

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, кейинги йилларда мамлакатимизда иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик бизнес корхоналарининг асосий капиталга киритилган инвестициялари ҳажми сезиларли даражада ошмоқда. Агар 2019 йилда 2018 йилга нисбатан ушбу кўрсаткичнинг ўсиши бутун иқтисодиёт бўйича 2,13 мартани ташкил этган бўлса, тармоқлар бўйича ўсиш аҳамиятига кўра қуйидагича кетма-кетликка эга бўлган: яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 3,23 марта, қурилиш – 3,15, таълим – 2,89, саноат – 2,62, ташиш ва сақлаш – 2,10, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатишда 1,66, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 1,46, молиявий ва суғурта фаолияти – 1,46, савдо – 1,44, ахборот ва алоқа – 1,32, марта. Фақат ягона тармоқ – санъат, кўнгил очиш ва дам олиш да инвестициялар ҳажми камайиб, ўтган даврга нисбатан 18% ни ташкил этган. Умуман олганда, иқтисодиёт тармоқлари бўйича киритилган инвестициялар ҳажми бир-биридан аҳамиятли даражада фарқ қилмоқда. Агар 2019 йилдаги тармоқлар бўйича инвестицияларнинг жами инвестициядаги салмоғини таҳлил қиладиган бўлсак, аҳамияти жиҳатидан қуйидаги кетма-кетликни кўриш мумкин: саноат – 61,62 %, қурилиш – 9,25%, савдо – 7,54%, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 7,30%, ташиш ва сақлаш – 3,55% ва ҳ.к. Қолган тармоқларга киритилган инвестициялар ҳажмининг солиштирма салмоғи у қадар юқори эмас.

Бундан ташқари ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида Президент қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон қарорида белгиланган топшириқлар ижроси аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизлар ҳамда бизнес соҳаси вакилларини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари бўлиб хизмат қилади. Жумладан қарорда аҳолини, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, микромолиялаш тизимини такомиллаштириш, тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш ҳамда ягона давлат ташкилоти томонидан мувофиқлаштириб бориш назарда тутилган.

Мазкур қарорда белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш “Назорат режаси” нинг 5-бандида “Микрокредитбанк” АТБ томонидан нодавлват таълим ташкилотлари махсус сертификатини олган, тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан ёшлар ва хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 миллион сўмгача миқдордаги микрокредитлар таъминотсиз ажратилади. Микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги ва бошқа таъминот турлари асосида 225 миллион сўмгача миқдорда микрокредитлар ажратилади. “Микрокредитбанк”ка касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқиб, сертификат олган ёшларга имтиёзли фоизларда микрокредитлар ажратиш чораларини кўриш вазифаси қўйилди. Бундай кредитлар 3 йил имтиёзли даври билан 7 йил муддатга берилади. Банк томонидан ушбу мақсадлар

учун келгуси йилда 45 миллион долларлик микрокредитлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Эндиликда “Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор” тамойили асосида ҳар 1 нафар тадбиркорга 1 нафардан ишсиз ёшлар бириктирилади. Тижорат банкларининг ҳудудларда фаолият бошлаган “Лойиҳалар фабрика”лари ёшларимизнинг илғор ғоялари асосида лойиҳавий таклиф ва бизнес режаларини тайёрлаб беради. Ёшлар лойиҳаларини молиялаштириш учун Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қошида алоҳида жамғарма ташкил этилиб, ушбу жамғармага 100 миллион доллар маблағ ажратилади. Ушбу жамғарма ёшларнинг лойиҳаларига қулай шартларда ва паст фоизларда кредит беради. Бу 2021 йилнинг ўзида йилда камида 500 минг ёшга иш жойи яратиш имконини беради. Шунингдек, республикамиз ҳудудларда “устоз-шогирд” анъанаси янада кучайтирилиб, ана шу эзгу ишга жалб этиладиган ҳунарманд усталарни Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан моддий рағбатлантириш тизими жорий этилади.

Юртимизда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил этиш тажрибасидан фойдаланган ҳолда барча шаҳар ва туманларида “Ёшлар кичик саноат зоналари” ташкил этилади. Ушбу саноат зоналарида ёшлар лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш учун зарур бўладиган барча инфратузилма объектлари жойлаштирилади.

Тижорат банкларининг ҳудудларда фаолият бошлаган “Лойиҳалар фабрика”лари ёшларимизнинг илғор ғоялари асосида лойиҳавий таклиф ва бизнес режаларини тайёрлаб беради. Ёшлар лойиҳаларини молиялаштириш учун Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қошида алоҳида жамғарма ташкил этилиб, ушбу жамғармага 100 миллион доллар маблағ ажратилади. Ушбу жамғарма ёшларнинг лойиҳаларига қулай шартларда ва паст фоизларда кредит беради.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, фермер ва деҳқон хўжаликларини қўшмаганда тадбиркорлик субъектлари сони қарийб 408 мингтага етган. Шундан 90 минг 161 таси хусусий корхонадир. Эътиборлиси, хусусий корхоналар сони бўйича пойтахтдан кейинги ўринларни меҳнат ресурслари нисбатан юқори бўлган Фарғона, (11 061 та), Қашқадарё (9 200 та), Наманган (7 188 та) вилоятлари банд этди. Бу эса ушбу ҳудудларда ёшлар бандлигини таъминлашда жиддий силжишлар бўлишига катта умид уйғотади.

Мамлакатда юқоридаги каби иқтисодий лойиҳаларни амалга оширилиши аҳоли, айниқса ёшлар учун янги-янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида 2020 йил 30 июлдаги 460-сон ҚАРОРИ

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29

октабрдаги 665-сонли “Коронавирус пандемияси даврида ташқи иқтисодий фаолият, туризм ва қурилиш соҳаларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 октябрдаги 602-сонли “Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган иқтисодий вазиятда туризм соҳаси субъектларини қўллаб-кувватлаш ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида”ги Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожатномаси. 2020 йил.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4829-сонли Қарори.

Илмий адабиётлар:

1. David Styles, Harald Schonberger, Jose Luis Galves Martos. Best Environmental Management Practice in the Tourism Sector.Luxemburg: Publications Office of the European Union,2013

2. Рахматуллаева Д.Р. Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига йўналтириб ўқитиш.Ўқув қўлланма. –Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2017. 260 –бет

3. Шимова О.С. Устойчивый бизнес. Учебно- методическое пособие. – Минск: РИПО,2014. – 158 стр

4. Рахматуллаева Д.Р. Ёшларнинг бандлик муаммоларини бартараф этишда тадбиркорлик соҳаларига жалб этиш. “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи”// Ҳалқаро илмий-амалий конференция. –Т.: 2018

5. Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. – Т.: ТДИУ, 2010. – 267 б

6. Худайбердиев З.Я. «Тадбиркорлик ва ишга жойлатириш технологияси” –Т.: “ИЛМ ЗИЁ”, 2016. –Б.419

Интернет сайтлари:

1. http://www.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси давлат портали
2. http://www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари
3. http://www.mikrokreditbank.uz - «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки
4. http://www.undp.uz – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг (ПРООН) Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси
5. http://www.sba.gov - АҚШ Кичик бизнес маъмурияти расмий сайти
6. http://www.worldbank.org – Жаҳон банкининг расмий сайти.
7. http://www.world-tourism.org – Жахон туризм ташкилоти маъмурияти расмий сайти

Бакиева Р. *– ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги ўқув маркази, кафедра мудири*

ЗАМОНАВИЙ БИЗНЕСНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЎРНИ

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ўрганар эканмиз унинг асосий қисмини тадбиркорлик фаолияти, хусусан оилавий бизнес ташкил этишини кўришимиз мумкин.

Жаҳон тажрибаси маълумотларига кўра, узоқ йиллар давомида оилавий бизнеснинг ижобий томонлари унинг камчилик ёки салбий томонларидан яққол устунликни кўрсатиб келмоқда. Айнан шу туфайли бугунги кунда оилавий корхоналарнинг иқтисодиётдаги улуши дунё бўйича ўртача 70% ни, шу жумладан Ҳиндистонда – 95%, Финляндияда – 94%, АҚШда – 80%, Германия – 36%, Франция – 30% ни ташкил этмоқда. Шунингдек, тадқиқотчилар Ғарбий Европадаги кичик корхоналарнинг 68%ни айнан оилавий корхоналар ташкил этишини аниқладилар.

Мазкур тадбиркорлик шаклининг узоқ даврлик тарихи, унда оила ва бизнес анъаналарининг самарали уйғунлашуви, бизнес юритишнинг содда ва қулайлиги, иштирокчилар манфаатларини тўлиқ қамраб олиши каби ўзига хос хусусиятлари унинг иқтисодиётдаги салмоғини аҳамиятли бўлишига имкон яратмоқда. Жаҳонда оилавий бизнесни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, жумладан тадбиркорликнинг мазкур шаклини рақобатбардошлигини ошириш, оилавий муносабатлар ўзининг ижобий тавсифини тўлиқ намоён эта олувчи ташкилий-ҳуқуқий шаклларни таркиб топтириш, хўжалик юритишнинг бошқа шакллари билан ўзаро таъсир ва алоқаларни тартибга солиш каби масалалар тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оилавий тадбиркорлик орқали ишсизлик даражасини пасайтириш, аҳоли даромадларини ошириш, ўрта мулкдорлар қатламини ўстириш, мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашдаги иштирокини кенгайтириш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган. 2017–2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Соҳа ривожи учун мустаҳкам қонунчилик ва ҳуқуқий базани мунтазам такомиллаштириб бориш, оилавий тадбиркорлик учун имтиёз ва преференсиялар бериш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизатсия қилиш масалаларида давлат томонидан тизимли равишда ёрдам кўрсатиш» вазифалари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилишини таъминлаш; аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини

ташкил этиш ва амалга оширишда тизимли амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш; аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил қилишга амалий ёрдам кўрсатиш; қўшимча иш ўринлари ва даромад ишлаб топиш имкониятини яратиш; маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларда мини-кластерлар ташкил этиш; бозор инфратузилмаси объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини барпо этиш ва бошқа чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2021 йил 27 мартдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5041-сон Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида 2021 йилда Дастурлар доирасида лойиҳаларни молиялаштиришнинг манбалар кесимидаги мақсадли параметрлари ҳамда 2021 йилда Дастурлар доирасида лойиҳаларни кредитлашнинг ҳудудлар кесимидаги мақсадли параметрлари тасдиқланди.

Қарорда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилишга йўналтирилган «Ҳар бир оила − тадбиркор» дастури, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини, шунингдек хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастурлари, Ҳунармандчиликни ривожлантириш дастури ҳамда Бандликка кўмаклашиш дастурлари киритилган.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш учун:

- Молия вазирлиги 1,3 трлн. сўм миқдоридаги маблағни ваколатли банкларнинг устав капиталини оширишга, шу жумладан «Агробанк» АТБга − 700 млрд сўм, «Микрокредитбанк» АТБга − 400 млрд. сўм ва АТ «Халқ банк»га − 200 млрд. сўм йўналтиради.
- Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси уч йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга:
  - ваколатли банкларга 1,6 трлн. сўмлик кредит ресурслари ажратилишини таъминлайди;
  - АТ «Алоқабанк»ка − асаларичиликни ривожлантириш учун 5 млн. АҚШ доллари эквивалентида ва «Туронбанк» АТБга тадбиркорлик субъектларининг 10 сотихдан кам бўлмаган майдонларда лимончиликни ташкил этиш лойиҳаларини молиялаштириш учун 8 млн.АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар ажратилишини таъминлайди.

Оилавий тадбиркорлик учун қулай муҳит яратилишидан кам таъминланган оилалар, вақтинча ишсиз фуқаролар, умуман, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллари бевосита манфаатдордир. Янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли учун барқарор даромад манбаи қонуний асосланиши, улар манфаати ишончли ҳимоя қилиниши жуда муҳим. Бунда меҳнатга лаёқатли ёшга етмаган шахслар ўқишдан бўш вақтларида оилавий корхона фаолиятида иштирок этиши, унинг фаолиятига ўзларининг имкониятлари доирасида ҳиссасини қўшиши мумкин ва улар таъсис этувчилар шартномасида оилавий корхонанинг тўла ҳуқуққа эга иштирокчилари ҳисобланади. Айниқса, оилавий

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали ёшлар ва аёллар, умуман, меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли қатлами ўз ишини йўлга қўйиши учун қулай шарт-шароит яратилмоқда.

Шунинг боис оилавий бизнеснинг қонуний асослари мустаҳкамланаётганда юқорида келтириб ўтилган жиҳатлар бўйича тегишли меъёрлар белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ. Бу, ўз навбатида, аҳолида иқтисодий фаолликнинг ошишига рағбат уйғотади, кишиларнинг ўз касб-ҳунари орқали қонуний даромад олиш имконини кенгайтиради.

Бизнеснинг бу шакли нафақат оила аъзоларини иш билан таъминлашга ва даромадларини оширишга, балки оилани, ундаги ҳамжиҳатликни ҳамда жамиятни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, бозорни, талаб ва таклифни ўрганиш, шу аснода маҳсулот ишлаб чиқариш, маиший хизматнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш, айни пайтда, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, оила бюджетини шакллантириш ва уни бошқариш каби бозор иқтисодиёти шароити учун ғоят зарур кўникмаларни мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ”ги ПҚ-5041-сон Қарори.Тошкент, 2021йил, 22 март.

2. Юлдашев Д.Т. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати.

3. Сиразиева Э. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга – имтиёзли кредитлар.: https://www.norma.uz/uz/ .

Мамадалиев Ф.К. *– ОБМ тингловчиси*

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ҲАМДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОРҚАЛИ ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ КУРАШИШ

Замонавий босқичда камбағаллик ҳамда яширин иқтисодиёт глобал муаммолар сифатида қаралмоқда ҳамда кўпгина давлатлар томонидан иқтисодий хавфсизликка таҳдидлар сифатида алоҳида таъкидлаб ўтилмоқда.

Ҳозирги кунда яширин иқтисодиёт муаммоларини ўрганиш кўпчилик мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон учун ҳам долзарб ва муҳим аҳамият касб этмоқда. Албатта, барча давлатлар, жумладан Ўзбекистонда ҳам яширин иқтисодиётни бутунлай йўқотиш имконсиз, лекин самарали ислоҳотлар натижасида унинг ЯИМдаги улушини сезиларли даражада қисқартириш мумкин.

Масалан, Сертификатланган бухгалтерлар ассоциацияси маълумотларига кўра самарали ислоҳотлар натижасида Жанубий Корея (30%–1998 й., 19,8%–

2015 й.), Эстония (26,8%–1998 й., 18,5%–2015 й.), Грузияда (71,3%–2000 й., 53%–2015 й.) яширин иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши сезиларли даражада камайди.

Яширин иқтисодиётнинг энг кенг учрайдиган кўринишларидан бири бу – *норасмий бандлик* ҳисобланади. Яширин иқтисодиётни ўрганиш нуқтаи назаридан норасмий бандликнинг икки хил кўринишини келтириб ўтиш ўринли бўлади:

1.Ўзини ўзи банд қилиш *(тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар, шу жумладан уй хўжалигида банд бўлган аҳоли);*

2.Ходимларни норасмий ёллаш *(хўжалик юритувчи субъектлар – корхоналар томонидан ходимларни норасмий ишга ёллаш ва (ёки) расмий равишда ишга қабул қилинган ходимларнинг иш ҳақини ҳисоботларда камайтириб кўрсатган ҳолда "конверт усули"да тўлаш)*.

Замонавий босқичда норасмий бандликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирлар хорижий давлатлар томонидан турли хил йўналишларда амалга оширилмоқда. Германия, Туркия, Эстония каби давлатларда солиқ юкини камайтириш орқали норасмий бандлик (ўзини ўзи банд қилиш)ни расмий секторга ўтказиш механизми қўлланилмоқда. Финландия ва Норвегияда эса фуқароларни ижтимоий (тиббий суғурта) хизматлар орқали рағбатлантириш усулидан фойдаланилмоқда.

Хозирги кунда Ўзбекистонда ходимларни норасмий ёллаш асосан иқтисодиётнинг туризм, алоқа хизматлари, таъмирлаш хизматлари (транспорт воситаларини), қурилиш каби соҳаларида кўп учрамоқда. Буни В.Ю.Буров, А.К.Худайназаров ҳамда И.А.Маматкуловлар томонидан сўров усулида ўтказилган тадқиқотлар натижасида ҳам учратишимиз мумкин.

Социологларнинг фикрича, яширин иқтисодиёт мавжуд бўлишининг асосий сабаби жамиятнинг чуқур ижтимоий ва мулкий фарқланишидир. Жамиятнинг жуда ҳам юқори ижтимоий табақаланиши яширин иқтисодиётнинг потенциал иштирокчилари сонини белгилайди. Шундай қилиб, аҳолининг камбағал ва маргинал гуруҳлари орасида яширин иқтисодий муносабатларга киришиш эҳтимоли фуқароларнинг ўрта синф ва яхши таъминланган тоифалари вакилларига нисбатан анча юқори бўлади. Ижтимоий хулқ-атвор соҳасидаги мутахассислар фикрича яширин иқтисодиёт инсон табиатининг моҳияти билан боғлиқ бўлган соф антропоген ҳодиса сифатида мавжуд, яъни инсоннинг энг кам маблағ сарфлаб, иложи борича кўпроқ иқтисодий фойда олишга интилиши мутлақо табиийдир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори натижасида ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати тасдиқланди

1-расм.


Ўзбекистонда ходимларни норасмий ёллаш асосида уларга ҳисобланаётган “конверт иш ҳақи”нинг иқтисодиёт тармоқлари кесимидаги таҳлили



Мазкур қарор асосида ўзини ўзи банд қилган шахсларга қатор солиқ имтиёзлари тақдим этилди. Жумладан, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари жисмоний шахслар жами даромадлари таркибига киритилмаслиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида “Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом” тасдиқланди.

Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахсларни масофадан туриб рўйхатга олишни назарда тутувчи мобил илова ишлаб чиқилди.



2-расм. Республика бўйича ҳудудлар кесимида ўзини ўзи банд қилган фуқаролар тўғрисида маълумот 31.03.2021 й. ҳолатига

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ташкилий ишлар ёрдамида аҳолининг кенг қатлами ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олинди. Давлат солиқ қўмитаси маълумотларига кўра 2021 йил 31 март ҳолатига жами 701,8 минг нафар фуқаролар ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида рўйхатдан ўтказилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, норасмий бандликни қисқартириш борасида амалга оширилаётган ишлар фақатгина репрессив йўналишда эмас, балки, либерал концепцияга таянган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, Ўзбекистон шароитида аҳолининг кўпчилик қисми ўзини ўзи банд қилган шахслар тоифасига киради. Бу тоифадаги шахслар фаолиятига эркинлик яратиш орқали яширин иқтисодиётга қарши курашиш билан бир вақтда камбағалликни қисқартириш масаласида ҳам ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Буров В.Ю., ХудайназаровА.К., МаматкуловИ.А., Теневая экономика в Узбекистане: оценка её размера и структуры на основе выборочного опроса предприятий// Теневая экономика. Январь-март 2020 йил,4/1-том, 29-30-бетлар.

2. https://lex.uz/ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, ПҚ-4742-сон 08.06.2020 й, мурожаат санаси: 03.05.2021 й.

2. Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Махмудов О. *– ОБМ тингловчиси*

ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА АГРО ВА САНОАТ КЛАСТЕРЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Глобаллашув шароитида кластер ёндашуви давлатлар, минтақалар, тармоқлар, компанияларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг самарали воситаси сифатида қаралмоқда. Ушбу ёндашув Ўзбекистон агросаноат комплексларининг рақобатбардошлигини ошириш учун амалга оширилмоқда.

Республикамизда 2020 йилда жами 96 та пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари фаолият юритади.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари томонидан 2020-йилда 906313,0 гектар ер майдонига пахта хом ашёси етиштирилган. Бу Республикадаги пахта хом ашёси етиштирадиган умумий ер майдонинг 87,7%, ташкил этади.

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари пахта хом ашёси етиштириш даврида илғор замонавий инновацион технологияларни жалб этган ҳолда пахта ҳосилдорлигини қўшимча 10 центнерга оширган.

Пахта-тўқимачилик кластерлари юқори унумли пахта ҳосили олиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда, жумладан:

- чигит экиладиган ер майдонларини озиқлантириш учун хориждан (Россия, Қозоғистон) фосфорли ўғитлар ҳамда агротехник ишловлар бериш даврида зараркунандаларга қарши курашда кимёвий препаратлар Хитой, Туркия, Россия, АҚШ, Австралия, Швеция ва бошқа давлатлардан харид қилинмоқда, чигит экиш учун Хитой, АҚШ, Туркия, Франция, Германия, Швеция давлатларида ишлаб чиқарилган замонавий бўлган 6, 8, 10, 12 қаторли харид қилинган пневматик чигит экиш сеялкаларида амалга оширилмоқда.

- пахта экилган ер майдонларининг суғорилиши қийин бўлган жойларда замонавий томчилатиб суғориш техонлогияларини жорий этган ҳолда суғориш ишлари амалга оширилмоқда ва гектридан 50-60 центнердан пахта етиштиришга эришилмоқда.

- Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ва кластерлари пахта теришни замонавий усулларидан фойдаланилмоқда, жумладан, АҚШ (Jonh Deere), Германия (Case), Хитой ва бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган пахта териш машиналарида териб олинмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида кластерлар сўнгги йигирма йил ичида жадал ривожланиб бормоқда ва ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг 50,0 фоиздан ортиғини ташкил қилмоқда. Йигирманчи асрнинг 90-йилларида асосан агросаноат кластерлари ривожланди, аммо ҳозирда инновацион кластерлар асосан ривожланиб бормоқда (ахборот, логистика, соғлиқни сақлаш ва ҳк.)

Америка Қўшма Штатларда кластерлар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 60 фоизини ишлаб чиқаради ва аҳолининг 30 фоизини иш билан таъминлайди. Дания, Финляндия, Норвегия ва Швецияда саноат кластер тамойиллари асосида ишлайди. Энг ривожланган кластерлар Финляндия иқтисодиётида. Финляндия дунёдаги ўрмон захираларининг атиги 0,5 фоизига эга бўлишига қарамай, дунё мебеллари экспортининг 10,0 фоизини ва қоғознинг 25,0 фоизини ишлаб чиқаради. Германияда кластерлар кимёвий ва машинасозлик саноатида, Францияда - озиқ-овқат ва косметика маҳсулотларини ишлаб чиқаришда жуда жадал ривожланмоқда.

Ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуасидан фарқли ўлароқ, кластер - бу корхоналарнинг ташаббуси билан рақобатбардошлигини ошириш учун яратилган самарали бозор механизми. Кластерли ёндашув давлатнинг иқтисодий сиёсатининг мазмунини тубдан ўзгартириши мумкин. Бу алоҳида корхоналар ва тармоқларни қўллаб-қувватлашга эмас, балки географик яқинликда жойлашган турдош корхоналар, муассасалар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга қаратилган. Саноат ва бошка мажмуаларни бошқаришда кластерли ёндашув ички ва ташқи шароитларнинг ўзгаришига жадал ва тезкор жавоб бериш, инновацион сиёсат воситалари ёрдамида мослашиш туфайли иқтисодий тизим барқарорлигини оширишга ёрдам беради.

Хорижий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, кластерларнинг уч тури мавжуд: минтақавий (илмий ёки ишлаб чиқариш маркази атрофидаги

минтақавий чекланган бирлашмалар); вертикал (битта ишлаб чиқариш жараёнидаги ассоциациялар, масалан, «етказиб берувчи - ишлаб чиқарувчи - сотувчи - мижоз» занжири); горизонтал (турли саноат тармоқларини бир мегакластерга бирлаштириш, масалан, «кимёвий кластер» ёки ундан ҳам юқори даражадаги бирлашма «агросаноат кластери»).

Кластернинг асосий хусусияти унинг инновацион йўналтирилганлигидир. АҚШ тажрибаси шуни кўрсатадики, минтақавий даражада инновацион (саноат) кластерлар шаклланиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кластерининг стратегияси мамлакатнинг ички эҳтиёжларини қондириш, импортга боғлиқликни камайтириш ва экспорт салоҳиятини яратишдир. Фикримизча, бунинг асосида кластернинг стратегик вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- давлат ва бизнес тузилмалари ўртасидаги шерикликни ривожлантириш;
- Қишлоқларда аҳолининг иш билан таъминлаш имконияти ошириш;
- юқори технологияли ишлаб чиқаришга йўналтирилган қайта ишлаш корхоналарини яратиш;
- хомашё базасини ривожлантириш;
- кластерлар қошида илмий марказлар ташкил этиш орқали янги махсулотларни яратиш ва такомиллаштириш;
- технологияларни такомиллаштириш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш;
- савдо корхоналарини ташкил этиш ва такомиллаштириш;

Ачилов Д. *– ОБМ тингловчиси*

ТАБИИЙ ГАЗ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЧУН “ТАБИИЙ ГАЗ НАЗОРАТИНИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИ”НИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6010-сон Фармонининг ижросини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали табиий газни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш, йўқотишларни бартараф этиш, шунингдек, истеъмол қилинган табиий газ учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш белгилаб олинди.

“Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” лойиҳасини (кейинги ўринларда – Лойиҳа) амалга ошириш доирасида “Ҳудудгазтаъминот” АЖ томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар орасида белгиланган тартибда ўтказилди.

Тендер натижаларига мувофиқ “Технопарк” МЧЖ билан электрон газ ҳисоблагичлари ва зарур бўлган ускуналарни етказиб бериш тўғрисида шартномалар имзоланди.

Лойиҳани амалга ошириш қуйидаги асосий йўналишлар асосида олиб борилди.

Унга кўра, табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини (кейинги ўринларда – Тизим) “ишлаб чиқариш – газ тақсимлаш станцияси – туман (шаҳар) чегараси – йирик участкалар кириш қисми – истеъмолчи” принципи асосида бутун тармоқ бўйича жорий қилиш;

ҳисоблагичларни биринчи навбатда аҳолининг табиий газ истеъмоли ва қарздорлик даражаси юқори бўлган ҳудудларга ўрнатиш, шунингдек, йирик истеъмолчилар ва тадбиркорлик субъектларини уларнинг ҳисобидан Тизимга улаш;

аҳоли яшаш пунктларида барча истеъмолчиларнинг (маиший, саноат ва бюджет) ҳисоблагичларини ҳамда йирик участкалар кириш қисмидаги ҳисоблагичларни бир вақтнинг ўзида ўрнатиш ва Тизимга улаш ҳамда тармоқдаги йўқотишларни бартараф этиш бўйича ишларни ташкиллаштириш;

ҳисоблагичларни ўрнатиш ва Тизим имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича амалий машғулотларни ташкил этиш орқали жойлардаги барча ходимларнинг кўникма ва малакасини ошириш орқали лойиҳага эришиш белгиланди.

Мазкур лойиҳа, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ маблағлари эвазига 2020 йил 1 октябрга қадар Қибрай, Зангиота ва Тошкент туманларида тизимни ўрнатиш белгиланган.

Шунингдек, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратиладиган кредит маблағлари эвазига 2021 йил 1 октябрга қадар Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Юқори Чирчиқ, Янгийўл ва Кармана туманлари ҳамда Тошкент, Андижон, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Наманган, Нукус, Самарқанд, Термиз, Урганч, Қарши, Каттақўрғон, Қўқон, Марғилон шаҳарларида ва бошқа қарздорлик даражаси баланд бўлган ҳудудларда тизимни ўрнатиш режалаштирилган.

Қолаверса 2021 йил 1 августга қадар республиканинг бошқа ҳудудларида истеъмолчиларга замонавий ҳисоблагичларни ўрнатиб, тизимни тўлиқ жорий этиш белгиланган.

Қайд этилишича, Молия вазирлиги томонидан “Ҳудудгазтаъминот” АЖнинг Лойиҳа доирасида таъминот бўйича молия ташкилотлари, жамғармалар ва банклар олдидаги мажбуриятлари юзасидан тегишли кредит шартномаларининг талаблари асосида Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатларини бериш ваколати ўрнатилган.

Табиий газ назоратини автоматлаштирилган тизимини жорий этилиши истеъмолчи ва таъминотчи ўртасидаги хисоб-китобларни шаффофлигига, инсон омилини камайтириш хисобига ҳар қандай куринишдаги коррупцион ҳолатлар рискини камайтиришга хизмат қилади.

Бегматов Д.Б. *– ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ВА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ҲУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Бугунги глобаллашув даврида жаҳонда аҳоли сони шиддат билан ўсиб бораётгани ва ишлаб чиқариш ресурсларининг тенг тақсимланмаганлиги натижасида ҳар бир мамлакат учун ўз фуқароларини ишлаши ва даромад топиши ортидан ўзининг фаровон ҳаётини таъминлаш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Бунинг ортидан кўплаб мамлакатлар камбағалиик муаммоси билан курашишга мажбур бўлмоқда.

Аввалambор камбағаллик тушунчаси нима? Бу нимани англатади?

Камбағаллик – бу инсоннинг асосий эҳтиёжлари учун етарли моддий бойлик ёки даромадга эга бўлмаслик ҳолатидир. Камбағаллик ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий элементларни ўз ичига олиши мумкин. Камбағалликни келтириб чиқарувчи асосий омилларнотўғри давлат бошқарувижуда бой миллат бўлиши мумкин бўлган мамлакатни қашшоқ давлатга айлантириши мумкин. Шунингдек,эксплутационмустамлака тарихи, заиф қонун устуворлиги, уруш ва ижтимоий тартибсизликлар, оғир иқлим шароитиёки этник келишмовчиликлар.

“Дунё аҳолисининг ўта қашшоқликда яшайдиган қисми, яъни кунига 1,90 долларданкамдаромадли бўлганлар – сўнгги пайтларда 10 фоизданпастга тушиб кетган (1990 йилдаги 35 фоизданортиқ). Ушбу тараққиётга COVID-19 инқирози тўсқинлик қилмоқда,ривожланаётган бозор ва ривожланаётган мамлакатларнинг 90 фоизидан кўпроғи 2020 йилда жон бошига даромаднинг салбий ўсишини қайд этилди.”[1].

Ўзбекистонда илк маротаба президент Ш.М.Мирзиёев томонидан илк маротаба 2020 йилда парламентга мурожатида ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги,ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжудлиги ватурли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этишини айтиб ўтганлар. Бу ўринда гап аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда.

Шу муносабат билан келгуси йилларда камбағаллик даражасини камайтириш учун бир қанча қарор, фармон ва фармойишлар қабул қилинди. Камбағаллик даражасини камйтириш ва аҳоли даромадларини ошириш орқали яшаш турмуш даражасини оширишда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликнинг аҳамияти яққол намоён бўлади. Бу ўринда тахлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистонда 2020 йилда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 53,9 фоизни, саноатдаги улуши 27,5 фоизни ва аҳоли бандлигидаги улуши қарийб 73,8 фоизни ташкил этган.[2]

[1] https://www.gfmag.com/global-data/economic-data/the-poorest-countries-in-the-world

[2] https://stat.uz/ - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб сайти.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали, аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш тарзини яхшилаш мақсадида қуидаги тизимли ишлар амалга оширилди.

Биринчидан, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил этилди. Вазирликнинг асосий вазифаси этиб иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таҳлил қилиш ва таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;

камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиш, хориж тажрибасини инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиётини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари меъёрий асосларини ишлаб чиқиш;

миллий барқарор ривожланишнинг мақсад ва вазифаларига эришиш чора-тадбирларини амалга ошириш, яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватчасини ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда меҳнат бозори ва унинг таркибини сифат жиҳатдан ривожлантириш, ишчи кучи миграцияси жараёнларини таҳлил қилиш, такомиллаштириш ҳамда меҳнат ресурсларини тақсимлаш борасида ўзаро мувофиқликдаги ишларни олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги билан биргаликда инсон капиталини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Иккинчидан, аҳоли ва кичик бизнес субектлари учун имтиёзли кредит маблағларини ажратиш тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Шу мақсадда “Хар бир оила-тадбиркор”, “Ёшлар-келажагимиз” дастурлари ва хотин-қизлар тадбиркорлигини кўллаб-қувватлаш, томорқадан самарали фойдаланиш, хунармандчиликни ривожлантириш мақсадларида 10 дан ортиқ қарор ва фармонлар чиқарилди.

2021 йилнинг биринчи чорагида барча дастурлар доирасида 1 трлн 902 млрд 300 млн сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган. Шундан, “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастури асосида 1652,5 млрд.сўм, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастури асосида 124,5 млрд.сўм ажратилган. Қолган қисми бошқа дастурлар хиссасига тўғри келади.[1]

Учунчидан, Аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни

[1]https://oilakredit.uz/oz/statistics/

яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742 сонлиқарори қабул қилинди. Қарорга кўра ўзини-ўзи банд қилишнинг 24 та фаолият тури 67 тага кўпайтирилди ва йиллик базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 50 фоизи ҳажмида ижтимоий солиқ тўлаш орқали мехнат стажига эга бўлиш имкони яратилди. Натижада 2021 йил 31 январь ҳолатига 597 085 нафар фуқаролар ўзини ўзи банд қилган сифатида рўйҳатдан ўтган. Асосан қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш ва ҳалқ истемоли моллари ишлаб чиқариш йўналишларига тўғри келади.[1]

Сўнги йилларда камбағалликни қисқартириш борасида жаҳон тажрибалари хам тадбиқ этиб келинмоқда. Жумладан Хитой, Хиндистон ва бошқа жанубий осиё давлатлари айнан кичик бизнес ва тадбиркорлик, илм-фан ва инфратузилмани ривожлантириш ортидан ялпи ички маҳсулот ҳажми (GDP) ва аҳоли сотиб олиш қобилятини (PPP) ошириб боришга эришмоқда.

Жаҳон тажрибасини кўрадиган бўлсак ҳусусан, Хитой ва Ҳиндистонни ҳисобга олган ҳолда, аграр ислоҳатлар кичик фермер ҳўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қайта ишлаш, уларни амалга оширишга кўмаклашишга қаратилган. Шу билан бирга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кооперативлар фаолиятини ривожлантириш, бунинг учун зарур бўлган технологияларни жалб қилиш жараёнини соддалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳукумат минтақаларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини халқаро сертификатлаштириш марказларини ташкил қилиш ва уларнинг хизматларидан фойдаланишни осонлаштириши керак. Бу ўсаётган мева ва сабзавотларни бозорини ва сабзавотларни бозорини ва қайта ишлаш тармоғини кенгайтиради ва шу билан камбағалларнинг даромадларини оширади.

Аҳолини тадбиркорликка йўналтиришда ахборот технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан мобил телефонлар орқали таълим ва тиббий хизматларни кўрсатиш, смартфонлар учун дарсликлар ёки дастурлар тизимини яратиш ва ўз-ўзини ривожлантириш билан боғлиқ интеллектуал ўйинлар катта аҳамият эга. Бунда Хитой ва Ҳиндистон тажрибасидан фойдаланиш ҳам ёрдам беради.[2]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4653-сонли Қарори.

[1]https://mineconomy.uz- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги расмий веб сайти.

[2]М.Калонов, “Сокращение бедности: возможности, действия и результаты”. xs.uz веб-нашри.

3. М.Калонов “Сокращение бедности: возможности, действия и результаты”, xs.uz веб-нашри.
4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. и.ф.д., проф. Н.Х.Жумаев таҳрири остида. Т: Адиб, 2011.
5. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес режалаштириш. Т: Иқтисодиёт, 2019.
6. https://mineconomy.uz/
7. https://lex.uz/
8. https://stat.uz/
9. https://www.gfmag.com/
10. https://www.worldbank.org/

Болтаев С.Б. *– ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги ўқув маркази катта ўқитувчиси*

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Ҳозирги вақтда жаҳон мамлакатларида кичик бизнеснинг аксарият қисми оилавий корхона шаклида иш юритмоқда. Европа давлатлари ялпи милий маҳсулотининг (ЯММ) 40-50 фоизини, Осиё мамлакатларида 65 фоиз-дан 82 фоизгачасини, Лотин Америкасида 70 фоизга яқинини оила бизнеси ишлаб чиқаради. АҚШ иқтисодиётидаги оилавий бизнес улуши 95 фоиздан кўпни ташкил қилади, уларга иқтисодиётдаги умумий бандларнинг 62 фоизи тўғри келади[1]. Иқтисодиёти ривожланган кўплаб мамлакатларда оилавий тадбиркорлик соҳасидаги тадқиқотларни олиб борувчи, унинг манфаат-ларини ҳимояловчи ва оилавий корхоналарнинг фаолият кўрсатиши борасида тажриба алмашиш учун мунозара майдонларини ташкил этувчи махсус бирлашмалар мавжуд. Бундай ёндашув аҳолини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилишни кенгайтириш, оилавий анъаналарни, оилавий тадбир-корлар сулоласини шаклланти-риш ва ривожлантириш имконини беради.

Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш ва либераллаштириш бўйича белгиланган устивор вазифалар қаторига оила тадбиркорлигини ривожлантириш[2] алоҳида ўринга эга ҳисобланади. Чунки, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожига ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашда оилавий тадбиркорликнинг ҳиссаси юқоридир. Шу билан бир вақтда оила фаровонлиги ва ҳаётининг сифат даражаси кўп жиҳатдан оилавий тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадга ҳам боғлиқ ҳисобланади. Шу

[1] Календжян С.О., Волков Д.А. Семейное предпринимательство: анализ Российской практики // Российский внешнеэкономический вестник. Мировая экономика. №9,2011. С. 17-20
[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришни ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 ЎзР Қонун хужжатлари тўплами 2017й.,6- сон,70 модда.

нуқтаи назардан оилавий тадбиркорликни ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш салоҳиятини янада ошириш йўлларини асослаш долзарб масалалар қаторига киради. Шу билан бир қаторда, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорида “... ижобий натижаларга эришган ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорларни маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктириш – мини кластерлар ташкил этиш” вазифаси қўйилган [1.7].

Хорижий тажрибалар таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги йилларда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва аҳоли даромадларининг юқори даражасини таъминлашда жиддий муваффақиятларга эришган мамлакатларнинг ривожланиш тажрибаси шундан далолат берадики, оила тадбиркорлигига қаратилган ташаббус нафақат бандликни таъминлашда, балки даромадларни текис тақсимлаш, шу билан бир қаторда ижтимоий–иқтисодий ривожланиш-нинг барқарор омиллари сифатини оширишда тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, аҳолиси 34 миллион нафардан ортиқни ташкил қиладиган Ўзбекистонда ишсизлик даражаси анча юқори. Аксарият ишчи кучи мамла-катни тарк этиб узоқ ва яқин хорижда меҳнат мигрантлари сифатида оила боқяпти. Расмий маълумотларга кўра, иқтисодий фаол аҳоли ўртасида ярим йилда ишсизлик даражаси 9,3 фоизни ташкил қилган. Бу ерда иқтисодий фаол аҳоли (14,6 млн.) ва иқтисодий нофаол аҳоли (4,2 млн.) орасидаги фарққа ҳам эътибор қаратиш лозим. Ҳукумат бундай вазиятнинг салмоқли ечими сифатида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масаласини кун тартибига қўйган. Оилавий тадбиркорлик тўғрисидаги қонун 9 йил аввал кучга кирган бўлсада, ҳукумат ҳамон уни такомиллаштириш ҳаракатида.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида тўлиқ эркинлик бериш, амалиётда “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, деган тамойил асосида ислоҳотлар бошланган. Мамлакатимизда айнан оилавий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароит ва бу орқали янги иш жойлари яратишга эътибор ортди.

Мисол учун, оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчиликни ривож-лантириш мақсадлари учун 2020 йили 367,2 млрд. сўм ажратилди. Ҳозирги кунда юртимизда 13 мингдан ортиқ оилавий корхоналар мавжуд. Лекин ҳудудлар кесимида ўрганганимизда, юридик мақомга эга оилавий тадбиркор-лик субъектлари сонидаги кескин фарқларга гувоҳ бўламиз. Айрим ҳудуд-ларда тегишли тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда, ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар ҳалигача учрамоқда. Мазкур ҳолатларга одамларнинг оилавий тадбиркорлик субъектларига берилган қонуний имтиёзлар ҳамда қулайликлар ҳақида етарлича тушунчага эга эмасликлари сабаб бўлаяпти.

Мамлакат Президенти 2018 йил 8 июнь куни имзолаган “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарор ҳам оилавий тадбир-корлик, ҳунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турла-рини кенг оммалаштириш, ҳар бир оиланинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш ва ишсизликка барҳам беришни мақсад

қилган. Режага кўра, дастур олис, табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда аҳолининг моддий шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи сифати ва даражасини оширишга хизмат қилиши керак. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда ишбилармонлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатилиш белгиланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Календжян С.О., Волков Д.А. Семейное предпринимательство: анализ Российской практики // Российский внешнеэкономический вестник. Мировая экономика. №9,2011. С. 17-20

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришни ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 ЎзР Қонун хужжатлари тўплами

Жумаев Ҳ.Ш., Джумаев Х.Ч. *– ОБМ тингловчилари*

ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЎРТАСИДА ИННОВАЦИОН ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Барқарор иқтисодий тараққиётга эришишда инновацион фаолиятни таъминлаш муҳим омилларда ҳисобланади. Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўз натижасини бермоқда.

Венчурга асосланган молиялаштиришни жорий этиш ва инновацион лойиҳаларга тадбиркорлик субъектларининг молиявий маблағлариникенг жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 ноябрда ПФ-5583-сон Фармони қабул қилинди. Жаҳон ҳамжамиятига иқтисодий интеграциялашувни кучайиши, аҳоли даромадларини ўсиши, ҳудудларда бизнес ва тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш асосида янги иш жойларини яратилиши ҳисобига 2018 йилда 2017 йилга нисбатан аҳолини реал даромади 12 фоизга ошди. *“Ҳар бир оила-тадбиркор”,*2018 йилда “Ёшлар - келажагимиз” дастури доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2600 дан ортиқ бизнес лойиҳалар амалга оширилди **[1].**Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган 4-қисми 4.1. бандида яқин беш йилда аҳолини иш билан бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, бунинг учун эса “янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчилари бандлигини таъминлаш” каби вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган [2]. Юқорида белгиланган масалаларни бозор тамойиллари асосида ҳал этишда “таълимфан-ишлаб чиқариш” инновацион ҳамкорлигиниамалга ошириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Жаҳон амалиётида фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг энг асосий техник

жиҳатларидан бири технополислар, илмий парклар ва технопарклар ҳисобланади. Буларни ўзаро ҳамкорлиги инновацион жараёнларни ташкил этиш учун зарурий шароитларни яратишга, янги турдаги синов маҳсулотларини ҳамкорликда ишлаб чиқишга хизмат қилади. Чунки, инновацион лойиҳаларни амалга оширишга керакли жиҳозлар ва молиявий ресурслар билан таъминлашда фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси муҳим омил ҳисобланади. Натижада, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси инновацион маҳсулотларни шаклланишига хизмат қилади. Инновацион маҳсулотларни ўз ичига инновацион технологик парк, сертификатлаштириш, маркетинг марказлари, илмий-тадқиқот марказлари, олий ўқув юртлари, инновацион марказлар ва бошқа субъектларни қамраб олиши мумкин. Инновацион маҳсулотларни шаклланиши шу соҳадаги мутахассислар салоҳиятига ҳам бевосита боғлиқдир. Сабаби, замонавий инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун юқори илмий салоҳиятга эга бўлган малакали кадрлар томонидан фундаментал ва амалий лойиҳалар ҳаётга тадбиқ этилади. Бунинг натижасида “таълим-фан-ишлаб чиқариш” алоқаларини ўзаро ҳамкорлиги таъминланади. Таълим, фан ва ишлаб чиқаришни ўзаро шерикчилиги кадрларнинг назарий ва амалий томонидан инновацион тадбиркорлик қобилятларини шаклланишига олиб келади. Олий ўқув юртлари иқтисодиётдаги замонавий корхоналарни ривожланиш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда мутахассислар тайёрлайди. Талабаларни олаётган назарий билимларини инновацион ҳамкорлик асосида худди ўша корхоналарда амалий томондан мустаҳкамлайди. Иқтидорли талабалардан тармоқларга қизиқишидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир тармоқ йўналиши бўйича инновацион ҳамкорлик гуруҳлари ташкил этилади.

Инновацион ҳамкорлик натижасида замонавий корхоналарга кадрлар заҳираси яратилади. Корхоналарни ривожланишидан келиб чиққан ҳолда мутахассисларни тайёрлаш режаси ишлаб чиқилади Корхоналарни буюртмасига асосан ОТМда тайёрланадиган мутахассис кадрлар йўналиш таркиби белгиланади Талабаларни ўқиши учун ОТМни моддий-техника ва илмий салоҳият базаси такомиллаштирилади. Инновацион корхона ва ОТМ ҳамкорлиги олий таълим муассасаларини ўзаро ҳамкорлиги учун манба сифатида Муаллиф ишланмалари асосида Инновацион ҳамкорлик лойиҳаларини молиялаштиришни ташкил этишда турли хил фонд жамғармаларидан, ички ва ташқи молия ташкилотлари маблағларидан, суғурталаш усулларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса амалга ошириладиган инновацион лойиҳалар хатарини идентификация қилиш, баҳолаш ва таҳлил қилиш имкониятини яратиб беради. Натижада, инвесторлар ўзлари учун зарур бўлган инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга бўлган ишончини ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қилади. Юқори технологияли корхоналар инновацион лойиҳани амалга оширишда илмга оид маҳсулотлар танлаши ва шу орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини янгилашга эътибор қаратиши зарур. Бу эса ўз навбатида маҳсулотни узлуксиз янгилаб борадиган олимлар, конструкторлар, лойиҳалаштирувчиларни талаб этади. Бундай инфратузилмани шакллантириш таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграциясини давлат томонидан

самарали бошқариш, амалга оширилаётган инновацион ҳамкорлик лойиҳаларни молиявий томондан қўллабқувватлаш учун зарурий имтиёзларни бериш зарур. Жумладан: Инновацион корхона ва ОТМ ҳамкорлиги Корхоналарни ривожланишидан келиб чиққан ҳолда мутахассисларни тайёрлаш режаси ишлаб чиқилади. Корхоналарни буюртмасига асосан ОТМда тайёрланадиган мутахассис кадрлар йўналиш таркиби белгиланади. Талабаларни ўқиши учун ОТМни моддий-техника ва илмий салоҳият базаси такомиллаштирилади.Олий ўқув юртлари билан инновацион ҳамкорлик асосида ишлайдиган корхоналарга далат томонидан солиқ имтиёзларини бериш; инновацион ҳамкорлик асосида замонавий корхоналар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларида янги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш; инновацион ҳамкорлик лойиҳаларини молиялаштиришда давлат, хусусий корхоналар ва хорижий компаниялар иштирокини таъминлашга хизмат қилувчи инновацион инфратузилмани шакллантириш; инновацион корхоналар ва олий таълим муассасалари ўртасида инновацион тадбиркорликни ривожлантириш омилларини яратиш; инновацион корхона ва олий таълим муассалари ҳамкорлиги асосида фундаментал ва амалий лойиҳалар танловларида биргаликда иштирок этиш ва уни бажариш; инновацион ҳамкорлик натижасида олинган янги амалий ишланмаларини маҳаллий ва халқаро инновацион бозорларга олиб чиқиш ҳамда уни тижоратлаштириш ва бошқалар. *Мисоллар Тошкент давлат техника университети Термиз филиалида 2020-2021 йилларда*“Кичик габаритли такомиллашган дуккакли ва мойли экинлар уруғини тозалаш машинаси ишлаб чиқиш”, “Республика жанубий минтақаларида сувдан фойдаланишда тупроқ ва иқлим шароитига мос сув тежамкор технолигияларни қўллашни илмий асослари”,Халқ хўжалиги электр таъминоти объектларини бошқариш тизими учун ўлчаш диапазони кенгайтирилган ток трансформаторининг яхшиланган параметрларини ўрганиш, мавзуларида жами 8 млрдлик амалий лойиҳалар берилиб шундан 600 миллион сўмлик лойиҳаси маҳалий хокимият томонидан молиялаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, “таълим-фан-ишлаб чиқариш” интеграцияси мамлакатимизда олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги инновацион ҳамкорлик тизимини тўлиқ шаклланишига, замонавий талабларга жавоб берадиган мустақил фикрлайдиган мутахассисларни тайёрлашга, инновацион корхоналар салмоғини ошишига, истеъмолчиларни эҳтиёжларини қондирадиган юқори технологияли маҳсулотларни инновацион бозорларда тижоратлаштириш имкониятини яратиб беради.

Фикримизча**,** илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Технопарклар ҳудудида олий ўқув юртларининг илмий –тадқиқот фаолиятини ривожлантириш мақсадида, биринчидан, уларга ер учаасткаларини узоқ муддатга ижрага бериш керак; иккинчидан, университетларнинг илмий ишланмаларини тижоратлаштириш жараёни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши лозим.

Университетларнинг технопарклар фаолиятидаги муҳим ролига мисол қилиб Силикон водийсини кўрсатиш мумкин.Силикон водийсида кўплаб нуфузли университетларнинг илмий марказлари, ўқитиш марказлари жойлашган бўлиб, уларга ер участкалари давлат томонидан 99 йилга ижарага берилган.

Финландияда университетларнинг янги техника ва технологияларни тижоратлаштириш жараёни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланади.Масалан, Хельсинки Технология университети илмий тадқиқотлар олиб боради, фан ва бизнес ўртасидаги алоқадорликни таъминлайди. Жумладан, хусусий компаниялар билан ҳамкорликда инновацион технологияларни сотишни ва битирувчиларни ишга жойлаштиришни ташкил қилади.

Сингапурда илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлик давлат томонидан ташкил этилган махсус агентликлар томонидан молиявий қўллаб-қувватланади.

2. Олий ўқув юртлари томонидан бир қатор инновацион тадқиқотлар бўйича даромадларни кечиктирилган стратегие мазмунга эга эканлигини ва инновацион фаолиятда ноаниқлик ва рискни юқори эканлигини ҳисобга олиб, уларнинг инновацион фаолиятини молиялаштириш учун қилинган инвестициялардан олинган фойда тўлиқ фойда солиғидан озод қилиш лозим.

Айрим инновацияларнинг даромадлилиги кечиктирилган стратегик мазмунга эга. Масалан, компаниянинг бошқарув тизимидаги инновациялар, ходимларни бошқаришнинг янги усулларин қўллаш, маркетинг инновациялари ўзининг натижасини маълум вақт ўтгандан кейин беради.

Инновацион фаолият ноаниқлик ва юқори риск мавжуд бўлган шароитда амалга оширилади. Бунинг сабаби шундаки, инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш узоқ муддат давом этади, ташқи муҳит эса, тез ўзгаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. / “Тошкент оқшоми” 2018 йил, 29 декабрь. №250 (13.847).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-49- 47-сонли фармони. ЎзбекистонРесублпикасиқонунҳужжатларитўплами, 2017 й., 6-сон.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” (2019 йил 29 октябрь ЎРҚ-576-сон) ва “Инновацион фаолият тўғрисида” (2020 йил 24 июль ЎРҚ-630-сон).

4. ЎзбекистонРеспубликасиПрезидентининг 2019 йил 24 ноябрда ПФ-5583-сон.

Камолов Ж.К. *– ОБМ тингловчиси*

ЁШЛАРНИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЙЎНАЛТИРИШДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ

Бугунги кун ёшларининг ўзлигини англаб олишига кўмаклашишга қаратилган давлат сиёсати кундан-кунга долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Шунга кўра ёшлар, айниқса, касб-ҳунарга лаёқатли ўғил-қизларнинг Ватанга муҳаббатини, халқига садоқатини юксалтириш, фидойилик хусусиятларини шакллантиришга қаратилган хайрли ишларни кучайтириш, уларнинг маънавиятини юксалтириш ва пировардида, ўз фарзандларимизга ўзимиз эга чиқишимиз, уларни мустақил ҳаётда муносиб ўринларини эгаллаши каби эзгу мақсадлар ётибди. Бир сўз билан айтганда, ёшларни ўқитиб-ўргатиб, кейин уларга иш бериш бугун миллий ҳаракатимизга айланиши зарур.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь куни парламентга мурожаат билан чиқиш қилиб, ўз нутқида ёшларни қўллаб-қувватлаш долзарб масала эканлиги ва янги Ўзбекистонни билимли ҳамда бунёдкор ёшлар билан бирга барпо этилиши тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди ва 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг соғлигини мустаҳкамлаш йили”, деб эълон қилишни таклиф қилди [2]. Ушбу таклиф жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди ва шунингдек, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият сифатида қаралишини таъкидлади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 7 августда “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган Низомга асосан меҳнат бозоридаги эҳтиёжлар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун рақобатбардош кадрларни профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали тайёрлаш ҳамда турли ёшдаги шахсларнинг «Ҳаёт давомида таълим олиш» тамойили асосида таълим олишга бўлган талабларини қондириш профессионал таълимнинг мақсади ҳисобланиши белгиланган.

Юқоридаги Фармон билан Ўзбекистон Республикаси тарихида янги профессионал таълим тизимини ташкил этишга асос солинган бўлса, ушбу таълим тизими 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб фаолиятини бошлади. Бунда касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар фаолияти, қабул қилинган низом талаблари ҳамда таълим беришнинг илғор педагогик иновацион технологиялари асосида ташкиллаштирилди.

Профессионал таълим тизимида иқтисодиётнинг барча соҳалари баробарида тадбиркорлик, кичик бизнес, оилавий бизнес, томорқа бизнеси, қурилиш, хизмат кўрсатиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчилик каби тез суръатларда равнақ топаётган соҳалар учун ишчи касблар бўйича малакали кадрлар тайёрланиши кўзда тутилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ушбу тизимни сифат жиҳатдан мукаммал шакллантиришда Жанубий Корея, Германия, Туркия, Швейцария, Хитой каби мамлакатлар ва ЮНЕСКО, Британия Кенгаши, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти, Осиё тараққиёт банки, Европа таълим фонди, Хитойнинг Университетлар уюшмаси каби қатор халқаро ташкилотлардан 200 дан ортиқ нуфузли экспертлар жалб этилган ва улардан салмоқли хулосалар олинган.

Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (Халқаро таснифлагич) даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ташкил этилди.

Жумладан, касб-ҳунар мактабларида таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичининг 3-даражасига мос келувчи 2 йиллик таълим дастурлари асосида 9-синф битирувчиларидан энг аввало кам таъминланган оила фарзандлари бошланғич профессионал таълим олади ва уларга Давлат бюджети ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида ойлик стипендия ҳамда уч маҳал овқат билан таъминланиши белгиланган. Ушбу таълим даргоҳидаги ёшларга ўз мутахассисликлари бўйича тадбиркорликка, бизнесга, пировард натижада даромад олишга йўналтирувчи билим, малака ва кўникмалар ҳамда компетенциялар бериш мақсади шакллантирилган.

Профессионал таълимнинг 4- ва 5-даражаларидаги коллежлар ва техникумларга мактабларнинг 11-синф битирувчилари белгиланган низом талаблари асосида қабул қилинади ва мос равишда табақалаштирилган таълим дастурлари асосида ўқитилади. Бунда коллежлар вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар тасарруфида фаолият кўрсатади ва шу соҳадаги аниқ иш ўрни учун мутахассислар тайёрланади. Бакалавриат таълим йўналишлари билан интеграциялашган, кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида камида 2 йил муддатга мўлжалланган таълим дастурлари асосида ўқитишни техникумлар амалга оширади ва 2 йиллик таҳсилдан сўнг битирувчилар олий таълим муассасасида ўқиган касби бўйича суҳбат асосида ўқишга қабул қилиниши мумкин. Бунда профессионал таълим тизими битирувчиларини олий таълимга қамров даражасини ошишига хизмат қилади.

Профессионал таълим муассасаларида ўқувчи ёшларни бозор муносабатлари шароитидамеҳнат бозоридаги ваколатларини ўрганиши, ўз касби ва мутахассислиги бўйича рақобатбардош ходим сифатида тайёрлашни, музокаралар олиб боришни ўргатиш кўникмаларини ўрганишлари учун амалий билимлар мажмуаларини беришни ўргатишда умумтаълим фанлар билан бирга, умумкасбий “Бизнес асослари” фани киритилган. Бунда ўқувчилар ўз соҳалари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш жараёнларини, бизнесни амалга ошириш босқичлари, бизнесдаги ахлоқ

маданияти, бизнес-режани тузиш қоидаларини, креатив фикрлаш, замонавий бозор муносабатлари, тадбиркорлик ва кичик бизнесга оид ҳукумат қарор ва фармонлари, солиққа тортиш тартиблари, инсон ресурсларини бошқариш, ахборот излаш кўникмаларини, иш берувчи билан бўладиган суҳбатда ўз имкониятларини кўрсатиб бера олишига, таржимаи ҳол ва йўлланма хатларни яратишга ўргатиш замонавий усул ва технологияларини, тўғрисидаги билимларни ўзлаштиришади



1-расм. Профессионал таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар рақамларда

Сўнги беш йил мобайнида юртимизда амалга оширилган туб ислоҳотлар орасида ўрта махсус касб ҳунар таълими тизими ҳам борлиги ушбу 1-расмда кўришимиз мумкин. Профессионал таълим тизимига ўтиш борасидаги ислохотлар 2016 йилда бошланганлиги ва ҳали хамон давом этаётганини биламиз. Ушбу ўзгаришлар моҳияти янги сифат ва форматда инсон ресурларини ривожлантириш, ёшларда ички ва ташқи меҳнат бозори талаб қилаётган амалий квалификацияларни шакллантиришдан иборатдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ёшларни нафақат кичик бизнес ва тадбиркорликка, балки жамиятнинг ҳар бир жабхасига тайёрлашда профессионал таълим даргоҳларининг аҳамияти катта. Муҳтарам юртбошимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги **“**Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат”, **[3]** дея такидлаган сўзлари, босқичма-босқич амалиётда ўз исботини топаётганлигини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги №673-сонли “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. https://lex.uz/

2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь куни парламентга мурожаатномаси.https://president.uz/

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. https://uza.uz

4. Ўзбекистон Республикасининг олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги www.edu.uzсайти.

5. https://review.uz

6. https://strategy.uz

Кўчмурадов З.Р. *– ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти турли молиявий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий инқирозларнинг кучайиши, мамлакатлар ўртасида турли савдо урушларининг авж олиши натижасида дунё мамлакатлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг чекланиши каби жараёнлар билан тавсифланади. Бунинг натижасида эса, дунёнинг кўпгина миллий иқтисодиётларда ЯИМ ўсишининг секинлашуви, реал даромадларнинг пасайиши, ижтимоий табақаланишнинг чуқурлашуви ва қашшоқликнинг ортиши кузатилмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди ва мамлакатимизда камбағалликда кун кечирувчилар сони мамлакат аҳолисининг умумий сонига нисбатан 12-15 фоизни ташкил этаётганлиги биринчи маротаба расман эълон қилинди [1].

Камбағаллик чегараси инсоннинг фақат энг муҳим бўлган бирламчи озиқ-овқат, кийим-кечакларни сотиб олиш ва истиқомат қилиш учун етарли бўлган даромадларнинг минимал миқдорини ифода этади. Жамият ривожланиши билан ҳаёт учун зарур буюм ва хизматлар мажмуи кенгая борсада, лекин юқорида тилга олиб ўтилган усул ўз моҳиятини йўқотганича йўқ. Бирор бир шахс ёки оилани камбағаллар тоифасига киритиш уларнинг нимага эгалик қилишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мазкур усулдан фойдаланган ҳолда мутлоқ камбағаллик даражасини ўлчашимиз мумкин.

Нисбий камбағаллик дейилганда бирор бир шахс ёки оиланинг жамиятда қабул қилинган муайян турмуш даражасини таъмин эта олмаслик ҳолати тушунилади. Нисбий камбағаллик инсоннинг бошқа одамларга нисбатан қанчалик даражада камбағал эканлигини кўрсатади. Кўпчилик ҳолатларда инсонлар ҳаётий зарур неъматлар билан таъминланган бўлсаларда, жамиятда таркиб топган турмуш андозаси даражасида кун кечира олмайдилар. Ҳаёт сифати ва шароитларига эътибор бериш шахснинг (ёки оиланинг) ижтимоий мавқеи ва унинг турмуш даражаси ўртасидаги тафовутни аниқлаш имконини беради.

Сўнгги йилларда камбағалликни аниқлашда респондентларнинг ўзларини-ўзлари баҳолашларига асосланган субъектив усулдан кенг фойдаланимоқда. Бунда респондентлардан “сиз ўзингизни камбағал деб ҳисоблайсизми ёки йўқ”-деган саволга жавоб бериш сўралади. Бундай ёндашувнинг авфзаллиги шундаки,

у ижтимоий муаммо сифатида камбағалликни баҳолашга ва уни ҳал этиш борасида зарурий чора-тадбирлар кўрилишига имконият беради. Шу билан бир қаторда, унинг ўзига хос камчилик томони ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра, кўпчилик респондентлар ўзларини камбағал сифатида эътироф этишдан уяладилар [4].

Камбағаллик борасида янада аниқроқ таъриф Жаҳон Банки томонидан берилган бўлиб, унга кўра камбағаллик чегараси 2015-йилдан бошлаб, кунига 1,25 доллардан 1,90 долларгача кўтарилган. Кунига 3,20 долларга кун кечириш ўртача даромадга эга бўлган мамлакатлардаги камбағаллик чегара-сини акс эттирса, кунига 5,50 долларга кун кечириш ўртачадан юқори даромадга эга бўлган мамлакатларда камбағаллик чегарасини аниқлашда асосий мезон ҳисобланади. Бугунги кунда камбағалликнинг фавқулодда кўриниши бўлган қашшоқлик дунёдаги энг катта ва айтиш мумкинки, оғриқли муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Қашшоқлик-бу инсоннинг кунига 1,90 долларга ёки ундан ҳам камроқ маблағ ҳисобига кун кечиришини англатади. Шу билан бир қаторда, қашшоқлик-бу инсоннинг камбағаллик чегарасидан ҳам паст даражада даромадга эга бўлишини ва инсоннинг шунчаки ҳаётда мавжуд бўлишини акс эттиради. Камбағаллик чегараси кунига 1,90 доллар этиб белгиланган бўлсада, ҳар бир мамлакат ўзининг ривожланиш даражаси ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, камбағаллик чегарасини белгилайди. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида агар инсоннинг даромадлари ўзи истиқомат қилаётган мамлакатдаги ўртача иш ҳақининг 60 фоиздан камроқ қисмини ташкил этса, у камбағал инсонлар сирасига киритилади. Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида камбағаллик чегараси дейилганда, яшаш минимумидан паст даражадаги даромад чегараси тушунилади.

Ўзбекистонда 2020 йилда камбағалликни қисқартириш воситаларининг қуйидаги асосий стратегик йўналишлари амалиётга жорий этилди.

Биринчидан, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришнинг институционал асослари яратилиб, камбағалликни қисқартириш масалаларини мувофиқлаштирувчи вазирлик ҳамда ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчи илмий марказ ташкил этилди.

Иккинчидан, пандемия шароитида эҳтиёжманд аҳолини моддий ва номоддий қўллаб-қувватлаш мақсадида жойлардаги тўртта сектор, маҳалла органлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда депутатлар билан биргаликда камбағал ва моддий ёрдамга муҳтож оилалар рўйхати – «Темир дафтар» тизими ташкил этилди.

Учинчидан, Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт дастури каби халқаро ташкилотларнинг таклиф ва тавсиялари асосида аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш чоралари кўрилмоқда. Мазкур услубиёт Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим дастаклардан бири бўлиб, ижтимоий стандартларни белгилашда фойдаланилади.

Тўртинчидан, ўрта ва узоқ муддатларда камбағалликни қисқартиришнинг стратегик мақсадларини белгилаш мақсадида, Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт Дастури экспертлари билан бирга «2021—2030 йилларга қадар Ўзбекистонда

камбағалликни қисқартириш стратегияси» лойиҳаси ишлаб чиқилиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

Ҳужжатда республикада камбағалликни қисқартириш учун комплекс ёндашилиб, қуйидаги устувор йўналишлар доирасида чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда:

- эҳтиёжманд аҳолига кўрсатиладиган ёрдам ва хизматлар турини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш орқали мавжуд тизимни янада такомиллаштириш;
- аҳоли эҳтиёжманд қатламини ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги усул ва механизмларини доимий такомиллаштириб бориш орқали камбағаллик даражасини янада қисқартириш;
- аҳоли эҳтиёжманд қатламининг сифатли ва узлуксиз таълим олиш имкониятларини ошириш орқали инсон капиталини ривожлантириш ҳамда соғлиқни сақлаш хизматларидан тўлиқ фойдаланишига эришиш;
- ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларида фойдаланилмаётган янги ресурсларни ишга тушириш орқали камбағал аҳоли, айниқса аёллар ва ёшлар бандлигини оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш;
- ҳукумат томонидан давлат ва нодавлат ташкилотларининг бевосита камбағалликни қисқартириш борасидаги фаолияти ҳамда амалга ошириладиган чора-тадбирлар самарадорлигини таъминлаш;
- ҳудудларда камбағал аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш, коммунал хизматлар, муҳандислик инфратузилма объектларидан фойдаланиш даражасини ошириш.

2021 йилги Давлат дастурида иқтисодиётни ривожлантириш, шу жумладан камбағалликни қисқартириш ва узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсиш пойдеворини яратишнинг устувор йўналишлари белгиланган. **Жумладан:**

а) ишсиз аъзолари бор бўлган ҳамда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган оилаларга деҳқончилик билан шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш учун 2021 йил 1 июлдан бошлаб: деҳқончилик билан шуғулланиш учун янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларидан 10 сотихдан 1 гектаргача ер ажратилиши;

- ажратилган ер майдонлари суғориш тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб суғориш ва бошқалар) ҳамда электр энергияси билан таъминланиши;
- берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғ-кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратилиши белгилаб берилган.

Шу билан бирга, 2021 йил 1 апрелга қадар ҳар бир туманнинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб эҳтиёжманд оилаларга деҳқончилик билан шуғулланиш учун кўмаклашиш тизимини йўлга қўйиш вазифаси кўзда тутилган эди.

б) Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари харид қилиш учун 7

миллион сўмгача субсидиялар ажратилиши амалиёти йўлга қўйилиб, бу орқали мазкур аҳоли қатламлари бизнес учун дастлабки капитал билан таъминланади.

в) Ўзбекистон тарихида илк маротаба миллий камбағаллик чегараси – Аҳолининг минимал истеъмол харажатларини эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилиб, мазкур кўрсаткичдан ижтимоий сиёсатни юритишнинг самарали инструменти сифатида фойдаланилади. Шу билан биргаликда, ижтимоий кафолатларни бир тизимга келтирилиб, улар босқичма-босқич минимал меъёрлар даражасига етказилади.

г) Камбағалликни қисқартириш борасида ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш, амалга оширилаётган ишлар ижросини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 2020 йилда бошланган ишлар мантиқан давом эттирилади. Хусусан, ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими ўз ҳудудида камбағалликни қисқартириш бўйича манзилли дастурни ишлаб чиқиб, унинг ижроси бўйича ҳар чоракда маҳаллий Кенгашлар ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали халққа ҳисобот бериб бориш тизими жорий этилади. Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилган ишлар самарасини Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ҳокимлар фаолиятига баҳо бериш рейтингига интеграция қилинади.

д) Ишсиз фуқаролар, камбағал оила аъзоларига уларнинг бандлигини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида берилаётган моддий ёрдам ва субсидиялар самарадорлигини ошириш мақсадида мутлақо янгича тизим – ижтимоий шартнома тизими жорий йилдан бошлаб амалиётга тадбиқ этилади.

з) 2021 йилда камбағал ва ишсиз фуқароларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш ва меҳнат фаоллигини ошириш мақсадида уларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш тизими тўлиқ жорий этилиб, ўқишга жалб қилинган фуқаролар қамрови кенгайтирилади. Ушбу мақсадларда қатор амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

ж) Бундан ташқари, эҳтиёжманд оилаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар кўлами янада кенгайтирилиб, чин етим ёшларни уй-жой билан таъминлаш, бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган оилалар ва шахсларни вақтинчалик ёки умрбод мулк ҳуқуқи берилмаган ҳолда турар-жой билан таъминлаш учун маҳаллий ҳокимликлар томонидан уй-жойларни сотиб олиш тартиби жорий этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020

2. Extracts from B. Seebohm Rowntree, *Poverty: A Study of Town Life* (1902 edition; first published 1901).

3. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.http://constitution.uz/uz/pages/humanrights

4. Бердиев Г.И. Структура доходов домашных хозяйств Республики Узбекистан и его изменение в условиях модернизации экономикии // Журнал “Экономика и предпринимательство”. Москва 2017. №8. Стр.1147-1151. (08.00.00. № 29)

5. https://www.worldbank.org/en/publication/poverty-and-shared-prosperity

6. https://www.vorldbank.org

7. https://www.vedomosti.ru/economics/articles/2019/10/17/814013-kartine-bednosti

Pulatov M.M. *– OBM tinglovchisi*

O’ZBEKISTONDA PUDRAT FIRMALARINI STRATEGIK REJALASHTIRISH AMALIYOTI

Texnologiyalar doimiy ravishda takomillashib kelmoqda va tashkilotga ta'sir ko'rsatadigan yuqori biznes bosimlarini keltirib chiqarmoqda. Kelajakda raqobatbardoshlik barcha sohalarda tez o'zgarishlarni keltirib chiqaradi. Qurilish sanoati – ushbu o'zgarishlardan ta'sirlangan holda ushbu sohada faoliyat yuritadigan firmalarningko'payishitalabqilinmoqda. Ushbu global muhitda qurilish kompaniyalari tirik qolish uchun hushyor va istiqbolli bo'lishi kerakligi zarur. Aniq strategik va taktik mulohazalarni almashtirish yoki hech bo'lmaganda ularni qo'yish kerak bo'ladi.

Tadbirkorlik faoliyatiga strategik nuqtai nazarni qabul qilish zarurati boshqa sohalarda tan olingan. So'nggi paytlarda ramkalar va ustuvorliklar ko'proq darajada o'zgarib ketdi. Uzoq va qisqa muddatli strategik taktika qurilish sanoatida boshqalari bilan taqqoslagandanisbatan sekinroq.

Strategiya kontsepsiyasi qurilish sohasida, ayniqsa, ushbu global raqobat sharoitida ham muhimdir. O’zbekiston qurilish sanoatida yuqori raqobat ko'rib chiqilganda, strategiya tushunchasi va strategik rejalashtirish yaqqol ko'rinib turibdi. Ushbu maqolada O’zbekiston pudratchi firmalarining strategiya kontseptsiyasining istiqbollarini o'rganishga bag'ishlanganva O’zbekiston qurilish sanoatida mavjud strategik rejalashtirish amaliyotini tavsiflashga qaratilgan.

Strategiya tushunchasi adabiyotda strategiya tushunchasi so'zning kelib chiqishi jihatidan ikki xil manbaga asoslangan. Bittasi ular lotincha «stratum», ya'ni yo'l yoki chiziq degan ma'noni anglatadi. Ikkinchisi yunoncha «strategos» bo'lib, u generalning san'ati. Strategiya tushunchasi dastlab 18-asr oxirida urush taktikasi paydo bo'lganida tan olingan. Demak, strategiya kontseptsiyasi o'zining ilmiy taraqqiyoti sifatida harbiy sohaga aloqador.

Bugungi kunda strategiya tushunchasi sport, siyosat, iqtisodiyot kabi turli sohalarda maqsadlarga erishishni aniqlash uchun ishlatiladi. Bundan tashqari strategiya ayniqsa menejment sohasida muhim o'rin tuta boshladi.

Shu o'rinda strategik rejalashtirish konsepsiyasi haqida ham aytib o'tish muhimdir. Strategik rejalashtirish - bu jarayonni yaxshi boshqarishga yordam beradigan umumiy rejalashtirish. Bundan tashqari, strategik rejalashtirish bu tashkilotning o'z strategiyasini yoki yo'nalishini aniqlash va qaror qabul qilish

jarayonidir. Ushbu strategiyani amalga oshirish uchun o'z resurslarini ajratish to'g'risida ba'zi muhim tushunchalar mavjud.

Strategiya va strategik rejalashtirish tushunchalari qarash, maqsad va vazifalardir. Bu tushunchalar strategik rejalashtirishning asosiy tarkibiy qismlaridir. Birinchi komponent - bu vazifa. Strategik reja boshlanadi, tashkilotning asosiy maqsadini belgilaydi va uning nima uchun mavjudligini qisqacha tavsiflaydi. Boshqa asosiy tarkibiy qismlar qarash va maqsadlardir.

Qurilish sanoatida strategik rejalashtirish. Strategiya va strategik rejalashtirish kontseptsiyasi qurilish sohasida ham juda muhimdir. Bir nechta tadqiqotlar strategik rejalashtirish va strategik boshqaruvning muhimligini ilgari surish maqsadida qilingan. Ulardan biri korxonalar tomonidan strategik rejalashtirishning qo'llanilishini ko'rib chiqishdir. Ko'pgina qurilish tashkilotlari uchun muvaffaqiyat kaliti optimal muvozanatga ega bo'lgan strategiyalarni ishlab chiqishga bog'liq ekanligi aniqlandi. Bundan tashqari, ushbu mavzu bo'yicha tadqiqotlar turli xil nuqtai nazardan, masalan, korporativ strategiya asoslari bilan ajralib turadi. Qurilish sanoatida korporativ strategiyaning yangi kontseptual modeli ishlab chiqilgan bo'lib, u qurilishdagi muvaffaqiyat va muvaffaqiyatsizlik omillari hamda turli xil nazariyalarning xilma-xilligini ta'minlash uchun umumiy format strategiyasini ishlab chiqish bilan bog'liq.

Strategiya va strategik rejalashtirishning ahamiyatini aniqlash uchun O’zbekistonqurilish sanoatida ham tadqiqotlar mavjud. Ulardan biri o’zbek qurilishining xalqaro raqobatbardoshligini o'rganishdir.

O’zbek pudratchi kompaniyalarning strategik rejalashtirish amaliyotiga bo'lgan qarashlarini o'rganib chiqadi. Shu maqsadda o’zbek pudratchilari o'rtasida dala so’rovi o'tkazildi. So'rovda qatnashganlar o’zbek pudratchilar uyushmasiga a'zo bo'lgan yetakchi pudratchi firmalardir. Bu firmalar o’z ish davrlari bo’yicha qurilish sanoatidagilarning dominant va eng tajribalilari hisoblanadi. Bundan tashqari, ular nafaqat mamlakat ichkarisida, balki xalqaro miqyosda ham faoliyat ko’rsatgani uchun O’zbek qurilish sanoatida eng katta bozor ulushini egallamoqda.

Dala tadqiqotlari yordamida o’zbek pudratchi firmalarda amaldagi strategik rejalashtirishdan foydalanish sharhlari mavjud.

Pudratchi firmalar asosan strategiya va strategik kontseptsiyasidan xabardor bo'lganligi kuzatilmoqda. Birinchidan, firmalarning ozgina qismi (19%) hech qanday vazifa bayonotini tuzmagan. Shu bilan birga, firmalarning katta qismi (81%) yozma topshiriq va ko'rish bayonotlariga ega. Bu muhim topilma aniq vazifa va qarashni strategik rejalashtirishning asosi deb hisoblash mumkin. Ikkinchidan, firmalarning yarmidan ko'pi (56%) strategik rejalar yozganligi kuzatilmoqda.

So'rov natijalariga ko'ra, pudratchi firmalarning uzoq muddatli emas, balki qisqa muddatli rejalashtirishga moyilligi kuzatilmoqda. Ularning strategik rejalari odatda besh yilgacha bo'lgan davrlarni qamrab oladi. Ularni strategik qilishda qiyinchiliklar mavjud. Xulosalar strategiya va strategik rejalashtirish bo'yicha umumiy tushunchalarni qamrab oladi.

Садиков О. *– Учқўрғон туманлараро иқтисодий суди раиси*

ЗАМОНАВИЙ ТАДБИРКОРЛАР СИНФИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Камбағаллик бу - шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг иқтисодий ҳолатидир. Бундай ҳолатда шахс ёки ижтимоий гуруҳ ҳаёт учун муҳим ва энг зарур минимал эҳтиёжларни қондира олмайди, ҳамда иш ёки меҳнат қилиш қўлидан келсада, ўзи ҳохлаган фаолиятни давом эттира олмайди.

Сўнги йиллардаги очиқлик сиёсати туфайли “камбағаллик” “камбағалликни қисқартириш” деган тушунчалар пайдо бўлди. Ўзбекистон халқи билан очиқ мулоқотнинг самарали йўналиши амалда қўллана бошланди ва одамларнинг аслида қандай ҳаёт кечираётгани, уларнинг энг оғриқли нуқталари ошкор бўла бошлади.

Республикамизда камбағалликни қисқартириш юзасидан бир неча ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4653-сон қарори 3-иловасида “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тўғрисида» Низом қабул қилинди. Бу низомда умумий қоидалар, вазирликнинг тузилиши, вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг асосий вазифа ва функциялари келтирилган. Бу ҳам катта қадам. Камбағалликни қисқартириш учун Республикамизнинг барча худудларида ишлар қизғин ташкил этилмоқда. Одамлар учун янги иш ўринлар яратилиб, аҳолининг даромадларини ошириш бўйича кўзланган мақсадларга эришилмоқда.

Лекин таҳлилларга қараганда, Республикамизда, айниқса, чекка ҳудудларда аҳолининг кўпчилик қисми ўзи учун етарли бўлган даромад манбаига эга эмас. Кўпчилик давлатдар каби бизда ҳам камбағаллар қатлами мавжуд.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан айтилганидек, “Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак”.

Яъни, камбағал қатламга, қўпол қилиб айтганда, пул тарқатиш кўзланган мақсадга етакламайди. Бунга тадбиркорлик, таълим, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш орқали эришиш мумкин. Тадбиркорлар синфи камбағалликни камайтиришда катта роль ўйнайди. Яна бир томонидан, камбағаллик кўпайса, иқтисодий ривожланиш пасаяди. Одамларда таълим олиш имконияти чекланса, улар борган сари камбағаллашади. Шундан сўнг, юқори малакали ходимларга бўлган эҳтиёж қопланмай қолади. Натижада иқтисодиёт, тадбиркорликнинг

ривожланиши камаяди. Ва аксинча, инфратузилмани ривожлантириш орқали одамлар ўқиб, малакасини ошира олса, шунда уларда тадбиркорлик хисси уйғонади.

Ҳозирги кундаги рақобат муҳитида ўз ишини биладиган мутахассисларга талаб кучли. Иқтисодий, ҳуқуқий ва меҳнат муносабатлари тез ривожланмоқда. Бу ҳолатда олий маълумотга эга бўлмаса ҳам, ўзини-ўзи банд қилишга ақли етадиган малакали инсонлар юзага чиқиши керак.

Ҳозирги кунда тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқлар йўқ қилиниб, қулай тадбиркорлик муҳити яратилиб, одамларнинг тадбиркорликка муносабати ижобий томонга ўзгармоқда. Тадбиркорлик соҳасининг обрўси кўтарилгани сайин аҳолининг маълум эҳтиёжларини қондиришга қаратилган янги хизмат турлари вужудга келмоқда.

Тадбиркорлик кенг қамровли соҳа. Тадбиркорлар синфи қанчалик кўпайса, унинг ҳолатига қараб аҳолининг яшаш даражасини, фаровонлигини аниқлаш мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти жамият тараққиёти билан боғлиқ барча соҳа ва тармоқларни қамраб олиши билан бирга, унинг аҳамияти кўп ҳолатларда кўзга ташланади. Масалан,тадбиркорлик соҳаси, инсонни иқтисодий ва биологик субъект сифатида ривожлантиради. Инсон ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг бевосита жонли меҳнати билан иштирок этади. Мазкур меҳнатнинг сифати ва самарадорлиги унинг малакаси билан чамбарчас боғлиқ. Инсоннинг малакаси эса таълим хизматларининг сифатига боғлиқ бўлиб, бу уни иқтисодий субъект сифатида қарашни тақозо этади. Инсоннинг биологик субъект сифатида қаралиши унинг иқтисодий субъект эканлиги билан бевосита боғлиқдир, чунки соғлом одамгина самарали меҳнат қилиши, жамиятга кўпроқ наф келтириши мумкин.

Бундан ташқари,тадбиркорлик ва иқтисодиётнинг бошқа реал секторлари ривожланиши учун тегишли шароитлар яратиб берилади. Бу соҳа кўп ҳолларда ишлаб чиқариш соҳасининг инфратузилмаси сифатида намоён бўлади, чунки шундай хизматлар борки, уларсиз ишлаб чиқаришни ривожлантириб бўлмайди. Шу туфайли хизмат бевосита ишлаб чиқариш соҳасида ҳам кенг қўлланилади.

Шунингдек,тадбиркорлик аҳоли бандлигини ошириш билан бирга, уларнинг моддий фарвонлигини юксалтириш ва турмуш даражасини ошириш имкониятини ҳам туғдиради. Тадбиркорлик соҳасида янги иш ўринларининг очилиши уни жадал ривожлантириш имконини яратади. Иш ўринларининг очилиши ҳар бир кишини иш билан банд қилиш орқали уларнинг даромадлари таркибида тадбиркорликдан олинадиган даромадларини кўпайтириш, оилалар фаровонлигини ошириш имкониятинибералади.

Тадбиркорлик соҳаси мамлакат ялпи ички маҳсулотини яратишда, унинг истемол бозорини тўлдиришда катта ҳисса қўшади. Тадбиркорликнини ривожлантириш мамлакат хизмат бозорини хизматлар билан тўлдиради ва жамиятнинг хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш имкониятини яратади, мамлакат ялпи ички маҳсулоти кўпайишини таъминлайди.

Ва ниҳоят,тадбиркорлик соҳаси давлатнинг бюджетини солиқ билан тўлдириб боришда иштирок этади. Ҳар бир хизмат кўрсатувчи субъект юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат ёки маҳаллий бюджетга солиқ тўлайдил. Шу билан бирга, уларнинг бир қисми ёлланган ходимлар сифатида ойлик маош билан таъминланган бўладилар, натижада улар даромад солиғи билан давлат бюджетини, мажбурий тўловлар билан бюджетдан ташқари жамғармалар шаклланишига ўз ҳиссасиниқўшадилар.

Ўтган йили пандемия ҳолатида Республикамизда камбағалликни камайтириш борасида бажарилган ишларда “темир дафтар”лар муҳим ўрин тутди. Мазкур “дафтар” эҳтиёжмандларга нафақат пул ёки озиқ-овқат билан ёрдам беришни, балки биринчи навбатда, кам таъминланган аҳоли қатламини ишга жойлаштиришни назарла тутади.

Хулоса ўрнида айтганда, агар тўғри ёндашиладиган бўлса, ҳар қандай мушкул масаланинг ечимини топса бўлади. Муаммони илдизидан бошлаб ҳал этиш учун унинг мавжудлигини тан олиш керак. Шу сабабли ҳам бугунги кунда Ўзбекистонда камбағалликни камайтириш масаласи давлат сиёсати даражасига айланди. Мақсадга тўғри йўлдан бориш эса одамларнинг яшаш шароитини яхшилашдан ташқари, мамлакатнинг жаҳондаги ривожланган давлатлар сафига қўшилишига туртки бўлади.

Сиддиқов А.А. *– ОБМ тингловчиси*

ТУМАН ИҚТИСОДИЁТИ ЎСИШИГА ТУРТКИ БЕРАДИГАН СОҲА ВА ЙЎНАЛИШЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ШУ СОҲАЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ
(Риштон тумани мисолида)

Риштон тумани сўнги йилларда мамлакатимизда фаол иқтисодий ўсиш кўрсатгичларга эришаётган туманлардан бири ҳисобланади. Жорий 2021 йил 1-чорак якуни буйича ўсиш параметрлари ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 88,1 млрд сўмни ташкил этиб, 108.3 фоизга ўсишга эришилди. Туманинг саноат ишлаб чиқаришининг вилоятдаги улуши 1,7 фоизни ташкил этди.

2021 йил 1-чоракда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 35,9 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, бу кўрсат-кич ўтган йил мос даврига нисбатан (53,3-35,9=) 17,6 фоизга пасайган. Бунга сабаб тумандаги асосий саноат ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектлари – ҳунармандлар томонидан қиш мавсумида табиий газ таъминотидаги узилишлар сабабали кам маҳсулот ишлаб чиқарилган. Ҳозирда кичик саноат зонасидаги 100 дан ортиқ ҳамда янги ташкил этилган “Кулоллар шаҳарчаси”ги ҳунармандлар табиий газ билан таъминланиб тўлиқ хажмда ишламоқда. Туманда 2-чоракда саноат ишлаб чиқаришида кичик бизнес улушини кескин ошиши кутилмоқда.

Шу ўринда, Давлат Раҳбари томонидан 2021 йил 23 март куни қабул қилинган ПҚ-5033-сонли қарор билан хунармандларимизга берилган имтиёзлар

ҳамда туманимизда яна 4 та “Ҳунармандлар маркази” ташкил этилиши, Риштон туман ҳунармандларининг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини саноат даражасига чиқишини таъминлайди.

Бундан ташқари, 2021-2022 йилларда туманида фаолият юритувчи саноат корхоналари «Русузбектекс» МЧЖ хорижий корхонаси томонидан лойиҳа қиймати 139.0 млрд сўм (шундан 3,4 млн. доллар хорижий кредит, 10.0 млн. доллар тўғридан-тўғри инвестиция) бўлган газлама ва сочиқ ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилади.

Шунингдек, «Art Soft Tex Spining» МЧЖ корхонаси томонидан лойиҳа қиймати 27,7 млн.евро бўлган калава ип ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда янги турдаги трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми 141,0 млрд сўмни ташкил этиб, 104.3 фоизга ўсишга эришилди. Ушбу махсулотлар 100 фоиз кичик бизнес субъектларига етиштирилиб, вилоятдаги улушимиз 5,7 фоизни ташкил этди. Пудрат ишлари хажми 23,9 млрд сўмни ташкил этиб, 231.0 фоизга ўсишга эришилди. Ушбу ишларнинг 99,3 фоиз кичик бизнес субъектларига етиштирилиб, вилоятдаги улуши 1,9 фоизни ташкил этди. Капитал қўйилмалар хажми 46,1 млрд сўмни ташкил этиб, 150,5 фоизга ўсишга эришилди.

Ушбу капитал қўйилмаларнинг 67 фоиз кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилиб, вилоятдаги Риштон туман улуши 2,3 фоизни ташкил этди. Чакана савдо айланмаси хажми 99,3 млрд сўмни ташкил этиб, 100,0 фоиз ўсиш таъминланди.

Ушбу кўрсаткичнинг 94,7 фоизи кичик бизнес субъектларига тўғри келиб, вилоятдаги Риштон туман улуши 2,6 фоизни ташкил этди. Жами хизматлар хажми 134,2 млрд сўмни ташкил этиб, 107.4 фоизга ўсишга эришилди.

Ушбу хизматларнинг 87,9 фоизи кичик бизнес субъектларига томонидан амалга оширилиб, вилоятдаги туман улуши 3,6 фоизни ташкил этди. Экспорт хажми 2 млн 517 минг АҚШ долларини ташкил этиб, 103.3 фоизга ўсишга эришилди. Экспортнинг 47,3 фоизи кичик бизнес субъектларига тўғри келади. Туманнинг вилоят экспортидаги улуши 2,0 фоизни ташкил этди.

2021 йил 1-чоракда амалга оширилган экспорт хажмининг 47,3 фоизи кичик бизнес субъектларига тўғри келиб, бу кўрсаткич ўтган йил мос даврига нисбатан (73,4-47,3=) 26,1 фоизга пасайган. Бунга сабаб пандемия шароитида жорий қилинган карантин натижасида кичик бизнес субъектларининг четга экспорт қилиш имконияти чекланганлигидир. Шунингдек, туманимиздаги асосий саноат ишлаб чиқарувчи экспортёр кичик бизнес субъектлари – ҳунармандлар томонидан қиш мавсумида табиий газ таъминотидаги узилишлар сабабали нисбатан кам маҳсулот ишлаб чиқарилган. 2-чоракда экспорт хажмида кичик бизнес улушини кескин ошириши кутилмоқда. Импорт хажми 530,0 минг АҚШ долларини ташкил этиб, 60,6 фоизга қисқартиришга эришилди. Импортнинг 98,1 фоизи кичик бизнес субъектларига тўғри келади. Туманнинг вилоят импортидаги улуши 2,0 фоизни ташкил этди.

“Тадбиркор – ислоҳотчи” тамойили асосида бугунги оғир шароитда ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлашда асосий вазифа тадбиркорлар зиммасига тушаётгани пандемия даврида яна бир бор ўз исботини топди.

Шундан келиб чиқиб, асосий эътиборни - солиқ ва банк идоралари “Ҳар бир тадбиркорга-кўмакдош, елкадош ва мададкор!” бўлиши керак деган тамойил асосида тадбиркорларнинг фаолияти узлуксизлигини таъминлашга ва юзага келган муаммоларни зудлик билан бартараф этишга қаратилмоқда.

Шунга кўра туманда 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида тадбиркорликни ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ва бюджетга тушумларни кўпайтириш бўйича қуйидаги вазифалар мақсад қилиб олинган:

Биринчидан, янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга кўмаклашиш.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 108 та тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, бугунги кун ҳолатига туманда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг сони 1580 тани ташкил этмоқда. Шундан 1494 таси фаолият кўрсататган бўлса, 86 таси фаолият кўрсатмай келмоқда.

Жорий йил 2-чораги давомида 130 та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилади. Шунингдек, фаолият кўрсатмай турган 86 та субъектларни фаолиятини йўлга қўйиш бўйича алоҳида чора-тадбирлар белгиланади.

Бундан ташқари туманда якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар 1312 нафарни ташкил этмоқда. Ушбу йўналишда ҳам тадбиркорлар сонини кўпайтириш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар давом эттирилади.

Бугунги кунда таҳлилларга асосан туман худудларида аҳолининг маиший хизматга бўлган талабини қондириш учун 330 та маиший хизмат кўрсатиш объектлари етишмайди. Хусусан,

- кимёвий тозалаш бўйича - 20 та;
- нусҳа кўчириш, комьпютер хизматлари бўйича – 38 та;
- маиший жиҳозларни таъмирлаш бўйича - 26 та;
- кийим тикиш ва таъмирлаш бўйича - 26 та;
- автотеххизмат кўрсатиш бўйича – 57 та;
- хаммом фаолияти бўйича - 57 та корхоналарга эхтиёж мавжуд.

Шундан келиб чиқиб асосий урғуни юқоридаги йўналишларда хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил этишга қаратишимиз лозим.

Иккинчидан, Жорий йилнинг ўтган 1-чораги давомида тумандаги тижорат банклари томонидан тадбиркорлик йўналишида жами 37,3 млрд.сўм кредит маблағлари ажратилди. Жумладан, давлат дастурларига асосан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ажратилган имтиёзли кредит маблағлари 8,5 млрд.сўмни ташкил этмоқда. Хусусан, “Ҳар бир оила – тадбиркор” давлат дастури бўйича 317 та аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 6,4 млрд.сўм ва “Ҳунармандчиликни ривожлантириш” давлат дастури бўйича 66 нафар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 2,034 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб жорий йилда давлат дастурлари асосида ажратилиши режалаштирилиш 20,0 млрд.сўм имтиёзли кредит маблағларини ўзлаштириш юзасидан самарали иш ташкил эташ режалаштирилган:

- “Хар-бир оила тадбиркор” дастури доирасида 7,0 млрд. сўм;

- “Yoshlar – kelajagimiz” дастури дастури доирасида 7,4 млн. сўм;

- Ҳунармандчиликни ривожлантириш дастури доирасида 1,6 млрд.сўм;

- Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш доирасида 200 млн. сўм;

- Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш дастури- доирасида 3,3 млрд. сўм кредит маблағларидан манзилли ва самарали фойдаланиш кўзда тутилган.

Учинчидан, туманда 2021-2022 йилларда жами лойиҳа қиймати 788,5 млрд.сўмни ташкил этадиган (шундан 17,1 млрд.сўм банк кредити, 42,6 млн.долл хорижий кредит линиялари, 2,0 млн.долл хорижий инвестициялар) 52 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши хамда 1438 нафар янги иш ўринлари яратилиши белгилаб олинган.

Жорий йилнинг 1-чорагига қиймати 6,9 млрд.сўм бўлган 6 та инвестиция лойиҳалари ишга туширилиш белгиланган бўлса бугунги кунга қадар қиймати 19,9 млрд.сўм (шундан 16,0 млрд.сўм тадбиркорлар маблағлари, 3,9 млрд.сўм банк кредит маблағлари) хисобидан 17 та инвестиция лойиҳалари ишга тушурилиши ҳисобига 86 нафар янги иш ўринлари яратилди. Қолган инвестиция лойиҳаларда қурилиш, реконструкция ва модернизация ишлари давом эттирилмоқда.

Жорий йилда ишлаб чиқилган тармоқ жадваллари асосида кўзда тутилган лойиҳаларни тўлиқ ишга тушириш чоралари кўрилади.

Тўртинчидан, туманда ўз бизнесни бошламоқчи бўлган тадбиркорларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида “Навбаҳор” МФЙ худудида 14,0 га (шундан 6,0 га ёшлар учун) ҳамда Меҳнатобод МФЙ худудида 4,6 га кичик саноат зонасини ташкил этиш ишлари олиб борилиб хозирда ушбу саноат зоналарига ташабускор тадбиркорларни жойлаштириш ишлари бошланган.

Кичик саноат зоналари фаолиятини йўлга қўйиш орқали умумий қиймати 99,8 млрд сўмлик 34 та лойиҳалар ишга туширилиб 568 та янги иш ўринлари яратилади.

Шунингдек “Ёшлар кичик саноат зонаси”да умумий қиймати 16,5 млрд сўмлик 4 та лойиҳалар ишга туширилиб 95 та янги иш ўринлари яратишга эришилади.

Режалаштирилган лойиҳаларни ишга тушириш, тадбиркорларга шарт-шароитлар яратиш мақсадида саноат зоналарида инфратузилма объектларини қуриш чоралари кўрилмоқда.

Бешинчидан, туманда бўш турган бино иншоатлардан самарали фойдаланиш аҳволини ўрганиш натижасида ҳудудларда фойдаланилмай бўш турган 64 та хусусий мулк объектлар аниқланиб, мулк эгалари билан олиб борилган чора-тадбирлар натижасида жами 11,6 млрд. сўмлик лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ишга тушириш юзасидан тармоқ жадваллари тасдиқланди. Ушбу лойиҳаларни ишга туширилиши натижасида йил якунига қадар 609 та янги иш ўринлари яратилади.

Олтинчидан,туман маҳаллий бюджетининг 1-чорак даромадлари ижроси натижасида 9,1 млрд. сўм туширилиб, режа 118,8 фоизга ёки 1,4 млрд. сўм ортиғи билан бажарилди.

Туман маҳаллий бюджетининг 2-чорак даромадлар прогноз режаси 8,9 млрд.сўм белгиланган бўлиб, чорак якуни билан белгиланган режани 9,9 млрд.сўмга ёки режага нисбатан камида 1,0 млрд.сўмга ортиғи билан ижро қилиниши кўзда тутилган.

Мамлакатда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш, аҳоли билан мулоқот тизимини йўлга қўйиш, аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини ошириш, ҳудудларни жадал ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширилиш мақсадида Давлат раҳбари томонидан 2020 йил 1 майдаги “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ–4702-сон қарорига асосан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш холатини тегишли кўрсаткичлар асаосида чуқур таҳлил қилган ҳолда Риштон туманини ижтимоий-иқтисодий ҳолатни янада ривожлантириш юзасидан 2021 йил учун “Амалий чора-тадбирлар дастури” ишлаб чиқилди. Унга кўра 2021 йилда:

- Ҳудудий саноат маҳсулотлари ҳажмини 415.0 млрд сўмга ёки 113,5 фоизга оширилиб, аҳоли жон бошига 2.0 млн сўмга етказилади.
- Хизматлар ҳажмини 445.0 млрд сўмга ёки 130,6 фоизга оширилиб,аҳоли жон бошига 2.2 млн сўмга етказилади.

Бу борада туманда фаолият кўрсатаётган хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ва янги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 2020-2021 йилларда туманда хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўйича жами лойиҳа қиймати 102,2 млрд.сўм (банк кредити 15,0 млрд.сўм) тенг бўлган 180 та хизмат кўрсатиш лойиҳалари шакллантирилиб, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш бўйича зарур ишлар олиб борилмоқда.

- Чакана савдо айланмасини 510.0 млрд сўмга ёки 130,0 фоизга оширилиб, аҳоли жон бошига 2,5 млн сўмга етказилади.
- Ҳудудий экспорт ҳажмини 16.2 млн АҚШ долларига ёки 132,8 фоизга оширилиб, аҳоли жон бошига 80 АҚШ долларига етказиш режалаштирилган.

Туманда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича юқоридаги чора-тадбирларни амалга ошириш орқали жорий йил якуни билан Риштон туманида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш барқарорлигини таъминлаган ҳолда 4 мингдан зиёд ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланиб, бюджетга қўшимча даромадлар манбалари шакллантирилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. https://uza.uz/uz/posts/far-ona-tazhribasi-mamlakat-b-ylab-uloch-yezadi-09-06-2020
2. https://www.lex.uz/docs/4803531
3. https://lex.uz/docs/4818719
4. https://rishton.uz/index.php?/

Солиев И.И. *– НамДУ*
Иқтисодиёт кафедраси мудири,
Нишонов Х.Х. *– НамМҚИ Қурилиш*
факультети декан муовини

ЎЗБЕКИСТОНДА МИГРАЦИЯНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

Ҳар қандай даврда миграция жараёнлари у ёки бу сабаларга кўра доимо юзага келиб турган. Миграция жараёнлари бир ижтимоий-иқтисодий, диний, экологик, касбий кабир қатор омиллар натижасида юзага келиши мумкин. Миграция жараёнларининг тезлик билар юз беришига сабаб бўлувчи омиллар қаторига урушлар, иқтисодий инқирозлар ёки экологик талофатлар киритиш мумкин.

Ўзбекистон ҳам ўз тарихи давомида бир қатор фожиаларни бошдан кечириш натижасида миграцион жараёнлардан четга қолгани йўқ. Ўзбекистон аҳолиси ўзининг қадимий тарихида ҳарбий тажовузлар, феодал курашлар, фуқаролик урушлари, экологик талофатлар, иқтисодий инқирозлар билан бирга мамлакат ташқарисидан миграцион оқимларни ҳам қабул қилишига тўғри келди.

Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароити, Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашганлиги ҳамда қадимдаш Шарқ билан Ғарбни боғлаб келган Буюк Ипак йўлининг мамлакат ҳудудидан ўтганлиги турли мамлакат аҳолисини ўзига жалб этиб келган. Аҳолининг демографик тархида Ўзбекистондаги миграция жараёнларини бир нечта йирик босқичларга ажратса бўлади.

Мамлакат ҳудудига аҳолининг оммавий кўчиб келиши XIX асрда Рус империясининг Марказий Осиёдаги хонликларни истило қилиши натижасида юзага кела бошлади. Туркистон генерал-гебурнаторлигининг ташкил этилиши ҳамда ушбу ҳудудга руслар томонидан темир йўлнинг олиб кирилишидан кўзланган асосий мақсадлардан бири рус миллатини Ўрта Осиё ҳудудига кўчириш сиёсати ётарди.

Советлар ҳукуматининг юзага келиши ва ривожланиши даврида Ўзбекистонга келган миграцион оқимларнинг ўзини бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин: фуқаролик уруши ва совет ҳукуматини ривожланишининг биринчи босқичида (1917-1935 йиллар), сиёсий қатағон даври (1936-1940 йиллар) ва Иккинчи Жаҳон уруши (1941-1945 йиллар).

Европа миллатига хос аҳолининг Ўзбекистонга миграциясининг сўнгги йирик оқим ўтган асрнинг 60-йилларига, аниқроғи, 1966 йилда Тошкент шаҳрида рўй берган зилзила натижасида мамлакатга оммавий равишда турли давлатлардан қурувчиларнинг келиши ва доимий яшаб қолишлари билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистоннинг маҳаллий аҳолиси тарихан ўтроқ, бир жойдан иккинчи жойга кўчишни хушламайдиган халқ саналади. Бу хусусият совет ҳукумати даврида олиб борилган “ёпиқ эшиклар” сиёсати орқали янада мустаҳкамланди. Советлар ҳукумати давридаги миграцион сиёсат ҳудди “бир томонлама ҳаракатланувчи кўча”га ўхшар эди. Бу сиёсат Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам кенг қўлланилган. Бу ҳудудларга асосан русийзабон миллат

вакилларининг кўчириб келиниши ва бу ҳудуддаги аҳолини кўчиб келишларига йўл қўймаслик сиёсати олиб борилди.

Ўзбекистон ҳудудидаги навбатдаги миграцион жараён 70-йилларда акс ҳолатда юзага кела бошлади. Ўзбекистон ҳудудидан русийзабон аҳолининг совет иттифоқининг бошқа ҳудудларига, асосан, келиб чиқиш ҳудудларига қарата ҳаракатланишлари бошланди. Биргина 1990 йилнинг ўзида 215,6 минг русий-забон миллат вакиллари Ўзбекистонни тарк этишди. 1985-1990 йиллар давомида эса 1 млн.дан ортиқ собиқ мигрантлар ўз она юртлари томон ҳаракатландилар.

Ўз навбатида ушбу кўринишдаги миграциянинг юзага келишига бир қатор сабаблар мавжуд эди. Булардан **биринчи сабаб** Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг пасайиб кетаётганлиги. Ўша даврда Ўзбекистон собиқ Иттифоқ давлатлари ичида ривожланиш даражаси бўйича 12-ўринда эди.

Иккинчи сабаб, мустақиллик сари дадил қадам ташланганида эди. 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, 1990 йилда президент-ликнинг жорий этилиши бу мамлакат эндиликда Марказга бўйсинмаслигини англатарди. **Учинчи омил**, айнан мустақилликка бошқа кўз билан қаралишида, яъни Ўзбекистон эндиликда Ислом давлати кўринишини олади деган қарашнинг юзага келишида эди.

Русийзабон миллат вакилларининг кўчиб кетишлари билан бир қаторда мустақилликнинг дастлабки уч йилида 300 мингга яқин Ўзбекистон маҳаллий аҳолисининг ўз Ватанларига қайтиши жараёни кузатилди. Шу билан бир қаторда 1991-1999 йилларда бир миллиондан ортиқ аҳолининг мамлакат ҳудудидан ташқарига кўчиб кетган ва 400 мингга яқин аҳоли республикасига кўчиб кир-ганини инобатга олсак, миграция сальдоси манфий 600 минг кишига тенг бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистоннинг ташқи миграцияси асосан Россия Федерацияси, Қозоғистон, Украина ва бошқа Марказий осиёдаги қўшни мамлакатларга йўналган эди. Миллий таркибда руслар, татарлар, еврейлар ва қрим-татарлари етакчилик қилган бўлса, турк-месхетлари, греклар ва немислар асосан Европага қараб ҳаракатланишди.

2000 йилларга келиб Ўзбекистондаги миграция жараёнларининг янги кўриниши юзага кела бошлади. Эндиликда мамлакат аҳолиси Ўзбекистонни яшаш мақсадида эмас, балки, хорижда ишлаш мақсадида вақтинча тарк эта бош-ладилар. Ушбу оқимнинг асосий йўналиши икки давлатга қаратилди: Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси. Бу мамлакатларга ишчи мигрантлар-нинг йўлатганлигига асосий сабаблар сифатида рус тилини умумтаълим мактаб-ларида кенг ўқитилиши ва ўзаро муносабатларда ушбу тилдан фойдаланиш осонлигида бўлса, Қозоғистон Республикаси ҳукумати томонидан Европа Тикланиш ва тараққиёт банкидан олинган кредит ҳисобига мамлакатда катта ҳажмдаги қурилиш ишларини бошланишидадир.

Мамлакат ташқарисида меҳнат фаолияти билан шуғилланишни истаган мигрантлар асосан нолегал йўллар билан фаолият олиб боришни маъқул топмоқдалар.

Фойдалинган адабиётлар рўйхати:

1. Ата-Мирзаев О. Народонаселение Узбекистана: история и современность. -Т.: Ижтимоий фикр, 2009, с 69
2. Максавова Л. Узбекистан в системе международных миграций. Опубликовано в книге: Постсоветские трансформации: отражение в миграциях / Под ред. Ж.А. Зайончковской и Г.С. Витковской / Центр миграционных исследований, Институт народнохозяйственного прогнозирования РАН. -М.: ИТ «Адамантъ». 2009. с. 323-349
3. Мониторинг состояния национальных рынков труда стран содружества независимых носударств 2012-2015.- М.: cisstat. 2015
4. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2007 й., 4-сон
5. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2008 й., 3-4-сон
6. Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги ПҚ-719-сонли «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган
7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 530, 546-моддалари
8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 546-модда

Ташпулатов Ш.Ш. *– ОБМ тингловчиси*

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОММУНИКАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЛҚИНИГА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР

Рақамли иқтисодиёт шароитларида акциядорлик жамиятларида иқтисодий-молиявий муносабатларнинг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ичида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги алоқалар, уларда меҳнат қилувчи ходимлар орасидаги мулоқотлар, хўжалик субъектларининг ташқи муҳит билан алоқалари соҳасидаги муваффақиятларини ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бормоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув ва COVID-19 пандемия даврида коммуникацияни ахборотсиз, коммуникацион жараёнларни ахборот тизимларисиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Ишлаб чиқаришни бошқаришда иқтисодий ахборот алоҳида ўрин эгаллайди, чунки у кишиларнинг моддий бойликларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнидаги мносабатларини акс эттиради. Шу билан бирга фан-техника тараққиёти асосида ишлаб чиқариш ривожланишини акс эттирувчи илмий-техникавий ахборот ахамиятини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Замонавий йирик акциядорлик жамиятларида коммуникация жараёнларининг муаккаблашиб бориши эвазига ахборот ҳажми миллионлаб ҳужжат

сатригача етиб бормоқдаки, бу ўз навбатида, ахборот билан ишлашни ташкил этиш бўйича айрим муаммоларни ҳал этиш лозимлигини тақозо этади. Бу муаммолар сирасига мақбул ахборот тизимини яратиш ва ахборотни қайта ишлаш жараёнида замонавий воситаларни кенг қўллаш имкониятини берувчи коммуникацион муносабатларни шакллантириш масаласини киритиш мумкин.

Коммуникация – бу, ўзаро ахборот алмашинув билан боғлиқ бўлган, алоқа учун хизмат қилувчи тушунчадир. Ана шу ахборот негизида маълумотлар олиниб, самарали қарорлар қабул қилинганлиги учун ҳам уни менежментда бошқарув тизимининг асосий йўналишларидан бири, деб аташади. Бошқариш функциялари ҳисобланмиш режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва назорат, ўз навбатида, фикр алмашиш, ахборотга эга бўлиш ва ташвиқот каби боғловчи – коммуникация унсурлари ёрдамида амалга оширилади.

Бошқаришдаги коммуникация жараёни бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида ахборот тўплаш, узатиш ва қайта ишлаш, бошқарув буйруқлари кўринишида ахборот бериш ва уни ижрочиларга етказишда намоён бўлади.

Коммуникация - бу ахборот алмашишдир. Коммуникациянинг мажлислар, хизмат ёзув-чизувлари, телефон орқали мулоқотлар, хисоботлар, видеотасмалар ва юзма-юз сухбатлар орқали купгина муаммоларни ҳал килишда ёрдам беради.

Акциядорлик жамиятлари ташқи мухит билан алоқа боғлашда, турли-туман воситалардан фойдаланади. Мавжуд ҳаридорлар билан улар реклама орқали боғланибгина қолмай, махсулотни бозорга олиб кирадиган бошқа дастурлардан ҳам фойдаланади.

Ахборотлар акциядорлик жамиятларида босқичма-босқич, яъни вертикал коммуникациялар орқали ўтади. Ахборотлар юқори бошқарув органларидан, пастки органларга ўтади. Шунингдек пастки органлардан юқори бошқарув бўлимларига ахборотлар оқими келади. Айнан иккинчи жараён корхоналарда ижобий ўзгаришларга олиб келади.

Акциядорлик жамиятларида вертикал коммуникациялардан ташқари, горизонтал коммуникациялар ҳам мавжуд. Маълумки корхоналарда турли-хил функционал бўлимлар, цехлар ва бошқа бўлимларнинг мавжудлиги улар орасидаги ахборот оқимининг кераклигини англатади. Масалан, фундаментал технология асосида, корхона турли-хил махсулотлар ишлаб-чикариши мумкин, шунинг учун ҳам маркетинг булимининг ахборот ахамиятлигини саклаб колади ва унинг талабларини ўз вақтида қондирилишини таъминлайди.

Коммуникацион жараён – бу икки ва ундан ортиқ объектлар ўртасидаги ахборот алмашинувидир. «Коммуникацион жараённинг асосий мақсади – алмашинув предмети бўлган аҳборот, яъни хабарнинг тушунарли бўлишини таъминлашдан иборатдир»[1], дейилган таъриф ҳақиқатга жуда яқиндир.

Коммуникация жараёни элементлари ҳақида сўз кетганда[2], одатда тўрт элемент – жўнатувчи, хабар, восита ва қабул қилувчини назарда тутишади. Бу

[1] Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: Пер. с англ. –М.: Дело, 2000. – 704 с. (с. 171)

[2] Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: Пер. с англ. –М.: Дело, 2000. – 704 с. (с. 171)

ерда хабар жўнатувчи ва уни қабул қилувчиларни мулоқот субъектлари, деб аташ ўринли бўлар эди. Ушбу жараён ўзаро боғлиқ бир неча босқичларда кечишини инобатга оладиган бўлсак, унда коммуникациянинг бош элементи ҳисобланувчи мулоқот субъектлари ўртасидаги ахборот алмашинув жараёнининг мураккаблигини тасаввур қилиш мумкин. Ахборот алмашинуви ҳисобланувчи коммуникация жараёнида мулоқот субъектлари қуйидаги ўзаро боғлиқ босқичларни ўтишади: коммуникация учун асос бўлувчи ғоянинг шаклланиш босқичи, ушбу ғояни ахборот шаклида ифодалаш ва мулоқот воситаларини танлаш босқичи, узатиш босқичи, ғояни англаб олиш босқичи.

Иқтисодий фаолиятга нисбатан қўлланилувчи «ахборот» атамаси икки мазмунда ишлатилади:иқтисодий жараёнларда ишлатилувчи ресурслардан бири сифатида, яъни ресурс сифатида қаралувчи ахборотга эга бўлиш учун вақт ва бошқа ресурсларни сарфлаш талаб этилади;

Ахборот йиғиндиси бошқарув коммуникация тизимини ташкил этиб, у бошқарув жараёнини ахборот билан таъминлаш шаклида намоён бўлади. Ахборот тўғри, аниқ, ўз навбатида, объектив, мазмунли ва қарорларни қабул қилиш учун тушунарли бўлиши керак. Ахборот ҳажми жиҳатидан кичик, мазмун жиҳатидан чуқур, унинг матни тушунарли ва содда бўлиши лозим. Корхонани ахборот билан тўғри алоқалар кўринишидаги турли-туман ахборот-коммуникация оқимлари воситасида таъминлаб, улар аниқ ишлаб чиқариш вазифасини хал этиш имконини беради.

Замонавий йирик корхоналарда коммуникация жараёнларининг муаккаблашиб бориши эвазига ахборот ҳажми миллионлаб ҳужжат сатригача етиб бормоқдаки, бу ўз навбатида, ахборот билан ишлашни ташкил этиш бўйича қуйидаги қатор муаммоларни хал этиш лозимлигини тақозо этади:

-мақбул ахборот тизимини ишлаб чиқиш, ахборот оқимларини шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш, ахборотни қабул қилиш ва юборишнинг мақбул усулларини танлаш, ахборотни сақлаш ва излашни ташкил этиш, ахборотни қайта ишлаш жараёнида замонавий воситаларни кенг қўллашдир.

Ахборот тизимлари оддий ва мураккаб тизим бўлиши мумкин. Оддий ахборот тизими уни қайта ишлашни талаб этмайди, ахборот манбаасидан у истеъмол қилиниш жойигача етказишда ўзгариш юз бермайди. Бундай ахборот телефон ёки бошқа хабар бериш воситалари ёрдамида бир марта берилувчи хабар сифатида етказилади. Мураккаб ахборот тизимлари ахборотни қайта ишлашнинг механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражаси бўйича турларга ажратилади. **Биринчи** гуруҳга қўлда ёки энг оддий механизмлар ёрдамида қайта ишланувчи ахборот тизимлари киради. **Иккинчи** гуруҳга ахборотни тўплаш, қабул қилиш ва қайта ишлашда механизация кенг қўлланиладиган ахборот тизимлари киради. **Учинчи** гуруҳга маълумотларни комплекс механизация воситаси билан бирга автоматлаштириш элементларини қўллаб қайта ишлаш ва тўплаш қўлланилган ахборот тизимлари киради.

Ахборот қабул қилиш, узатиш ва қайта ишлаш цикли автоматлаштирилган ахборот тизими тўртинчи гурухни ташкил этади.

Илғор ахборот тизимини лойхалаштириш жараёни қуйидаги вазифаларни амалга оширишга асосланиши лозим:

– корхонада мавжуд ахборот тизимини тахлил қилиш, ахборотнинг асосий йўналишларини ўрганиш;

– ахборот тизимининг иқтисодий-моделини ишлаб чиқиши; зарур ахборот хажми ва мазмунини аниқлаш;

– ахборот тўплаш ва қайта ишлаш учун техникавий воситаларни аниқлаш;

– ахборотни қайта ишлаш технологиясини яратиш;

– ахборот вужудга келиши ва фойдаланиш даврийлигини белгилаш;

– корхонада қўлланиладиган ахборот учун шифрлар тизимини яратиш;

– ахборотни узатиш ва қайта ишлашни автоматлаштириш ва механизациялаштириш қулай бўлиши учун стандарт маълумотларни лойихалаштириш;

– лойихалаштириш жараёнида олинган барча материалларни тартибга солиш ва расмийлаштириш.

Хулоса қиладиган бўлсак, рақамли иқтисодиёт шароитларида ишлаб чиқариш тғрисидаги ахборот тизимларини уларни ривожлантириш ва лойихалаштиришга тизимий ёндашиш асосида комплекс ташкил этишни талаб этади. Бу талабларга маълумотларни қайта ишлашнинг интеграцион тизими жавоб беради. Уни турли даражадаги замонавий хисоблаш тизимини ҳар томонлама қўллаш асосида лойихалаштириш мумкин бўлади. Раҳбарлик фаолияти самарали ахборот алмашинувни талаб килади. Агар инсонлар узаро ахборот алмашинмаса, улар биргаликда ишлай олмайди ва олдиларига куйган максаднинг шаклланиши, унга эришиши кийин булади. Ахборот алмашишнинг сифати бошкарув қарорларига таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: Пер. с англ. – М.: Дело, 2000. – 704 с. (с. 171).

2. N.M.Maxmudov, M.T.Asqarova, I.Yu.Umarov. Makroiqtisodiy tahlil va prognozlash. Darslik. - T.: «Fan va texnologiya», 2014, 288 bet.

3. Rakhbar MURTAZAEVA. Doctor of Historical Sciences, Professor, National University of Uzbekistan, Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special Issue - 2, №01 (2020) / ISSN 2181.

Тилаков И.У. *– ОБМ тингловчиси*

ЗАМОНАВИЙ ТАДБИРКОРЛАР СИНФИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШ-КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Глобал тус олган коронавирус пандемияси бутун дунёда нафақат камбағаллик, балки қашшоқлик даражасининг ошиб кетиши хавфларини кучайтирмоқда. Шу сабабли, Ҳурматли Президентимиз - “қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказишни” таклиф этдилар.

“Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилишга йўналтирилган дастурлар доирасида сўнгги 3 йил давомида 600 мингдан зиёд аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 15 триллион сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилган”[1] шунга қарамасдан бугунги кунга қадар юртимизда камбағал оилаларнинг мавжудлиги инсон қалбини хира тортишга мажбур қилмоқда.

Қашшоқлик бир ҳудудда ҳамда халқаро миқёсда келиб чиқиши мумкин бўлган мураккаб ва кўп омилларга боғлиқ муаммодир. Ушбу муаммогахалқаро миқёсда ечим топишнинг имкони йўқ. Аксинча, маълум бир давлатга хос бўлган қашшоқликни тугатиш ва камбағалликни қисқартириш дастурлари ва миллий ҳаракатни қўллаб-қувватлашга қаратилган халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатлар, шунингдек бу масалани ҳал қилиш учун қулай халқаро муҳитни яратиш жараёнлари унинг ечими учун жуда муҳимдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75-юбилей сессиясида ҳурматли Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 24 сентябрь куни ўз нутқларида “Тобора ташвишли оҳанг касб этаётган қашшоқликнинг овози бутун дунё ҳамжамиятини, барчамизни безовта қилиши зарур” деб таъкидладилар.

БМТ Иқтисодий ва ижтимоий Кенгашининг таърифига кўра камбағаллик деганда одамлар, уй хўжаликлар ва жамоаларнинг ҳимояланмаганлиги, ночорлиги ҳамда зарурий ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги тушунилади.

Яъни, тирикчилик учун зарур бўлган минимал эҳтиёжларни қондиришга етарли даромади бўлмаган, оғир касалликка чалинган, ишсиз аҳолини камбағал дейишимиз мумкин.

Республикада камбағалликни қисқартириш борасида қисқа ва узоқ муддатларга мўлжалланган стратегик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 мартдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”гиПҚ-5041-сонли қарори

Бунда жаҳон тажрибасида кенг қўлланиладиган 3 та асосий воситалардан фойдаланилмоқда:

- камбағал оилаларнинг доимий даромад манбаини яратиш;
- инсон капитали сифатини ошириш;
- оилаларни тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаш.

Юртимизда давлат томонидан ҳам, кўнгилли, саховатпеша фуқаролар томонидан ҳам бу каби кўплаб кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан "ТЕМИР ДАФТАР" — бу оилаларни камбағалликдан чиқариш, ижтимоий аҳволи, ҳамда турмуш шароити оғир бўлган оилаларни доимий бандлигини ва даромад манбаи билан таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича сектор раҳбарлари томонидан алоҳида назоратга олинган оилалар қайд этиладиган "SAXOVAT.ARGOS.UZ" электрон дастури.

"**Темир дафтар" базасига киритиш**. Секторлар раҳбарлари томонидан маҳалла органлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари билан биргаликда уйма-уй юриб оилаларнинг моддий ва турмуш шароитини ҳар томонлама ўрганган ҳолда сектор котиби томонидан "SAXOVAT.ARGOS.UZ" электрон базасига киритилади.

"Темир дафтар" базасидан чиқариш.Бандлиги таъминланган, даромад манбаи яратилган оилаларни секторлар раҳбарларининг тавсияси, ҳамда оила бошлиғининг бу тўғрисидаги ёзма мурожаати асосида туман (шаҳар) Халқ депутатлари кенгаши қарори асосида чиқарилади.

Оилалар бандлигини таъминлаш орқали уларнинг даромад манбаини яратиш бўйича "Вақтинчалик тартиб" тасдиқланган, жумладан:

- оилавий тадбиркорлик дастурлари;ҳунармандчиликни ривожлантириш; инвестиция лойиҳаларида янги иш ўринлари;фойдаланишдан чиққан ва такрорий экин майдонларини ажратиш;қурилиш объектларига жойлаштириш;ўзини-ўзи банд қилиш;жамоат ишларига жалб қилиш орқали меҳнатга лаёқатли аъзолар бандлиги таъминланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4862-сон қарори қабул қилинган. 2020 йил 15 ноябрдан ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиблари жорий этилган:

- тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ва Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан ташкил этилган ўқув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчи учун;
- касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотларига сарфланган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига 1 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдори давлат томонидан компенсация қилиниши;
- ушбу курсларни муваффақиятли тамомлаб, сертификат олган шахсларга ўз бизнесини ташкил этиш учун микрокредит ажратилиши белгиланган.

“Микрокредитбанк” АТБ томонидан нодавлат таълим ташкилотлари махсус сертификатини олган, тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 миллион сўмгача микрокредитлар таъминотсиз ажратилиши белгиланган;

- микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги асосида 225 миллион сўмгача микрокредитлар ажратилиши белгиланган;

Бундан ташқари барқарорликка қаратилган сиёсат асосан ресурсларни тежашга қаратилган бўлиши керак. Акс ҳолда, бу қашшоқликни тугатиш нуқтаи назаридан ҳам, ресурсларни тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида узоқ муддатли муваффақият эҳтимоли нуқтаи назаридан ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Худди шундай, ишлаб чиқаришнинг асоси бўлган ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳисобга олмасдан, асосан товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган ривожланиш сиёсати эртами-кечми маҳсулдорликнинг пасайишига олиб келади, бу ҳам камбағалликнинг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек демографик масалалар, соғлиқни сақлаш ва таълимнинг яхшиланиши, аёллар ҳуқуқлари, ёшлар ва маҳаллий аҳоли ва маҳаллий жамоаларнинг роли ва демократик иштирок этиш жараёни билан боғлиқ масалалар яхши бошқарув билан бирлаштирилиши керак.

Етарлича молиялаштиришни тарғиб қилувчи сиёсат ва стратегияларни амалга ошириш ва инсон ресурсларини ривожлантиришнинг комплекс сиёсатига эътиборни жалб қилиш, шу жумладан даромад олиш имкониятлари, ресурслардан фойдаланиш устидан маҳаллий назоратни кучайтириш, маҳаллий институтларни кучайтириш ва салоҳиятни ошириш, шунингдек нодавлат ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимиятларни жалб қилиш амалга оширилмоқда.

Етарли инфратузилмани, тарқатиш тизимларини, технологик тизимларни, кредит тизимларини ва бошқаларни ташкил қилиш, юқоридаги тадбирларни амалга оширишда ёрдам бериш учун зарур бўлган кадрлар ресурсларини ривожлантириш ва ресурслари чекланганларга катта имкониятлар яратилмоқда,шунингдек, асосий эътибор таълимга ва касб-ҳунар таълимига берилмоқда.

Юқорида камбағалликни қисқартиришга доир юртимизда амалга оширилаётган кўплаб имкониятлар юзасидан фикрлар билдирилди. Фикрлар охирида шуни айтмоқчиманки, хақиқатдан хам бозор иқтисодиётига асосланган, эркин рақобат мухити шакиллантирилган, шунингдек, тадбиркорликни қўллаб қувватловчи бундай оқилона сиёсат мухитида ўзини ўзи иш билан банд қилиш, тадбиркорлик кўникмаларини ўзида мужассам этиш, ишбилармонлик мухитини шакллантириш кўпроқ ахолининг ўзига хам боғлиқ бўлмоқда.

Якуний қисмда шуни айтмоқчиманки, яқинда ижтимоий тармоқларда Япониялик бир тадбиркор “Оч қолган одамга балиқ бериш керак эмас, аксинча унга балиқ тутишни ўргатиш керак” деб таъкидлаши ёдимга тушди. Хақиқатдан ҳам камбағалликка дуч келиб қолган одамга кўплаб моддий ёрдам кўрсатиш унда боқимандалик кайфиятини уйғонишига сабаб бўлиши мумкин. Натижада бундай

инсонлар камбағалликдан эндиликда қашшоқлик сари йўл олишлари мумкин. Шунинг учун юқоридагиларни инобатга олган ҳолда камбағал инсонларга бошланғич моддий ва маънавий кўмак бериш ҳамда унга тадбиркорлик рухиятини шакллантиришимиз, камбағаллик ботқоғидан қутилиш йўлларини ўргатишимиз керак. Бугунги кундаги ислоҳатлар, юртбошимиз томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонлар ҳам айнан камбағалларни бошланғич қўллаб қувватлаш, ҳамда уларга тадбиркорлик тушунчаларини сингдиришдан иборат. Бундай имконият ва имтиёзлардан оқилона фойдаланган ҳолда камбағаллик даражасидан чиқиб олиш келажакда ўзи ва бошқалар учун фаровон турмуш шароитини яратиш хар бир (камбағал) инсоннинг ўзигагина боғлиқ деган хулосага келамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4862-сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 мартдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5041-сонли қарори.

3. Интернет ижтимоий тармоғининг мавжуд маълумотлардан фойдаланилди.

Туйчиев А.Н., Нурматов И.И. *– ОБМ тингловчилари*

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки даврларидаёқ барча соҳаларни ривожлантириш билан бир қаторда мамлакатдаги миграция жараёнларини тартиблашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Гарча ҳозирги кунга қадар мамлакат қонунчилигида миграция бўйича алоҳида қонун қабул қилинмаган бўлсада, бошқа бир қатор қонун, кодекс, ҳукумат қарорлари ва давлатлар ўртасидаги ўзаро келишув ва битимларда мигрантларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бир қатор ҳуқуқлари кафолатлаб ўтилган.

Жумладан, Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини йўлга қўйишда асосий вазифани бажариб берувчи 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Меҳнат кодекси” [1] нинг 10-12 моддаларида мигрантлар ҳуқуқларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Жумладан, Кодекснинг 10-моддасида агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ёки Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясида ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга нисбатан имтиёзлироқ қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки конвенциянинг қоидалари қўлланиланилиши белгилаб ўтилган. Шунингдек, ушбу Кодекснинг 11-моддасида меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари иш берувчи билан тузилган

меҳнат шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ этилиши таъкидланган.

Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1995 йилнинг 19 октябрида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳамда хорижий фуқароларнинг Республикадаги меҳнат фаолияти тўғрисида” [2]ги 408-сонли қарори миграция соҳасига қаратилган дастлабки ҳуқуқий асослардан бири саналади. Ушбу қарорга кўра Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳамда Ташқи меҳнат миграция масалалари агентлиги меҳнат фаолияти кўрсатиш учун рухсатномалар олингандан сўнг чет элга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чиқиб кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасига келаётган хорижий давлатлар фуқароларига кириш визаларини бериш ҳамда муддатини узайтириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлигига юкланган. Шунингдек, 408-сонли қарорда хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон республикасидан кетишлари тартити келтириб ўтилган. Бу тартибга кўра хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасига кириш визалари, шу жумладан транзит кириш визалари Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасалари томонидан, бундай консуллик муассасалари мавжуд бўлмаган тақдирда эса – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг икки томонлама битими мавжуд бўлган бошқа давлатларнинг консуллик муассасалари томонидан берилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йил 1 майда қабул қилинган “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” [3]ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуннинг 13-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, мустақил иш қидириш ва ишга жойлашиш ҳуқуқларига эгаликлари кафолатланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мамлакат ҳудудидан ташқарида ишга жойлаштириш Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан амалга оширилиши белгиланган. Ушбу моддада чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилари кафолатланган.

Меҳнат миграциясини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатлардан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” [4]ги 505-сонли қарори алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Ушбу қарор Меҳнат миграцияси масалалари бўйича давлатлараро ҳамкорликнинг ўсиб бораётган кўламларини, Ўзбекистон фуқароларини ишга жойлаштириш учун иш ўринлари бериш хоҳишини билдирган мамлакатлар ва чет эл компаниялари сони кўпайганлигини ҳисобга олиб, шунингдек республика фуқароларининг чет

элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чиқиб кетишини ташкил этиш тизимини ва унинг механизмини тартибга солиш, фуқароларнинг чет элларда ишга жойлашишини таъминлайдиган меҳнат органлари инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинди. Айнан ушбу қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги (Бандлик ва меҳнат муносабатлари)нинг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ташкил этилди. Шунингдек, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги Низоми ва агентлик ходимлари тузилмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини тартиби тўғрисидаги Низом ушбу қарор орқали тасдиқланди.

Республика аҳолисига қулайликлар яратиш мақсадида Тошкент, Фарғона, Қарши, Нукус ва Бухоро шаҳарларида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг филиаллар шаклидаги Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш минтақавий бюролари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги Низомга асосан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳукуматлараро, идоралараро шартномалар ва битимлар асосида фақат Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги кўмагида Меҳнат вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга чиқиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хусусий меҳнат контрактлари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга фақат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш (Бандлик ва меҳнат муносабатлари) вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича чиқишлари мумкин. Фуқароларнинг хусусий контрактлар бўйича чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан белгиланган шаклга мувофиқ бериладиган рухсатномалар асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисидаги Низомга асосан Агентликка қуйидаги вазифалар юклатилди:

- меҳнат миграцияси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ва хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикасида ишга жойлаштириш учун квоталар ажратиш ва рухсатномалар бериш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини рўёбга чиқаришда ишга жойлаштириш, чет элларда ишга жойлаштиришга номзодлар билан дастлабки кўникув тадбирларини ўтказиш йўли билан уларга кўмаклашиш;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

- Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюролар, шунингдек Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш маркази фаолиятини назорат қилиш;

- хорижий ишчи кучларини ёлловчи чет эл фирмалари (корхоналар, муассасалар, компаниялар) билан ҳамкорликни ривожлантириш;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий мамлакатларга жўнатиш учун номзодларни танлаб олиши бўйича Идоралараро комиссиянинг қарорларига мувофиқ рухсатномалар бериш (рухсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш);

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ишга жойлашиш имкониятлари ва шарт-шароитлари тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш;

- чет элларга ишга жўнатиш учун хорижий иш берувчиларнинг талабларига мувофиқ бўлган номзодларни танлаб олиш;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чиқиш ҳужжатларини расмийлаштиришда, шу жумладан виза олишда ҳамда чет элларда ишга жойлашишда расмийлаштириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни олишда кўмаклашишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова; 1997 й., 2-сон, 65-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда.

3. Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 январдаги ПҚ–1680-сонли «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган.

4. Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 11 ноябрдаги ПҚ–1224-сонли «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган.

Умрзоқов Х.А. *– ОБМ тингловчиси*

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Инвестиция муҳити – бу хорижий капитал қўйилмаларининг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий омиллар йиғиндисидир. Инвестиция муҳити мажмуали, кўпқиррали тушунча бўлиб, миллий қонунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар (инқироз, ўсиш, стагнация), божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция суръатлари, валюта курсининг барқарорлиги, ташқи қарздорлик даражаси каби кўрсаткичларга эга" [2].

Инвестиция муҳити инвестиция ресурсларини жойлаштириш учун умумий мезон бўлиб, биринчи навбатда, капитал маблағларнинг даромадлилигини таъминлаб беради. "Инвестиция муҳити деганда мамлакат иқтисодиёти ва унинг маълум бир ҳудудига киритиладиган инвестицияларнинг самарадорлигини ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий, экологик, маданий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуаси тушунилади". У муайян ҳудудга инвестициялар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ва жозибадорлигини белгилайдиган шарт-шароитларнинг мавжуд ижобий ва салбий томонларини англатади.

Инвестициявий жозибадорлик мамлакат, тармоқ ёки алоҳида олинган корхона инвестицияларининг даромадлилик, ривожланиш истиқболлари ва инвестиция хатари даражаси нуқтаи даражасини аниқлаш мумкин. Ҳар қандай давлатга инвестицияларнинг кириб келиши ва ривожланиши мазкур мамлакатдаги инвестиция муҳитига таъсир этувчи омилларга бевосита боғлиқ бўлади. Инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар асосан 4 та гуруҳга бўлиниб, улар ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омилларни ташкил этади. Хар бир мамлакатда инвестиция муҳити, биринчи навбатда, унинг сиёсий барқарорлигида намоён бўлади. Худди ана шу омил хорижлик инвесторларга узоқ муддатли шартномалар асосида бошқа мамлакатга ўз ресурсларини киритиш имконини беради. Бундай муҳит узоқ муддатли инвестиция режаларини амалга оширишда жуда муҳимдир [3].

Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида потенциал инвесторлар учун портал саккиз тилда берилган бўлиб, унда инвесторлар мамлакатимизнинг ва унинг минтақаларининг инвестицион салоҳияти, хом-ашё ресурслари, экспорт ва импорт имониятлари, инфратузилмаси, хом-ашё нархлари, коммунал хизматлар, демографик кўрсаткичлар ва инвестицион қарорлар қабул қилиш учун керакли қўшимча маълумотларни олиши мумкин. Ўзбекистоннинг инвестицион порталида республикамизда фаолият олиб бораётган эркин иқтисодий зоналар**,** кичик саноат зоналари тўғрисида ва уларнинг жойлашувини кўрсатувчи интерактив карта ишлаб чиқилган. Инвесторларнинг ишончини ошириш ва инвестицион муҳитни яхшилаш мақсадида хорижий инвестицияли корхоналардаги мавжуд муаммолар юзасидан онлайн

режимида хабарнома жўнатиш учун анкета жойлаштирилган. Хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик ўрнатмоқчи бўлган республикамиз корхоналари раҳбарлари учун алоҳида бўлимлар очилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги “Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5643-сон фармонига асосан Ташқи савдо вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси негизида “Инвестициялар ва Ташқи Савдо вазирлиги” ташкил этилди.

2020 йилда Жаҳон банки томонидан эълон қилинган “Бизнес юритиш” рейтингига кўра Ўзбекистон Республикаси 190 та мамлакат ўртасида 69 - ўринни эгаллади. Шу ўринда келтириб ўтиш лозимки, Жаҳон банкининг маърузасида қайд этилишича “янги бизнесни қўллаб-қувватлаш” меъзони бўйича Ўзбекистон айни пайтда глобал рейтингда, корхоналарни рўйхатдан ўтказишда – 8, қурилиш учун руҳсатнома олишда-132, электр таъминотига уланишда- 36, мулкни рўйхатдан ўтказишда - 72, кредитлар олишда- 67, маноритар инвесторларни ҳимоя қилишда – 37, солиққа тортишда – 69, халқаро савдода – 152, шартномалар ижросини таъминлашда – 22, қарздорликни бартараф этишда – 100 ўринларни эгаллаган. Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги 20 давлатдан бири сифатида эътироф этилди [9].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда республикамизга хорижий инвестицияларни жалб этиш билан бирга миллий иқтисодиётда қуйидаги вазифаларни ҳам ҳал этиш жуда долзарбдир:

- хом-ашё ресурсларини қайта ишлаб, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришга устуворлик бериш;
- халқаро сифат, сертификациялаш стандартларини тадбиқ этиш йўли билан ташқи ва ички бозорларда республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- ишбилармон хамкорликни халқаро стандартларини ўзлаштириш йўли билан хўжалик юритиш ва бошқаришнинг замонавий усулларини тадбиқ этиш;
- хорижий компаниялар билан кооперация алоқаларини ривожлантириш йўли билан, хусусан уларнинг ишлаб чиқариш занжирига кириш орқали маҳаллий иқтисодиётни жаҳон бозорига интеграциялаш.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитни шакллантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, давлат, корхоналар ва аҳоли томонидан жамғаришни рағбатлантирадиган механизм ва инструментларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар аниқланди:

- Инвестицион ресурсларни тақсимлаш соҳасида чеклашлар ва иқтисодиётнинг устувор йўналишларини ривожлантиришда инвестицияларни рағбатлантириш, хусусий мулкни даҳлсизлиги кафолатларини мустаҳкамлашда давлатнинг ролини ошириш орқали мувофиқлаштириш;
- Инвестицияларни жалб этиш ва бизнесни юритиш шарт-шароитларини (қулай инвестицион ва ишбилармонлик мухитини, кредит ресурсларга эришиш

имкониятларини, кредитлаш ва халқаро савдо соҳаларидаги расмиятчиликларни соддалаштириш ва такомиллаштириш орқали) таъминлаш;

- Худудий сиёсатда худудларга инвестицияларни жалб этиш ва уларни ўзлаштиришда солиқ преференцияларини, худудда қолаётган солиқ тушумлари улушини ўсишида кенг имтиёзлар бериш бўйича норматив базани такомиллаштириш билан бир вақтда маҳаллий хокимият органлари томонидан қабул қилаётган қарорлар бўйича масъулиятларини ошириш;
- Бизнесни юритиш ва инвестициялар жалб этиш шарт-шароитларни яхшилаш йўналишида солиқ маъмурчилиги, антимонопол сиёсат, валюта ва кредит бозорлари, рақобатни ривожлантириш ва ташқи иқтисодий фаолиятни интеграциялаш соҳаларида самарали маъмурий ислоҳотларини ўтказиш.
- Хорижий инвестицияли корхоналар томонидан эркин иқтисодий зоналарга, устувор соҳалар ва худудларга инвестиция қилганда қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш. Қўшма корхоналар рахбарларига ва уларнинг инженер-техник ходимларига визалар олиш амалиётини соддалаштириш ва уларни ишлаб чиқариш инфратузилма корхоналари хизматларидан фойдаланишда қулайликларни таъминлаш;
- Инвестицияга оид миллий қонунчиликни халқаро ва минтақавий стандартларга уйғунлаштириш, Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий чораларнинг кўрилаётганлиги, халқаро тажрибада инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича турли моделли хуқуқий тартибга солиш усулларидан фойдаланиш, рақамли инвестицияни жалб этишнинг ташкилий-хуқуқий асосларини яратилиши билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиш, ўз навбатида, инвестиция ва инвестицион фаолиятга оид қонунчиликни унификациялаш;
- Хорижий инвестицияли корхоналар учун макроиқтисодий, қонунчилик ва маъмурий шарт-шароитларни ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда барқарор солиқ қонунчилиги тизимини жорий этиш хамда Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш дастурини ишлаб чиқиш ва унда янги эркин иқтисодий зоналарни фаолиятини ташкил этишда халқаро ва миллий нормаларни ҳисобга олиш;
- Истиқболли илмий ишланмаларни тажрибадан ўтказиш, жорий этиш ва саноат миқёсида ўзлаштириш учун уларни молиялаштиришнинг самарали механизмини яратиш, биринчи навбатда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаётган ва уни жорий этаётган юқори технологик тармоқларга ва корхоналарга қўшимча рағбат ва имтиёзларни бериш. Шу муносабат билан “Илмий ва инновацион фаолият тўғрисида” қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Фан сиғимкорлиги юқори бўлган саноат тармоқларига, инновацион корхоналарга турли молиявий қўллаб қувватлаш тизимларини жорий этиш орқали, хорижий инвестицияларни жорий этишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларини ишлаб чиқиш лозим.

• Хўжалик субъектларига ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни молиялаштириш учун керакли бўлган молиявий ресурсларни муомала жараёнига қимматли қоғозларни чиқариб уни фонд биржаларига жойлаштириш орқали олишни рағбатлантириш керак. Бунинг учун корпоратив қимматли қоғозларни ишлаб чиқиб, уларни муомала жараёнига киритиш учун мавжуд қонунчилик, ҳуқуқий-норматив ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш, мавжуд корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича меъёрлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

• Технологик йўналишдаги маҳсулотларни мажбурий сертификациялаш тартиби ва талабларини қайта кўриб чиқиш лозим. Халқаро миқёсдаги таниқли компаниялар ва хорижий мамлакатларнинг технологик йўналишдаги маҳсулотларининг сертификатларини тан олиш процедурасини соддалаштириш ва технологик йўналишдаги маҳсулотларни сертификациялаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

• Ўзбекистоннинг инвестицион салоҳиятини ошириш ва унда амортизация сиёсатини такомиллаштириш, солиқ юкини камайтириш, фонд бозорлари ўрнини кескин ошириш, аҳоли ва тадбиркорлар маблағларини инвестицияга йўналтириш ишларини жонлантириш, хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш тадбирлари самарали амалга ошириш истиқболда қисқа бозор даврларида хорижий инвестицияларни жалб этишда унинг хажмини йилига камида 1,2-1,3 мартага оширишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси - Тошкент.// Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

2. Валиев Б.Б. “Ўзбекистон иқтисодиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш” Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент 2017.

3. Астанакулов О.Т., Асатуллаев Х.С. “Хорижий инвестициялар – иқтисодий тараққиёт омили сифатида” //Иқтисодиёт ва таълим//. 2018 №1 -Б.120-126.

4. Чепель С.В. Системный анализ и моделирование перспектив устойчивого развития национальной экономики Узбекистана. –Т.; Издательство IFMR 2014. - 316 с.

5. Маматов М.А. “Инвестицияларнинг иқтисодий ўсиш сифатига таъсирини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштириш” иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати”.-Тошкент. 2019.

6. *Van Loo, F.*(1977). ‘The Effect of Foreign Direct Investment on Investment in Canada’. *Review of Economics and Statistics*,59 (4): 474-81.

7. *Sun. H.*(1998). ‘Macroeconomic Impact of Direct Foreign Investment in China: 1979-96’.*The World Economy,* 21 (5):675-94.

8. https://cbu.uz/oz/press_center/news/412175/

9. https://cer.uz/uzc/post/publication/rejtingovyj-rasklad-ot-vsemirnogo-banka

Ҳасанов Ў.А. – *ОБМ тингловчиси*

ҲУДУДНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКСОҲАСИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ (Сурхондарё вилояти мисолида)

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ва мазкур секторнинг давлат томонидан тартибга солиниши янада фаоллашиб бормоқда. Мамлакатдаги ишбилармонлик муҳитининг тобора кенгайиши кичик бизнес субъектларининг рағбат асосидаги фаолиятини таъминлашга олиб келмоқдаки. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси мамлакатни барқарор ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор конъюнктураси ўзгаришига тез мослаша оладиган, кўп маблағ талаб этмайдиган, тезликда иқтисодий қарорларни, янги техника-технологияларни ва янгиликларни тез қабул қила оладиган ҳамда меҳнат самарадорлиги юқори бўлган фаол хўжалик субъекти сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон Фармонида таъкидланган[1].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида “Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уни устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш” юзасидан устувор вазифалар белгиланган бўлиб, уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни тадбиқ этиш шу кундаги ислоҳотларимизнинг мазмунини касб этади. Аслида бундай “Ислоҳотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир”.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон Фармони.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашва қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган. Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ишбилармонлик муҳити сезиларли даражада яхшиланди –Жаҳон банкининг Doing Business рейтингида республика 2015 йилдаги 141 ўриндан 2020 йилда 69 ўринга кўтарилди.2019 йилги рейтингга қараганда, мамлакат 76-ўриндан 7 поғонага кўтарилган. 2025 йил охирига бориб “Бизнес юритиш” халқаро индексида (Doing Business Index) “қурилишга рухсатномалар олиш” (Dealing with Construction Permits) йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг позициясини жорий 61,7 баллдан 78,2 баллгача яхшилаш назарда тутилган.

2020 йил “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз” ва бошқа ижтимоий дастурлар доирасида жами 13 триллион сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилиб, 600 мингдан зиёд оилаларни қамраб олишга эришилди.

Ҳаммамизга маълумки, пандемия шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ЎЗбекистон Республикаси Президентининг 20 га яқин фармон ва қарорлари қабул қилиниши туфайли тадбиркорларга қатор имтиёзлар берилди. 60 мингдан ортиқ субъектлар мол-мулк ва ер солиғидан озод этилди. 21 мингта тадбиркорга фойдаланилмаётган объектлари (ер, бино) учун юқори ставкадаги солиқ ва жарималарни ундириш тўхтатилди; 329 мингта кичик бизнес субъекти учун ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизга камайтирилди. 239 мингта якка тартибдаги тадбиркорга энг кам ижтимоий солиқ миқдори 50 фоизгача камайтирилди; 4 мингдан ортиқ экспорт қилувчи дебиторлик қарзлари мавжуд корхоналарга жарималарни қўллаш тўхтатилди. 105 мингта тадбиркорларнинг 21,5 трлн. сўмлик кредитларини қайтариш муддати узайтириб берилди.

Мамлакатимиз ҳудудларининг иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси иқтисодиётнинг тез ўзгариб турувчи ҳамда бозор талабларига жавоб беришини таъминловчи замонавий тузилмаларини шакллантириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш ва аҳоли даромадларини оширишда устувор йўналишлардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид кенг қамровли чора-тадбирларни йўлга қўйиш бугунги кунда ишсизликни камайтириш ва аҳоли бандлигини оширишда ўзининг ижобий натижаларини бериш билан бирга, ҳудудий иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ривожланган хорижий мамлакатларнинг хўжалик юритиш тажрибаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кичик бизнес сектори, бозорни товар ва хизматлар билан тўлдириш, тармоқлараро ва ҳудудлараро монополиядан қутулиш, рақобатни кенгайтириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, жойларда иқтисодий базасини кучайтириш, қишлоқ ва олис ҳудудларда, кичик шаҳарчаларда аҳоли эҳтиёжи юқори бўлган хизмат кўрсатиш тармоқларини мазкур соҳа имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида ривожлантириш талаб этилади. Мамлакатимиз вилоятларидаги мавжуд ишбилармонлик муҳитининг қулайлигини бир хил, деб ҳисоблай олмаймиз. Бунинг учун ўша ҳудудда ишбилармонлик муҳитининг

ривожига тўсиқ бўлаётган салбий омилларни бартараф этишга тўғри келади. Фикримизча, ишбилармонлик муҳити – тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишини таъминлаш ва уларга шарт-шароитлар яратиш борасида кўриладиган чора-тадбирлар йиғиндисини англатади. Бироқ шунга қарамай, жойларда у ёки бу омиллар таъсири натижасидавужудга келган муаммоларга дуч келиш мумкин. Бу муаммолар қуйидагиларни ўз ичига қамраб олган:

− кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ҳуқуқий маданият етарли даражада шаклланмаётганлиги, жойларда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми суст ишлаётганлиги;

− мамлакат экспорт муносабатларида кичик бизнес субъектларининг суст иштироки, хусусан, фермер ва деҳқон хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотларнинг экспортбоп сифатини таъминлашда ўзига хос муаммолар мавжудлиги;

− саноат тармоғидаги кичик бизнес субъектлари фаолиятига доир муаммолар, масалан, ишлаб чиқариш соҳасидаги кичик бизнес корхоналарида газ ёки электр тармоғига уланишдаги муаммоларни маҳаллий (вилоятлар) шароитда ҳал этилмаётганлиги ва бундай муаммоларни ҳал этишда тадбиркорлардан юқори бошқарув органларининг рухсатномалари талаб этилаётганлиги;

− туман ва вилоятларда ижтимоий инфратузилма таъминотидаги носозликлар, яъни электр энергия, газ таъминотида узилишларнинг рўй бериши, бу каби муаммолар кичик бизнес субъектлари фаолиятидаги узлуксизликни таъминлай олмайди;

− кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун сифатли хизмат кўрсатишда бозор инфратузилмалари фаолиятида рақобатнинг сустлиги ва бошқалар.

Сурхондарё вилоятида ҳам ҳудудий иқтисодиёт ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этиб ушбу соҳада айрим муаммолар ҳам мавжуд, лекин шунга қарамасдан ушбу соҳанинг ривожланишида кенг натижаларга эришилмоқда ва маълум чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Сурхондарё вилоятида 2020 йилнинг бошида 23 минг 900 та кичик бизнес субъектлари ва 18 минг 100 та якка тартибдаги тадбиркорлар фаолият юритиб, вилоятдаги жами иш билан банд аҳолининг 74 фоизи ҳамда бюджет даромадларининг 84 фоизи айнан хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Жорий йилда вилоятда умумий қиймати 6,5 трлн. сўмлик 699 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши режалаштирилган.

Мазкур лойиҳалар ишга туширилиши натижасида қўшимча 2,1 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, бюджетга 160 млрд. сўм қўшимча маблағ тушириш имкониятини яратади. Ҳозиргача 250 млрд. сўмлик 115 та лойиҳа амалга оширилиб, 850 та янги иш ўрни барпо этилди.

Келгуси чоракда 988 млрд. сўмлик 188 та лойиҳа амалга оширилиб, 2 минг 226 та янги иш ўрни ташкил этилиши режалаштирилган.

Шу сабабли аҳолининг иш билан бандлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада самарали ривожлантириш бўйича қуйидаги таклифларни келтирамиз:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини янада ривожлантириш;

- жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очишга интилаётган ёшлар ва хотин-қизлар хусусий тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш;

- аҳолининг кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги билим даражасини янада ошириш;

- бозор инфраструктурасини такомиллаштириш;

- мавжуд норасмий тўсиқларни чеклаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича мақсадли-ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- уй меҳнати (касаначилик, ҳунармандчилик)ни ташкил этишни янада ривожлантириш.

Хулоса қилиб айтганда, ҳудуднинг иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасининг устувор йўналишларини самарали ташкил этиш ҳамда ҳудуд драйверларини аниқлаш орқали нафақат аҳоли бандлигини, балки унинг даромадлари даражасини ошириш билан жамиятнинг ижтимоий-сиёсий танянчи ва пойдевори бўлган ўрта синф шаклланишига ҳамда унинг тобора мустаҳкамланишига эришилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик кафолати ҳамда таянчи экан, ҳудуднинг иқтисодий тараққиёти йўлида фаол ҳаракатлантирувчи кучга айланиб бориши зарур ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон Фармони.

3. Абдуллаев А., Муфтайдинов Қ., Айбешов Х. Кичик бизнесни бошқариш. Т: Молия, 2003.

4. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. и.ф.д., проф. Н.Х.Жумаев таҳрири остида. Т: Адиб, 2011.

5. Махмудов Э.Х., Исаков М.Ю. Бизнес режалаштириш. Т: Иқтисодиёт, 2019.

6. www.lex.uz

Хошимов Э.А. *– ОБМ Магистратура дастурларини амалга ошириш бўлими бошлиғи, и.ф.н., доц.,*
Умаров Ш.Ш. *– ОБМ тингловчиси,*
Умаров Х.Ш. *– ТДИУ магистранти*

СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Ҳар бир ривожланган мамлакат мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ кенг доирада амалга оширадиган иқтисодий ва солиқ ислоҳотларини, миллий ривожланиш стратегиясини ва суверенитетни мустаҳкамлаш каби устувор йўналишларни ўз олдига мақсад қилади. Ушбу ислоҳотларни амалга оширишда эса мамлакатда олиб борилаётган солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилиги катта рол ўйнаши хеч кимга сир эмас. Маълумки, охирги 5 йил давомида мамлакатимиз раҳбари Ш.М. Мирзиёев томонидан бир қатор қарор ва фармонлар тасдиқланди. Мамлакатимизда илғор ва замонавий хориж тажрибаси асосида солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада ривожлантириш ҳамда солиқ тўловчиларнинг солиқ органлари билан ўзаро муносабатларини янада яқинлаштириш ва ўзаро муносабатларда ошкораликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бирга давлатнинг янги солиқ сиёсатини самарали ва кенг кўламда амалга оширишда профессионал солиқ маслаҳати хизматлари бозори солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш масалаларида солиқ тўловчиларнинг ишончли ёрдамчиси сифатида тўлиқ шаклланмаган эди.Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 сентябрда ПҚ-4846-сонли “Солиқ маслаҳати соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан, 2021 йил 1 январдан Молия вазирлигининг бир қатор функциялари Ўзбекистон солиқ маслаҳатчилари Палатасига (кейинги ўринларда – Палата деб юритилади) ўтказилиши белгилаб ўтилган[2].

Палата солиқ маслаҳати соҳасидаги асосий, муҳим таркибий тузилма сифатида фаолият олиб бориши, Палатанинг мамлакатимизнинг солиқ маслаҳати хизматлари соҳасини ривожантиришдаги аҳамияти сезиларли даражада ошишини англатади.

Бугунги кунда хар бир ривожланган давлат борки, иқтисодиёти албатта солиқлар воситасида тартибга солинади. Зеро Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ҳам жадаллик билан ривожаланиб бораётган экан, албатта солиқ сиёсатини қатъий белгилаши ва солиқ маъмуриятчилигини ривожлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирларга эга бўлиши зарур ва шарт.

Ҳозирги вақтда кўплаб йирик компаниялар билан бир қаторда кичик бизнес субъектлари ҳам иқтисодий жараёнлар кенгайиб бораётган ва халқаро рақобат кучайган муҳитда ишлашга интилмоқда. Шундай экан, мулкдорлар ўз бизнесининг узоқ муддатли ривожланишида солиқ сиёсати ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда солиқ сиёсатидаги кескин ўзгаришлар хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ маслаҳати хизматлари соҳасига эҳтиёжи юқорилигини

кўрсатмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар ўз бизнесларини режалаштириш жараёнида албатта узоқ муддатли ўзгармас солиқ сиёсатига муҳтожлик сезади, чунки солиқларни оптималлаштириш орқали ўз бизнесларини юритиш зарурлигини билишади. Шундай экан солиқ маслаҳати хизматлари хўжалик юритувчи субъектлар самарадорлигини ошириш, ижобий натижалар ва кўрсаткичларни олишнинг кучли воситасидир. Бироқ, тежамкор хўжалик юритувчи субъектлар солиқларни оптималлаштириш жараёнида кўпинча муаммоларга дуч келишади, масалан, қонучилигимизда аниқликлар етишмаслиги ёки бошқа қарама-қаршиликлар юзага чиқади.

Солиқ қонунчилиги, ҳисобот шакллари тез-тез ўзгариб туриши ҳеч кимга сир эмас. Амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича солиқ тўловчилар, уларнинг вакиллари ва солиқ агентлари томонидан солиқ органларидан солиқлар ҳисобланиши ва тўланиши тартиби бўйича тушунтиришлар олиш ҳуқуқи бор. Лекин амалиётда бу норма тўлиқ ишламайди, яъни хар доим хам солиқ органлари солиқлар ҳисобланиши бўйича нозик жихатлар юзасидан тўлиқ тушунтириш беришни хохлашмайди.

Шунингдек солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмиталари томонидан хар доим ҳам тушунтириш бериб борилмайди.

Юқоридаги муоммолар сабаб, хўжалик юритувчи субъектлар камдан-кам холларда солиқ органларига муоммоли саволлар билан мурожаат қилишади, яъни ўзида юзага келган камчиликни солиқ органи билан баҳам кўрмайди. Ўз-ўзидан солиқ маслаҳатида маслаҳат бериш жараёнида алоҳида эътибор билан ёндашишни талаб қилади. Чунки солиқ маслаҳати натижасида солиқ органлари билан солиқ низоси юзага келиши мумкин ва бундай вазиятда солиқ маслаҳатчиси ўзининг маслаҳатини асослаб беришига тўғри келади.

Республикамизда 2021 йилнинг бошида қўшилган қиймат солиғи юзасидан шубҳали корхоналар (ваҳолангки, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бу ҳолат бўйича етарли далилларга эга эмас) бўйича корхоналар томонидан ҳисобга олинган солиқ суммаси 500,0 млрд.сўмдан ошиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан маълумот эълон қилинди [3] ва шубҳали корхоналар билан товарлар (хизматлар) олди-сотдисини амалга оширган корхоналар 500,0 млрд.сўм қўшилган қиймат солиғини ҳам шубҳали корхоналарга ҳам бюджетга тўлашига тўғри келди. Солиқ кодексининг 14-, 15- ва 266-моддаларидаги ушбу норма тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги натижасида корхоналар юқоридаги миқдорда зарар кўрди.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳисоботида хато-камчиликлар аниқланса, ўзгартириш киритиш ҳуқуқи борлиги белгиланган бўлиб, бу норма фақатгина солиқлар камайишига олиб келмасагина ишлайди [1]. Солиқлар камайишига олиб келса, солиқ органлари томонидан солиқ ҳисоботини камерал солиқ текширувидан сўнггина қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, ушбу амалиёт бевосита солиқ қонунчилиги нормаларига зид, яъни ушбу норма бевосита солиқ кодексида назарда тутилмаган. Бу эса солиқ тўловчиларга бир қатор ноқулайликларни

келтириб чиқармоқда. Чунки олдинги солиқ ҳисоботлари солиқ органи томонидан қабул қилинмасдан кейинги ҳисоботларни юбориш имкони йўқ.

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, муаммолар бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларимизни берамиз:

- қўшилган қиймат солиғи тўловчи корхоналар томонидан контрагент ҳақида маълумотлар тўлиқ бўлмаганлиги сабабли, ушбу хизматни янада такомиллаштириш. Бунда солиқ қонунчилигига шартнома тузилган кунда ёки товарлар (хизматлар) олди-сотдиси амалга оширилган кунда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси эканлиги тўғрисидаги гувоҳнома амалда бўлган бўлса, ушбу корхона бўйича солиқни тўлиқ ҳисобга олиши мумкин бўлган норма киритилиши зарур;

- қўшилган қиймат солиғи тўловчи корхоналар томонидан товарлар (хизматлар) олди-сотдиси бўйича тўловларни амалга ошириш жараёнида қўшилган қиймат солиғини алоҳида махсус ҳисоб-рақамга йўналтириш механизмини ишлаб чиқиш. Бунда корхоналарнинг ҳисобга олиш ҳуқуқини сақлаб қолиш учун ушбу йўналиш бўйича махсус механизм ишлаб чиқиш зарур. Масалан, корхона товарлар (хизматлар) олди-сотдиси бўйича 100,0 млн.сўм тўловларни амалга ошириши зарур. Бу ерда қўшилган қиймат солиғи 13,0 млн.сўмни (=100 млн.сўм/ 115*15) ташкил қилади. Ушбу 13,0 млн.сўмни махсус ҳисоб рақамга ўтказади, бунда албатта шартномага доир барча реквизитлар кўрсатилади. Шунда сотиб олувчи корхонанинг ҚҚС ҳисоботи бўйича 4-иловасида ҳисобга олинадиган сумма, сотувчи корхонанинг 5-иловасида реализация суммалари автомат равишда шакллантириладиган тизим бўлиши керак. Лекин масаланинг иккинчи томони сотувчи томонидан 13,0 млн.сўм тўлиқ бюджетга тўланмаслиги сабабли, унинг айланма маблағларини чекламаслик учун, хак икки тарафдаги корхонанинг шаҳсий ҳисоб-варағида автоматлаштирилган тартибда акс эттириш механизмини яратиш;

- Солиқ тўловчи томонидан тузатилган (камайтирилган) қайта ҳисобот юборилганда, ушбу ҳисоботни солиқ маслаҳати ташкилотининг хулосаси асосида автоматик тарзда қабул қилиш механизмини яратиш. Бунда солиқ маслаҳати ташкилотининг хулосаси мавжудлигини аниқлаш бўйича автоматлаштирилган тизим бўлиши зарур. Бу билан солиқ тўловчининг вақти тежалган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 30.12.2019 йил. ЎРҚ-599. https://lex.uz/docs/4674902#4677054.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 сентябрдаги “Солиқ маслаҳати соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4846-сонли қарори. https://lex.uz/docs/5026347.

3. https://soliq.uz/press-services/news/show/-foiz-holatda-qqs-summasini-noqonuniy-hisob-zachetga-olish-fakti-tasdiqlandi.

Абдурахмонов У. Б. *– ОБМ тингловчиси*

УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИШ БЎЙИЧА МАҚСАДЛИ ДАСТУРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ, АҲОЛИНИНГ ҲАЁТ ШАРОИТЛАРИ ЯХШИЛАНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Йўл инфраструктураси қурилиши ва реконструкция қилинишини жадал давом эттириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, аҳоли пункти кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш.

Бу йўналишда йирик инфратузилма объектларини қуриш, замонавий автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш, энг муҳим транзит транспорт йўлларини, шу жумладан «Тошкент — Термиз», «Самарқанд — Бухоро — Олот», «Ғузор — Бухоро — Қўнғирот — Бейнау», «Тошкент — Чимён — Чорвоқ дам олиш зонаси» транспорт йўлларини комплекс реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Сирғали мавзесини айланиб ўтадиган янги йўналиш бўйлаб Тошкент автомобиль ҳалқа йўлида тўлиқ қатнов таъминланди. Тошкент, Нукус, Бухоро шаҳарларида мураккаб транспорт чорраҳалари, шунингдек йирик аҳоли пунктларини айланиб ўтиш йўллари қурилди. 2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастури доирасида 4 минг километрдан зиёд хўжаликлараро автомобиль йўллари таъмирланди, шунингдек, 265 километрли умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қайта қуриш ишлари бажарилди.

Шу билан бирга, автомобиль йўлларини қулай ва шинам қилиш, йўл ҳаракатини ахборотлар билан таъминлаш, йўл бўйидаги инфратузилмани халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб масалаларга ҳанузгача лозим даражада эътибор қаратилмаяпти [1]. Қуйидагилар бундай ҳолатнинг асосий сабаблари ҳисобланади:

Рефлексия – бу инсонниг мулоқотдаги шериклари уни қандай идрок этиши ва шунга қараб ўз ҳатти-ҳаракатини тўғрилаш. Стереотиплаштириш- хулқ-атвор шаклларини таснифлаш ва уларнинг сабабларини аввал маълум бўлган, яъни ижтимоий стереотипга жавоб берувчи ҳолатларга киритиш орқали таҳлил қилишдир. Чунки инсон шахсининг энг нуфузли ва етакчи фаолиятларидан бири бўлган мулоқот ва у орқали ўзаро муносабатлар одамлар орасида умумийлик, ўхшашлик, уйғунлик каби сифатлар пайдо бўлишига олиб келади. Лекин атайлаб эмас, тақдир тақозоси билан ёлғизликка маҳкум этилган одамларнинг мақсадли фаолиятлар билан ўзларини банд этишлари у қадар катта салбий ўзгаришларга олиб келмаслигини ҳам олимлар ўрганишган. Унинг кейинчалик ёзишича, бир неча кун ўтгач, у турган ерда бир ўргимчакни ушлаб олади ва у билан диалог бошланади. Шунинг учун ҳам америкалик социолог ҳамда психолог Жон Морено асримиз бошидаёқ ана шу омилнинг унумдорликка бевосита таъсирини ўрганиб, социометрик технологияни, яъни сўровнома асосида бир - бирини ёқтирган ва бир - бирини инкор қилувчиларни аниқлаган ва социометрия методикасига асос солган эди.

Шундай қилиб, мулоқот одамларнинг жамиятда ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларининг ички психологик механизмини ташкил этади. Қолаверса,

ҳозирги янги демократик муносабатлар шароитида турли ишлаб чиқариш қарорларини якка тартибда эмас, балки коллегиал - биргаликда чиқариш эҳтиёжи пайдо бўлганлигини ҳисобга олсак, одамларнинг муомала маданияти ва мулоқат техникаси меҳнат унумдорлиги хамда самарадорликнинг муҳим омилларидандир. Ишлаб чиқариш гуруҳидаги кишилар бир-бирлари билан жуда уюшган бўладилар. Норасмий гуруҳ аъзоси раҳбардан ҳам гуруҳ аъзоларидан ҳам бир хил хатти-харакатни кутса зиддият келиб чиқмайди. Оппонент учун ўзига юқори баҳо бериш зиддиятли вазиятни тўғри идрок қила олмасликка, тез ва осон ғалабага эришишни кутишга олиб келса, ўзига паст баҳо бериш вазиятнинг мураккаблигини кўчайтириб идрок қилиш, муваффақиятга эришишга ишонмаслик, зиддиятдан келиб чиқадиган салбий оқибатидан ҳимояланишга олиб келади.

Кишилар зиддият орқали фаолиятда бўладилар (нутқ орқали, вербал ва новербал мулоқот орқали).

Демак, барча туғиладиган зиддиятларнинг олдини олиш, уни тезроқ бартараф қилиш мумкин. Масалан, бу фаолият бевосита “юзма-юз” бўлиши у ёки бу техник воситалар (телефон, телеграф ва бошқалар) орқали амалга ошириладиган; Кишилар мулоқотда бўлгани сари улар ўртасида умумийлик, ўхшашлик ва ўйғунлик каби сифатлар пайдо бўладики, улар бир-бирларини бир қарашда тушунадиган ёки “яримта жумладан”ҳам фикр аён бўладиган бўлиб қолади. XXI аср бўсағасида кишининг энг табиий бўлган мулоқотга бўлган эҳтиёжи, унинг сирларидан ҳабардор бўлиш ва ўзгаларга самарали таъсир эта олишга бўлган интилиши янада ошди ва бунинг бир қатор сабаблари бор. Ахборот XXI асрда энг нодир капиталга айланади ва бу ўз навбатида инсонларга зарур ахборотлар узатилиши тезлиги ва темпини ўзгартиради.

Иккинчидан, турли касб-фаолият соҳасида ишлаётган кишилар гуруҳининг кўпайиши, улар ўртасида муносабатлар ва алоқанинг долзарблиги ахборотлар тиғиз шароитда оддийгина мулоқотни эмас, балки профессионал, билимдонлик асосидаги мулоқотни талаб қилади. Кишиларнинг мулоқот маданияти ва мулоқот техникаси меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигининг муҳим омилларидан бўлиб ҳисобланади.

Ўтказилган тадқиқот асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Темир йўл тизими соҳаси мехнат жамоасидаги иқлим умуман олганда ижобий ҳисобланади.

2. Темир йўл тизими соҳаси жамоасидаги ўзаро муносабатлар кўрсаткичи бўйича иқлимни баҳолаш (анкета) натижаларининг кўрсатишича, кўпчилик ходимлар мавжуд муносабатлардан қониқадилар.

3. Темир йўл тизими соҳаси жамоаси ижтимоий психологик иқлимига жамоа аъзоларининг психологик хусусиятлари, хусусан, атрофдагиларга муносабат типлари қоникарлидир.

4. Соғлом иқлимни яратишга таъсир кўрсатувчи омиллар қаторига ходимларнинг ўзаро муносабатларини киритиш мумкин.

IV ШЎЪБА. КОРПОРАТИВ ВА ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Кенжабаев А.Т. *– ОБМ Маркетинг ва рақамли иқтисодиёт кафедраси мудири, и.ф.д., проф.,*
Суюнов Д.Х. *– ОБМ Корпоратив бошқарув назарияси ва амалиёти кафедраси мудири, и.ф.д., проф.*

БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ОЛИЙ МАКТАБИНИ РАҚАМЛИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Кейинги йилларда ахборот – коммуникация, рақамли ва интернет технологиялари (АКРИТ)нинг юксак даражада ривожланиши турли мулкчилик шаклидаги корхоналар учун янги шарт-шароитлар асосида ҳаракатланишини тақозо қилмоқда. Бу жараён рақамли датчикларни янада кўп сонли қурилмалар (“Буюмлар Интернети”)га татбиқ этиш, янги шахсий қурилмалар (смартфонлар, планшетлар, нетбуклар, лэптоплар, уч ўлчовли босма қурилмалар)ни, янги рақамли моделлар (маълумотларни “булутли” технологиялар ёрдамида маълумотларни қайта ишлаш, рақамли платформалар, рақамли хизматлар)ни ўзлаштириш, “катта маълумотлар” (BIG DATA) технологиясини қўллаган ҳолда замонавий янги автоматлаштириш ва роботлаштиришнинг юқори технологияларидан фойдаланиш геометрик тарзда ўсиб бориши натижасида янада ривожланмоқда. Юксак технологик инновацияларга асосланган рақамли иқтисодиётнинг ижобий самарадорлиги ривожланаётган мамлакатларда яққол кўзга ташланади. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси бизнес манфаатларига жавоб бериши, ҳукумат унинг ўсишини йўналтириб туриши, фуқаролик ва ахборотлашган ҳамжамият эса, рақамли иқтисодиёт ривожланишини таҳлил қилиб бориши натижасида уни қўллаш жабҳасида гегемонлик вазифасини бажариши шарт бўлиши керак.

Ҳозиргача рақамли иқтисодий фаолият концепцияси аниқ таърифлар билан мустаҳкамланмаган, уни кўриб чиқишга ёндашувларда ҳам анча муносаралар мавжуд. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби олдига қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда рақамлаштириш ушбу концепцияси ишлаб чиқилди [1].

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш бўйича муҳим вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган бошқарув кадрлари, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, иқтисодиётнинг долзарб ихтисосликлари бўйича магистрларни ҳамда илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, корпоратив ва лойиҳа бошқаруви, менежмент, хусусийлаштириш, суд бошқарувчиси, давлат-хусусий шерикчилик, комплаенс ва аудит соҳаларида магистрларни тайёрлашда Олий мактаб ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчилари таркибини юқори даражада касбий педагогик маҳоратга эга бўлган мутахассислар билан тўлдириш, шунингдек, етакчи хорижий олий

таълим ва илмий муассасаларда таълим олган, малака оширган, илмий даражаларини ҳимоя қилган иқтидорли педагог кадрлар ҳамда амалий иш тажрибасига эга бўлган мутахассисларни таълим жараёнига кенг жалб қилишда интеллектуал датчикларни қўллаш ёрдамида мижоз билан тўғри ва тескари алоқалар ва мижозлик иши муносабатларини олиб боришни талаб қилади.

Бошқарув кадрларни ва мутахассисларнинг корпоратив ва лойиҳа бошқаруви соҳасида иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари профессор-ўқитувчи кадрларини кенг жалб қилган ҳолда малакасини ошириш, уларнинг менежмент, маркетинг, “ақлли” бошқарув ва рақамлаштириш ва бизнесни бошқаришнинг замонавий усулларини эгаллаши бўйича махсус қисқа муддатли ўқув (қўшма) дастурларини амалга ошириш, хўжалик бирлашмалари учун корпоратив ва лойиҳа бошқаруви соҳасида кадрлар заҳирасини шакллантириш мақсадида уларнинг касбий ўсиши ҳамда ютуқларининг тизимли мониторингини олиб бориш; корпоратив ва лойиҳа бошқаруви, бизнес, тадбиркорлик ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида қисқа муддатли ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқув курсларини ташкил этиш,ўқув жараёнини ташкил этишнинг самарали усуллари, замонавий таълим ва ахборот технологияларини ўзлаштириш, малакали педагог кадрлар учун рақобат муҳитини яратиш орқали уларнинг тажрибаси ва малакасини мунтазам ошириб боришда Big-data аналитика ва мукаммал алгоритмлар, қўшимча реалликнинг кўчма виртуал қурилмалари ҳамда “Булутли” ҳисоб-китоблардан самарали фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштириш зарур.

Ҳудудларда ҳамда масофадан туриб аҳолининг тадбиркорликка қизиқиши бўлган қатламларини ҳамда тадбиркорларни бизнес ва тадбиркорлик фаолияти масалалари бўйича қисқа муддатли пуллик, жумладан, кейинчалик бўлиб тўлаш шарти билан ўқишларни ташкил этиш, оилавий тадбиркорлик дастурлари орқали кредит олишни мўлжаллаган аҳоли қатламларига қисқа муддатли ўқитишларни ташкил этиш, аҳоли ҳамда тадбиркорларга тадбиркорлик ва бизнес бўйича тегишли долзарб масалалар бўйича ўқув материаллар (жумладан, электрон шаклда) тайёрлаш орқали методик кўмаклашишда мобил қурилмалар, “Буюмлар Интернети” платформалари ҳамда геолокация технологияларидан мақсадли фойдаланишни самарали равишда йўлга қўйиш..

Етакчи маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари ва компаниялар, халқаро ташкилотлар ва фондлар билан амалий алоқалар ўрнатиш ва ҳамкорликни ривожлантириш, улар билан корпоратив ва лойиҳа бошқаруви, бизнес ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида бошқарув кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, инновация масалалари, илмий фаолият бўйича ўқув-методик ишларни янада такомиллаштириш юзасидан қўшма ҳамкорлик дастурларини амалга оширишда, бизнес ва корпоратив бошқарув соҳасидаги бизнес мактабларининг халқаро рейтингларини олиш учун етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш чораларини кўришда замонавий фаол фойдаланувчилик интерфейсларидан фойдаланилган ҳолда аутентификация ва фирибгарликнинг олдини олиш ва уч ўлчовли босма технологиялалрдан унумли фойдаланиш каби вазифаларни

сифатли амалга ошириш нафақат Олий мактаб фаолияти балки бутун инсониятни ахборотлашган жамиятни юқори фазаси ҳисобланган рақамли технологияларга асосланган жамиятга етаклаб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш тўғрисида”ги ПҚ-3832-сонли Қарори.

Хошимов Э.А. *– ОБМ Магистратура дастурларини амалга ошириш бўлими бошлиғи, и.ф.н., доц.*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА БЛОКЧЕЙН: ТУШУНЧАСИ, КЎЛАМИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Рақамли иқтисодиёт рақамли маълумот ва билимлар ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари сифатида фойдаланиладиган иқтисодий фаолиятнинг кенг доирасини назарда тутади.

Катта йигирматалик давлатлар ҳисобот маълумотларида “рақамли иқтисодиёт рақамли маълумот ва билимларни ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида, замонавий ахборот тармоқларидан муҳим фаолият майдони сифатида фойдаланишни, самарадорликнинг ўсиши ва иқтисодий таркибий оптималлаштиришнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни ўз ичига олган иқтисодий фаолиятнинг кенг доирасини англатади”.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, “рақамли иқтисодиёт” атамаси ва унга берилган таърифлар муаллифлар яшаган давр ва ундаги тенденцияларни ўзида акс эттирган. Масалан, рақамли иқтисодиёт борасидаги илк тушунчаларда ((Tapscott 1996, Lane 1999, Mesenbourg 2001)) асосан интернетга урғу берилади ва унинг 1990 йиллардаги энг муҳим технология сифатида юзага келганлиги эътироф этилади. Кейинчалик рақамли иқтисодиёт тушунчасини ифодалашда мобиль ва сенсор тармоқлари, булутли ҳисоблаш ва улкан маълумотлар каби янги технологиялардан фойдаланила бошланди.

Бундан ташқари, рақамли иқтисодиёт атамасини унинг таркибий қисмлари орқали ифодалаш ҳам кўзга ташланади. Масалан, (Kling & Lamb (ibid.) built on Margherio et al. (1999)) рақамли иқтисодиётни тўртта асосий қисмдан ташкил топишини қайд этиб ўтган. Булар:

1. Юқори рақамли товарлар ва хизматлар: бунда товарларнинг етказиб берилиши тўлиқ рақамлашган бўлса, хизматларнинг сезиларли даражада юқори қисми рақамли етказиб берилади (онлайн ахборот хизматлари, дастурий таъминот сотуви, онлайн таълим ва ҳ.к.);

2. Аралаш рақамли товар ва хизматлар: моддий товарларнинг чакана савдоси (китоблар, гуллар, меҳмонхона хоналари ва улар билан боғлиқ маркетинг ҳамда сотувлар);

3. Ахборот технологиялари сиғими юқори бўлган хизматлар ва товарлар ишлаб чиқариш: асосан ахборот технологияларига таяниб кўрсатиладиган хизматлар (бухгалтерия хизматлари, мураккаб муҳандислик дизайнлари), ишлаб чиқарилишида ахборот технологияларнинг роли юқори бўлган моддий товарлар (компьютер орқали назорат қилинадиган кимёвий жараёнларга эга ишлаб чиқариш).

4. Рақамли иқтисодиётнинг юқоридаги учта сегментини қўллаб қувватловчи ахборот технологиялари саноати тармоқлари. Компьютер тармоқлари, шахсий компьютерларни ишлаб чиқариш, ахборот технологиялари соҳасидаги консалтинг фирмалари.

Рақамли иқтисодиёт тушунчаси борасида турли қарашлар бўлишига қарамасдан, рақамли сектор, унинг маҳсулотлари ва трансакциялари ҳақида ягона тўхтамга келинмаган. Бирлашган Миллатлар ташкилоти Халқаро стандарт саноат таснифининг (International Standard Industrial Classification) сўнгги нашридан фақатгина Ахборот ва коммуникацион технологиялар сектори (Information and Communications Technology sector) ҳамда Контент ва медиа сектори (Content and Media Sector) жой олган. Шунингдек, Марказий маҳсулотлар таснифида (the Central Product Classification) ҳам онлайн платформалар (масалан, Google, Facebook, Alibaba) ва уларнинг маҳсулотлари тўлиқ қамраб олинмаган, шунингдек, платформага асосланган хизматлар (platform-enabled services) (масалан, Airbnb), аниқ ва равшан акс эттирилмаган. Бундан ташқари, маълумотлар базасини маҳсулот сифатида талқин қилиш яна бир очиқ муаммо бўлиб қолмоқда[1].

Рақамли иқтисодиёт баъзи ҳолларда тор маънода онлайн платформалар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, кенг маънода рақамли маълумотлардан фойдаланадиган барча фаолиятлар рақамли иқтисодиётнинг таркибий қисми ҳисобланади. Масалан, 2015 йилда Нидерландияда онлайн равишда ўзини намоён этадиган бизнес субъектлари умумий товарлар айланмасининг 87 фоизини, бизнес секторидаги бандликнинг эса 86 фоизини ташкил этган. Бироқ, Интернет иқтисодиёти тор маънода онлайн магазинлар, онлайн хизматлар ва интернетга алоқадор ахборот коммуникация технологиялари хизматлари билан чекланса, унинг товар айланмасидаги улуши 7,7 фоизни, бандликдаги улуши эса 4,4 фоизни ташкил этган[2].

ХВФ экспертлари ёндашувига кўра, рақамли сектор таркибига онлайн платформалар, платформа асосидаги хизматлар (platform-enabled services) ва ахборот коммуникация технологиялари маҳсулот ва хизматларининг таъминотчилари киритилган. Бунда платформа асосидаги хизматлар “бўлишиш иқтисодиёти”ни (sharing economy) қамраб олиб, унинг таркибига воситачиларсиз қисқа муддатли мол-мулк ижараси (peer-to-peer short-term property rentals) ва меҳнат хизматлари (масалан, Uber), шунингдек, P2P платформасида ҳамкорликка асосланган молия (Collaborative finance) киритилиши мумкин.

---

[1] IMF (2018). Measuring the digital economy. IMF staff Report.

[2]Oostrom, Lotte, Adam Walker, Bart Staats, Magda Slootbeek-Van Laar, Shirley Ortega Azurduy andBastiaanRooijakkers, 2016, Measuring the Internet Economy in The Netherlands: A Big DataAnalysis, CBS Discussion paper 2016-14. https://www.cbs.nl/-/media/_pdf/2016/40/measuring-the-internet-economy.pdf

Блокчейн активлар оқимини қайд этишнинг инқилобий воситасига айланиши учун унинг икки жиҳати, яъни тақсимланган реестр ва криптография муҳим аҳамият касб этади. Тақсимланган реестр трансакцияларни амалга оширишда иштирок этадиган воситачиларнинг (марказий банк, тижорат банклари ва бошқ.) ролини тўлиқ инкор этади ва шу асосда трансакцион харажатларни қисқартириш ва тўловни тезкор амалга ошириш имкониятини яратади. Криптография эса блокчейн орқали ўтадиган миллиардлаб трансакцияларнинг хавфсиз бўлиши ва унга нисбатан кенг жамоатчилик ишончини қозонишга масъулдир.

Блокчейндан фойдаланиш пул билан боғлиқ бўлмаган тузилмаларда ҳам, масалан, интернет орқали овоз бериш, марказлашмаган ахборот, маълумотларни сақлашнинг марказлашмаган тизимлари, ижтимоий суғурта соҳаларида самара берган. Блокчейннинг марказлашмаганлиги юқори сиғим, яхшироқ ҳимоя ва тезкор ҳисоб-китоблар имкониятини таъминлайди[1].

Блокчейн тизим ичидаги ишончни таъминлаш мақсадида трансакцияларни тасдиқлаш, тўловларни ўтказиш ва ҳар бир иштирокчининг хавфсизлигини кафолатлаш учун криптографиядан фойдаланади. Блокчейнлар одатда қуйидаги икки криптографик схемага асосланади: рақамли имзолар ва криптографик хеш-функциялар. Рақамли имзолар трансакция томонлари ўртасида аниқ кўрсатмалар (тўлов ёки бошқа трансферлар) алмашинувига имкон берса, криптографик хеш-функциялар трансакция ёзувларини оммавий реестрга (public ledger) қайд этишда интизомни таъминлашга хизмат қилади. Мазкур икки криптографик воситаларнинг тақсимланган реестр билан бирлашуви нафақат технологик такомиллашувга, балки биз одатланиб қолган молия тизимининг тубдан ўзгаришига олиб келиши мумкин. Биткоин блокчейнида тўловларни юбориш рақамли имзолар орқали назорат қилиниб, улар оммавий (очиқ) (a public key) ва шахсий калитларни (a private key) тақозо этади. Ҳар бир шахсий калитга ягона очиқ калит боғланган бўлиб, иккаласи биргаликда рақамли ҳамёнда сақланади. Очиқ калит биткоин сақланадиган шахсий ҳисобнинг очиқ кўринадиган манзили бўлиб хизмат қилса, шахсий калит рақамли имзо сифатида ушбу ҳисобдаги биткоин устидан индивидуал назоратни амалга ошириш имконини беради. Шахсни аниқлашнинг мазкур жараёни блокчейн технологияларининг барча турларида исталган актив билан, хусусан, қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишда қўлланилиши мумкин. Блокчейндан фойдаланиш даври қанчалик узоқ бўлса, ундаги трансакциялар тарихи ҳам шунчалик узун бўлади. Бу бир томондан тақсимланган реестрнинг ишончлилиги нуқтаи-назаридан ижобий бўлса, иккинчи томондан, бутун тизим бўйича консенсусга эришиш жараёнини мураккаблашишига сабаб бўлади.

Блокчейнлар тизимдаги турли реестрлар ўртасидаги консенсусга эришиш ва тезкор текширувни амалга ошириш мақсадида криптографик хеш-функциялардан фойдаланади. Криптографик хеш функция кичик рақамли “бармоқ излари”ни ҳосил қилади. Уларнинг ҳар бири функцияга киритилган

[1]Kuo, D., Lee, C., & Wang, Y. (2018). Cryptocurrency : A new investment opportunity ?, 20(3), 16–40. https://doi.org/10.3905/jai.2018.20.3.016

маълумотлар тўпламига хос бўлиб, катта ҳажмли маълумотлар тўпламларини тезкор таққослаш имконини беради ва энг муҳими базавий маълумотлар ўзгармаганлигини текшириш усули бўлиб хизмат қилади.

Хавфсизлик, маҳфийлик, кузатиш мумкинлиги (traceability), маълумотларнинг ишончлилиги ва аниқлиги, вақтнинг қайд этилиши, ўчириб ёки ўзгартириб бўлмаслиги каби жиҳатлари муайян соҳаларда қўллаш учун қулай деб топилди. Блокчейн ва унинг турли шакллари инсонлар ўртасидами ёки машинадан машинага бўладиган исталган трансакцияларни ҳимоя қилиш мақсадида фойдаланмоқда. Буюмлар интернетининг (the Internet of Things) тараққий этиши блокчейн технологияларидан фойдаланиш кўламини янада оширишни тақозо этади.

Умуман олганда, рақамли иқтисодиёт кўламини ўлчаш бўйича ҳанузгача ягона методология шаклланмаган, блокчейн имкониятлари ҳам вақт ўтгани сари кенгайиб, қўллаш соҳалари ортиб бораверади.

Аликориев О.Ф. *– ОБМ Илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш бўлими бошлиғи, и.ф.н., доц.,*
Хамраев Х.А. *– ОБМ тингловчиси*

КОРОНОВИРУС ПАНДЕМИЯСИНИНГ БАНК СЕКТОРИ РАҚАМЛАШТИРИЛИШИГА ТАЪСИРИ

Короновирус пандемияси глобал иқтисодиётга жиддий таъсир кўрсатди. Қатъий чеклов чоралари бизнинг кундалик ҳаётимизни, шу жумладан банк мижозларининг хатти-ҳаракатларини ҳам тубдан ўзгартирди.

Шу нуқтаи назардан, ушбу мақоланинг мақсади COVID-19 инқирозининг чакана банк хизматидаги истеъмолчилар хатти-ҳаракатларига таъсирини ўрганиш ва Ўзбекистондаги банк сектори ҳолатига алоҳида эътибор қаратилган. Мақолада короновирус эпидемияси молия институтларида рақамли трансформацияни тезлаштириши ёки секинлаштириши, банклар ўзларининг бизнес жараёнлари ва маҳсулотларини рақамлаштиришаётганда қандай асосий муаммоларга дуч келаётгани тўғрисида фикрлар келтирилган.

Банклар учун турли хил инновацияон ва рақамли ривожланиш эҳтиёжи пандемиядан анча олдин намоён бўлган. Банкнинг информацион технология соҳасидаги ўзгаришларига ундов, банк мижозларининг уларга нисабатан технологик компаниялар сингари индивидуал ёндашувни исташларини тобора жадаллашуви билан хам боғлиқ. Google, Yandex ёки Amazon каби финтех компаниялар бунинг имкони борлигини ва барча банклар ўзларининг рақамли трансформация стратегиясига муҳтожлигини исботлай олди. Сўнгги 20 йил ичида банк сектори жадал суръатлар билан ривожланди: бунга уяли алоқа ва интернетнинг кириб бориши, шунингдек мижозларнинг молиявий ва техник саводхонлиги даражаси ошганлиги ёрдам берди. Бунинг натижасида банклар тезкор равишда замонавий технологияларни жорий эта бошладилар.

Короновирус инфекциясининг кенг тарқалиши оқибатида вужудга келган эпидемиологик чекланишлар ва бунинг оқибатида юзага келган ва бутун дунё

молиявий инқирозига олиб келган вазият, банк хизматларини рақамлаштириш ва банкни секторини жадаллик билан трансформациялаш долзарб аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб берди.

Короновирус пандемияси истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатларини ҳам ўзгартириб, уларни янги воситалар ва технологияларни кўриб чиқиш ва ўрганишга ундади. Агар 2019 йилда банк мижозларининг қарийб 67% банк офисларига шахсан ташриф буюришни маъқул кўрган бўлса, ҳозирги тенденциялар шуни кўрсатмоқдаки, банклар томонидан амалга оширилаётган рақамли трансформация, шунингдек мижозлар хатти-ҳаракатларидаги ўзгаришлар филиаллар сонининг қисқаришига олиб келди: яна бир тенденция бу, минибанклар ўрнига банк хизматлари марказлари ва АТМ (Automated teller machine) банкоматларини ортишидир. Банкларнинг келажакда интернет-банкинг ва мобил иловалар орқали банк хизматларини кўрсатишнинг онлайн моделига ўтиши энг аниқ бўлган прогноз эди: чунки барча деярли банклар мижозлар билан ўзаро алоқаларини рақамлаштирмоқда.

Рақамли трансформация банкларнинг жорий бизнес моделларини ўзгартириб юбормоқда. Шундай қилиб, кўплаб банк раҳбарлари банк тизимининг юридик шахсларга хизмат кўрсатиш соҳасида келажакда хизмат кўрсатишни BaaS (Bank as a Service) моделига ўтади, деб ҳисоблашади. Анаъанавий банк хизматлари мутлақо марказлаштирилган ҳолда тақдим этилгадиган банк тизимидан фарқли ўлароқ, BaaS контцепциясига мувофиқ, мижозларга хизмат кўрсатиш замонавий рақамли технологияларни қўллаш орқали банк инфратузилмаси билан боғланади. Bank as Service концепциясига мувофиқ, банклар ўз мижозларига фойдаланиш учун ўзининг молиявий инфратузилмасини (бэк офис) тақдим этади. “Банк хизмат кўрсатувчи” сифатида бизнес эгаларига ўзи учун тўлиқ мослаштирган ҳолда барча керакли молиявий хизматларни ўз бизнес жараёнларига қўшиб олишга имкон беради. Классик «банк мижоз» (банк клиент) тизимининг ўрнига тадбиркорлар ўзларининг ихтиёрларида ўзларига таниш бўлган ахборот тизимларига ўрнатилган жараёнларда керакли воситаларни олишади. Буларга мисол қилиб контрагентларга ва солиқ идорасига автоматик хисоб фактураларни юбориш ва ҳуқуқий масалалар бўйича банкдан онлайн консултатив хизматларни оутсорсинг қилиб олинишини айтиб ўтишимиз мумкин.

Банк раҳбарлари ўзларининг банк бизнес моделларини алоқа, озиқ-овқат маҳсулотларини этказиб бериш, маркетплейсларни ўз ичига олган рақамли экотизимларга айлантирмоқчи ва банкни ушбу платформаларнинг марказига айлантирмоқдалар. «Саноат Қурилиш Банки» ва Капиталбанкда бу жуда яхши иллюстрация бўлиб, улар ўз мижозларига нафақат молиявий хизматларни тақдим этади, балки ўзининг ягона рақамли платформасида барча онлайн тўлов сервислари, маиший техникалар этказиб бериш ва автомобиль ва уйлар харид қилишни ташкил этмоқдалар. Ушбу ёндашув банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар сонини кўпайтиришга имкон беради ва мижоз турли хил хизматлардан фойдаланганлиги сабабли битта платформа ичида Банкга содиқ бўлиб қолади.

№	Банк номи	2021 йил апрель ойида қабул қилинган тўловлар		Ўсиш кўрсатгичи %
		сони	*суммаси*	
1	Миллий банк	158 456	86 167 419 254	697%
2	Ўзсаноатқурилишбанки	487 827	196 136 531 751	691%
3	Агробанк	978 488	395 424 032 134	418%
4	Микрокредитбанк	164 893	112 710 294 490	349%
5	Халқ банки	1 087 455	321 448 804 658	392%
6	Савдогар банк	51 033	17 283 030 759	1126%
7	Қишлоқ Қурилиш банк	210 581	84 046 075 811	578%
8	Туронбанк	91 856	112 801 493 925	675%
9	Hamkorbank	7 350	3 423 262 603	347%
10	Асака банк	90 971	349 095 609 708	473%
11	Ипак Йўли банки	51 288	18 916 971 907	541%
12	Ziraat Bank Uzbekistan	570	387 579 821	570%
13	Трастбанк	42 201	48 071 692 879	1114%
14	Алоқабанк	2 015 324	398 970 392 963	700%
15	Ипотека-банк	535 452	277 680 529 915	64%
16	КДБ Банк Ўзбекистон	60	113 533 243	857%
17	Туркистонбанк	2 582	892 983 156	120%
18	Содерот банк Тошкент	255	43 404 125	2833%
19	Универсалбанк	187 732	43 725 975 662	12359%
20	Капиталбанк	12 752	95 054 314 920	318%
21	Равнақ-банк	913	826 256 472	1268%
22	Давр-банк	10 662	1 687 035 041	2429%
23	Invest Finance bank	7 835	9 720 833 381	1113%
24	Asia Alliance bank	49 513	57 737 710 779	756%
25	Hi-Tech bank	925	285 440 622	826%
26	Ориент Финанс банк	186 051	129 208 723 115	4921%
27	Мадад Инвест банк	7 901	1 013 817 488	3292%
28	Ўзагроэкспортбанк	169	110 301 036	545%
29	Пойтахт банк	1 675	2 183 946 422	1801%
30	Tenge bank	1 480	1 010 179 525	
31	Anor bank	85	46 630 219	
Жами		**6 444 335**	**2 766 224 807 783**	**342%**

**1-чи жадвал Тижорат банклари томонидан 2020-2021 йил апрель ойлари давомида Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар Клиринг тизими орқали қабул қилинган тўловлар ҳақида таҳлилий маълумот*

Короновирус эпидемияси аллақачон Ўзбекистон мижозларининг истакларига таъсир кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2021 йил апрель ойида ўтказилган ўрганиш давомида: мижозлар ўтган йилгига нисбатан 342% га кўпроқ нақд пулсиз тўловларни амалга оширишни афзал кўришмоқда, уларни аксарияти нақд пулни ишлатишни тўхтатдилар ва карталар ва бошқа тўлов воситаларидан фойдаланишни бошладилар, мижозларнинг тахминан 8% контактсиз карталардан фаолроқ фойдалана бошладилар.

Этакчи банклар инновацион технологиялардан фаол фойдаланмоқдалар. Улар алоқа марказлари нархини пасайтирадиган чат ботлар, автоматлаштирилган алоқа марказларини жорий этмоқдалар - бу маълумотни қайта ишлаш тезлигини ва маълумотларни таҳлил қилиш сифатини оширади. Кейинчалик янги технологияларни жорий этиш банкларнинг IT-харажатлари улушини оширади.

Янги технологияларни жорий этиш йирик банкларнинг позицияларига таъсир қилмайди, аммо секторни янада консолидациялашни давом этади.

Пандемия пайтида кўплаб фуқаролар аллақачон банкнинг масофавий хизматларидан қандай фойдаланишни билиб олдилар, уларнинг қулайлигини қадрлашди ва келажакда улардан фойдаланишни режалаштирмоқдалар. Омонатларни масофадан очиш, банкдан кўчирма ва маълумотномаларни онлайн қабул қилиш, онлайн микроқарз олиш, онлайн валюталарни конверция қилиш каби хизматлар энди мижозлар томонидан Банклар тақдим этиши лозим бўлган хизматларнинг зарур шарти сифатида қабул қилинмоқда. Шундай қилиб, аллақачон 2020 йил апрель ойидан ўзини ўзи изоляция қилиш режимида онлайн микроқарз олиш учун аризалар ҳажми банк офисларига ташриф буюришга нисбатан ошиб бормоқда. Бу хизмат тури Ўзбекистон учун нисбатан янги бўлгани билан ҳам изоҳланади.

Пандемиянинг банклар учун оқибатларидан бири бу рақамли хизматларни амалга оширишда рақобатнинг кучайиши. Банкларнинг рақобатбардошлигига бевосита таъсир кўрсатадиган инновацияларни қўллаш ва мижозларга хизмат кўрсатишни доимий равишда модернизация қилишга эътибор қаратишлари лозим бўлади. Банк секторини рақамлаштириш ва рақамли технологияларни ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда, мижозлар янги банк маҳсулотлари ва хизматларига мурожаат қилишлари ошиб боришлари табиий ҳол. Аҳоли ва бизнес учун рақамли дунё эҳтиёжларини қондирадиган янги банк имкониятларининг пайдо бўлиши умуман бутун мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширади.

Шундай қилиб замонавий рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда қурилган кенг кўламли экотизимлардан фойдаланган ҳолда банк секторининг жадал ривожланиши бизни яқин келажакда кутмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Матвеэвский С.С. Банкларининг рақамли трансформациясининг ҳозирги ҳолати. Университет бюллетени. 2020 (10): 131-137 бетлар.

2. Tadviser интернет-ресурси «Хизмат кўрсатувчи банк» модели сизга банк хизматини тўғридан-тўғри ERP тизимига жойлаштириш имконини беради. У қандай ишлайди? /[Электрон ресурс]//: https://www.tadviser.ru/index.php/

3. Цоколинская Н.Э., Зиновева Э.А. Пандемиядан олдин ва кейин банк сектори. Молиявий бозорлар ва банклар. 2020 (6): 81-86 бетлар.

4. Ўзбекстон Республикаси Марказий банки томонидан ойлик ва йиллик таҳлилий маълумотлар: банк тизими фаолияти кўрсаткичлари. Манбаа: /[Электрон ресурс]//: https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats

Гулямов С.С. *– академик, д.э.н., проф., зав. кафедрой Института повышения квалификации кадров и статистических исследований,*
Хаитматов У.Т. *– к.э.н., доц., Институт повышения квалификации кадров и статистических исследований,*
Шермухамедов О.А. *– соискатель ТЭИ*

РАЗВИТИЕ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ

Цифровизация экономики оказывает огромное влияние на все социально-экономические процессы в целом. С глобализацией и активным развитием инновационных технологий, таких как блокчейн, искусственный интеллект и облачные сервисы, цифровая экономика стала неотъемлемой характеристикой мировой и национальной хозяйственной систем. Масштаб развития цифровой экономики в мире сложно оценить точно. По состоянию на 2015 год цифровая экономика была оценена Boston Consulting Group в $2,3 триллиона. Для группы из 20 стран это было 4.1% от всего ВВП. В 2018 году Oxford Economics оценил цифровую коммерцию в $20,4 млрд., что составило примерно 13,8% от мировых продаж. Темпы роста цифровизации в Узбекистане гораздо ниже, чем в США, России, Японии и Китае. Для развития цифровой экономики в Узбекистане приняты Правительственные меры по развитию национального IT-сектора, стимулируется создание и внедрение инновационных технологий во все социальные и экономические сферы деятельности в национальном масштабе.

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев подписал Постановление о развитии цифровой экономики, в котором долю цифровой экономики в ВВП Узбекистана планируется увеличить в 2 раза к 2023 году, а долю электронных государственных услуг довести до 60% к 2022-му. Документом предусмотрено ускоренное формирование цифровой экономики с увеличением ее доли в валовом внутреннем продукте страны к 2023 году в два раза.

Основная идея стратегии развития, ориентированной на реализацию цифровой экономики, заключается в опережающем становлении базисных производств нового технологического уклада. Для развития цифровой экономики нужно развивать национальный IT- сектор, стимулировать создание и внедрение инновационных технологий во все производственные, экономические и

социальные отрасли страны. В настоящее время главными задачами развития общества является как обеспечение экономического роста, так и повышение качества жизни. Этого можно добиться на основе формирования новой экономической модели, обеспечивающей стимулирование развития цифровой экономики. Обеспечение технологического и экономического прорыване возможно без решения таких задач как рост объемов производства и уровня развития человеческого капитала. В их решении важное место принадлежит системе образования, организациям-работодателям и государственным органам управления. Современная экономика отличается наличием качественного человеческого капитала, включающего в себя высококвалифицированную рабочую силу без которой невозможна разработка новых технологий в масштабе отдельных компаний, отраслей и его формирование является актуальной проблемой. Современный человеческий капитал рассматривают как фактор производственного, жизнедеятельного и социального развития субъекта в роли которого выступает человек. Инвестиции в образование, здравоохранение, искусство, экономическую свободу населения и информационное обеспечение позволяют сформировать в человеке необходимые знания и умения для включения его в современный человеческий капитал страны.

Исходя из основных характеристик, человеческий капитал можно разделить на три компонента: знания, информация и творческий потенциал формируется в компонент интеллектуального капитала; уровень образования, включая культурные и нравственные ценности человека, формируется в компонент социального капитала; физическое и психологическое здоровье человека формируется в биофизический компонент капитала. Индекс развития человеческого потенциала (ИРЧП) - это комбинированный показатель, характеризующий развитие человека в странах и регионах мира, который составляется Программой развития Организации Объединённых Наций (ПРООН) и используется в рамках специальной серии докладов ООН о развитии человека. ИРЧП является составным показателем полученного населением образования, состояния здоровья и фактического дохода на душу населения, подкрепленного тремя оценочными индексами: индекс образования; индекс ожидаемой продолжительности; индекс валового национального дохода.

Индекс уровня образования в странах мира (Education Index) –комбинированный показатель Программы развития ООН (ПРООН), рассчитываемый как индекс грамотности взрослого населения и индекс совокупной доли учащихся, получающих образование. Сбор данных по результатам национальных переписей населения и сравнения их с показателями, вычисляемыми Институтом статистики ЮНЕСКО позволяют сформировать данные о грамотности населения. Обновление индекса происходит раз в два-три года и сопоставляется с национальными статистическими службами, в связи с этим имеет возможность запаздывания на один-два года.

В 2016 году ООН по вопросам образования, науки и культуры был опубликован всемирный доклад по мониторингу образования (ВДМО), включая статистику за 2014 год. ВДМО, приводя мировую статистику в качестве основной

базы, в своем докладе подтверждает исключительный вклад образования в формирование человеческого капитала и повышение уровня образования как инструмента экономического, социального, технологического роста. Во всемирном докладе подчёркивается нарастающая тенденция несоответствия в уровне образования между богатыми и бедными странами, что приводит к непреодолимым преградам по достижению запланированного мирового развития к 2030. В кредитном учреждении роль персонала выражается в способности формировать разнообразные финансовые продукты, позволяющие обеспечить приемлемый уровень риска при сохранении конкурентоспособности. Оценка способности конкретного работника банка качественно и оперативно выполнить заданную работу важна, особенно при высокой конкуренции и как показал анализ, это ведет к неоправданным затратам на избыточный персонал, не эффективном использовании квалификации, формальности обучения, неспособности с достаточной точностью прогнозировать качество разрабатываемых финансовых продуктов, направленных на диверсификацию риска. Задача современной дело-вой оценки персонала заключается в определении потенциальных возможностей работника, его профессиональных компетенций и в перспективах реализации его потенциала. Решение этой задачи позволяет совершенствовать процессы ротации персонала, а также подбора, набора и отбора кандидатов на вакантную должность.

В соответствии с проведенной нами оценкой, становится понятно, на какую должность сотрудник наибольшим образом подходит, с учетом не только его профессиональных, но и личностных характеристик. Кроме того целесообразно оптимизировать использование трудового потенциала кадров и реализовать их служебно-квалификационное продвижение. Специалисты, которые задействованы в работе с клиентами банка - это «front-office», а специалисты, осуществляющие обеспечение эффективной деятельности всех структурных подразделений финансово-кредитного учреждения - «back-office» и в зависимости от этих особенностей можно выделить специфические критерии оценки персонала каждого вида. Например, сотрудники, которые работают с клиентами, должны обладать не только соответствующими профессиональными навыками и знаниями, но, в дополнение к этому, обладать навыками общения, культурой обслуживания, знать психологию и особенности поведения клиентов банка.

Современные банки функционируют в особой среде, которая характеризуется высоким уровнем конкуренции, динамичностью внешней среды, неопределенностью и нестабильностью, а потому их деятельность сопряжена с определенным риском. Данное обстоятельство диктует особые требования к персоналу банка, а именно - повышенный уровень ответственности и твердое понимание, что деятельность каждого сотрудника напрямую взаимосвязана с реализацией стратегии и достижением целей банка, формирующие его имидж и дальнейшее развитие [1,2,3]. Учитывая эту специфику деятельности банков, сотрудники должны обладать соответствующими личностными качествами, которые предполагают и устойчивость в стрессовых ситуациях. Особые требования к служащим банков также связаны и с необходимостью сохранения банковской тайны и другой конфиденциальной информации, которая может

включать в себя, как и обслуживание клиентских счетов (персональных данных), так и денежно-кредитную и финансовую политику самого банка. Деловая оценка специалистов должна быть комплексной и включать в себя целый ряд показателей, наиболее полно отражающих картину трудовых и временных затрат на те или иные операции, результативности работы и каждого отдельно взятого сотрудника, и трудового коллектива. Если выбранная в банке система оценки фрагментарная, то она направлена на оценку конкретных видов деятельности и профессиональных компетенций. На сегодняшний день оценочные технологии банков Узбекистана включают в себя следующие аспекты: оценка профессиональной компетентности; оценка служебной (исполнительской) дисциплины; оценка личностно-психологических качеств; оценка эффективности профессиональной подготовки, переподготовки и повышения квалификации; проведение аттестации сотрудников [4].

Оценивание личностно-психологического качеств персонала необходимо в процессе приема на работу нового сотрудника, или в процессе ротации (перемещении в другое функциональное структурное подразделение организации), или при переводе на должность руководителя (карьерный рост). Результаты оценки личностно- психологических качеств существенны при принятии кадрового решения, которое может оказать определенное влияние на социально-психологическую и деловую атмосферу в трудовом коллективе, что в свою очередь отразится на формировании эффективного механизма служебного взаимодействия между сотрудниками. Подобного рода оценка должна проводиться психодиагностическими методами, а стало быть, при ее проведении требуется участие профессионалов, обладающих данными методами на высоком уровне [5]. Учитывая высокие резервные возможности оценки, многие узбекские банки начали успешно применять в управлении персоналом оценочные технологии и процедуры и для создания эффективной системы деловой оценки персонала в кредитных организациях начали соблюдать ряд принципов: систематичность, которая обеспечивает регулярность деловой оценки, и её осуществление через определенные интервалы времени; комплексность, который указывает на необходимость учета всей совокупности важнейших факторов (в том числе служебная дисциплина, личностные качества, профессиональные качества), определяющих эффективность деятельности на конкретной должности; объективность, которая предполагает оценку только тех параметров служебной деятельности, которые могут быть проверены эмпирически; гласность, которая определяет информирование сотрудников о стандартах результативности труда, которые используются в процессе деловой оценки, а также возможность участия независимых экспертов; единство требований, которая позволяет обеспечить наиболее достоверные результаты оценки при сравнении, а также лояльное восприятие результатов оценки сотрудниками; дифференциацию, которая выступает гарантом отсутствия усредненных оценок, которые могут стать мощным демотивирующим фактором для сотрудников; результативность, которая обеспечивает обязательное и оперативное принятие кадровых управленческих решений по ее результатам. Соблюдение и реализация данных

принципов сделал систему деловой оценки банковских служащих «Давр банка» наиболее эффективной. Деловая оценка таких затрат оптимизировал управление персоналом в банках.

Одним из способов повышения уровня образования является финансирование. Начиная с 2002 года объем финансирования в Узбекистане постепенно увеличивается. До середины 2000-х годов носители таких профессий, как инженеры, научные сотрудники, профессора вузов, доценты были вынуждены уйти в коммерцию, чтобы получать хорошую заработную плату и обеспечивать достойную жизнь. В стране значительно увеличилось число коммерческих вузов, а кроме того престижные направления подготовки стали повсеместно платными. Высшее образование стало доступным практически для любого человека, что повлекло за собой ухудшение качества обучения, а непрестижность профессии преподавателя еще больше усугубила этот процесс.Индекс образования считается универсальным показателем, но он не отражает качество получаемого образования, которое в отдельных случаях может быть весьма низким и ограниченным. Концепция цифровой экономики появилась в последнем десятилетии 20 века. Цифровая экономика формируется с ориентацией на потребителя, места реализации и цены, которая должна соответствовать качеству предоставляемой услуги. Сегодня мир находится на пути перехода на этап постиндустриальной цифровой экономики, который способен кардинально изменить мировой рынок. Главным ресурсом станет информация, торговые площадки в Интернете, конкуренция в образовательном процессе.

Переход к цифровой экономике это шаг к улучшению экономического состояния государства. Чтобы принятые меры функционировали, необходимо государственное регулирование управления социально-экономическим развитием страны. Государству необходимо обеспечить взаимодействие органов власти, организаций-работодателей и системы образования. Новые экономические и технологические условия требуют создания и реализации подходов по содействию гражданам в освоении ключевых компетенций цифровой экономики, обеспечении массовой цифровой грамотности и персонализации образования. В этих целях созданы направление кадры для цифровой экономики. В результате в Узбекистане будет выстроена преемственная на всех уровнях система образования, включающая выявление и поддержку талантов в областях математики и информатики, подготовку высококвалифицированных кадров, отвечающих новым требованиям к ключевым компетенциям цифровой экономики, реализацию программ переподготовки по востребованным профессиям в условиях цифровой экономики, а также перспективных образовательных проектов. Это приведет к решению проблем использования человеческого капитала и позволит создать цифровую кадровую платформу Узбекистана. Новые экономические и технологические условия требуют создания и реализации подходов по содействию гражданам в освоении ключевых компетенций цифровой экономики, обеспечении массовой цифровой грамотности. Несмотряна то, что спрос на образовательные услуги по таким направлениям подготовки как менеджмент, экономика превышает предложение на рынке труда, вузы продолжают вести массовую

подготовку по этим направлениям, в первую очередь как ответ на формирующиеся спрос на рынке образования.

В связи с этим уменьшается количество выпускников, работающих в сфере образования и производства. При этом обществу известна потребность рынка труда в кадрах рабочих профессий. По меркам молодежи главным определяющим фактором выбора профессии является уровень заработной платы, следом за ним стоит перспектива карьерного роста как фактор финансового благополучия. В глобальной цифровой экономике, необходимо рассмотреть базовый социально-экономический профиль работника, который может быть трудоустроен дистанционно. Целесообразно разработать линейку типовых цифровых рабочих мест и оценить их параметры. Такими группами типовых рабочих мест могут быть с учетом иерархии управленческой деятельности: руководители организации высшего уровня иерархии; финансово-экономический блок и бухгалтерия; руководители среднего звена; специалисты организации, создающие технологии работ и соответствующую руководящую документацию для исполнителей; исполнители; IT-специалисты, обеспечивающие эффективную эксплуатацию компьютерных систем. Разработка социально-экономического профиля работника в цифровой экономике и определение требований к его рабочему месту позволят определить затраты на создание конкурентоспособных рабочих мест, что требуется для оценки человеческих, материальных и финансовых ресурсов, необходимых для выполнения задач, соответствующего требованиям цифровой экономики. В условиях цифровой экономики могут исчезнуть до 10% существующих в настоящее время профессий. С этой точки зрения меняются принципы разделения и кооперации труда. Роботизация и автоматизация кардинально меняют содержание труда во всех отраслях и видах занятости, что изменяет требования к компетенциям работников.

В течение трудовой деятельности человеку необходимо своевременно формировать и развивать свои компетенции, повышать свою конкурентоспособность на рынке труда с учетом перспектив его трансформации. Изменяются формы занятости, где наряду с традиционными формами реализации трудовых отношений активно развивают-ся занятость в виде фриланса, краутсорсинга, инсорсинга, дистанционная занятость, проектная форма занятости и пр. При этом новые формы становятся все более предпочтительными для молодежи и высоко конкурентного персонала. Становится все более устойчивой тенденция, когда человек меняет свою профессиональную принадлежность 3-4 раза в течение трудовой жизни. Рабочие места формируются под задачи, компетенции работника, технологию. Поэтому человеку труда необходимо ориентироваться в профессиях при выборе профессии.

Существующие в настоящее время системы профориентации направлены в большей степени на выбор профессии в соответствии с имеющимися на данный момент способностями и предпочтениями молодежи. Необходимо учитывать прогнозы рынка труда, изменения в профессиях, условиях занятости. В условиях формирования цифровой экономики обобщать опыт развития национальной специфики рынка труда в разных странах. Выделяют национальные модели,

такие как японская, американская, шведская модели рынка труда. Для японской модели характерна система трудовых отношений, основанная на принципе «пожизненного найма», при котором гарантируются занятость постоянного работника на предприятии до достижения им возраста 55–60 лет, повышение размеров заработной платы, премиальных и социальных выплат в прямой зависимости от числа проработанных лет, плановое последовательное повышение квалификации и служебно-профессиональный рост. Японская модель рынка труда способствует формированию рациональной занятости при наиболее полном учете потребностей производства, интересов работодателей и наемных работников. Модель рынка труда США характеризуется децентрализацией законодательства: законы о занятости и помощи безработным принимаются каждым штатом отдельно. На предприятиях обычным является жесткое отношение к работникам, которые при изменении конъюнктуры рынка могут быть уволены, причем работники не информируются об увольнении заблаговременно. Коллективными договорами охвачена только четверть работников. Недостаточно внимания уделяется внутрифирменной подготовке персонала – за исключением подготовки по специфическим для фирмы работам. Подобная политика фирм ведет к высокой географической и профессиональной мобильности работников. Шведская модель характеризуется активной политикой государства в области занятости, делающей упор на меры по предупреждению безработицы, а не на содействие уже потерявшим работу, в результате чего уровень безработицы в этой стране минимальный».

Происходит переход к «экономике знаний», в связи с чем, возрастает роль информации. По прогнозам ведущих экспертных агентств, в ближайшие годы информационно-коммуникационные технологии могут заменить, примерно, 140 миллионов штатных работников умственного труда во всем мире. В ведущих мировых экономиках эти процессы протекают еще более динамично. Так, например, в США предполагается «оцифровать» более 47 % рабочих мест. Отсутствие территориальных и временных границ для применения цифровых технологий приводит к формированию новой глобальной цепочки формирования цены рабочей силы.

По результатам исследований ИСИЭЗ НИУ ВШЭ в числе перспективных профессий высокой квалификации, востребованных рынком в условиях цифровизации, отметим следующие:

Архитектор Интернета вещей - обеспечивает подключение к сети множества неоднородных устройств, передачу и обработку данных в режиме реального времени, оптимальным образом организует хранение информации, минимизирует киберуязвимость системы.

Биоинформатик - анализирует экспериментальные медикобиологические данные, разрабатывает и применяет на практике вычислительные методы для решения, в частности, таких задач, как предсказание функции генов и зашифрованных в них белков, генетическая диагностика заболеваний, конструирование лекарственных препарат.

Дата-журналист - создает различные типы репортажей на основе данных, благодаря которым содержание текста, изложенные в нем факты и мнение автора получают количественное обо- снование.

Дизайнер виртуальной среды (VR- архитектор) - занимается разработкой технического оборудования и программного обеспечения, создает его дизайн, разрабатывает интерактивные сюжетные линии.

При этом, оставаясь дочерним по отношению к Банку, новый цифровой банк получит возможность сотрудничать с любыми другими внешними институтами на рыночных условиях, к примеру, банками, страховыми компаниями, мобильными операторами и т.д., предоставляя им свою платформу и инновационные сервисы.

Современные технологии цифрового банкинга открывают новые возможности и позволяют предоставлять более качественные услуги своим клиентам наиболее безопасным, надежным и доступным способом. Кроме того, новые технологии обеспечивают банку гибкость и способность быстро адаптироваться к изменениям бизнес-среды и успешно внедрять новые продукты.

Убежден, что создание банковских групп будет способствовать снижению уровня финансовых рисков в секторе и одновременно усиливать «здоровую» конкуренцию среди коммерческих банков. Основными бенефициарами в этой ситуации станут конечные потребители, в виде населения и хозяйствующих субъектов, которые смогут получать широкий спектр финансовых услуг по конкурентоспособным ценам.

По мнению мировых ученых, широкое использование цифровых технологий в различных областях приведет к увеличению производительности труда, расширению удобств и возможностей, повышению качества продукции и услуг, экономическому росту.

Банки вкладывают крупные инвестиции в развитие бизнес-модели «Цифровой банк». Переход от традиционных банков к цифровым и глубокое изучение потребностей клиентов – этот тренд уже прочно закрепился в программах международных дискуссий на экономических форумах и конференциях. Конечно, он иногда уступает блокчейну, но по сути является более важной темой для развития цифровых банков».

Список использованной литературы:

1. Мирзиёев Ш.М. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису.//Народное слово. 25 января 2020 года.

2. Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020 — 2025 годы» №УП -5992 от 12.05.2020 года.

3. Закон о банках и банковских деятельности. №ЗРУ-580 от 05.11.2019г.

4. Закон о центральном банке. №ЗРУ-582 от 11.11.2019г.

5. «Цифровая экономика и её влияние на банковский бизнес в узбекистане» [Текст]. Тоймухамедов И.Р. доцент кафедры «Банковского дела» ТГЭУ. Научные электронные журнал «Экономика и инновационные технологии» №2 март-апрель 2020 год. Стр 152-161.

Алиев Ф.А. *– «UZDIGITAL TV» МЧЖ директори*

КОРХОНАНИНГ БОШҚАРУВИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ – ERP ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Корхонани бошқариш жараёнида, бизнес кўрсаткичлар ошиб борган сари ишлаб чиқариш ресурсларини бошқариш учун қандайдир бир ERP (инг. Enterprise Resource Planning, корхона ресурсларини режалаштириш) тизими керак бўла бошлайди. Кичик ишлаб чиқариш тизимларида балки бу жараёнларни бошқариш биргина маълумотлар баъзасини жорий қилишгина етарлидир. Аммо бизнес жараёни ошиб борар экан, бу каби тизимларга эхтиёж пайдо бўла бошлайди. Табиийки, бундай тизимларни жорий қилиш жуда катта сарф харажатни ва ўзига яраша қийинчилик босқичларини талаб этади. Шундай экан бошқарувда ERP тизимларини жорий қилишдан олдин унинг нима эканлиги ва қандай имкониятлари мавжудлиги ҳақида ўрганиб чиқиш талаб этилади.

ERP тизим корхона ресурсларини режалаштириш тизимлари бўлиб - барча маълумотларни ва ташкилотда амалга ошириладиган электрон хисоб ва хисоботлар жараёнларини ягона тизимга интеграциялаш учун ишлатилади. Ушбу тизимни жорий қилиш учун турли хил дастурий ва аппарат воситалардан фойдаланилади. Кўпинча ERP тизимларининг асосий компоненти бўлиб - турли хилдаги тизим модулларининг маълумотларини сақлайдиган ягона маълумотлар базаси хисобланади [1].

Америкадаги ишлаб чиқариш ва инвентаризациялашни назорат қилиш жамиятининг луғатига кўра, ERP тизими (Корхона Ресурсларини Режалаштириш) атамаси икки усулда ишлатилиши мумкин.

Биринчиси, мижозлар буюртмаларини бажариш жараёнида сотиш, ишлаб чиқариш, харид қилиш ва бухгалтерия ҳисоби учун зарур бўлганкорхонанинг барча ресурсларини аниқлаш ва режалаштириш бўйича ахборот тизими.

Иккинчидан, (умумий нуқтаи назардан), ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида мижозларнинг буюртмаларини бажаришда сотиш, ишлаб чиқариш, харид қилиш ва бухгалтерия ҳисоби учун зарур бўлган корхонанинг барча ресурсларини самарали режалаштириш ва бошқариш методологиясидир.

Бутун дунёда турли соҳаларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб бизнесни ривожлантириш тенденцияси ўсиб бормоқда. ERP тизимида молиявий ҳўжалик, кадрлар бошқаруви, ишлаб чиқаришни назорат қилиш, логистика ва одатий компьютер тизимларида мавжуд бўлган эски тизимларнинг функцияларини хам ўз ичига қамраб оладиган дастурий модуллардан ташкил топган ягона тизимдир. Молиялаштириш, ишлаб чиқариш ёки омборга ҳизмат кўрсатадиган дастурлар энди бир-бири билан боғланган бўлиб, бир бўлимдан туриб, Сиз бошқаларнинг маълумотларини кўришингиз мумкин. Кўпгина ERP-тизимларини етказиб берувчилари дастурни жуда мослашувчан қилиб шакллантиришади, бу ўз навбатида бошқа бир модулнинг дастурга интеграция жараёнини осонлаштиради. Бу имконият корхонада ERP-тизим тўпламини бир зумда харид қилмасдан туриб модул сифатида ўрнатилиши

мумкин. Мисол учун, кўплаб компаниялар биринчи навбатда фақат молиявий ва кадрлар модулларини сотиб оладилар ва бошқа функцияларни келажакда қадамма қадам автоматлаштириб борадилар.

ERP-тизими бизнес жараёнларини автоматлаштириш учун шаклланти-рилади. Масалан, мижоз буюртмасини бажариш: буюртмани қабул қилиш, уни жойлаштириш, омбордан жўнатиш, етказиб бериш, фактура, тўлов тушунчаси. ERP-тизими мижознинг буйруғини «қабул қилади» ва буюртмани бажариш бўйича турли қадамларни автоматлаштирилган йўл харитаси орқали амалга оширади. Корхонанинг бирор филиалининг вакили ERP-тизимига буюртмачи-нинг буюртмасини тақдим этганда, у ижро этиш буйруғини ишга тушириш учун зарур бўлган барча маълумотларга эга бўлади. Масалан, у дарҳол мижознинг кредит рейтингига ва молиявий модулдан буюртмалар тарихига кира олади, омбор модулидан товарларнинг мавжудлиги ва логистика модулидан товарларни жўнатиш режаси ҳақида билиб олади.

Шундай қилиб, ERP атамаси нафақат ахборот тизимини, балки ушбу ахборот тизими томонидан жорий этилган ва қўллаб-қувватланган тегишли бошқарув методологиясини ҳам англатади.

Идеал ҳолда ERP тизимининг ягона базаси дастур модулларининг барча маълумотларини ўз ичига олади:

- ишлаб чиқариш (ишлаб чиқариш жараёнларини тайёрлаш ва етказиб беришни бошқариш, моддий хусусиятларни бошқариш, режалаштириш, салоҳиятни бошқариш, кетма-кетликни бошқариш, сифатни бошқариш, харажатларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёни, ишлаб чиқариш лойиҳалари, ишлаб чиқариш оқимларини бошқариш);

- таъминотни бошқариш (инвентаризациялашни назорат қилиш, буюртманинг киритилиши, харидларни бошқариш, маҳсулот конфигурацияси танлови, таъминот занжирини режалаштириш, етказиб бериш жадвали, техник назорат, талабномаларни қайта ишлаш, ҳисоб-китоб комиссия);

- молия (нақд пул, пул маблағларини бошқариш, кредиторлар ва қарздорлар билан ҳисоб-китоблар, асосий фондларни ҳисобга олиш);

- лойиҳалар (харажат, биллинг, вақт ва моддий харажатлар, ишларни ташкил қилиш);

- меҳнат ресурслари (меҳнат ресурсларини бошқариш, иш ҳақи, таълим, иш соатлари, имтиёзлар);

- савдони бошқариш ва мижозлар билан муносабатлар (савдо ва маркетинг, комиссион тўловлар, кафилликлар хизмати, мижозларга алоқадор ёрдам ва йўналтириш хизмати);

- ахборотни сақлаш (истеъмолчилар, етказиб берувчилар ва ходимлар учун турли-туман хизмат кўрсатиш интерфейслари, масофадан ишлай олиш қобилияти, хавфсизлик масалалари, маълумотларнинг долзарблиги ва аниқлиги).

Шу сабабли, тизимнинг ахборот хавфсизлигини бузиш билан боғлиқ катта хавф мавжуд. Фойдаланувчи интерфейси билан боғлиқ етарлича мослашувчан дастурлар мавжуд бўлганда, тизимдан фойдаланишда маълумотларининг миқдорини сезиларли даражада оширилиши ва бунинг натижасида махсус

операцияларни бошқариш учун махсус операцияларни амалга ошириш керак бўлади, бу ўз навбатида бирқанча вақт талаб қилиши хам мумкин. Қандай қилиб ERP тизими қолганидан фарқ қилади? Кўпинча, ERP бошқа дастурий воситаларга ва муайян бизнес муаммоларини ҳал қилишда ёрдам берадиган дастурий маҳсулотлари билан чалкаштириш мумкин. Масалан, ERP тизимини билмаган ҳолда CRM (CRM-тизим, инглиз. Customer Relationship Management-мижозлар билан ўзаро алоқаларни бошқариш тизими) тизимига ўҳшашлиги ёки бухгалтерия ва солиқ ҳисобот дастурларига муқобил дастурий воситалардан бири деб ҳисобланилади. ERP нинг асосий фарқи шундаки, у корпоратив ресурсларни эмас, балки унинг барча қисмларини қамраб олган ҳолда бошқариш имконини беради. Уни бошқа дастурий воситалардан фарқлаш учун оддий, тизим:

- компаниянинг барча бўлимларининг вазифалари ва маълумотлар базаларини бирлаштиради;
- ягона ахборот муҳити яратилишини таъминлайди;
- корхонада ҳар қандай муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради.

ERP тизимларининг афзалликларини ўрганиб чиқайлик. ERP тизимлари бир марталик кенгайтирилган маълумотларни тўплашни таъминлайди, такрорлашни бартараф қилади. Бу жараёнлар интеграл бошқарув тизимларини жорий қилиш орқали тақдим этиладиган маълумотларни умумий тақдим этиш, корпоратив бошқарувни стандарт ва ихтисослаштирилган ҳисоботларни тайёрлаш учун кенгайтирилган имкониятларни тақдим этади. Компаниянинг ягона маълумотлар базасида барча маълумотларни сақлаш ахборотнинг юқори даражада бўлишини таъминлайди, шунингдек, ҳисобот маълумотларига нисбатан ягона нуқтаи назарни кафолатлайди.

Ресурсларни бошқариш тизимидан фойдаланувчилар учун ахборотларни таҳлил қилишга йўналтиришга ёрдам беради, нафақат тактик фойдаланиш, балки турли бўлимлардан олинган маълумотлар интеграциясини амалга ошириш, доимий жараёнларни мунтазам равишда кўриб чиқиш имконини беради. Бухгалтерия ва ҳисобот функциялари бевосита ишлаб, қуйи

тизимларга ўтказилиб, маълумотларни янгилаш ва уларнинг аниқлиги самарадорлигини оширади. Бундан ташқари, корхона маълумотларини бирлаштириш орқали ERP тизимлари тактик ва стратегик режалаштириш вазифаларини амалга оширишга ва жараёнлар устидан тўлиқ назорат қилиш имконияти орқали бошқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. ERP нима учун корхона учун муҳим? ERP-нинг аҳамияти шундаки у бизнесни бошқариш учун нималарга энг аввало эътибор қаратиш лозимлигини аниқ намоён этади. ERP кундалик бизнес операцияларини оптималлаштириш ва автоматлаштириш орқали бир қатор бизнес функцияларини бошқаради. Дастур нозик ва аниқ ишлашни таъминлайди ва корхонанинг имкониятлари ҳақида тўлиқ 360 даражада маълумот беради.

Шундай қилиб, қуйидагича таклифлар беришимиз мумкин.

1.Стратегик аҳамиятга эга йирик корхоналарга ERP тизимларини жорий қилишда маҳаллий дастурий таъминот маҳсулотларига аҳамият бериш зарур. Бугунги кунда мазкур маҳсулотнинг бозори жуда катта бўлмасада, давлатимизда

1 миллион дастурчи тарбиялаш бўйича қилинаётган ишлар ўз самарасини беради;

2.ERP тизимларини жорий этиш корхонада ягона ахборот макони яратилишига олиб келиши керак.

3.Яратилган ERP тизимларининг модуллари доимий равишда янгиланиб борилиши, аниқланган камчиликлар тезкор равишда бартараф этилиши корхона фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олган ягона ахборот макони яратади.

4. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун техник таъминотни кучайтириш (серверлар, маршрутизатор, катта массивдаги маълумотларни сақлаш учун катта ҳажмдаги маълумот сақловчи серверлар) зарур, ва, имкон даражасида, маълумотларни маҳаллий дата-марказларда сақлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://www.researchgate.net/publication/279515140_Enterprise_Resource_Planning_ERP_Systems_Design_Trends_and_Deployment

Зуҳуров К.З. *– ОБМ докторанти*

ЗАМОНАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИДА ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ РАҚАМЛИ ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТЛАРИ

Банк фаолиятини рақамлаштириш билан боғлиқ тадқиқот ва ишланмаларни, бошқа илмий ва технологик ютуқларни янги ёки такомиллаштирилган банк маҳсулотларига айлантириш ва янгиланган ёки такомиллаштирилган банк технологиясига хизматлар амалда қўлланиладиган жараён ёки унга янгича ёндошиш маҳсулот ва хизматларни сотиш, уларни ҳозирги талабларга мослаштириш рақамли банк маҳсулотлари жозибадорлигининг белгилари ва юқори ишончлилик, рентабеллик ҳамда сифатдир. Бугунги кунда рақамли ўзгаришларнинг кўлами ва суръатлари иқтисодий ривожланишнинг асосий хусусиятларига айланиши керак. Рақамлилаштириш - давлат иқтисодиётининг барча соҳаларини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши, шу жумладан банк фаолиятининг ҳам. Банк ишидаги рақамлаштириш - бу замонавий комплекс иқтисодий, ташкилий, бошқарув, институционал банк фаолиятининг исталган соҳасидаги янгиликлардир. Ўсиш ва рақобат рақамлаштириш мижозлар базасини кенгайтиришга ёрдам беради. Рақамлаштиришни банк хизматлари бозоридаги улушини ошириш, харажатларни камайтириш ва банкнинг молиявий барқарорлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Маҳаллий банклар учун ушбу босқичдаги фаолиятни рақамлаштириш янгисини излашга асосланган иш услубини талаб қилади. Классик банкдан фарқли ўлароқ, мижолар учун келажакда вақтни тежаш, даромадларни кўпайтириш ва тезкор қарз олишга ёрдам берадиган банк бу улар учун энг кераклисидир. Тезкор олинган кредит мижозга ушбу маблағни янада самарали ва фойдали сарфлашга ёрдам беради, унинг товар ва хизматларга бўлган еҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Бозор

жойларида банк рақамли оффисларини яратиш орқали банк ҳам ўз хизматларини, ҳам таклифларини тақдим етади ва энг асосийси мижозлар базасининг монетизациясини сезиларли даражада оширади. Бугунги кунда рақамлаштиришни жорий етиш натижаси янгисининг пайдо бўлиши ҳамда инновацион маҳсулотлар ва хизматларнинг кўпайиши ҳисобланади. Энг кенг тарқалган замонавий банк маҳсулотларининг айрим турлари:

1). Интернет-банк. Ушбу янгилик калит деб ҳисобланади келажак элементи, ва бугунги кунда деярли барча банклар томонидан таклиф этилади Мамлакатимиз ўрта осиёда банк тизимида етакчи мамлакатларидан бири ҳисобланади аммо бу хизматдан фойдаланувчилар сони тўлалигича эмас Натижада, Интернет аудиториясининг ўсиши учун ҳанузгача улкан мкониятлар мавжуд. Кўпгина мутахассислар бу масофавий банк иши деб ҳисоблашади,

2) Мобил банк хизматлари. Мобил телефондан фойдаланувчилар бугунги кунда улар аксарият операцияларни ўз ҳисоблари билан амалга ошириши мумкин, бу банк ўтказмалари, тўловлар (коммунал хизматлар, Интернет, алоқа ва бошқалар), банклар томонидан жисмоний шахсларга P2P кредитлар ҳисоб ва бошқалар. Ишонаманки, бизнинг смартфонимиз аллақачон тўлиқ ўрнини босиши мумкин дебит ва кредит карталари туфайли ўрнатилган NFC - чип ва тўлақонли тўлов воситаси. Бундан ташқари, бу фақат қулайлик ва шахсий масаладир фойдаланувчи мос параметрлари. Ушбу технология ёрдамида амалга оширилади мижозларнинг аутентификацияси учун мос равишда эҳтиёж паспортдан фойдаланиш камаяди ва кейинчалик йўқ бўлиб кетади, чунки идентификация қилиш илова орқали амалга оширилади. Масалан, ғарбда бозор (АҚШ, Европа), бу операция ҳатто амалга оширилади мижоз томонидан тақдим этилган электрон почта манзили ва параметрларининг ўзи етарли;

3) 24/7 зона. Ушбу маҳсулот мижозга имкон беради мустақил равишда ҳисоб қайдномангиз ҳолатини кузатиб боринг, уларни бошқаринг, банк мутахассислари ва ахборот операторлари билан маслаҳатлашинг марказига мурожаат қилинг, хизмат кўрсатиш учун сўровларни исталган банк филиалларида қолдиринг ёки бошқа хизматларни олиш. Деярли ҳар 24 соатлик ҳудудда банкоматлар мавжуд нақд пулни қабул қилиш функцияси картангизга нақд пулни жойлаштириш ва ёки валюта айирбошлаш ва бошқалар. Бу йўналиш йирик шаҳарларда фаол ривожланмоқда.

4) Эквайринг - дўконлардаги терминаллар. Ҳозиргача улар ишлаб чиқаришмаган Ғарбдан фарқли ўлароқ, МДҲ нақдсиз тўловларида инқилоб давлатлар, аммо катта шаҳарларда ушбу терминаллардан фойдаланиш аллақачон мавжуд деярли ҳамма жойда. Ҳозирда, фақат Пластик карталардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз операцияларнинг 35%, ва албатта банклар ушбу тўловлар улушининг кўпайишига умид қилмоқда.

Келажакда рақамли ривожланиш сиёсатини ишлаб чиқиш зарур, дунёнинг рақамли ривожланиши шароитида миллий банк тизим охир-оқибат банк жараёнлари, стандартларга асосланган жамият банк ва коммуникация ускуналари, дастурий таъминот, хизматлар, тарифлар, банк маълумотлари ва хизматларига кириш, банк маълумотларининг хавфсизлик масалаларига аниқ

жавоб топилиши шатр акс ҳолда рақамли инқилоб инсонлар бошига кулфат келтириши мумкин. Сўнгги йилларда мамлакатимизда тобора кўпроқ молиявий ва технологик стартаплар пайдо бўлди тўловлар соҳасида, краудфандинг ва краудфандинг технологияларидан фойдаланган ҳолда молиявий операциялар, қулай хизматларни таклиф қиладиган тадбиркорлар учун Интернет-порталлар электрон бизнес ва молиявий менежмент ривожланди. Буларнинг барчаси фақат бошланишдир мамлакатимиз банклари ва молия компаниялари бориши керак бўлган йўлда муайян имтиёзлар ва имкониятларни олиш, аста-секин очиш янги сегментлар ривожлантириш, кенг соҳада тажрибани жорий этиш учун халқаро электрон молиявий технологияларни қўллаш. Кучли рақамлашишда омон қолиш учун анъанавий молия институтларига шу керакки доимий равишда ўзларининг хизматларини рақамлаштириш, мобил телефонлардан кенг фойдаланиш дастурлар яратиш, шунингдек булутли технологияларни кенгроқ қўллаш. Энди буларнинг асосий мақсади банк хизматларининг электрон фойдаланиш учун мавжуд бўлиши дунёнинг исталган бурчагидан туну кун пул операциялари. етакчилик қилиш муваффақиятли электрон молиявий бизнес, банклар қаерда қандай ишлашлари керак уларнинг потенциал мижозлари кўп бўлиши учун нималар қилиши керак, янги хизматлар нималар бўлиши мумкин, ижтимоий тармоқлардан қандай фойдаланиш керак деган масалаларга ечим топиши зарур.

Банк фаолиятини рақамлаштиришга комплекс ёндашув зарур бизнинг фикримизча, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- SWOT
- банк имкониятларини таҳлил қилиш (кучли ва заиф томонларни аниқлаш ва имкониятлар ва таҳдидлар)
- фаолиятни рақамлаштиришни режалаштиришни такомиллаштириш ва банкнинг ташкилий тузилмаси;
- мавжуд ва потенциал фаолият йўналишларини ўрганиш рақамлаштириш;
- янгиларини ривожлантириш мақсадида финтеч стартаплари билан фаол ҳамкорлик қилиш ва банкнинг мавжуд маҳсулот ва хизматларини такомиллаштириш;
- янги нарсаларни жалб қилиш ва мавжудларини сақлаб қолиш бўйича ишларни кучайтириш
- замонавий инновацион маҳсулотлар ва хизматларнинг истеъмолчиларини кўпайтириш;
- мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича доимий мониторинг.

Банк ишини рақамлаштиришнинг асосий мақсади –юқори фойда олишга қаратилган хизматлар соҳасида мижозлар учун максимал қулайликка эришиш. Рақамли банк маҳсулотларининг жозибадорлиги белгилари: юқори ишончлилик, рентабеллик ва албатта сифат.

бунга барча ишини самарали бошқариш мувофиқлаштирилиши билан эришиш мумкин банкнинг асосий хизматлари: операцион ва технологик (таърифи ва янги маҳсулотлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжни қондириш, тармоқни оптималлаштириш филиаллар ва бўлимлар, янги ускуналарни жорий

этиш ва замонавий технологиялар) жараёнларни рақамлаштириш асосий вазифадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти 2019-йил 5-ноябрь ЎРҚ-580-сон

2. “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 й. ПФ-6079-сон Фармони

3. Гулямов С.С. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. Т.: “Иқтисод Молиа” нашриёти, 2019. 386 бет.

4. Лапидус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией.–М.:ИНФРА-М,2018.-381 с.

5. Ходиев Б. Ю. Цифровая экономика в Узбекистане. //Мировая экономика, 2017, №12

6. Гаврилов Л. П. Электронная коммерция: учебник и практикум для вузов / 3-е изд., доп. Москва : Издательство Юрайт, 2019. -477 с

7. https://www.elibrary.ru/

Есенкулов Б.Р – *ДБА тингловчиси*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МАСОФАВИЙ ХИЗМАТЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ.

Мамлакатимизда қисқа вақт мобайнида миллий тўлов тизими инновацион ахборот технологияларини тадбиқ этиш натижасида шакллантирилди. Ҳозирги пайтда ҳамма тижорт банклари ҳизматлар тури сифатида амалга ошираётган-пластик карточкалар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоблар фаолияти амалга оширилмоқда. Шу билан бирга банклараро тўлов тизими фаолият кўрсатмоқда. Бундай тизим натижасида, халқаро ва миллий ҳисоб китоблар вақтида амалга ошириш, пул-кредти сиёсатини самарали тадбиқ қилиш,пул оқимининг бошқарилишига салмоқли таъсир кўрсатиш.

Масофадан банк хизматларини кўрсатиш барча банкларда амалга оширилиб, анъанавий банк хизматини (масофадан) хизмат кўрсатувчи “Банк мижоз” тизими тадбиқ этилган. Лекин бу дастурдан фойдаланишнинг имкониятлари чекланган чунки “Банк-мижоз” тизимини қўллашда муайян иш жойига боғланиш ҳамда ихтисослаштирилган дастурлардан фойдаланиш зарурдир. Шу сабабли интернет тармоғи ва оддий браузер, яъни мижозни тармоққа киришини таъминловчи кенг тарқалган дастур орқали ишлашини таъминловчи онлайн-банкинг (интернет-банкинг) тизими кенг қўлланилади.

Бундай қўлланиладиган тизимдан фойдаланганда хавфсизлик ҳамда ахборотни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, интернет орқали узатиладиган ахборотлар тизими махсус протоколлар бўйича шифрлананиб, электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

Банк хизматларидан фойдаланадиган мижоз қаерда бўлишидан қатъий назар, интернет тармоғи орқали банк хизматидан фойдаланиши мумкин, яъни

замонавий ахборот технологияларига асосланган интернет-банкинг тизими орқали масофавий хизмат турлари амалга оширилмоқда.

Бу тизим ёрдамида банк мижози ўз ҳисобварағи бўйича банк амалларини бажариш учун банкка мурожат қилмасдан, интернет ижтимоий тизими орқали хоҳлаган ҳудудида, хоҳлаган пайтда бажариш имкониятига эга бўлади ҳамда ҳисобварақларида ҳисобининг ҳолати, маблағнинг келиб тушиши манбаи ва вақти, тўловларнинг акс эттирилиши каби амаллар ҳақида маълумотларни тўлиқ олиши мумкин. Бу эса мижоз учун ўзининг вақти ва маблағини тежаш каби ҳамда манзилнинг узоқ-яқинлигига қарамасдан банкни ихтиёрий равишда танлаш ва ўз ҳисоб варақаларидаги маблағларини тезкор бошқариш афзалликларини яратади имкониятларига эга бўлади.

Тижорат банклари кучли, ишончли ва юқори самарадорликка эга бўлган платформалар асосида ахборот технологиялари ютуқларини банк фаолиятига дадиллик билан татбиқ қилиб, улар асосида мукаммал дастурлар яратмоқда, ахборот тизимлари инфраструктурасини ривожлантирмоқда. Бундай чора тадбирлар ўз навбатида, Республикамиз банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитини юзага келтириб, банк хизматлари турлари сифатини ошириб, иннавацион банк хизматларини жорий этишга қаратилган ишларни давом эттиришга даъват этмоқда.

Нақд пулсиз тўловлар миқдорининг ўсиш динамикаси, товар ва хизматлар учун тўловларнинг банкоматлар воситасида амалга оширилишини таъминлаб, банк пластик карточкалари воситасида кўрсатилаётган хизматлар кўлами ва инфраструктурасининг кенгайиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Миллий тўлов тизимида ахборот тизимини ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга оширишни таклиф қиламиз.

- аҳолига хизмат кўрсатадиган ҳамма турдаги транспорт воситаларида (метро, транспорт, шаҳарлараро транспорт, вилоятлараро маршрут, такси ва бошқалар) йўлкира ҳақларини банк пластик карточкалари ёки махсус электрон транспорт карталари ёрдамида тўлаш кўламини кенгайтириш.

- Чакана ва улгуржи савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган тўлов терминалларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш

мақсадида аҳоли томонидан “Ишонч телефонлари”дан фойдаланишни тарғиб қилиш ва такомиллаштириш.

-банк пластик карточкалари орқали электрон тижорат тўловларини амалга ошириш ва бу тизимни такомиллаштириш мақсадида электрон тижорат билан шуғулланувчи ташкилотлар сонини ошириш;

-банк карталари ёрдамида тўловларни амалга оширишни ва такомиллаштиришни янада ривожлантириш ҳамда тизим инфраструктурасини кенгайтириш мақсадида муомалага қўшимча равишда банк пластик карточкаларини жорий қилиш ҳамда тўлов терминаллари, банкомат ва инфокиосклар жойлаштириш керак.

Оилавий карточкалар амалиётининг такомиллашмаганлиги барқорор банк ресурсларининг пасайишига ва банк даромадининг камайишига сабаб бўлмоқда. Оилавий карточкаларнинг муомалага киритилиши Жаҳон банки томонидан

мамлакатларни доимий баҳолаб борувчи doing business рейтингида юртимиз номи юқори поғоналарга кўтарилишига сабаб бўлади.

Оилавий карточкалар муомаласини кенг кўламли йўлга қўйиш орқали мактаб карточкаларини ҳам ишга тушириш, оилавий карта эгаси бўлган оила аъзоларига ўзларининг ҳар ойлик маошидан ўтказилиб жамғарилаётган оилавий картадаги маблағлар суммасининг маълум бир қисмида овердрафт кредитларини бериш мумкин. Уларга қулайлик яратиш мақсадида картасидаги сумманинг маълум бир фоизини нақд пул кўринишида ечиб олишига кенг имконият яратилади. Шунда ота-оналар фарзандлари истаган дизайнда мактаб карталарини фарзандларига тақдим этишига, ўқувчиларнинг ўз мактаблари ва унинг яқинидаги маълум бир савдо шохобчаларида чегараланган маҳсулотларини сотиб олишларига имкон беради. Бу аҳолининг саводхонлигини янада ошириб, ота-оналарга фарзандлари харажатларини SMS хабар орқали доимий назорат қилиш имкониятини яратади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида бозор механизмларининг мустаҳкамланишига кенг шарт-шароит яратиши ва миллий банк тизимининг ривожланиш тенденцияларидан гувоҳлик берадиган кўрсаткичлардан бири ахборот технологиялари ва коммуникацион тизимлар (банк-мижоз, интернет-банкинг, мобиль-банкинг, SMSбанкинг ва бошқалар)ни республика миқёсида доимий кенгайтириб бориш бўйича ишлар барча банклар томонидан тизимли амалга оширилишидир.

Ахборот технологиялари ва коммуникацион тизимларни республика миқёсида доимий кенгайтириб бориш бўйича ишлар барча банклар томонидан тизимли амалга оширилиш чора-тадбирлар қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- тижорат банклари фаолиятини амалга ошириш, тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини жорий этилга халқаро андоза ва меъёрлар асосида такомиллаштириш.

- банкларнинг ликвидлигини янада ошириш, депозит базасини кенгайтириш ва диверсификациялаш, активлар, жумладан, кредит портфели сифатини янада яхшилаш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини ривожлантириш.

- банкларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ролини янада кучайтириш орқали бу соҳанинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини ривожлантириш;

- кўрсатилаётган банк хизматлари йўналишларини қўпайтириш ва сифатини яхшилаш, хусусан, банк инфратузилмасини ривожлантиради.

- мамлакатимиз тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг агентликлари юқори рейтинг баҳоларининг олиниши ҳамда мунтазам равишда янгилаб борилишига эришишна таъминлаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий ёрдам бериш бўйича ишларни янада фаоллаштириш;

- молия-банк тизими фаолиятининг қонунчилик базасини халқаро андоза ва тамойиллар асосида янада ривожлантириш керак.

Зулфикаров Ф.Ю. *– ОБМ тингловчиси*

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОРҚАЛИ ҒАЗНАЧИЛИК НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Ахборот технологиялари орқали назорат ва бухгалтерия органлари самарадорлигини ошириш масаласи бугунги кунда жуда долзарб бўлиб турибди. Мақолада молиявий назорат ва ахборот технологиялари ўртасидаги боғлиқлик очиб берилган. Давлат молиявий назорати самарадорлигини ошириш бевосита замонавий ахборот технологияларининг кенг жорий қилинишига боғлиқ. Ғазначилик тизимининг ривожланиши, унинг тобора ўсиб бораётган талаблари ва молиявий имкониятлари ғазначилик органларининг ахборот тизимларини автоматлаштиришга ёндашувларни ўзгартирмоқда. Ғазначиликни бошқариш тизимини ривожлантириш ва ғазначилик органларида автоматлаштирилган ахборот тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар муаллифи.

Молиявий назорат ва янги ахборот технологиялари инсон фаолиятининг икки ёъналиши бўлиб, улар ўртасидаги алоқалар кенг ва кўп қиррали. Замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали давлат молиявий назорати самарадорлигини ошириш бугунги кунда назорат органлари, шу жумладан ғазначилик органлари фаолиятининг устувор ёъналишларидан бири ҳисобланади.

Ғазначилик органлари назорати ишларининг самарадорлигини ошириш шартларидан бири барча даражаларда бюджет ижросини бошқариш учун истиқболли ва самарали автоматлаштирилган ахборот тизимини яратишдир. Бундай тизимнинг асосий мақсади - барча даражадаги ғазначилик органларининг ўзаро алоқаларини мувофиқлаштириш ва таъминлаш, асосий операцияларни автоматлаштириш, бюджетнинг пул оқимлари устидан назоратни кучайтириш мақсадида алоқа ва маълумотларни узатиш тизимини ташкил этиш.

Ғазначилик органларида битта операцияни тегишли ҳужжат тузмасдан амалга ошириш мумкин эмас. Замонавий компютер технологияларининг жорий этилиши (ишлаб чиқарувчи компютерлар, серверлар, ахборот узатиш воситалари) ғазначилик органларида электрон ҳужжат айланмасини ташкил этишга ёрдам берди, бу автоматлаштирилган ахборот тизимларида электрон ҳужжатларни узатишни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш схемаси ҳисобланади. Ушбу схема сизга бюджет маблағлари ҳаракатини онлайн режимида кузатиб боришга имкон беради ва шунга мувофиқ, пул оқимлари ўтишини самарали назорат қилишга ёрдам беради.

Бюджет жараёнини автоматлаштиришнинг дастлабки босқичлари «Бюджет» AWП синф тизимларини жорий этиш билан боғлиқ эди. Бундай тизимларнинг асосий имкониятлари бухгалтерия ёзувлари ва аналитик ва синтетик бухгалтерия ёзувларини шакллантиришга қисқартирилди. Кейин турли хил ихтисослашган, бир-бирига таққосланмаган ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган турли хил дастурий таъминот модуллари, шу жумладан «Ғазначилик» модули пайдо бўлди, бу нафақат маълум вазифаларни, балки ишнинг айрим ёъналишларини ҳам автоматлаштиришга имкон берди. Шу билан бирга, бюджет

соҳасини доимий равишда ислоҳ қилиш ва бюджетни ижро этиш ғазначилик тизимига қонунчилик билан тартибга солиниши янада жиддий автоматлаштиришни талаб қилди.

Ғазначилик тизимининг ривожланиши, унинг тобора ўсиб бораётган талаблари ва молиявий имкониятлари ғазначилик органларининг ахборот тизимларини автоматлаштиришга ёндашувларни ўзгартирмоқда. Ахборот технологияларини модернизатсия қилиш ғазначилик органлари фаолияти самарадорлигини оширишда, айниқса уларни бошқариш функтсиялари соҳасида муҳим омил ҳисобланади. Ғазначилик органларида автоматлаштирилган ахборот тизимининг дастурий таъминотига қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш зарурати.

2. Таҳлил қилиш, башорат қилиш ва бошқариш имкониятини таъминлаш учун фойдаланувчининг интерфаол режимда ахборот ресурслари билан ўзаро таъсирини ташкил этиш.

3. Автоматлаштирилган ахборот технологияларини кўп даражали ва кўп тармоқли хусусиятларини таъминлаш учун тармоқ функтсияларининг асосий дастурий воситаларининг мавжудлиги.

4. Турли хил дастурий воситаларни бирлаштириш имкониятини таъминлаш.

5. Молиявий маълумотни рухсатсиз киришдан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш.

Тизим нафақат иш ёъналишларини автоматлаштириши, балки барча ходимларнинг барча иш соҳаларига таъсир кўрсатадиган ғазначилик органларининг барча фаолиятини динамикада симулятсия қилиши керак. Автоматлаштирилган тизим бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувни бошқаришдаги янги тендентсияларга, қонунчилик базаси ва функтсионал фаолиятидаги ҳар қандай ўзгаришларга динамик равишда, осон ва мослашувчан тарзда мослаша олиши керак.

Ушбу талаблар уч даражали мижоз-сервер архитектурасида автоматлаштирилган тизимни яратиш орқали таъминланади:

• фойдаланувчи даражаси турли хил ходимларнинг турли хил иш жойларини ўз ичига олади ва тизимда сақланадиган маълумотларнинг инглг. Асосий ушбу даражадаги талаб энг тушунарли ва фойдаланишда қулай интерфейсни яратиш;

• Ахборотни қайта ишлаш даражаси тизим мантиғини белгилайди; тизимдаги маълумотларни қайта ишлашнинг амалдаги қонунчилиги ва ғазначилик органининг қоидаларига тўлиқ мос равишда маълум бир тартиб ва тартибини созлашингиз мумкин;

• Ахборотни сақлаш қатлами барча тизим маълумотларининг бирлигини ва яхлитлигини сақлайди.

Автоматлаштирилган ахборот тизими уни ривожлантириш ва ўзгартириш учун воситалар мавжудлиги нуқтаи назаридан очиқ бўлиши керак. Замонавий методология ва дастурий воситалар ушбу имкониятни тақдим этади. Улар CACE

- технологиялари деб номланади ва дастурий таъминотни яратиш ва уларга хизмат кўрсатишни автоматлаштиришга имкон беради.

Ғазначилик органларида автоматлаштирилган ахборот тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан маълумотларни қайта ишлашнинг техник воситаларидан фойдаланишни ташкил этиш услубига боғлиқ.

Ғазначилик алоқа тизимини янада ривожлантириш энг сўнгги автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланишга асосланган ва ғазначиликнинг таркибий бўлинмалари ўртасида ишончли овозли, модемли ва факсимил алоқани таъминлашга қодир бўлган ягона телекоммуникатсия тизимини яратишга олиб келиши керак. ўзаро таъсир қилувчи тизимлар ва муассасалар билан алоқа. Бундай тизимни яратиш қуйидаги ёъналишларда амалга оширилиши керак:

1. Ғазначиликнинг турли хил аппарат-дастурий комплексларини бирлаштириш - юқори тезликдаги алоқа каналлари орқали бир-биридан узоқда жойлашган маҳаллий компютер тармоқларини бирлаштириш.

2. Электрон ҳужжатларни бошқариш тизимининг кичик тизимини яратиш, бу нафақат электрон ҳужжатларни бир фойдаланувчидан бошқасига ўтказишни, балки уларни қайта ишлашни автоматлаштиришни (ҳисобга олиш, сақлаш, ҳужжатларни жамоавий ишлаб чиқиш технологияси ва бошқалар) ўз ичига олади. қулай график муҳитни яратиш.

3. Юқори самарали аппарат ва дастурий таъминотдан фойдаланиш, замонавий мижоз-сервер меъморчилигини амалга ошириш асосида дастур ишлаб чиқиш.

4. Ахборотни қайта ишлаш ва узатиш пайтида маълумотларнинг хавфсизлигини ва криптографик ҳимоясини (шифрлаш, кодлаш орқали) таъминлаш.

5. Корпоратив компютер тармоғини қуриш асосида автоматлаштирилган ғазначилик тизими доирасида ягона ички ахборот муҳитини яратиш.

Шуни таъкидлаш керакки, компютер технологиялари ва ахборот узатиш тизимларининг жадал ривожланиши билан бирга, ахборот хавфсизлиги ва ҳимоясини таъминлаш муаммоси тобора долзарб бўлиб қолмоқда.

Ахборот технологиялари орқали назорат ва бухгалтерия органлари самарадорлигини ошириш масаласи бугунги кунда жуда долзарб бўлиб турибди. Ахборотлаштириш назорат ва бухгалтерия органлари фаолиятига, шу жумладан, ғазначилик органлари фаолиятига, айниқса улар назорат функтсияларини амалга оширишда кўп томонлама таъсир кўрсатади.

Ғазначилик бюджетининг ижроси билан хазина барча бюджет даромадлари ва харажатлари, ҳар бир бюджет маблағларини олувчиларнинг тўловлари тўғрисида маълумотларнинг асосий эгасига айланади.

Ушбу маълумотларнинг таркибий таҳлили назорат ва бухгалтерия органларига бюджет лойиҳалари экспертизасини яхшироқ ўтказиш, бошқа эксперт ва таҳлилий тадбирларни амалга ошириш имконини беради.

Бюджетлараро алоқалар устидан назоратни амалга оширишда ҳар хил даражадаги назорат ва бухгалтерия тизимлари ва ғазначилик тизимларининг

таркибий таҳлили ва ахборот билан ўзаро таъсири катта аҳамиятга эга. Шундай қилиб, бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш схемасининг таркибий таҳлили назорат ва бухгалтерия органларига қарши молиявий оқимларни минималлаштириб, уларни амалга оширишнинг мақбул усулларини таклиф қилишда ёрдам бериши мумкин.

Бундай маълумотлар базаси назорат қилувчи орган фаолияти ва ҳар қандай талаб қилинадиган даврлар тўғрисида ҳисоботларни тайёрлаш жараёнини осонлаштириши мумкин; янги назорат чораларини режалаштириш ва уларни амалга ошириш учун ходимларни жалб қилиш; аниқланган қонунбузарлик ва камчиликларни бартараф этиш бўйича текшириш объектларида кўрилган чоралар самарадорлигини кузатиш. Бундай маълумотлар базасининг маълумотлари, шунингдек, давлат молиявий назорати органининг назорат фаолияти натижаларини умумлаштирилган таҳлил қилиш, бошқариладиган молия тизимидаги одатдаги камчиликларни аниқлаш, молия тизимининг энг яқин бўлган алоқаларини аниқлаш учун ишлатилиши мумкин. назоратчиларнинг диққатлари. Бу иқтисодий фирибгарлик, моддий ва молиявий соҳадаги қонунларни бузиш имкониятларини тубдан камайтиради. Давлат органларидан маълумотларни йиғиш, узатиш ва қайта ишлашнинг ягона тизими давлат иқтисодий хавфсизлигини яхшилашга ҳисса қўшадиган давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳаракатларини мувофиқлаштириш имкониятларини сезиларли даражада оширади.

Бюджет соҳаси учун ягона ахборот маконини барпо этишнинг асосий ёъналиши, бизнинг фикримизча, нафақат бюджет ҳисоби ва назоратини, балки бюджетни бошқариш тизимини ҳам оптималлаштиришни таъминлайдиган бюджетнинг хазина ижроси жараёнини тўлиқ автоматлаштиришдир. қабул қилинган қарорларнинг кечикиши натижасида ёъқотишларни камайтириш орқали соҳа.

Шундай қилиб, ғазначилик назорати самарадорлигини ошириш учун, бизнинг фикримизча, ахборот технологиялари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

• электрон ҳужжат айланишини қуриш;

• CACE технологияларидан фойдаланиш;

• «Клиент-сервер» уч босқичли архитектурада автоматлаштирилган тизим;

• ғазначилик органларининг автоматлаштирилган ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигининг илғор усуллари ва воситаларидан фойдаланиш;

• бюджетни ижро этиш жараёнининг барча иштирокчиларини ягона ахборот технологиялари занжирига бирлаштириш;

• занжирдаги маълумотларни қайта ишлашнинг технологик оқимларини ташкил этиш ва мослашувчан созлаш имконияти;

• давлат бошқаруви ва молиявий назорат органларининг ягона ахборот ресурслари тизимига қўшилиш ва шу асосда давлат бошқаруви ва назорат органларининг янги ахборот маконини яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Иқтисод ва молия журнали 2016, 6 55-бет http://uzscite.uz/wp-content/uploads/2020/01/54-64.pdf

2. П.А.Жданчиков. Казначейство. Автоматизированные бизнес-технологии управления финансовыми потоками. 2010.

3. Ваҳобов А., Бурхонов У., Жумаев Н. Чет мамлакатлар молияси. Янги аср авлоди. 2003. 327б.

4. Болтабоев Т. Давлат харажатларини бошқаришда ғазначилик тизими аҳамияти. // Бозор, пул ва кредит. 2003. №6. 43-44б.

Кенжабаев А.Т. *– ОБМ Маркетинг ва рақамли иқтисодиёт кафедраси мудири, и.ф.д., проф.,*
Ниёзов М.Ш. *– ОБМ докторанти*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЎЗ-ЎЗИНИ БАНД ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

Рақамли технологияларнинг йилдан йилга такомиллашуви жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларида эркин бандликни таъминлаш имкониятларини кенгайтирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 28 апрелдаги, ПҚ-4699-сонли Қарори асосида 2023 йилга келиб рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2 бараварга кўпайтириш назарда тутилган. Компьютерлаштиришга асосланган ишлаб чиқариш омиллари мобил, ихчам ҳамда арзон ҳолда компьютер тармоқлари узоқ масофада меҳнат фаолиятини олиб бориш ва унинг натижаларини масофадан туриб узатиш имконини бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек: “...рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлма-син, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради”. Умумжаҳон тенденциялари ва ташқи сиёсатда рўй бераётган ҳодисалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон олдида глобал рақобатбардошлик ва миллий хавфсизлик масаласи турибди ва ушбу масалани ҳал қилишда мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш муҳим роль ўйнайди.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви, кишилик жамиятига турли таҳдидларнинг пайдо бўлиши (COVID-19 ва бошқалар), бозорларнинг рақобат қилиш даражасининг ошиши, глобал инқироздан чиқиш шароитида юқори даражада муаммолар, ишлаб чиқариш борасидаги технологик модернизациялашувининг жадаллашуви ишчи кучидан фирмалар, давлат ва ходимларнинг ўзлари

томонидан фойдаланишда максимал мослашувчанликни объектив равишда тақозо қилмоқда. Дунё иқтисодиётида 2020 йил жуда оғир синов йили бўлиб тарих зарварақаларида жой олди, лекин баъзи компаниялар соф даромади мисли кўрилмаган даражада ошиб чўққини забт этди. Мисол учун Zoom иловаси яқинда тарихдаги барча рекордларни «синдириб», биринчи ўринга чиқиб олган эди. Мазкур видеоконференциялар сервиси 31 август куни ўзининг молиявий ҳисоботини эълон қилди ва ундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришди, чунки карантин даврида барча дунё, давлатлар, ташкилотлар миқиёсидаги учрашувлар, йиғилишлар онлайн ўтказишга мажбур бўлишди.

Ҳисоботда қайд этилишича, Zoom жорий йилнинг иккинчи чорагида ўз даромадини 664 миллион долларга етказган; бу эса ўтган йилга нисбатан 355 фоизга ошиш, деганидир. Шунингдек, компаниянинг соф фойдаси ҳам ўсиб, салкам 186 миллион долларни ташкил етган.

Булардан ташқари, Zoom сервисининг мижозлар базаси ҳам ошган – ҳозирда 370 мингдан ошиқ компания видеоалоқа воситаси сифатида айнан ундан фойдаланади. Таъкидлаш керакки, бу – ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 458 фоизга юқори кўрсаткичдир.

Молиявий ҳисобот эълон қилингач, Zoom аксиялари қимматлаб кетди ва натижада унинг қиймати 32 фоизга ошди. Пировардида компания асосчиси Эрик Юан бир кунда нақ 5,2 миллиард долларга бойиди. Карантин даврида жуда кўп кишилар ўз уйларида ўтириб интернетдан максимал даражада фойдаланиб Zoom иловаси орқали ўз-ўзларини иш билан таъминладилар, мисол тариқасида ижодий касблар вакиллари (дизайнерлар, муҳаррирлар), уйда ишловчи ёлланма ишчилар (мактаб ўқитувчилари, ОТМ профессор-ўқитувчилари, лицейлар, коллежлар, аудиторлар, бухгалтерлар, ҳуқуқшунослар, таржимонлар) ва электрон ўз-ўзини иш билан банд қилган бошқа касб вакилларин келтириш мумкин.

Электрон бандлик тарихига назар солсак, биринчи мартта Дж. Ниллес (ўтган аср 70-йилларининг боши) томонидан тасвирланган замонавий интернет технологиялари, ишга ёллаш бўйича масофавий (remote work) деб аталган меҳнат модели пайдо бўлиши ва ривожланишига, бошқа томондан эса, электрон меҳнат бозорига юқори малакали мутахассислар мустақил киришини, яъни электрон ўз-ўзини иш билан таъминлаш моделини амалга оширишга олиб келади. Агар биринчи моделда ходим ўз ишчи кучини (ишлаш қобилиятини) иш берувчига анъанавий равишда таклиф қилиб сотса, фрилансер тайёр хизматни, асосан ахборот хизматини сотади. Рақамли иқтисодиёт шаклланиши шароитида янги бандлик моделлари институционаллашуви объектив равишда, бандлик соҳасида янги тенденциялар пайдо бўлишини, яъни унинг дестандартлашуви ва флексибилизацияси (меҳнатдан фойдаланишнинг юқори даражада мослашувчанлиги) ни белгилайди.

Албатта, электрон ўз-ўзини иш билан таъминлаш билан бирга, анъанавий шаклларда ўз-ўзини иш билан таъминлаш, масалан, ижодий касблар вакиллари сақланиб қолади. Шунинг учун электрон ўз-ўзини иш билан таъминлаш ҳанузгача рақамли (ахборотлашган) иқтисодиёт институти сифатида кўрилмаган, у умумий “ўз-ўзини иш билан таъминлаш” деб аталган кенг тушунча

таркибига киритилган, масалан, қишлоқ хўжалигида норасмий бандлик сифатида бўлиб, анъанавий фаолият билан боғлиқ бўлган.

Яқинда пайдо бўлишига қарамай, электрон иш билан бандлик институционаллашмоқда, чунки аниқ қоидалар ва амал қилиш механизмлари пайдо бўлмоқда.1999 йилда фрилансерлар ва уларга иш берувчиларнинг талаб ва таклифини мувофиқлаштирувчи биринчи Elance.com биржаси янги расмий институт сифатида пайдо бўлганди.

Бундай муассаса мавжудлиги шахсий муносабатларни чеклайди (баъзида умуман йўқ қилади) ва Интернет орқали ҳамкор қидириш, музокаралар (ёзишмалар) олиб бориш, ишнинг якуний натижасини юбориш/олиш ва амалга оширилган иш учун тўловни қабул қилиш/тўлаш имконини беради. Бундай масофавий бандлик биржалари хизматларини жисмоний шахслар, мустақил ходимлар (уй хўжаликлари) ҳам, тадбиркорлик субъектлари ҳам – кичик, ҳам катта бўлган минглаб иш берувчиларни кўрсатадилар.

COVID-19 пандемияси электрон бандликни институционаллаштириш жараёнини тезлаштиришда қўшимча омилга айланди: анъанавий иш ўринларини қисқартириш кўпчиликни мустақил мутахассислар сифатида қайта ўқиб, бошқа мутахассисликни эгаллаш ва фирмаларни масофавий иш билан таъминлашга мажбур қилмоқда. Электрон ўз-ўзини иш билан таъминлашни расмий муассасага айлантириш учун уни қонунчиликка киритиш лозим. Ҳозирча бу янги қонун фақат электрон бандликка фақатгина битта компонентига, яъни масофавий бандликка тааллуқлидир. Масофадан туриб ишлайдиган ходим ишга қабул қилиниши учун зарур бўлган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши мумкин бўлади. Ходим интернет орқали турли ҳужжатлар билан ҳам танишиши мумкин. Бундай ҳолда масофавий ишга ёлланувчи ходим меҳнат кодексига мувофиқ, иш берувчининг бошқа ҳар қандай ходими билан бир хил ҳуқуқларга эга бўлади, лекин шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, улар иш вақти ва дам олиш вақтини ўз хоҳишига кўра тақсимлаши мумкин бўлади. Бир қатор фрилансерлар учун электрон ўз-ўзини иш билан банд қилиш бандликнинг фақат ягона шакли ҳисобланади, баъзилари учун эса, у иккинчи даражали, яъни асосий иш жойига қўшимча сифатида бўлади. Электрон ўз-ўзини иш билан банд қилишни янги ташкил этиш концепцияси нуқтаи назаридан, Ч. Хэнди уни шахс “иш портфели” нинг таркибий қисми сифатида ва бошқа фаолият турлари билан бирлаштирилганини характерлайди.

Ўзбекистонда электрон бандлик шакллари масофавий бандлик (телеишчилар[1], бошқа ижодий касблар вакиллари (дизайнерлар, муҳаррирлар), уйда ишловчи ёлланма ишчилар (мактаб ўқитувчилари, ОТМ профессор-ўқитувчилари, лицейлар, коллежлар, аудиторлар, бухгалтерлар, ҳуқуқшунослар, таржимонлар) ва электрон ўз-ўзини иш билан бандлар (фрилансерлар)ни ўз ичига олади. Албатта, электрон бандлик анъанавий бандлик модели ўрнини

[1]Дж.Ниллес томонидан киритилган “телеишчилар” тушунчаси бир мунча эскирган бўлсада, у фирмаларда масофавий ишлайдиган махсус категория ишчиларни характерлайди, улар ўз ўрнида ўз меҳнат функцияларини иш берувчи билан интернет орқали бажаради.

босмайди, балки унга тўлдирувчи сифатида вазифани бажаради. Шу сабабли электрон бандлик институционаллашуви муҳандислик таълими нуфузини ошириш, дастлаб норасмий равишда пайдо бўлган ушбу институтни Қонунчилик билан расмийлаштириш орқали инсон капитали сифатини яхшилаш ва жамиятда ишонч даражасини ошириш учун асос бўлиб, хизмат қилади.

Ўзбекистонда бир қатор хусусий фирмалар ва Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги электрон бандлик масалалари билан шуғулланади. Иш қидирувчилар учун вазирлик веб-сайтида (https://mehnat.uz/ru#) онлайн тартибда иш қидириш бўйича бир қатор хизматлар мавжуд. Сайтда бўш иш ўринларини топиш, резюме яратиш, касб ва компаниялар бўйича иш қидириш, кенгайтирилган қидирувни амалга ошириш ва резюмеларга мисоллар кўриб чиқиш имконини берувчи бўлимлар ва бир қатор функциялар мавжуд. Иш берувчилар учун алоҳида вазирлик сайтда рўйхатдан ўтиш ва бўш иш ўринларини жойлаштиришни ҳамда мавжуд маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда ходимлар қидиришни таклиф этади. Бугунги кунга келиб, сайтда 87633 та жорий бўш иш ўринлари сони жойланган, 42972 та компания рўйхатдан ўтказилган.

Вазирлик, шунингдек, чет элда иш қидирган ва ишлашни истаган фуқаролар учун онлайн ёрдам беради. Бунинг учун хорижда ишлаш истагида бўлган фуқароларнинг умуммиллий маълумотлар базаси яратилган. Ҳар ким шаклни тўлдириши мумкин ва маълумот чет элга жўнатишда иштирок этадиган компанияларга тақдим этилади. Ариза тўлдирилгандан сўнг, компания чет элда иш таклиф қилиш учун ариза берувчи билан боғланиши мумкин.

